Олим 15 та баҳр (*тавил, мадид, басит, вафир, комил, ҳазаж, ражас, рамал, сари, мунсариҳ, ҳафиф, мудори, муқтадаб, мужтасс, мутақориб*)ни яратди ва уларни 5 та доира (*мухталифа, муталифа, мужталиба, муштабиҳа, муттафиқа*)га жамлади.

Халил ибн Аҳмад ўзининг «Аруз илми қомуси» номли асари пайдо бўлгунига қадар араб шеърляти назарияси, таҳлилига оид бирорта илмий тадқиқот бўлмаган. Лекин, афсуски, ушбу асарнинг асл нусхаси бизгача етиб келмаган. Халилнинг шогирдлари томонидан кўчирилган айрим қисмлари мавжуд. Бироқ, сўнги йилларда ушбу асарнинг нусхасини тиклашга араб арузшунослари ҳаракат қилишяпти. 1980 йилда олимлардан Муҳаммад Саид Асбар ва Муҳаммад Абу Али асарнинг замонавий тилдаги деярли тўлиқ вариантини яратишди<sup>3</sup>. Бундан ташқари, Маҳмуд Мустофонинг Халил ибн Аҳмаднинг арузга оид асарига бағишланган “Аҳда сабил фи ‘илм ал-Халил” (“Халил илмида ягона йўл”) номли асари Қоҳирада чоп этилган<sup>4</sup>.

Шубҳасиз, Халил ибн Аҳмаднинг хизмати фақатгина араб шеърлятидаги барча вазнларни классификация қилганлигида эмас, балки баҳрларнинг бири-бирига боғлиқлигини назарий жиҳатдан кўрсатиб бериш учун уларни беш доирага жамлаганлигидадир.

Янги яратилган илм шу даврнинг ўзида барча олимларнинг катта қизиқишини уйғотди. Олимларнинг қайд этишича, VIII-IX асарларни ўзида арузга оид турли хил муаллифларга тегишли 20 га яқин асарлар яратилган. X асрдан

<sup>1</sup> محمود مصطفى، اهدى سبيل إلى علمي الخليل، العروض و القافية، القاهرة، 1971

<sup>2</sup> Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотих ал-улум” асарида поэтика. – Т.: ТошДШИ, 2001. –Б.7.

<sup>3</sup> محمد سعيد أسير، محمد أبو علي، الخليل، معجم في علم العروض، بيروت، 1980

<sup>4</sup> محمود مصطفى، اهدى سبيل إلى علمي الخليل، العروض و القافية، القاهرة، 1971



бошлаб эса, арузшунослик ёзма шаклда намоён бўлди<sup>1</sup>. Қуйида ўрта аср олимларининг аруз илмига бағишланган асарларига асос вазифасини ўтаган манбаларни санаб ўтмоқчимиз.

Халил ибн Аҳмаддан сўнг яратилган илк манба **Абул Ҳасан ал-Ахфаш** (830 в.)нинг “Китаб ал-‘аруд” асаридир. У ўз даврининг машҳур нахвшунос, филолог олими эди. Абулаббос ас-Саолибий маълумот беришича, ал-Ахфашнинг нахв, аруз ва қофия илмига бағишланган асарлари кўп бўлган<sup>2</sup>. Бизга маълум бўлган шеършуносликка оид асарлари “Китаб ал-‘аруд”, “Китаб ал-Қавафий” (“Қофия илми”), “Китаб ма‘аний аш-шеър” (“Шеър маънолари”). Ал-Ахфаш ўзининг “Китаб ал-‘аруд” асарида Халил ибн Аҳмаднинг барча қарашларини тўлиқ қабул қилган. Фақатгина аруз баҳрлари сонини ўн олтигага етказди ва у баҳрни “Мутадорак” деб номлади. Ал-Ахфаш асарда бошқа арузга оид манбалардан фарқли ўларок, “Байтлар тақтеъси” мавзусини тадқиқ қилмаган. Мазкур асар 1998 йили Саййид ал-Баҳровий томонидан тадқиқ қилинган<sup>3</sup>.

**Абу Исҳоқ аз-Зужаж** (890 в.) нинг аруз илмига оид «Китаб ал-‘аруд» номли асари мавжуд. Ушбу асар Халил ибн Аҳмад ва ал-Ахфашдан сўнг арузга доир энг қадимги манбалар доирасида учинчи ўринда туради. Асарнинг ягона қўлёзмаси Истанбулдаги Жаруллоҳ Афанди кутубхонасида №1834 рақами остида сақланади. 1978 йили ушбу қўлёзма ҳақида илк маълумотни доктор Ниҳад Муҳаммад Жаттан беради<sup>4</sup>. Сўнг 1980 йилда доктор Рамазон Шишнинг “Туркия кутубхоналарида сақланувчи араб тилидаги нодир қўлёзмалар” каталогида мазкур қўлёзманинг қисқача таърифи берилади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Броккелманн ва Фуад Сезгиннинг машҳур каталогларида эса қўлёзма тўғрисида маълумот мавжуд эмас. 2004 йилда доктор Сулаймон Абу Ситта томонидан тадқиқ этилган. Аз-Зужаж асарида баҳрлар мавзусини ёритишда Халил ибн Аҳмадга эргашса, зиҳоф мавзусида эса, ал-Ахфашнинг изидан боради, лекин, мутадорак баҳрини рад этади. Асарда нафақат аруз илми қоидалари баён этилади, балки араб шеърининг назарияси жуда чуқур ёритилган. Шунингдек, шеър, маъоний, калом илмларини таҳлил қилишда устози Сибавайҳининг сўзларини, Қуръон оятларидан мисол қилиб келтиради. Аз-Зужажнинг «Китаб ал-‘аруд» асарида бошқа “Китаб маъаний ал-Қур’ан” (“Қуръон маънолари”), “Шарҳ абйат Сибавайҳи” (“Сибавайҳи байтларининг шарҳи”), “Иштиқок” (“Этимология”) каби асарлари ҳам мавжуд<sup>5</sup>.

**Исҳоқ ал-Жаримий ал-Басрий** (840 в.)нинг «Китаб ал-‘аруд» асари. Ал-Мубаррадининг замондоши ал-Жаримий нахв, фикҳ, ҳадис, адаб илмларини мукаммал билган. Абу Муҳаммад ал-Тузиний, Абу ал-‘Аббос ал-Мубаррад, Абу Усмон ал-Мазинийлар эса унинг энг машҳур шогирдлари бўлган. У ал-

<sup>1</sup> Фролов Д.В.Классический арабский стих. История и теория аруда. –М.: Наука. – 1991. С. –7.

<sup>2</sup> بهيجة باقر الحسنی. القسطاس في علم العروض. طبع في النجف 1980. ص 32

<sup>3</sup> كتاب العروض لأبي الحسن سعيد بن مسعدة الأخفش، تحقيق ودراسة: سيد البحراوي، ط 1، دار شرقيات للنشر والتوزيع، القاهرة، 1998 م

<sup>4</sup> مجلة الجامعة، الموصل، العدد 1، 1978 م

<sup>5</sup> سليمان أبو ستة. كتاب العروض للزجاج. مجلة الدراسات اللغوية، الرياض، مملكة العربية السعودية. 2004



Ахфаш, ал-Асмайи каби машхур олимларнинг шогирди бўлган. Унинг “Мух-тасар фи ан-наҳв” (“Наҳвга оид кичик китоб”), “Абния” (“Архаик сўзлар илми”) номли асарлари бизгача етиб келган<sup>1</sup>.

**Абу ал-‘Аббос ал-Мубаррад** (825- 899)нинг арузга оид “ал-‘Аруд” номли асари мавжуд. Басралик ал-Мубаррад наҳв, балоға, фасоҳат илмларининг машхур билимдони эди. У Абу Усмон ал-Мазиний ва Абу Ҳатим ал-Сижистонийларнинг шогирди бўлган. Ал-Мубарраднинг “ал-Камил”, “ал-Музаққар ва ал-муаннас”, “‘Ироб ал-Қура’н” (“Қуръон иъроби”), “Шарҳ шавахид ал-китаб” (“Шавахидлар шарҳи”) номли асарлари мавжуд. Олимнинг “ал-‘Аруд” асарида шеър илми, аруз назариясининг асослари, ҳамда араб шоирларнинг шеърларидан жуда кўплаб намуналар келтирилган<sup>2</sup>.

**Абу Бакр Ибн ас-Саррож** (928 в.)нинг “ал-‘Аруд” номли асари. Боғдолик аллома Ибн ал-Саррож Басралик олимлардан ал-Мубаррад ва ал-Зужажнинг шогирди бўлган. Ибн ал-Саррож наҳв, сарф, фикҳ, шеър илмлари бўйича замонасининг кўзга кўринган олимларидан эди. Унинг “Усул фи ан-наҳв” (“Наҳв асослари), “Илал ан-Наҳв” (“Наҳвдаги ноқисликлар”), “аш-Шеър ва аш-Шуаъро” (Шеър ва шоирлар), “ал-Иштиқоқ” (“Этимология”) каби асарлари мавжуд. “Ал-‘Аруд” асарининг ҳозирча ягона нусхаси Мағриб мамлакатининг миллий кутубхонасида сақланади (№127)<sup>3</sup>. Асарнинг муқаддима қисми аввал сабаб, ватад ва фосилалар таърифидан бошланади, сўнг асл тафийлалар ва доиралар ҳақида қисқа маълумот берилади. “Тақтиъ аш-шеър” бобида 15 та баҳрга берилган анъанавий шеърий байтларни тақтиъси билан келтирилган, ҳар бир баҳрнинг зиҳофларини таърифлар билан баён қилинган. Ибн ал-Саррож аруз илмини ёритишда Халил ибн Аҳмад изидан боради.

**Абу ал-Ҳасан ал-‘Арудий** (921 в.)нинг “ал-Ҳами’ фи ал-‘аруд ва ал-қавафий” (“Аруз ва қофия илмининг мажмуъи”) асари. Асарнинг ягона қўлёзмаи Тунис кутубхонасининг қўлёзмалар фондида сақланади. Ал-‘Арудий ушбу асарнинг муқаддимасида Абу Исҳоқ ал-Зужажнинг шогирди эканлигини қайд этади. Асарда аруз илмининг барча мавзулари тўлиқ ёритилган, бошқа асарлардан ўзига хослиги эса, асарда аруз элементларини таҳлил қилишда муаллиф лингвистик усулда моҳирона ёндашган ҳамда Халил ибн Аҳмад ва Ал-Ахфашнинг қарашларини мулоҳаза қилиб, ўз фикрларини баён қилади. Ушбу асар Байрутда профессор Зуҳайр Ғамазий Зоҳид ва Ҳилал Нажиб томонидан тадқиқ қилинган<sup>4</sup>. Ал-‘Арудийнинг мазкур асаридан ташқари “Ғорийб ал-Қур’ан” (“Қуръондаги ноёб сўзлар”) ва “ал-Аллафат ал-қат’ ва ал-васл” (“Тақтиъ ва васлдаги атамалар”) номли асарлари ҳам мавжуд.

<sup>1</sup> طه علي محمد عبدالرازق. آراء الجرمي في شرح المفصل وموقف ابن يعيش. المجلد التاسع من العدد الحادي والثلاثون لحوالية كلية الدراسات الإسلامية والعربية للبنات بالإسكندرية.

<sup>2</sup> THE KAMIL OF EL-MUBARRAD. Edited by W.Wright. Leipzig, 1864.

<sup>3</sup> كتاب العروض لأبي بكر بن السراج. تحقيق الدكتور عبد الحسين الفتلي. مجلة كلية الأدب، ع.15، بغداد، 1972.

<sup>4</sup> الجامع في العروض و القوافي. أبو الحسن العروضي. تحقيق الدكتور زهير زاهد و هلال ناجيب. دار الجليل، بيروت 1996.



**Ибн ‘Абду Раббихи** (860-940) “ал-‘Иқд ал-фарид” (“Ноёб маржон”) асари “Араб адабиётига оид китобларнинг оналаридан бири” деб қадрланади. Ибн ‘Абду Раббих Андалусиянинг илм ва маданият маркази Кордова шаҳрида туғилган бўлиб, Андалусиянинг энг машҳур олимларидан эди. Устозлари Ибн Ваддох, Яхё ибн Яхё, Зиряблар бўлишган. “Ал-‘Иқд ал-фарид” асари катта ҳажмдаги антология бўлиб, 25 та бобдан иборат. Ҳар бир боб қимматбаҳо тошлар номи билан (дур, марварид, гавҳар) аталган<sup>1</sup>. Унда VII-VIII асрлардаги араб халифалиги тарихи ва адабиётига оид қимматли маълумотлар берилади<sup>2</sup>. Антологиянинг аруз илмига оид бўлими ундан кейин ёзилган кўплаб арузга оид асарларга асос бўлиб хизмат қилган.

“Ал-‘Иқд ал-фарид”нинг аруз илмига бағишланган боби *كتاب الجوهرة الثانية في أعراب الشعر* (“Шеър арузлари ҳақида иккинчи гавҳар”) деб номланади. Ибн ‘Абду Раббих аруз таълимотини икки қисмга ажратган ҳолда: аввал назарий қисм (فرش) сўнг мисоллар (أمثال) бериш орқали ўрганишни маъқул кўрган.

Аруз асосларини эслаб қолишга осон бўлиши учун назарий қисмни “Уржуза” жанрида (ражаз баҳрида ёзилган шеър) тақдим қилади ва уни бешта фаслга ажратади. Биринчи фаслда мутаҳаррик ва сокин ҳарфлар ҳақида фикр юритади. Иккинчи фаслда сабаб ва ватадларни таърифлайди. Унда муаллиф 8 та асл рукнларни санаб, ушбу рукнлар сабаб ва ватадлардан ҳосил бўлишини таъкидлайди. Лекин, анъанавий арузшуносликда мавжуд фосилага тўхталиб ўтмайди. Учинчи фасл, зиҳофларга бағишланган. Тўртинчи фаслда эса, аруз ва дарбларнинг илалари ҳақида фикр юритилади. Бешинчи фаслда бешта арузий доираларнинг номлари ва уларга кирувчи баҳрлар ҳақида маълумот берилади.

Амалий қисмни эса яхши англаш учун насрда баён қилади. Ушбу қисмни аруз дарблари 63 та бўлгани учун 63 та бўлакга ажратган. Унда, ўн бешта баҳр доира қондасига мувофиқ тартибда таърифланиб, ҳар бир баҳрнинг зиҳофларига алоҳида мисралар мисол қилиб берилади. Ушбу шеърий мисолларни тақдим қилишда Халил ибн Аҳмад танлаган шеърий байтларни келтиради.

**Соҳиб ибн ‘Аббод** (936-995) “Иқна” фи-л-‘аруд ва қавафих” (“Арузга ва қофияга оид тавсия”) асари. Асарнинг 2 та қўлёзма нусхаси аниқланган бўлиб, унинг қадимий нусхаси Париж миллий кутубхонасида (№6047) сақланади, яна бир нусхаси Қоҳирадаги Қўлёзмалар институтида мавжуд<sup>3</sup>. Манбаларда ёзилишича, у аруз илмидан ҳижрий IV асрдаги катта олимлардан бўлган Абулфадил ибн ал-Умайд (ҳиж. 360 в.) ва Абу Саид ас-Сийрафий (ҳиж.368 в.)дан дарс олган. Асарда муаллиф Халил ибн Аҳмад изидан бориб ўз асарида мутадорик баҳрини тан олмайди ҳамда Халил келтирган шеърий байтларни мисол қилиб беради. Лекин, зиҳофларни таърифлашда мустақил ёндашади. Мазкур асар Ўрта асрлар араб аруз назарияси бўйича атрофлича ва тўлиқ маълумот бериб, классик араб арузи тўғрисида тасаввур ҳосил қилади.

<sup>1</sup> المعقد الفريد لمحمد بن عبد ربه الأندلسي. تحقيق الدكتور محمد سعيد العريان. دار الكتب العلمية. بيروت، 1983.

<sup>2</sup> Исламская цивилизация. История и современность. Коллектив авторов. Мовквва, 2016.

<sup>3</sup> الاقناع في العروض للصاحب ابن عباد. تحقيق الشيخ محمد حسن آل ياسين. الكاظمية.





**Ибн Жинний** (1002 в.)нинг “Мухтасар фи ал-‘Аруд” асари. Тўлиқ исми Абу ал-Фатҳ Усмон ибн Жинний ал-Мўсулий. Унинг устозлари Абулфараж ал-Исфажоний, Абул Аббос ан-Наҳвий, Абу Али ал-Фарисийлар бўлишган, ҳамда ал-Мутанаббий ва аш-Шариф ар-Радийлар унинг дўстлари бўлишган. Манбаларда ёзилишича, унинг 67 та асарлари мавжуд бўлиб, улардан бизга маълум бўлганлари “Сирру сина‘ат ал-‘ироб” (“Иъроб санъатининг сири”), “ат-Талкин” (“Талкин”), “ат-Та‘ақиб” (“Изоҳлар”), “ал-Кафий” кабилардир. У адаб илмида серқирра ижод этган олимлардан ҳисобланади. “Мухтасар фи ал-‘Аруд” асарининг қўлёзмалари Британия музейида, Берлин (№7108), Вена (№222), Туркия ҳамда Тунис (№18610) миллий кутубхоналарида сақланади. Рус шарқшуноси Д.Фроловнинг 1991 йилда нашр қилинган “Классический арабский стих. История и теория аруда” номли монографиясида қуйидаги маълумотни келтиради: “Хасрнинг энг йирик филологларидан бири бўлган Ибн Жиннийнинг арузга бағишланган асарини ҳали ҳануз нашр қилинмаганлиги арузшуносликнинг жиддий муоммоси ҳисобланади”<sup>1</sup>. Лекин, изланишлар натижасида мазкур асарни илк маротаба 1972 йилда доктор Ҳасан Шазилий Фарҳуд илмий истефодага олиб кирганлиги<sup>2</sup>, 1989 йилда эса доктор Аҳмад Фузий ал-Ҳайб асарнинг бир неча қўлёзмаларини топиб, қиёсий-текстологик тадқиқ қилганлиги маълум бўлди<sup>3</sup>.

Ибн Жинний арузга оид асарида араб шеърияти ҳақида, аруз илми ҳақида, баҳрлар сониди, доиралар таркибини таърифлашда Халил ибн Аҳмаднинг йўлидан боради. Асарнинг таркибий қисми қуйидагича: аруз таърифи, шеър таърифи, жузвлар (сабаб, ватад, фосила), тақтиъ мавзуси, асл рукнлар (8 та рукнлар иккига ажралган, бири беш ҳарфлилар, иккинчиси етти ҳарфлилар), аруз ва дарбларнинг сони, доиралар таърифи, баҳрлар таркиби (зиҳоф ва иллалари билан)дан иборат.

**Ибн Рашийқ ал-Қайрований** (1071 в.) “ал-‘Умда фи маҳасин аш-шеър ва адабиҳи” (“Шеърият гўзалликлари ва одоби ҳақида таянч асар”) асари. Ибн Рашийқ Мағрибда туғилган бўлиб, устозлари Ибн Жаъфар ал-Қазаз ва Ибн Иброҳим ан-Наҳшилийлар бўлишган. Унинг адаб илмига оид энциклопедик асари “ал-‘Умда” 30 та қисмдан иборат бўлиб, шеъриятга оид 59 та фасл мавжуд.<sup>4</sup> Асарнинг қўлёзма нусхалари Мисрда 2 та нусхаси, Тунисда 1 та нусхаси сақланади. Асар аруз илмига махсус бағишланмаган бўлса-да, арузга оид бобининг ўзидаёқ араб арузи, вазн, рукнлар, арузий доиралар, баҳрлар ва уларнинг зиҳоф ва иллаларига муносабат муаллифнинг арузшуносликда ўз ўрнини қолдириши учун асос бўлди.

**Абу ал-Жайш ал-Ансорий ал-Андалусий** (1229 в.)нинг “Ар-рисала ал-андалусийя” асари<sup>5</sup>. Ушбу асарнинг қўлёзма нусхаси Саудия Қироллиги университетида № 82 рақами остида сақланади. Айрим манбаларда асар номи

<sup>1</sup> Фролов Д.В. Классический арабский стих. История и теория аруда. –М.: Наука. – 1991. С. –8.

<sup>2</sup> العروض. لابن جني. تحقيق الدكتور حسن شاذلي فرهود. بيروت، 1972

<sup>3</sup> كتاب العروض لأبي الفتح عثمان بن جني النحوي. تحقيق أحمد فوزي الهيب. الكويت، 1989

<sup>4</sup> العمدة في محاسن الشعر و آدابه لابن رشيق القيرواني. محمد محي الدين عبد الحميد. دار الجليل، سوريا، 1981

<sup>5</sup> الرسالة الأندلسية. أبو الجيش الأنصاري الأندلسي. جامعة الملك سعود. 1957.



“Илал ал-а‘арийд” (“Арузларнинг иллалари”) деб ҳам ёзилган<sup>1</sup>. Рисола мухтасар шаклда, назмда ёзилган бўлиб, унда араб арузидаги 16 шеър бахрлари ҳамда уларнинг аруз ва дарблари ҳақида маълумот келтирилади. Қасида 65 байтдан иборат бўлиб, ал-Андалусий арузий бахрларга мисол келтиришда анъанавий такрорланиб келадиган қадимги араб шоирлари қасидаларидан олинган шеърини байтлардан фойдаланмасдан, ўзи яратган оригинал байтларни тақдим қилади. Бу байтларнинг ўзига хослиги бахрга мисол қилиб берилган байтнинг биринчи сўзи ўша бахрнинг номи ёки ўзагидан олинган сўз билан бошланади. Муаллиф ушбу бахрларни арузи ва дарблари сонини ва кетма-кетлигини аён қилиш учун абжад ҳисобидан моҳирона фойдаланган. Шунингдек, олимнинг яна бир аруз вазнига бағишланган назмий асари мавжуд. Асар “Қасида ал-Хазражийя” ёки “Ар-Рамиза аш-Шафийя илм ал-аруз ва ал-қофия” деб номланади ва у 100 байтдан иборат бўлиб, тавил баҳрида ёзилган. Асарнинг қўлёзма нусхалари Токио университетида №1243<sup>2</sup>, Ал-Азҳар ал-Шариф университетида № 2212 рақами остида сақланади. Маълумот ўрнида шуни қайд этиш керакки, Абу ал-Жайш ал-Андалусийнинг “Ар-рисала ал-андалусийя” асари Ўрта Осиёлик олимларнинг ҳам эътиборини қозонган. Чунончи, Шайх Аҳмад Тарозийнинг шеършуносликка оид туркий тилдаги “Фунун ал-балоға” асарига назарий асос вазифасини ўтаган манбалардан бири Абу ал-Жайш ал-Андалусийнинг “Ар-рисала ал-андалусийя” асари эканлигини баён қилади<sup>3</sup>.

**Садриддин Усман ас-Савий** (658 в.)нинг “Қасида ал-Хусна” номли қасидаси. Ушбу асар “‘Аруд ас-Савийя” номи билан ҳам машҳур. Қасида 306 байтдан иборат бўлиб, тавил баҳрида ёзилган. Мазкур асарга бағишланган шарҳлар, таълиқотлар жуда кўп. Қасида анъанавий муқаддимадан кейин, мутаҳаррик ва сокин ҳарфлар, уларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида фикр юритилади. Сўнг, жузвлар, рукнлар ва бахрлар таърифи баён этилади.

“Қасида ал-Хусна”нинг қўлёзма нусхалари Саудиядаги Умм ал-Қуроъ университетида, Британия музейида, Боғдоднинг Авқоф кутубхонасида ва Германиянинг Лейпцик университети фондида сақланади<sup>4</sup>.

**‘Абд ал-Ваҳҳоб аз-Занжаний** (1262 в.)нинг “Ми‘йар ан-назор фи ‘улум ал-аш‘ар” (معيار النظر في علوم الأشعار لعبد الوهاب الزنجاني) “Шеър илмларининг ўлчами”) асари. ‘Абд ал-Ваҳҳоб аз-Занжаний Озарбайжонда туғилган бўлиб, олимнинг тўлиқ исми манбаларда ‘Абд ал-Ваҳҳоб ибн Иброҳим ибн ‘Абд ал-Ваҳҳоб ибн Абу ал-Ма‘алий ал-Хазражий ал-Мосулий ан-Наҳвий аз-Занжаний деб келади. Энг машҳур асарлари: “Тасриф ал-‘иззи”, “Шарҳ ал-ҳади”, “Шарҳ аш-шафийя”. Унинг “Ми‘йар ан-назор” асари услубан мухтасар йўсинда уч қисмга бўлинган: аруз илми, қофия илми ва бади‘ илми. Асарнинг қўлёзмалари Қоҳирада (Дар

<sup>1</sup> "علل الأعراب" كتاب أبو الجيش الأنصاري وكتاب <http://www.habous.gov.ma/daouat-alhaq/item/2712>

<sup>2</sup> [http://ricasdb.ioc.u-tokyo.ac.jp/daiber/fra\\_daiber\\_I.php?vol=1&ms=45&txtno=1243](http://ricasdb.ioc.u-tokyo.ac.jp/daiber/fra_daiber_I.php?vol=1&ms=45&txtno=1243)

<sup>3</sup> Юсупова Д. Темурийлар давридаги арузга доир рисолаларнинг киёсий таҳлили. Монография. – Т.: “ТА’ЛИМ-MEDIA”, 2019. – Б. 46

<sup>4</sup> القصيدة الحسنة لصدر الدين عثمان السّاوي. اعتنى بها مسطفي محمد. 2016



ал-кутуб ал-Мисрийя фонди №136), Истанбулда (Куприйли кутубхонаси фонди №1392), Дублинда (Честер Битти кутубхонаси фонди) ва Боғдодда (Ал-Авқоф кутубхонаси фонди №1722) сақланади<sup>1</sup>. 1991 йили Ризқ ал-Хафажи томонидан Қоҳирада нашр қилинган. Ушбу асардаги адаб илмларининг баён қилиш услуби Хатиб Табризийнинг “Ал-Вафи фи ал-аруд ва ал-қовафи” асари билан қиёсланади. Лекин, шуниси қизиқки, “Ми‘йар ан-назор фи ‘улум ал-аш‘ар” асарининг манбалари орасида Рашид ад-Дин Ватвот (1182–1183 в.)нинг “Хадо‘иқ ас-сихр фи дақо‘иқ аш-ши‘р” (“Шеърининг сеҳр боғлари”) асари мавжуд<sup>2</sup>. Бу эса аз-Занжанийнинг форс тилини ҳам мукамал билишидан далолат беради.

Араб шеършунослигининг ривожланишида хизматлари беқиёс бўлган, Мавароуннаҳрлик бир қанча алломалар ҳам аруз илмига оид асарлар ёзишган. Улардан Абу Наср Фаробий, Ибн Сино, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Исмоил ал-Жавҳарий, Абу Хафс Насафий, Маҳмуд Замахшарий ва Юсуф Саккокийнинг асарлари жуда аҳамиятли.

IX аср иккинчи ярмида яшаб ижод этган, “иккинчи муаллим” номини олган файласуф аллома **Абу Наср Форобий** (879-950)нинг “Калом фи-ш-шеър ва-л-қафови” (“Шеър ва қофиялар ҳақида сўз”), “Китоб аш-шеър” (“Шеър китоби”), “Рисола фи қавонийн синоати аш-шуъаро” (“Шоирлар санъати қонунлари ҳақида рисола”) номли асарлари мавжуд бўлиб, уларда муаллиф шеърининг таъсир кучи доираси хусусида сўз юритди. Шеърнинг мусиқа билан боғлиқлиги ҳақида салмоқли фикрлар айтган<sup>3</sup>.

Табобатга оид китоблари билан машҳур бўлган **Абу Али ибн Сино** (980-1037) “Фанну-ш-шиър” (“Шеър санъати”) асарида: “Шеър – бу такрорланувчи, вазн ва урғуга эга бўлган, бир – бирига қофиядош байтлардан ташкил топган, кишининг энг нозик туйғуларига таъсир этувчи нутқдир”, - деган экан<sup>4</sup>. Арузнинг ражаз баҳрида ёзилган табобатга оид “ал-Уржуза фи ат-тиб” (“Тиббиётга оид уржуза”) номли асар унинг қаламига мансубдир.

**Абу Наср ибн Ҳаммод Жавҳарий** (940-1007)нинг “‘Аруд ал-Варақати” («‘Аруд саҳифалари») асари. Айрим манбаларда ушбу асарининг ягона қўлёзмаси Истанбулдаги Атиф Афанди кутубхонасида сақланади, (№1991) деб ёзилади<sup>5</sup>. Лекин, Мағриблик олим Муҳаммад Аламининг “‘Аруд ал-Варақати” бағишланган тадқиқотида асарнинг Робот давлат хазинасида сақланувчи №930 рақамли қўлёзмадан фойдаланганлигини айтади<sup>6</sup>. Натижада Жавҳарийнинг

<sup>1</sup> الزنجاني، حياته و مصانفاته. محمود يوسف فجال. الأعلام. جامعة الإمام محمد بن سعود الإسلامية. 1996.

<sup>2</sup> The Encyclopaedia of Islam. (New edition) suppl. Vol.12, Brill, Leiden 2004. P-841

<sup>3</sup> Аристотель. Поэтика. Масъул муҳаррир И. Султон. Русчадан М.Маҳмудов таржимаси. Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. Б. 127

<sup>4</sup> فن الشعر مع ترجمة الترجمة العربية القديمة و سروح الفارابي و ابن سينا و ابن رشد. محقق عبد الرحمن بدوي. القاهرة 1953. أرسطوطاليس.

<sup>5</sup> Қаранг: Калиева Ш.С. Творчество Исмаила ал-Джаухари и его место в арабской филологии, АҚД, - Т., 2002; 1994. أرضروم. أرسطوطاليس. أرسطوطاليس. أرسطوطاليس. أرسطوطاليس.

<sup>6</sup> عروض الورقة لأبي نصر إسماعيل بن حماد الجوهري ت 393 هـ ، تحقيق : محمد العلمي ط1 ، دار الثقافة \_ دار البيضاء ، 1984 / هـ 1404



“Аруд ал-Варақати” асарининг икки қўлёзмаси мавжуд бўлиб, бири Истанбулда, бири Робот шаҳрида сақланиши маълум бўлди. Атиф Афанди кутубхонасида сақланувчи қўлёзма ҳақидаги илк маълумот турк олими Ниҳад Четиннинг 1978 йилда ёзилган мақоласида берилган<sup>1</sup>. 1994 йилда унинг шогирди Муҳаммад Саъди Чугунли асарни нашр қилган<sup>2</sup>.

У ўзининг арузга доир асарида аруз фанини ислоҳ қилиб, 16 баҳрни 12 баҳрга келтиради. Шу боис тарихда уни “аруз илмининг ислоҳотчиси” деб аташган. Кўпгина арузга доир рисоалар ёки қомусий асарларнинг арузга оид бобларида аруз баҳрлари ҳақида тўхталганда, фақат биринчи кўринишигагина мисол келтириб, нуқсонли тармоқ рукнлардан ташкил топган вазнлар қандай кўринишда бўлиши айтилади. Мисоллар билан таъминланмайди. Ал-Жавҳарий эса қадимги ва ўзига замондош шоирлар асарларидан ҳар бир кўринишга намуналар бериб, қайси зихоф таъсир қилганини ҳам кўрсатиб ўтади. Унинг фикрича, аруз шеърнинг мезони бўлиб унинг фойдалари учта:

1. Шеърни маълум бир мусиқий оҳангда ўқилганда завқ бағишлайди.
2. Аруз вазни туфайли Қуръонни шеърдан фарқ қилиш мумкин.
3. У шеърда нима керак ва нима керак эмаслигини маълум қилади. Унинг иллатлари ҳам кўрсатиб ўтилади.

Муқаддима қисмида 7 та мавзу ҳақида сўз боради. Улар сабаб ватад, фосила, жузлар, тактеъ, зихоф ва баҳрлардир. Муаллиф ёзишича асл рукнлар 7 тадир:

فاعلتن مفاعيلن مستفعلن مفاعلتن متفاعلتن فاعلتن فاعولن

Унинг фикрича *مفعولات* тўғри рукн эмас. Агар тўғри рукн бўлганда ундан содда баҳр таркиб топарди, - дейилади.

Жавҳарий аруз вазнини биров бўлса ҳам соддалаштириш мақсадида 16 та баҳрни 12 та баҳрга туширади. Таҳлил этилган шеъринг парчалар ҳам кўпроқ мусаддас, мураббаъ шаклларидадир. У баҳрни “боб” деб атайди. Шулардан еттита содда, бештаси мураккабдир. Баҳрлар ҳақидаги маълумотни беришдан олдин қуйидаги осонлаштирувчи маълумотларни беради. Унинг ёзишича:

1. Мутақориб ва ҳазаж рукнларидан **тавил** баҳри ясалган.  
فاعولن مفاعيلن
2. Ҳазаж ва рамал рукнларидан **мудорӣ** пайдо бўлган  
مفاعيلن فاعلاتن
3. Рамал ва ражаз рукнларидан **хафиф** баҳри ташкил топган  
فاعلتن مستفعلن
4. Ражаз, мутадорик рукнларидан **басит** яралган.  
مستفعلن فاعلتن
5. Рамал, мутадорик рукнларидан **мадид** баҳри ҳосил бўлган.  
فاعلتن فاعلتن

<sup>1</sup> Nihad M. Çetin. “Aruz”, Türkiye Diyanet Vakfı İslam Ansiklopedisi, III, İstanbul, 1991.

<sup>2</sup> عروض الورقة لأبي نصر إسماعيل بن حماد الجوهري ، تحقيق : محمد السعدي جوكنلي. أرضروم. 1994



Ал-Жавҳарий тушуриб қолдирган баҳрлар ҳақида шундай изоҳ беради: “*Сариъ баҳри баситдан олинган, мунсарих ва муқтазоб баҳрлари эса ражас баҳридан олинган. Мужстас эса, хафифдан олинган*”.

Мазкур фикрларини исбот қилиш мақсадида ҳар бир баҳр унинг тармоқ кўринишлари ҳақида сўз кетганда, албатта Халил ибн Аҳмад фикрларини эслаб, “*мана шу кўринишини Халил сариъ деб атаган*” деган мулоҳазани билдириб ўтади.

Жавҳарий тавил баҳрига 7 та, мадид баҳрига эса 14 та, басит баҳрига ҳам 14 та, вафир баҳрига 11та, комил баҳрига 22та, ҳазаж баҳрига 10 та, ражас баҳрига 12 та байт мисол қилиб келтирган. Рамалда 8 та, хафифда 21 та, мудориъда 7 та, мутақорибда 12 та, мутадорикда 4 та шеърий мисол келтиради, бироқ байтлар қайси шоирга тегишли эканлигини қайд этмайди. Ушбу байтлар юқорида санаб ўтилган арузга оид манбаларнинг деярли барчасида такрорланадиган шеърий мисоллари билан бир хил.

Одатда аруз назариясига махсус ёзилган асарларда арузий доиралар келтирилган (Масалан: Абу Ҳафс Насафий ва Маҳмуд Замахшарий асарларида). Бироқ Жавҳарийнинг мазкур асарида доира ҳақида сўз ҳам бормайди. Бу билан олим арузни яна ҳам осонлаштиради.

Яна арабларда Жавҳарий ва Халил ибн Аҳмаднинг аруз назарияси ҳақида кўйидагича фикр мавжуд: “*انما وضعه الخليل و هذبه الجوهرى*” (*Халил уни (аруз илмини) асосини яратди, Жавҳарий эса уни бир тизимга солди.*) Бу жумладан кўришиб турибдики, Жавҳарий аруз илмининг ривожланишида катта рол ўйнаган.

Шундай қилиб, Абу Наср ибн Ҳаммоод Ал-Жавҳарий аруз назариясининг яқкаю ягона ислоҳ қилган олимдир. Ўрта асрлардаги арузга оид рисолаларнинг аксарияти Жавҳарийнинг “Аруд ал-Варақати” асарига мурожаат этилади. Чунончи, Ибн Рашийк ўзининг машҳур “ал-‘Умда” мажмуъасида мазкур асарни 11 марта тилга олади. Мазкур аруз назариясига оид асар мумтоз шеър вазнларини аниқлашда манба вазифасини ўташи мумкин.

**Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий** (997 в.)нинг “Мафътиҳ ал-‘улум” (“Илмларнинг қалитлари”) номли қомусий мажмуъаси биринчи бўлим бешинчи бобини аруз илмига бағишланган. Ушбу энциклопедик асар X асрда Сомонийларнинг учинчи вакили Нуҳ ибн Мансур ҳукмронлиги даври (975 – 997) да ёзилган. “Мафътиҳ ал-‘улум”нинг танқидий матни 1895 йилда голланд шарқшуноси Ван Флотен томонидан Лейден, Берлин ва Лондон шаҳарларидаги қўлёзмалар фондида сақланаётган бешта қўлёзма асосида тайёрланиб, нашр қилинган<sup>1</sup>. Ўзбек олимларидан М.Хайруллаев, Р.Баҳодиров ушбу энциклопедик асарнинг турли қирраларини таҳлил қилди<sup>2</sup>. Шунингдек, олима Мухлисахон Зиёвуддинова томонидан

<sup>1</sup> Van Vloten. Mafatih al-olum. Abu Abdullah Mohammed ibn Ahmed ibn Yousof al-Katib al – Khowarezmi. Luqduhi – Batavorum, 1985; С.Е. Bosuvorth . A Pioneer Arabic Encyclopedia of the Sciences al – Khowarezmi. Keys of the Sciences . Isis.vol. 54.part I, n175. March 1963.p.100; G.Sartun. Introduction to the history of Sciences, vol.I. Corneige institution of Washington. 1927.p.659;

<sup>2</sup> Хайруллаев М., Баҳадиров Р. Абу Абдуллаҳ ал-Хорезми X век. – М: Наука, 1988. – 144 с



Хоразмийнинг “Мафāтих ал-‘улум” асарининг биринчи бўлим бешинчи боби илмий тадқиқ этилган<sup>1</sup>. Унда олима аруз вазни, қофия илми, бадиъатшуносликка оид қисмларини таржима ва таҳлил этиб илмий истифодага киритган.

Хоразмий 8 та асл рукнларни келтиради, 15 та баҳрлар изоҳини беради ва баҳрларни “жинс” деб таърифлайди. Ҳар бир баҳрни фақат бир кўринишига шеърий мисол билан таъминлаган. Мазкур шеърий мисоллар анъанавий шаваҳидлар бўлиб, Жоҳилия давридаги шоирларга тегишлидир. Шу билан бирга қофия, унинг турлари, истилоҳларнинг келиб чиқиши, қўлланилиши ҳақида ҳам маълумотлар бериб ўтган<sup>2</sup>.

**Махмуд Замахшарий** (1075-1144)нинг “Ал-Қистос фи ‘илм ал-‘аруд” асари. Асарнинг тўлиқ номи “Ал-Қистос ал-мустақим фи ‘илм ал-‘аруз” (“Аруз илмида аниқ мезон”) бўлиб, рисола ўттиз уч бетдан иборат. “Ал-Қистос”нинг турли даврларда кўчирилган қўлёзмалари ҳозирда дунёнинг йирик кутубхоналари ва қўлёзма фондларида сақланмоқда. Унинг қўлёзмалари Берлин (Ms.ор.куарт. 118), Лейден (№654), Афина (№191:1), Халаб (№146), Ар-Риёд (№1242), Қоҳирада эса, учта (№60, 2, 1584) қўлёзма нусхалари мавжуд. Шунингдек, Анқара Миллий кутубхонасининг “Бурдур” фондида (№ 124-01), Истанбулдаги Сулаймония кутубхонасининг “Раис ал-кутуб” (№ 990), “Рашид Афанди” (№1117), “Лалели” (№1984), “Лала Исмоил” (№740), “Ҳолид Афанди” (№213), “Аё София” (№4525) фондларида, ҳамда Беязит давлат кутубхонасининг “Валиюддин Афанди” (№2934) фондида асарнинг қўлёзма нусхаси сақланади.

“Ал-Қистос” таркибий тузилиши “Янги яратилган вазнда араб шеъриятининг қурилиши”, “Шеър асослари”, “Шеър баҳрлари таркиби”, “Байтлар тақтиъси”, “Байт қурилиши”, “Арузий доиралар” каби фасллардан иборат.

Замахшарий ушбу рисолаи ёзишда аруз илмини асосчиси Халил ибн Аҳмад ва унинг издошлари кетидан борди. Аммо улардан фарқли ўлароқ “Ал-Қистос”да рукнларда содир бўлувчи ўзгаришлар зиҳоф ва иллаларга ажратилмаган. Ҳар бир асл рукндан нечта тармоқ рукнлар ясалиши ҳамда шу тармоқ рукнлар қайси қоидага мувофиқ ҳосил бўлганлиги ёритилган. Шунингдек, асарнинг байтлар тақтиъсига ажратилган қисмида баҳрларга берилган мисолларни ва аруз доираларини ичида келтирилган шеърий байтларни Замахшарий ўзи яратган бўлиб, байтлар баҳр номи билан бошланган. Бундай маҳорат билан ёзилган байтлар ҳеч қаерда берилмаган.

**Абу Хафс ан-Насафий** (1068 – 1142)нинг “Мухтасар ал-‘аруд ‘ала усул ал-ма‘руд” (“Арузга оид қисқа рисола”) рисоласи. XI – XII асрларда яшаб ижод этган насафлик аллома Абу Хафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафийнинг ЎзФА Шарқшунослик институтида сақланаётган “Матла’ ан-нужум ва мажма’ ал-‘улум” (“Юлдузларнинг чиқиши ва илмларнинг жам бўлиши”)

<sup>1</sup>Зиявиддинова М. Поэтика в “Мафатих ул улум” Абу Абдаллаха ал-Хорезми”, АКД. – Ташкент, 1990.

<sup>2</sup>Зиявиддинова М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотих ал-улум” асарида поэтика. – Т.: ТошДШИ, 2001. –Б.5.



номли қомусий мажмуасида 50 дан ортиқ асари жамланган. У ердаги арузга оид асари “Мухтасар ал-‘аруд ‘ала усул ал-ма‘руд” деб номланиб, у қўлёзманинг 302 а – 307 б саҳифаларини ўз ичига олган. Асарда 15 та баҳр берилган, ва ҳар бир баҳрга қадимги араб шоирларининг шеърларидан намуна келтирилган. Ушбу шеърлар бошқа арузга доир асарларда ҳам кузатилади. Асар қисқа бўлишига қарамай, асарда 5 та доира мукамал тарзда чизилган бўлиб, ҳар бир доираларга мисоллар берилган, шунингдек, асар сўнгида доиралар яна алоҳида бошқа мисоллар билан яхлит ҳолда берилган. Бироқ ундаги шеъррий мисоллар форс тилида. Бундан ташқари, Насафийнинг “Ихтилофлар ҳақида китоб” номли асари шеъррий йўл билан ражаз баҳрида ёзилган бўлиб, 2666 байтни ўз ичига олган. У ислом ҳуқуқшунослиги бўйича буюк имомларнинг фикрлари ўртасидаги ихтилофларга оид асардир.

**Юсуф ас-Саккокий** (1160-1229)нинг “Мифтāх ал-‘улум” (“Илмлар калити”) асари. XII аср охири XIII аср биринчи чорагида яшаб ижод этган хоразмлик аллома Абу Ёқуб Юсуф ибн Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ас-Саккокий томонидан “Мифтоҳ ал-улум” (“Илмларнинг калити”) асари ёзилди. Мазкур асарнинг I ва II бобларида муаллиф араб тили грамматикасини мукамал ишлаб чиқиб, унинг мантикий давоми сифатида III бобни “маъоний” ва “баён” илмларига бағишлади. Мазкур илмлар таркибига “Илм ал-истидлол” (“Далил келтирувчи илм”), “илм ал-бадеъ” (“Бадиият илми”), “Илм аш-шеър”, “Илм ал-қавофи”ларни ҳам киргизган. “Мифтоҳ ал-‘улум” асари шуҳрат топиб, унга Ҳожи Халифа (1606-1657)нинг “Кашф аз-зунун” асарида келтирилишича 70 дан ортиқ шарҳ, талҳис ҳошия ва таълиқотлар ёзилган<sup>1</sup>. Араб ва аҷам олимларининг таъкидлашларича, Юсуф ас-Саккокий бу асарида бадиият илми ҳақидаги кўп асрлик таълимотга илмий яқун ясаган.

Муаллиф асар муқаддимасида шундай изоҳ беради: “Мен ўз китобимга тилшунослик фанининг луғатшуносликдан ташқари зарур бўлган соҳаларини киритдим. Бутун морфология, тўлиқ синтаксисдан сўнг маъоний ва баён илмларининг ишлатилиш доирасини аниқ тушунтириб беришни зарур деб ҳисобладим. Уларни эгаллаш учун назм ва насрни таҳлил эта билиш кераклигини тушундим, айни вақтда, шоир аруз ва қофия илмларини билишга муҳтож эканлигига ишонч ҳосил қилдим”.

“Мифтоҳ ал-‘улум”нинг араб шеърятига бағишланган боби 5 та қисмга бўлинади: “Шеър баёни” (بيان المراد من الشعر), “Вазнлар тадқиқи” (في تتبع الاوزان), “Араб шеърятини вазнлари Халил нигоҳида” (في الاوزان أشعار العرب عند الحليل), “Зиҳофлар” (زحاف) ва “Аруз илми хотимаси” (خاتمة علم العروض).

Юсуф ас-Саккокий аруз илмини тадқиқ этишда, ўзидан олдинги олимларнинг арузга оид машҳур таърифларини зикр этади, айниқса, Халил ибн Аҳмад қарашларини ҳурмат билан тилга олади. Шу жумладан, Абу Исҳоқ аз-Зужажнинг фикрларини ҳам кўп ўринларда қайд этади, лекин у фикрларга

<sup>1</sup> حاجي خليفة. كشف الظنون. بيروت، المجلد الثاني. 1941 ج.2 ص. 1133



эргашмайди. Асарни биринчилардан бўлиб тадқиқ қилган олим Ақром Усман Юсуфнинг хулосасига кўра, Юсуф ас-Саккокий “Мифтоҳ ал-‘улум”нинг аруз ва қофия илмига оид қисмини баён этишда Хатиб Табризийнинг “Ал-Вафи фи ал-аруд ва ал-қовафи” асаридан кенг фойдаланган ва айрим ўринларда ундан иқтибослар келтирган<sup>1</sup>.

Асарда 10 та асл тафъилаларни бирма-бир баён қилади, аруз баҳрларидан эса 15 баҳрни таҳлил қилади. Баҳрларнинг ҳар бир кўринишига араб шоирлари шеърларидан намуналар келтириб, ҳар бир рукнга мослаб мисоллар тақте’ини беради. Бу эса шеърларни вазнга тўғри солиб ўқишга ёрдам беради.

“Мифтоҳ ал-‘улум” қўлёзмасининг 10 та нусхаси Ироқ давлат музейида сақланади (№8861, №28252, №3010, №767, №21239, №4417, №8780, №8704, №18803, №6795). Шунингдек, Қоҳирада яна бир нусхаси (№889) ва Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида №7843 рақамли нусхалари ҳам мавжуд. Қўлёзма нусхаларининг ичида энг қадимгиси Ироқ давлат музейидаги №8861 рақами остидаги нусха бўлиб, у ҳиж. 703 йилда кўчирилган<sup>2</sup>.

**Хулоса.** Аруз илмига оид ўрта асрларда яратилган манбаларни тадрижий таҳлил қилиш асносида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Аруз илми бошқа араб илмларидан ривожланиш жиҳатидан кескин фарқ қилади. Наҳв, сарф, балоғат ва луғат илмлари бир бутунлик, мукамаллик даражасига етишда йиллар, асрлар давомида ривожланиб, шаклланиб борган. Бироқ, аруз илми эса, Халил ибн Аҳмад ихтиро қилган вақтнинг ўзида мукамал илм даражасида бўлган. Халил ибн Аҳмаддан кейин ҳеч бир арузшунослар унинг аруз илми назариясини инкор этмаган ва ўз тадқиқотлари учун асос қилиб олганлар.

2. Халил ибн Аҳмаддан сўнг яратилган илк манбалар Абул Ҳасан ал-Ахфаш ва Абу Исҳоқ аз-Зужажларнинг аруз илмига оид рисоаларидир. Абул Ҳасан ал-Ахфаш ўзининг “Китаб ал-‘аруд” номли тадқиқотида Халил ибн Аҳмад назариясига таянади, фақатгина баҳрлар сонини яна биттага оширади. Абу Исҳоқ аз-Зужаж эса, ўн бешта баҳрни келтиради, зихофлар мавзусида ўз ёндашув ва қарашларини баён қилади. Жавҳарий эса, арузшунослик тарихида алоҳида ном қолдирган олимлардан ҳисобланиб, аруз илмини биринчи ислоҳ қилган олим сифатида эътироф этилади.

3. X асрларга келиб, арузнинг назарий асослари маълум антологияларда, энциклопедик асарларнинг шеър илмига оид бўлимларида намоён бўлди. Бундай мажмуъалар қаторига “ал-‘Иқд ал-фарид”, “ал-‘Умда фи маҳасин аш-шеър ва адабиҳи”, “Мафъаतिҳ ал-‘улум” ҳамда “Мифтаҳ ал-‘улум” каби машҳур асарларни киритиш мумкин.

4. Машҳур филологлардан Ибн ас-Саррож, Соҳиб ибн ‘Аббод, Ибн Жинний ва Маҳмуд Замахшарийлар аруз назариясини янада такомиллаштирган, ўз ёндашув ва мустақил қарашлари билан майдонга чиққан олимлар ҳисобланади.

<sup>1</sup> مفتاح العلوم لابي يعقوب يوسف السكاكي. نشره أكرم عثمان يوسف. جامعة بغداد 1981م. ص 8

<sup>2</sup> مفتاح العلوم ليوسف السكاكي. المحقق نعيم زرزور. دار الكتب العلمية، بيروت، 1987





Умуман олганда, юқорида санаб ўтилган араб арузига бағишланган манбаларнинг барчасида Халил ибн Аҳмад назариясига таянилган. Уларнинг барчасида аруз баҳрларига Халил ибн Аҳмад келтирган қадимги араб шоирларининг байтлари мисол қилиб берилган. Шу билан бирга, ҳар бир асар муаллифи арузшунослик ривожига, аруз илмининг назарий жиҳатдан мукамаллаштишига муайян тарзда ўз хиссаларини қўшдилар. Ушбу манбалар кейинги даврларда ёзилган аруз илмига доир арабий, форсий, туркий тиллардаги асарларга назарий асос вазифасини ўтаганлиги кузатилади. Шу нуқтаи назардан, юқорида номи зикр этилган асарларни монографик планда тадқиқ этиш бугунги кун арузшунослигининг долзарб масаласидир.

### ДЖУРАЕВА ФЕРУЗА

ўқитувчи, ТДШУ

#### Уммавийлар ҳукмронлиги давридаги сиёсий воқеликнинг адабиётга таъсири

**Аннотация.** Мақола қадим араблар тарихи, хусусан, халифалик ва уммавийлар асри сиёсий ҳаёти билан ушбу аср адабиёти ўртасидаги мутаносиблик масалаларини тадқиқ этади. Муаллиф жамият ва адабиётнинг ўзаро чамбарчас эканлигига оид асосли фикрлар беради ва тўрт одил халифалардан сўнг, деярли бир аср ҳукмронлик қилган уммавийлар давридаги сиёсий- ижтимоий ҳаёт манзаралари қанчалик адабий ҳаётга таъсир этганини ёритади. Маълумки, уммавийлар асри араблар тарихидаги энг кўп жанрларга, низо, беқарорлик ва зиддиятларга бой давр бўлган, ва айни пайтда ислом динини кенг тарқатиши авжига олган фатҳлар асри деб ҳам эътироф этилади. Ана шундай мамлакат ички ҳаётидаги нотинчликлар энг авжига чиққан, араблар тарихидаги жаҳонишумул улкан ишлар амалга оширилган ушбу даврда араб ҳукмдорларининг ўзи ҳам етук номиқлар сифатида турли хил нутқлар айтишган. Мақола муаллифи уммавийлар асри харитасидаги кўплаб фирқалар, гуруҳлар партиялар ва бошқа жамоаларнинг пайдо бўлиши, улар ўртасидаги тўхтовсиз урушлар, келишимовчиликлар - муқаррар номиқлик санъати-хитобаларга улкан эҳтиёж тугдирганини асослайди. Муаллиф мақола якунида уммавийлар асридаги волийлардан (вилоят ҳокими) бири Убайдуллоҳ бин Зияднинг хитобасини номиқлик санъати намунаси сифатида, ҳам бадиият қонунлари асосида чуқур таҳлил қилади.

**Таянч сўз ва иборалар:** уммавийлар асри, номиқлар, хитоба, сиёсий кураш, балогат, бадиий тасвир воситалари, сажъ, кучли таъсир, эшитувчилар.

**Аннотация.** В статье исследуется взаимосвязь древней арабской истории, в частности, политической жизни халифата и Омейядов с литературой того века. Автор освещает насколько политическая картина омейядской эпохи повлияла на литературную жизнь. Хорошо известно, что период правления омейядских халифов был полон бесконечных войн, конфликтов, нестабильности, но несмотря на это данная эпоха – эпоха великих завоеваний в истории арабов.



В этот период, характеризующийся самыми длительными беспорядками и великими свершениями в истории арабов), сами арабские правители в качестве выдающихся ораторов произносили различные речи (арабские правители часто выступали публично.

Автор статьи утверждает, что появление многочисленных сект, групп, партий и других сообществ на карте политической жизни омейядов, а также постоянные войны и разногласия между ними - неизбежно приводили к необходимости в публичных выступлениях. В конце статьи автор тщательно анализирует речь одного из губернаторов омейядов Убайдуллы бин Зияда в качестве примера публичных выступлений и литературного наследия.

**Опорные слова и выражения:** омейядская эпоха, ораторы, речи, политическая борьба, риторика, выразительные средства, рифмованная проза, сильное влияние, слушатели.

**Abstract.** The article explores the relationship between ancient Arab history, in particular, the political life of the caliphate and the Umayyads with the literature of that century. The author highlights how the political picture of the Umayyad era influenced literary life. It is well known, that the period of ruling of the Umayyad caliphs was full of endless wars, conflicts, instability, and yet, despite this, this is the era of great conquests in the history of the Arabs. At that time, when the unrest in the country was at its peak, as well as when the greatest things in the history of the Arabs took place, the Arab rulers themselves also made various speeches. The author of the article claims, that the appearance of numerous sects, groups, parties and other communities on the map of the political life of the Umayyads, constant wars and differences between them - inevitably led to the need for the art of public speaking. At the end of the article, the author carefully analyzes the speech of one of the governors of the Umayyads Ubaidullah bin Ziyad as an example of public speaking and literary heritage.

**Keywords and expressions:** umayyad period, orators, orations, political struggle, rhetorics, literary tools, rhymed prose, strong influence, listeners.

Адабиёт, у хоҳ шеърят, хоҳ наср бўлсин турли даврларда халқнинг сиёсий-ижтимоий, тарихий, мафкуравий ҳаётига ҳамиша ўз таъсирини ўтказиб келган. Яъни адабиёт: ёки жамият ёки халқ руҳининг ифодасидир.<sup>1</sup> Араблар жоҳилият замонларида фақат ўз манзил маконлари, насл насабларини ифода этар, ўзларининг мақтовга сазовор фазилятлари билан фахрланишар; фахрли ишлари ҳақидаги хикоя ва қиссаларини қабиалараро кенг тарқатишар, ўзларининг ғаройиб унутилмас ишларини доимо қайд этишар эди. Бунда фақат арабларгагина хос адабий руҳ ҳукмрон эди, Бундай руҳ арабларга оид ҳаётни энг яхши шаклда намоён этарди. Арабларда қабилавийлик ҳисси жўш урар ва уларда ўз қабиаларига нисбатан таассублик -тарафкашлик кучли эди.<sup>2</sup>

Араблар ислом дини келиши арафасида оғзаки шаклдаги наср: хитоба, мақоллар, ҳикматлар, васиятларнинг турли кўринишларига эга эдилар.

<sup>1</sup> V.G. Belinskiy, Adabiy orzular G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti Toshkent-1977,5-bet V. G. Belinskiy Literal dreams. В. Г. Белинский "Адабий орзулар" Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент-1977,5- бет

<sup>2</sup> Balag'atu annasr fil 'asril ummaviyyi, The development of prose in the umeyyad period. Available at: <http://theses.uiv-oran1.dz/Balagatun>



Аммо бу адабий мероснинг бирор қисмини ҳам ёзмас эдилар. Фақатгина, ҳатто шеърларини ҳам йўқолиб кетмасидан аввал оғиздан-оғизга нақл қилиб кўчиришар ва фарзандларини баъзи шеърлар хитобалар, мақолларни ёдлашга одатлантирар эдилар<sup>1</sup>. Исломи дини келиши билан у диний, сиёсий-ижтимоий ҳаётга катта таъсир ўтказди, худди шунингдек адабий ҳаётга ҳам<sup>2</sup>.

Бу адабий таъсир лафзий жиҳатдан Қуръони Каримнинг ақлларни ҳайрон қолдирадиган даражадаги балоғати, фасоҳати ва мўъжизавийлиги орқали энг аввало уларнинг тилига таъсир этди. Маълумки, Қуръони Карим мусулмонларнинг илк маданий манбаси ҳисобланади, ундан араблар энг нафис ва энг дақиқ тасвир ифодаларини, энг таҳсинга лойиқ адабий услубларни мерос қилиб олганлар<sup>3</sup>.

Жуда кўп араб адиблари, адабиётшунос ва танқидчилари араблардаги таҳсинга лойиқ барча қадимий адабий асарлар Қуръони Каримнинг таъсири, унинг нафосати, унда зоҳир бўладиган чуқур тафаккур, улкан фаҳм-идрокдан руҳланиб дунёга келган, деган илмий ёндошувни бир овоздан қўллаб-қувватлайдилар.<sup>4</sup>

Қуръони Каримнинг нозил бўлиши адабий жанрлардаги ифода ва таъбирдаги аниқлик, жозибadorлик ва янгича тарздаги тасаввур суратлари яралишига ва инсониятни яхшиликка чорловчи диннинг буюк руҳи билан суғорилган янгича адабий жанрлар ва асарлар туғилишига туртки бўлди.

Яшаш тарзи ўзгарди, ҳаётнинг ижтимоий, адабий жабҳаларида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Бунинг сабаби араблар шавкатли вазифани елкаларига олган эдилар, бу вазифа ислом келишидан бир оз аввалроқ ҳукмрон бўлган фосид кадрятларга қарши курашишни мақсад қилган эди.<sup>5</sup>

632 йил Муҳаммад пайғамбар вафотидан сўнг давлат тизгинини унинг ворислари –халифалар эгалладилар. Улар бир пайтнинг ўзида ҳам бутун мусулмон умматининг диний раҳнамолари –имомлар ва феодал ҳукмдорлар-амирлар вазифасини бажарар эдилар.<sup>6</sup>

Бироқ халифа Усмоннинг ўлдирилиши(656й) ислом тарихини ўзгартирган воқеа бўлди. Шу ондан бошлаб, халифаликни ким бошқариши кераклиги фақат қўлда қилич билан ҳал қилинадиган бўлди.<sup>7</sup>

<sup>1</sup> Balag'atu annasr fil 'asril ummaviyyi ,The development of prose in the umeyyad period. Available at: <http://theses.uiv-oran1.dz/Balagatun>

<sup>2</sup> Ahmad Amin Fajrul islam T 10,s 195,Darul kitabil arabiiyi ,Bayrut 1969/Ahmad Amin The dawn of islam. Ахмад Амин “Фажрул ислам” Т 10,с 195,Дарул китаб ал арабиййи ,Байрут 1969.

<sup>3</sup> Muhammad Abdul Mun'im Xafaaji Al hayaatul adabiiyyu ba'da zuhuuril islaam . s-17. Daarul jiil Bayrut 1990/Muhammad Abdul Mun'im Literary life after appearance of islam

<sup>4</sup> Shavqi Dayf . Al asr al islamiyyu Darul maarifi. Misr,Al Qahiratu ,t 20. s-30. Shavqi Dayf . The Islamic age.

<sup>5</sup> Balag'atu annasr fil 'asril ummaviyyi,The development of prose in the umeyyad period. Available at: <http://theses.uiv-oran1.dz>

<sup>6</sup> I. M. Fillshtinskiy. Istoriya arabskoy literature. I. M. Fillshtinskiy History of Arabic literature V-X centuries. И. М. Фильштинский История арабской литературы V-X века. Москва главная редакция восточной литературы, 1985. Стр 161

<sup>7</sup> Y. Vellhauzen. Arabskiy emirat/Zolotoy vek islama. Str. 53 . Yulius Vellhauzen. Arabic Empire. Golden age of islam. Available at:<http/pda.litres.ru/yulius-vellhauzen/arabskiy-emirat>



Халифа этиб Усмоннинг қотиллари кўлидан ҳокимиятни қабул қилиб олган Али бин Аби Толиб сайланади. Аммо ҳокимиятни кўлдан бой бериб қўйганига ҳеч кўника олмаётган қурайш зодагонлари Алини тан олмайдилар. Сурия ноиб Муовия Абу Суфён “ Усмон учун ўч олиш” мақсадида Алига қарши кураш бошлайди. Қурайшларга қарши чиққан халқ оммаси ва бошқа араб киборларининг кўллаб қувватлашига қарамай, Али Муовия билан сулҳ тузмоқчи бўлади, бироқ унинг бу сиёсати ўз кўл остидагиларининг норозилигига ва уларнинг Алидан юз ўгиришларига сабаб бўлади. Али тарафдорларининг каттагина қисми ундан ажралиб, алоҳида бўлиб чиқиб кетишади. (Бу гуруҳ “хорижийлар-хавариж” чиқиб кетганлар номи билан машҳур бўлган.) 661 йилда Али ўзининг собиқ тарафдори-бир хорижий томонидан ўлдирилади.<sup>1</sup>

Сурия ва Мисрлик араб зодагонлари Муовия Абу Суфённи халифа этиб эълон қиладилар. Бошқарувнинг қарийб юз йил(661-750) ҳукмронлик қилган уммавийлар сулоласига ўтиши араб аёнлари, киборларининг оддий халқ оммасидан иборат кўп сонли араб қабилалари устидан очиқ ва мутлақ сиёсий ғалабасини англатар эди.<sup>2</sup>

Айни шу тарихий воқеликни машҳур араб тарихчиси шундай тасвирлайди: Бани уммайя асри вужудига кўплаб жароҳатлардан шикаст етган аср эди, бу шундай аср эдики, гўё одил (рошидун) халифалар ҳукмронлигидан сўнг дарҳол катта узилиш содир бўлгандек эди, ҳатто оддий халқ ислом дини набий с.а.в. ва рошидун халифалардан кейин буткул мавжуд бўла олмаса керак деб ҳам ўйлай бошлади. Шунини айтиш керакки, араб оммаси қайта тикланишига шубҳа билан қараган бундай ҳокимият вақт билан ўлчанганда бир асрнинг учдан биридан ҳам кам вақт амалда бўлди. Ва одил халифалар ва уларнинг ёрдамчилари бунга қодир бўлишларига сабаб, ўша пайтда устун бўлган бадавийлик вазияти ва қоим бўлган оддий ижтимоий ҳаёт эди.

Аммо фатҳлар рўй бергандан сўнг Мадинаю Мунавварага форс ва рим маданиятлари билан қоришиш натижасида янги тараққиёт- тамаддун етиб келди ва ислом бу маданиятлар олдида ўзгармасдан қола олмади. Шунда расулуллоҳ с.а.в. саҳобалари ўртасида ихтилофлар пайдо бўлди. Бу низо Али бин Аби Талиб ва Муовия бин Аби Суфён (радияллоху анҳума) ўртасидаги муносабатларда намоён бўлди. Улардан биринчиси исломга садоқат тимсоли бўлса, иккинчиси ўзаро ҳар соҳада рўй берган рим маданияти таъсирини ифода этарди.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> I. M. Fillshtinskiy History of Arabic literature V-X centuries. И. М. Фильштинский История арабской литературы V-X века. Москва главная редакция восточной литературы, 1985. Стр 165.

<sup>2</sup> Badak. A. N. Vsemirnaya istoriya. Tom 7. Rannee srednevekovye. str. 70 Badak A. N. The world history. Available at <http://historic.ru/books>.

<sup>3</sup> Mahmud Shakir At tarixul islamiyyu. 3. Al-xulafaau ar raashiduna. Al maktabul islamiyyu. T 6, s 5. Bayrut. Mahmud Shaakir The history of islam. Orthodox khalifs



Дарҳақиқат, уммавийлар асри шиддатли сиёсий курашлар ва норозиликларга тўла эди, булар эса ўз навбатида кўплаб фирқалар, гуруҳ, партияларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган эди. Алоҳида эътироф этиш лозимки, бу асрда диний ҳаёт билан сиёсий ҳаёт ўртасида жуда кучли боғлиқлик бор эди. Уммавийлар асридаги беқарорлик ва ўзаро кучли низо-адоватларнинг янада кескинлашувига бир томондан ўзларини Усмон бин Аффон меросхўрлари сифатида энг муносиб билган уммавий оиласига яқин уруғлар, қабилалар; иккинчи томондан эса халифаликка расулуллоҳ с.а.в. қабиласи бани Ҳошимдан чиққан Али бин Аби Толибнинг фарзандлари ҳақлироқ деб жанг қилаётган имом Али саҳобалари бўлган шиъалар сабабчи эдилар. Шиалар уммавийларнинг энг ашаддий душманлари эдилар ва уммавийларнинг ҳукмларига куч билан қаршилик кўрсатар эдилар. Яна бир томонда эса мусулмонларга ҳукмронлик қилиш танлови эркин бўлишини талаб қилган хаварижлар бўлиб, улардан энг машҳур етакчилари Нафиъ бин ал-Азрак, Қутри бин ал-Фажа' эди. Яна бошқа бир томонда халифалик тахтини бошқаришга уммавийлардан кўра исломдаги энг илк саҳобаларнинг фарзандлари ҳақлироқ деб талашаётган Абдуллоҳ бин аз-Зубайрнинг тарафдорлари зубайрийлар бор эди.<sup>1</sup>

Шуниси ажабланарлики, ички нотинчлик ва тўхтовсиз урушлар шу қадар авжига чиққан бир пайтда, уммавийлар ташқи сиёсатда ижобий натижаларга эришган ва улкан зафарлар кучмоқда эдилар.

Уммавийлар асри халифалик тарихида Ўрта ер денгизи мамлакатларини забт этиш асри деб сифатланса бўлади.<sup>2</sup> Бу даврда уммавийлар Арабистон ярим оролидан ташқари Миср, Фаластин, Шимолий Африка, Пиреней ярим ороллари, Эрон, Ҳиндистонниг шимолий-ғарбий қисми, Ўрта Осиё, Арманистон, Мовароуннаҳр, Озарбайжон, Грузия каби кўплаб мамлакатларда ислом динини тан олдирилди. Муовия (661-680), кейинроқ Абдул Малик (685-680) инкирозлар даврида ҳам Византияга ҳар йили ўлпон тўлаш эвазига бўлса-да тинчликни сақлаб қола олди, бироқ ички тинчликни ҳеч қандай пуллар эвазига сотиб олиб бўлмасди.<sup>3</sup>

Шундай қилиб, VII-VIII асрларда, улкан араб империяси шаклланаётган чигал ва бўронли вазиятда яшаб ижод қилган илк ўрта аср араб шоирлари ва насрнависларининг ҳаёт йўли ва уларнинг адабий мероси тўғридан-тўғри ўша давр сиёсий ҳаёти ва курашлари билан чамбарчас боғлиқ эди.<sup>4</sup> Ана

<sup>1</sup> Ahmad Amin Fajrul islam T 10,s 195,Darul kitabil arabiyyi ,Bayrut 1969/Ahmad Amin. The dawn of islam. Аҳмад Амин “Фажрул ислам” Т 10,с 195,Дарул китаб ал арабийи ,Байрут 1969)

<sup>2</sup> G. E. fon. Grunebaum. Klassicheskiy islam. (600-1258). Ocherki istorii. 2 G. E. fon. Grunebaum. Classical islam. Historical studies. Г. Э. фон Гронебаум”Классический ислам. (600-1258. Очерки истории. Издательство Наука. Главная редакция восточной литературы. Москва, 1986, стр 61

<sup>3</sup> G. E. fon. Grunebaum. Klassicheskiy islam. (600-1258). Ocherki istorii. 3 G. E. fon. Grunebaum. Classical islam. Historical studies. . Г. Э. фон Гронебаум”Классический ислам. (600-1258. Очерки истории. Издательство Наука. Главная редакция восточной литературы. Москва,1986,стр 65

<sup>4</sup> I. M. Fillshtinskiy History of Arabic literature V-X centuries. И. М. Фильштинский История арабской литературы V-X века. Москва главная редакция восточной литературы, 1985. Стр 161



шундай узлуксиз ва шиддатли қарама-қаршиликлар, шафқатсиз урушлар ҳақиқий маънода икки томонлама: ҳам жисмоний, ҳам руҳий-маънавий тўқнашувларни тақозо этарди. Урушлар кимнинг фойдасига ҳал бўлишида сўз қудратининг ҳиссаси катта эди. Уммавийлар асридаги бундай таҳликали воқеликни акс эттиришга энди шеърят кодир эмас эди. Айни шу даврда нотиклик санъати-хитобалар жанри кучайгандан кучайди ва қуввати ортди. Негаки, энг аввало халифалар ўзларини турли хил ёвузликлардан ҳимоя қилиши, ва ўз қўл остидагиларининг исёнларидан кўрқиши, ишғол қилинган ўлкаларда ҳукмларини мустаҳкамлашлари кераклиги важдан хитобага майллари кучайди.

Бунга қўшимча равишда, уммавийлар харитасини тўлалигича қамраб олган сон-саноксиз гуруҳлар, фирқалар, партиялар хитобалар воситасида ўз хоҳиш-истакларини илгари сурар, айни пайтда рақиб томонга зарба берар эди.

Хитоба ўзининг шу пайтгача бўлган тарихининг бирор парчасида уммавийлар асридагичалик юксак мавқега, комил тараққиётга эришмади. Негаки бу аср хатибларининг аксари балоғат ва баён бобида буюк истеъдод соҳиблари эдилар.<sup>1</sup>

Бу асрдаги хитобалар шу аср воқелигининг айнан кўзгуси сифатида диний, сиёсий, ҳарбий, жиҳодларга даъват, томонларга садоқат каби ранг баранг мавзуларда жилва қиларди. Ҳар бир партия, ҳар бир алоҳида уюшган жамоаларнинг сўзга уста нотиклари – хатиблари бор эди.<sup>2</sup>

Уммавийлар асридаги хитоба одил халифалар ҳукмронлиги охирларида ривожланган хитобанинг давоми эди. Араблардаги нотиклик санъати намуналари хитобалар жоҳилиятда ҳам бўлган, илк ислом даврида гуллаб бошлаган ва уммавийлар асрида тараққиётининг чўққисига чиққан десак, муболаға бўлмайди.

Бу даврдаги хитобалар моҳиятан динга садоқат ва байъат бериш; ҳукмдорларга бўйсунушга аҳд беришни акс эттирар ва у, айтиш мумкинки, уммавийлар асри ижтимоий ва сиёсий тўлқинлари байъати эди.

Партияларнинг пайдо бўлиши, уларнинг аёвсиз сиёсий жангларда бир-бирларини кунпа-якун қилиб ташлашлари учун сиёсий хитобалар ушбу асрнинг энг асосий ва энг кўзга кўринган тури эди. Хатиблар-халифалар, амирлар, волийлар, қабила бошлиқларининг ўзлари эди. Уларнинг хитобалари шахс қудрати, ўзидан кибрланиш, шафқатсизликдан фахр ҳиссини туйиш билан арабий ўзига хос услубда машҳур бўлган эди.<sup>3</sup> Буларга қўшимча равишда яна фатҳлар; ўзга ўлкаларга юришларга руҳлантириш; жангчилар қалбида жасорат уйғотиш; яна шу қаторда мисрлик ва йаманлик

<sup>1</sup> Shavqi Dayf Al asr al islamiyyu Darul maarifi. Misr, Al Qahiratu ,t 20. s-484. Shavqi Dayf. . The Islamic age.

<sup>2</sup> Ahmad Zakiy Safuut. Jamharatu xutab al arab. Fii 'usuuril arabiyati az zaahidati. Al asr al ummaviyyu. Al-juz' as saanii. Al Qahiratu 1933. T 1,s 212-213 Ahmad Zakiy Safuut. The collection of the khutabs of arab.

<sup>3</sup> Imil Nasif. Arva'u maa qiila min al khutab., Daarul jiil. Bayrut. 1999. T 141,H 1, s 19



жамоалар вакиллари ҳамда шоиртабиат араблар ўртасида рўй бераётган карама-қаршиликлар, шон-шарафдаги рақобатларда ҳам хитобадан фойдаланилар эди. Худди жоҳилиятда ва илк ислом даврида жангларга, васиятлар орқали амри маъруфга, шаръий ҳукмга изоҳ беришга ёки фатҳ, жума ва икки ҳайит байрами, ҳаж мавсуми билан табриклаш ва бошқа муносабатларга қўлланилгандек хитобадан фойдаланиларди.<sup>1</sup>

Уммавийлар асридаги хитоба жамиятда рўй бераётган ҳар бир ижтимоий-сиёсий воқеликни айна ўша воқелик руҳи билан намоён этарди. Масалан уммавийлар гуруҳи(уммавийлар халифалигини қўллаб-қувватловчи катта жамоа) хитобасида ўзаро тортишувлар ва хусумат руҳи ҳукмрон эди. Айниқса, уммавийлар партиясида мантиқ руҳи: йўқдан бор қила оладиган даражадаги маҳорат бор эдики, уларнинг хатиблари ўз хитобаларида ёлғонни чин, ҳақиқатни ботил қилиб кўрсата олар эдилар, уларда ўз мақсадларига эришиш учун барча усуллар ва инсон ҳисларига таъсир эта оладиган сўзлар топилар эди. Диний хитобаларда фалсафа ва мунозара санъати, турли томонлар вакилларининг хитобаларида эса балоғатнинг сеҳрловчи жозибасини кўриш мумкин эди.<sup>2</sup>

Бу жозоба шарофати билан хаварижлар чуқур диний ҳисларни кўзғатар эди, уларнинг хитобалари ҳақида “уларнинг каломи қалбларга қуруқ ўтиннинг ёнишидан-да тезроқ етиб боради” деб айтилган бўлса, шиаларнинг хитобалари ҳақида эса “улар диний -руҳий кечинма ва сидқ-садоқат хитобалари эди” дейилган.<sup>3</sup> Уммавийлар асри сиёсий ҳаёти хитобаларга кўчган ва хитоба уммавийлар асрида ҳам уруш, ҳам тинчлик учун кураш қуроли эди. Бу қурол кимларнинг қўлида ва қандай ишлатилди экан?. Шавқий Дайфнинг араб нотикларига нисбатан юксак балоғат ва баён соҳиблари иборасини қўллаши нимани англатар эди; балоғат нима; унинг нотикликка қандай алоқаси бор?

Балаға дейилганда бирор нарсага етишиш тушунилади. Агар сен бирор жойга етиб олдим десанг: “балағтул макаана” дейсан. Яна балоғат фасих-сўзга уста кишининг тилида уни ҳамд эта олади, чунки у(хатиб) нимани истаган бўлса шунга эришади.<sup>4</sup>

Балоғатга истилоҳ-атама сифатида ҳам қўшлаб таърифлар берилган, лекин уларнинг ҳар бири ўзича бекиёсдир. Улардан баъзиларини келтириб ўтамиз.

Балоғат-тушуниш ва тушунтириш; калом-нутқда маънони оча билиш; ифода санъатидан хабардорлик; лафзий бойлик; назмда бехатолик; мақсадни билиш;

<sup>1</sup> Ahmad Khasan az Zayat. Al adab al arabiyu va tarixuhu. Daarul ma'rifati. Bayrut. Lubnan. 2004. T 08, s 486. Ahmad Khasan az Zayat. The Arabic literature and its history.

<sup>2</sup> Balag'atu annasr fil 'asril ummaviyyi ,The development of prose in the umeyyad period. Available at: <http://theses.uiv-oran1.dz>

<sup>3</sup> Hanna al Faxuri. Al jaami'u fii taarixil adabil arabiyi. Al adab al qadim. Daarul jiili, Bayrut, Lubnaan, s 360 . Hanna al Faxuri, The entire of the history of arabic literature. Ancient literature. Available at: <https://www.kutub-pdf.net.bok>.

<sup>4</sup> Ibn al Faaris Maqaayisul lug'ati, t. Abdussalaam Mukhammed Haarun . J 1, s 301-302. Daarul fikr. Bayrut, Lubnaan, 1979. Ibn al Faaris . Measurements of language.



уни амалда баён қилиш; далилларни тўғри талқин қилиш; сўзланаётган вазиятдан нутқда хабардорлик; кўп қисқалик билан кўп маъно англата билишдир.<sup>1</sup>

Бошқа бир қадимий арабий манбада хатибларнинг сўзи балоғат ва ибжаз-мўъжизадир деб келади, яна: Аъробийдан сўралди: инсонларнинг энг сўзга устаси ким? Сўзда энг яхши ва ҳозиржавобликда энг тез кишидир - деб жавоб берди.<sup>2</sup>

Балоғатнинг кўп бўлиши энг комил яхши мавқийни ола билишдир, нутқда меъёрни билишдир, маъноларни беришда тушунилмай қоладиган жойларнинг камлигидир, яъни лафз ва қийинликдан қочишдир.<sup>3</sup>

Ал-Жаҳизнинг фикрича, гапни энг муносиб ўрни келганда айтмоқ, нутқ ирод қилинганда хитобалар айтилаётган вазият, ҳолатни эътиборга олмак жуда жоиздир. Хитобалар мақсадини ифодалашда сўзларнинг ва маъноларнинг йўқолиб кетмаслиги - мақсаддан узоқлашмаслик масаласига ҳам аҳамият қаратиш кераклиги жуда муҳимдир. Балиғ – уста нотик, шундайки у айни ўша маъноларни тақозо қиладиган вазиятларда керакли сўзларни жойлаб қўя олади ва бунда бирон ўринни бўш қолдирмайди.<sup>4</sup>

Шундай қилиб, балоғат бу эшитувчилар қалбларига ўзига хос оҳанг ва ранглар орқали таъсир кўрсата олиши, нотик оғзидан чиқаётган сўзлар эшитувчилар ақллари таажубга солиши ва охир оқибат кўзланган мақсадга олиб бориши керак. Балоғатнинг бундай юксак қудрати ҳақида яна ал-Жаҳиздан ўқиймиз: Балоғат бу яширилган ҳақиқатни ёруғликка олиб чиқиш ва ёлғонни ҳақиқат суратида ифодалашдир.<sup>5</sup>

Ал-Аскаррий ёзади: - балоғатнинг энг илк ва муҳим қуроли бу туғма мукамал ақл иқтидор ва сўздаги эркинлик. Бу иш фақат Аллоҳ Таолонинг қудратидаги иш бўлиб, унга қуллари ўзича эриша олмайди.<sup>6</sup>

Ушбу иқтибосларни келтиришдан мақсад, уммавийлар асридаги воқелик чиндан ҳам айни асрда хитобаларда акс этганмиди; бу адабий жанр айнан ана шу сиёсий ижтимоий вазият туфайли ўзининг энг авж нуктасига кўтарилганмиди; уммавийлар давридаги нотиклар қай даражада балоғат ва фасоҳат, таъбир устаси эдилар... каби турфа саволларга жавоб топишдир. Фикрларимизнинг исботи сифатида, уммавий халифаларнинг волийларидан бири бўлган Убайдуллоҳ бин Зияднинг кичик бир хитабасини таҳлил этишни лозим топдик.

<sup>1</sup> Ibn Rashiīq al Qayravaani Al umda fii mahaasinīsh shi'ri va adabihi va naqdihi, t. Muhammad Mukhyiddin Abdulkhamid, j-1, T 1. s 247. Daarul jil Bayrut, 1981. Ibn ar Rashiīq al Qayravaani.

<sup>2</sup> Ibn abd Rabbihi, Abu Amr Ahmad bin Mukhammad al Andalusiy, Al iqd al farid. t. Ahmad Amin va Ahmad az Zayn va Ibrohiim al Bayaari. Matba'atu lajnatu at ta'liifi vat tarjamati van nashri. Al Qahiratu j-3, s-409.

<sup>3</sup> Al Jaahiz, Abu Usmaan Amr bin Bahr, Al bayan vat tabyiin, t. Abdus Salaam Haaruun, maktabatu al Jaahiz, j-1, s-9 Al Jaahiz, Abu Usmaan Amr bin Bahr. The book of eloquence and oratory.

<sup>4</sup> Al Imaam Jalaaluddin Mukhammad bin Al Qazviniy, t. Abdur rahmaan al Barquuqi. At talxiisu fii 'uluuimil balaag'ati. T-1, j-1, s-11. Daarul fikr al arabiiyi, 1904

<sup>5</sup> Al Jaahiz, Abu Usmaan Amr bin Bahr, Al bayan vat tabyiin, t. Abdus Salaam Haaruun, maktabatu al Jaahiz, j-1, s-220. Al Jaahiz, Abu Usmaan Amr bin Bahr. The book of eloquence and oratory.

<sup>6</sup> Abu Hilaal Al Askariyyu, As sinaa'atayni ilkitaabati vash shi'ri, Daarul kutub al 'ilmiyyati, Bayrut, Lubnaan, t-2, s-30, 1989) Abu Hilaal Al Askariyyu. Mastery of writing and verse.





فحمد الله وأثنى عليه، ثم قال  
 فإن امير المؤمنين (أصلحه الله) ولاني مصركم و تغركم ،وأمرني بإنصاف مظلومكم؛ و إعطاء  
 محرومكم؛ و بالإحسان إلى سامعكم و مطيعكم؛ و بالشدة على مريبكم و عاصيكم ؛ و انا متبع فيكم أمره، منفذ  
 فيكم عهده؛ فأنا لمحسنكم ومطيعكم كالوالد البر، وسوطي وسيفي على من ترك أمري؛ و خالف عهدي؛ فليبق  
 امرؤ على نفسه؛ الصدق ينبيى عنك لا الوعيد

Аллоҳга ҳамду сано айтгач, у хитобасини бошлади:

Мени мўминлар амири сизнинг шаҳарларингиз ва чегараларингизни бошқариш учун ҳоким этиб тайинлади. Ва менга мазлумларингизга инсоф қилишни, мухтожларингизга саховат кўрсатишни, менга итоат этиб қулоқ осанларга эҳсон – яхшилик қилишни, менга бўйсунмаган ва сўзларимга шубҳа билан қаровчиларга ғазаб этишни амр этди. Мен унинг амрига сизларни эргаштирувчиман, унинг ваъдаси- аҳдини бажарувчи(амалга оширувчи)ман. Мен сизларнинг орангиздаги энг яхшилар ва энг итоатгўйларга меҳрибон ота кабиман. Қамчим ва қиличим итоатимдан чиққанлар ва келишувга хилоф иш қилганлар устидадир. Нимани танлаш унинг (кимсанинг) ўзига қолсин. Ваъда бериш эмас, балки садоқат сиз ҳақингизда хабар берур.

Убайдуллоҳ бин Зияднинг ушбу хитабаси янги бир вилоятга ҳоким этиб тайинланган, ўз қўл остидагиларнинг ичида қандай ҳислар ва унга қандай муносабатда эканидан беҳабар аммо биринчи учрашувдаёқ уларга ўз ҳукмини кўрсатишни мақсад қилган жуда балоғатли нотикнинг нуткидир.

Убайдуллоҳ йиғилганларга мурожаат қилар экан, энг аввало халққа мўминлар амирининг ўз қўл остидагиларга: унинг амрига бўйсунганларга не чоғли бағрикенглик билан муомала қилишни амр этганини жуда чиройли дипломатик йўл билан етказди: “мазлумларингизга инсоф қилиш”, “мухтожларингизга саховат кўрсатиш”. Аслида у янги қаттиққўл волий сифатида йиғилганларга шафқатсизларча ўз талабларини қўйиши ҳам мумкин эди, бунга унинг сиёсий ва ҳарбий мавқеи тўла имконият берар эди, аммо у зийрак зехнли, маҳоратли ҳарбий раҳнамо сифатида нутқини энг аввало итоат қилганларга қандай манфаат ва яхшилик борлигидан бошлайди. Аммо биз юқорида тасвирлаганимиз уммавийлар асрида омма орасидаги бўлинишлар, кўплаб гуруҳ ва жамоаларнинг мавжудлиги фактини ҳам ҳисобга олган ҳолда Убайдуллоҳ бин Зияд хитобасининг иккинчи қисмига ўтади:” менга бўйсунмаган ва сўзларимга шубҳа билан қаровчиларга ғазаб этишни амр этди”. Аммо Убайдуллоҳ ўз қўл остидагиларига нисбатан иккинчи йўлни тутишга ҳайрихоҳ эмаслигини кейинги гапларида янада аниқроқ ифода этади: “Мен сизларнинг орангиздаги энг яхшилар ва энг итоатгўйларга меҳрибон ота кабиман”. Аммо итоатсизларга ҳам қандай муносабатда бўлишини алоҳида таъкидлайди: “Қамчим ва қиличим итоатимдан чиққанлар ва келишувга хилоф иш қилганлар устидадир”. Энди нутқининг бу қисмига келиб, Убайдуллоҳ бин Зияд ўзининг айни пайтда қанчалар шафқатсиз ҳам бўла олишига ва унинг қиличи ва қамчисига ҳеч ким қарши тура олмаслигига ишора қилади.



Аммо хитоба якунига келиб, у яна сўзга уста моҳир нотик сифатида танлаш имконияти ҳар кимнинг ўзида эканини айтади.” Нимани танлаш унинг (кимсанинг) ўзига қолсин. Ва унинг янги ҳукмдор сифатидаги энг муҳим талаби – халқнинг тилёғмалик ёки қўркувдан ва ёки бошқа сабаблардан унга итоат этиши эмас, балки уларнинг чин дилдан садоқат билан итоатда бўлишларини исташидир ва акс ҳолда у бундан хабар топиши мумкинлигини ҳам билдиради. “Ваъда бериш эмас балки садоқат сиз ҳақингизда хабар берур”.

Бу қисқагина хитобада Убайдуллоҳ бин Зияд ўзининг ҳам уммавийлар ҳукмдорларга қанчалар садоқат билан хизмат қилишга шайлигини билдириб ўтади:” Мен унинг амрига сизларни эргаштирувчиман, унинг ваъдаси – аҳдини бажарувчи(амалга оширувчи)ман”

Бу Убайдуллоҳ бин Зияд хитобасининг мазмун-маъно жиҳатдан таҳлили, аммо ушбу хитобанинг бадиий жиҳати ҳар қандай эшитувчи қалбига жуда тез таъсир эта оладиган даражада фусункор.

Ушбу хитоба араблардаги насрий жанр сифатида анъанавий таркибий тузилишга эга. Аллоҳга ҳамду сано, сўнгра “амма баъд” билан бошланади. Араб тилидаги фа инна юкламаси маънони кучайтириш учун хизмат қилишига урғу берилган ҳолда, хитоба *فإن أمير المؤمنين (صلحه الله) ولاني مصاكم و ثغركم* – *фа инна амирул му’минина (аслаҳахул лаҳи) валлаани мисракум ва сағракум* дея бошланади.

Бадиий санъатлар тилининг моҳир таржимони Алибек Рустамийнинг фикрларига кўрай, тилдаги бир неча қайтарилувчи товушлар тилдаги гўзалликни ҳосил қилувчи нисбатнинг бир туридир. Тилдаги товушдошлик нутқ гўзаллигининг манбаи ҳисобланади ва моҳир сўзчилар бундан чексиз равишда фойдаланишлари мумкин. Яна олим айна ҳолатда сўзнинг маъносига зарар етмаслиги лозимлигини ҳам таъкидлайди.<sup>1</sup> (Қаранг:Алибек Рустамий “Сўз ҳақида сўз”).Убайдуллоҳ бин Зияд ҳам “моҳир сўзчи” “уста нотик” сифатида араб тилининг ана шундай бадиий санъатлари- манбаларидан маҳорат билан фойдаланади. Яъни ҳар бир гапида ҳаттоки грамматик жиҳатдан ҳам ўхшаш сўзларни: *بإحسان إعطاء* *би инсаафи, إعطاء* *иътаа’и, بإحسان* *бил иҳсаани* (IV боб масдари) ҳамда мажҳул нисбат сифатдошлари: *مظلومكم* *мазлуумакум, محرومكم* *маҳруумакум*; аниқ нисбат сифатдошлари : *سامعكم* *саамиъкум, مطيعكم* *мутийъкум, عاصيكم* *эасийкум, بالشدة* *биш шиддати* *بإحسان* *бил иҳсаани* ва *بالشدة* *биш шиддати* - яъни яхшилик ва ғазаб қилиш амирул му’миннинг аниқ амри.

Маъновий жиҳатдан синоним сўзлар: *إعطاء* *иътаа, إنصاف* *инсааф, إحسان* *иҳсаан* эшитувчи қалбида қанчалик илиқлик ва ўзаро тил топиш учун енгиллик ҳиссини уйғотса; *شدة* *шиддат, وسوطي* *ва савтии* ва *سايفي*

<sup>1</sup>Alibek Rustamiy „So'z haqida so'z. 13-16 betlar. Toshkent O'zbekiston LKSM Markaziy komiteti Yosh gvardiya nashriyoti 1987 yil . Alibek Rustamiy The speech about speech. Available at: www. ziyouz. com. kutubxonasi



сўзлари эса уларнинг қалбларига оғир жазодан дарак берувчи кўркув ҳиссини олиб киради. Хитобадаги *وسوطي وسيفي علي من ترك أمري و خالف عهدي* ва *савтии ва сайфийи ғала ман тарака амрийи ва хаалафа аҳдийи* сўзлари эса ўз навбатида қофияли наср-сажъ санъатини намоён этади.

Убайдуллоҳ бин Зияднинг ушбу қисқагина хитобаси нотик ўз олдига қўйган мақсадига етганига – эшитувчилар қалбига ўзи истагандек таъсир кўрсатганига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Негаки ушбу хитоба берилган манбада Убайдуллоҳ бин Зияднинг нутқи одамларга ва қабила оқсоқолларига кучли таъсир этгани ҳақидаги хабар ҳам келтирилади.<sup>1</sup>

Биз уммавийлар асри сиёсий воқелигининг ушбу асрда энг юксак босқичига кўтарилган хитоба жанридаги инъикосини уммавий волийлардан бирининг кичиккина нутқи орқали баҳоли қудрат таҳлил этдик. Аммо ўша даврнинг ижтимоий –сиёсий, диний, маънавий ва адабий ҳаётини тадқиқ этарканмиз, ушбу аср воқелигининг ўзи, араб жамияти бошидан ўтказган деярли ҳар бир кун ана шундай вазиятлар ва уларга муносиб хитобаларга тўла эди дея ишонч билан айта оламиз.

Ушбу тадқиқотимизнинг хулосасида яна бир аниқ ҳақиқатга дуч келганимизни ҳам алоҳида эътироф этамиз: бадий ва маъно-мазмун жиҳатидан мукамал бундай хитобалар араб нотикларининг ҳар бир вазият учун узоқ машқлар орқали меъёрига келтиргач; олдиндан пухта тайёргарлик кўриб бўлингач, айтилмаган, билакс, вазият тақозоси билан кутилмаганда оммага тез ва самарали таъсир кўрсатиш учун нотикларнинг туғма иқтидорлари ва балоғатлари эвазига яратилган юксак адабий меросдир.

### ҚОСИМОВА ГУЛНОРАХОН

Таянч докторант, ТДШУ

#### “Нихон эйтайгура” тўплами ва Ихара Сайкаку бадий услуби масаласи

**Аннотация.** Мазкур мақола XVII аср япон адабиётида “Замонавий адабиётнинг реалистик мактаби” (“укиёзоши”) асосчиси сифатида шухрат қозонган адиб Ихара Сайкаку ва унинг “Нихон эйтайгура” (“Япониянинг боқий хазинаси”) новеллалар тўпламининг бадий таҳлиliga бағишланган. “Нихон эйтайгура” тўплами ёзувчининг “чённимоно”, яъни шаҳарликлар учун тарбиявий новеллалар жанридаги бадий жиҳатдан энг етук асари ҳисобланади. Ихара Сайкакунинг ёзувчи сифатидаги ўзига хос услуби айнан мазкур тўпламда ўзининг юқори чўққисига етганлиги яққол намоён бўлади. “Нихон эйтайгура” новеллалар тўпламининг бадий хусусиятлари ва унинг адабий манба сифатида ўрта аср япон адабиётидаги аҳамиятини таҳлил қилиши

<sup>1</sup> Ahmad Zakiy Safuut. Jamharatu xutab al arab. Fii ‘usuuril arabiyati az zaahidati. Al asr al ummaviyyu. Aljuz’ as saanii. Al Qahiratu 1933. T 1, s 37-38 Ahmad Zakiy Safuut. The collection of the khutabs of arab.



шининг мақсади ҳисобланади. Тўпламнинг мавзулар кўлами, ёзувчи томонидан илгари сурилган асосий гоёни ёритиши ҳамда ундан жой олган новеллалар мисолида асарнинг сюжет, композицион тузилиши, образлар тизимини аниқлаш ва шу орқали адибнинг ўзига хос услубини таҳлил қилиши эса тадқиқоднинг вазифаси ҳисобланади. Ушбу мақсад ва вазифаларнинг бажарилишида маданий – тарихий, қиёсий – тарихий таҳлил методларидан фойдаланилди. Мақолада дастлаб, XVII аср япон насрининг йирик намояндаси Ихара Сайкаку ижодининг ўрганилиши ҳолати ва адиб қаламига мансуб “Нихон эйтайгура” новеллалар тўпламининг яратилиши шароити ҳақида сўз боради. Тўпламнинг таркибий тузилиши ва мавзулар кўлами ундаги новеллаларни мисол қилиб келтириши орқали ёритилади. Сўнг, адибнинг шаҳарликлар учун бағишланган ушбу тарбиявий новеллаларида мавжуд бўлган образларнинг тизими ва унинг ўзига хос жиҳатлари таҳлиллар ёрдамида аниқланади. “Нихон эйтайгура”дан танлаб олинган новеллаларга таянилган ҳолда адиб илгари сурган гоё, у интилган ҳақиқат ва идеаллари ҳақида фикр юритилади. Шу билан бирга, мақолада санъаткор сифатида ўрта аср ҳаёти, ўз даври одамларининг турмуш тарзи ва урф-одатларини маҳорат билан кўрсатиб бера олган ҳамда шаҳарликларнинг инсоний қадр-қимматлари ҳақида қалам тебратган адибнинг услуби ва унинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида ҳам таҳлилий мулоҳазалар келтирилади.

**Таянч сўз ва иборалар:** Ихара Сайкаку, “Нихон эйтайгура”, XVII аср адабиёти, Гэнроку даври адабиёти, “чёнин бунгаку”, шаҳар адабиёти, дидактик новеллалар, панд-насиҳат.

**Аннотация.** Данная статья посвящена творчеству писателя Ихара Сайкаку, получившему большое признание как основатель «Школы современной реалистической литературы» («укиёзоши») в японской литературе XVII века, и художественному анализу его сборника новелл «Нихон эйтайгура» («Вечное сокровищница Японии»). С точки зрения поэтики сборник «Нихон эйтайгура» считается одним из самых лучших произведений писателя в жанре поучительных новелл для горожан - «ченинмоно». Именно данный сборник является художественной вершиной творчества Ихару Сайкаку, образцом его уникального стиля. Анализ художественных свойств сборника новелл «Нихон эйтайгура» и его значимость в японской средневековой литературе как литературного источника является целью работы. Освещение тематики и главной идеи, выдвинутой писателем, а также определение сюжетно-композиционной структуры, системы образов в сборнике на примере входящих в него новелл является задачей исследования. Для достижения вышеуказанных целей и задач используются культурно-исторические, сравнительно-исторические методы анализа. В начале статьи идёт речь о изучении творчества крупного представителя японской прозы XVII века Ихара Сайкаку и об условиях создания принадлежащего его перу сборника новелл «Нихон эйтайгура». Структура и тематика сборника раскрываются в примерах из новелл. Затем посредством анализа раскрывается система образов и присущих ей свойств в поучительных новеллах для горожан. Опираясь на избранные новеллы из «Нихон эйтайгура» определяется идея, выдвинутая писателем, а также истины, идеалы к которым он стремился. Вместе с тем в статье аналитически рассматривается стиль писателя, его своеобразие, изысканное мастерство художника, сумевшего показать жизнь средневекового города, быт и нравы своей эпохи, а также выразить человеческое достоинство простого горожанина.



**Опорные слова и выражения:** Ихара Сайкаку, “Нихон эйтайгура”, литература XVII века, литература эпохи Гэнроку, “чёнин бунгаку”, городская литература, дидактические новеллы, нравоучение.

**Abstract.** The article is dedicated to the literary figure Ihara Saikaku, who was widely recognized as the founder of the “school of modern realistic literature (‘ukiyooshi’) in Japanese literature of the 17th century, and to the literary analysis of his collection of short stories “Nihon eitaigura” (“Eternal Storehouse of Japan”). From the point of view of poetics, the collection of short stories “Nihon eitaigura” is considered as one of the best works of the writer in the genre of “choninmono” didactic short stories for townsmen. Exactly, in this collection the peculiar style of Ihara Saikaku clearly reaches its highest zenith as a writer. The analysis of the poetic and literary characteristics of the short stories collection “Nihon eitaigura” and its role in Japanese medieval literature as a literary source is considered to be the aim of the article. Revealing the main theme and the idea put forward by the writer, as well as defining the structure of plot and composition, the system of characters in the “Nihon eitaigura” through the example of the short stories included in it, is the research’s main task. Cultural and historical, comparative historical methods of analysis are used to achieve the goals and accomplish the tasks mentioned above. At the beginning of the article, author gives information about the studies related to the works of a prominent representative of Japanese 17th century prose, Ihara Saikaku, and about the conditions of creating the collection of short stories “Nihon eitaigura” that belongs to him. The structure and theme of the collection are revealed by examples given from the short stories that included in it. Then, through analysis, a system of characters and its characteristic features existing in the didactic short stories of the writer for the townspeople is characterized. Relying on selected short stories from “Nihon eitaigura”, the idea put forward by the writer and the ideals to which he sought, are clarified. Along with, in the article, reflection is given on the style of the writer and the characteristic features existing in it, thanks to which he was able to show the life of the medieval city and customs of his era with amazing skill of the artist, as well as express much about the human dignity of a simple townsmen.

**Keywords and expressions:** Ihara Saikaku, “Nihon eitaigura”, literature of 17th century, literature of Genroku period, “chonin bungaku”, literature of townsmen, didactic short stories, moral.

**Кириш.** Ихара Сайкаку (1642-1693) – XVII аср япон адабиётининг энг ёрқин намояндаларидан бири ҳисобланади. “Замонавий адабиётнинг реалистик мактаби” (“укиёзоши”) асосчиси бўлмиш Сайкаку ўз замондошлари ижодига катта таъсир ўтказган. Адибнинг издошлари ва унга тақлид қилган ҳолда ижодий фаолият юритган ёзувчилар кўпчиликини ташкил этган.

**Мақсад ва вазифалар.** “Нихон эйтайгура” новеллалар тўпламининг бадиий хусусиятлари ва унинг адабий манба сифатида ўрта аср япон адабиётидаги аҳамиятини таҳлил қилиш ишнинг мақсади ҳисобланади. Тўпламининг мавзулар кўлами, унда ёзувчи томонидан илгари сурилган асосий ғояни ёритиш, ундан жой олган новеллалар мисолида асарнинг сюжет, композицион тузилиши, образлар тизимини аниқлаш ва шу орқали адибнинг ўзига хос усулбини таҳлил қилиш эса тадқиқоднинг вазифаси ҳисобланади.



**Усуллар.** Мақолада кўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, маданий – тарихий, қиёсий – тарихий таҳлил методларидан фойдаланилган.

**Натижалар ва мулоҳаза.** XVII асрнинг иккинчи ярмида, адабиёт маркази Осака ва Киотодан Эдога (Токио) яъни Япониянинг жануби-ғарбидан шимоли-шарқига кўчган пайтда, Сайкакунинг ижоди деярли унутилди. Бироқ, XIX асрнинг охирларида, Япония капиталистик ривожланиш йўлини танлаганида япон зиёлилари Европа цивилизациясига қизиқиш даври ортидан намуна бўла оладиган образларни излаган ҳолда яна ўз маданий меросларига мурожаат қилдилар.

Ихара Сайкакунинг ижоди – япон адабиётшунослари томонидан олиб борилган кўплаб тадқиқот ишларининг объектига айланган. Европада Сайкакунинг ижоди асосан XX асрларнинг иккинчи ярмидан кейингина ўрғанила бошлаган. Ғарбда япон адабиёти тарихи бўйича нашр этирилган деярли барча илмий ишларда Сайкакунинг ижоди албатта тилга олинса-да, уларда ёзувчи авваламбор бош қаҳрамони гэйшялар бўлган ишқий романларнинг муаллифи сифатида гавдаланади. Астон, Брайант, Куни Мацуо, Рэвонлар ўз тадқиқотларида адибни айнан шундай ёзувчи сифатида талқин қилади. Сайкаку ижодини нисбатан тўғрироқ баҳолай олган тадқиқотчилар сифатида Хиббетт ва Лейнни<sup>1</sup> келтириш мумкин. Европа тилларига Сайкакунинг асосан ишқий романлари таржима қилинган. Адибнинг шахарликлар учун яратилган дидактик новеллаларининг тўпламлари европалик тадқиқотчиларнинг қизиқишини фақатгина XX асрнинг 50-йилларидан кейингина торта бошлади. 1959-йилда инглиз тадқиқодчиси Г. Саржент томонидан қилинган Ихара Сайкакунинг “Нихон эйтайгура” номли тўпламининг таржимаси нашр этирилди.

Рус японшунослигида эса илк бора Сайкаку машҳур новеллаларининг таржимаси Е.М. Пинус томонидан ёзилган кириш сўзи билан нашр этилган. Е.М. Пинуснинг<sup>2</sup> Сайкаку ижодига тегишли мақоласи ҳам чоп этилган бўлиб, бизнинг фикримизча, унда муаллиф Сайкаку ижодига асосли ва тўғри баҳо бера олган<sup>3</sup>. Бироқ, “Нихон эйтайгура” тўплами бошқа чет тилларига тўлиқ таржима қилинмаган ва китобхонлар учун ханузгача яхши таниш эмас.

<sup>1</sup> Lane R. Postwar Japanese studies of the novelist Saikaku. – “Harvard Journal of Asiatic studies”. v. 18. 1955. June, N 1-2, pp. 181-199; Aston W. The History of Japanese literature, London, 1899. 408 p; Bryant J. The literature of Japan, London, 1929; Kuni Matsuno, Histoire de la literature Japonaise des temps archaques a 1935, Paris, 1935; Adler-Ravon, Japanische Literatur, Frankfurt am Main, 1896; Hibbett H.S., Saikaku as a realist, – “Harvard Journal of Asiatic studies”, v. 15, 1952, December, N 3-4; Keene D. Japanese literature, An introduction for Japanese Reader, London, 1953. 113 p.

<sup>2</sup> Pinus Y., Markova V. Ihara Saikaku. Novelly [Ihara Saikaku. Novels] Moscow, 1960, 230 p.

<sup>3</sup> Pinus Y. Gorodskaya literatura v Yaponii XVIII veke i vjprosy razvitiya literaturnogo metoda [Urban literature of Japan in 17<sup>th</sup> centuries and issues of the development of poetic method] – “Vestnik Leningradskogo universiteta. Seriya istorii yazyka i literatury. v.14, Leningrad, 1960. pp.51-60. Е.М. Пинус, Городская литература в Японии века и вопросы развития



Аксарият тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, Сайкаку услуби айнан мазкур тўпламда ўзининг юқори чўққисига етган эди. Асосийси, Сайкаку айнан “Нихон эйтайгура” тўпламида ўз даври нафасини замонавий китобхонларгача етказиб берган ҳолда ўрта аср япон шаҳарларининг ҳаётини тасвирлайди.

XVII асрнинг иккинчи ярми Японияда мураккаб қарама-қаршиликларга тўла давр бўлди. Мамлакатдаги тинчлик ва давлат бошқарувининг барқарорлашуви ўз натижаларини берди. Экин майдонларининг кенгайиши, ҳосилнинг ортиши, ҳунармандчилик, савдо-сотикнинг гуллаб-яшнаши, шаҳарларнинг ўсиши ва савдогарлар таъсирининг кучайиши шулар жумласидандир. Шундай бўлсада, XVII аср охирларига келиб Токугава хокимияти томонидан жорий қилинган қатъий феодализм тизимининг оқибатлари ҳам намоён бўла бошлади яъни асосий солиқ тўловчи қатлам – деҳқонлар – қашшоқлашиб бордилар ва касодга учрадилар. Бу вазият ички бозорнинг торайишига олиб келди. Ташқи бозор эса ўша пайтларда мавжуд эмас эди. Япония чет элликларга деярли ёпиб қўйилган, японларга эса мамлакатни тарк этиш таъқиқланиб қўйилганди. Бундай ҳолат Сайкаку асарларида савдогарларнинг оғир вазияти ва шундай бўлсада, шаҳарларнинг ўсиши ҳамда Осака савдо ҳудудларидаги савдогарларнинг жўшқин фаолиятини тасвирлашига сабаб бўлди.

“Нихон эйтайгура” тўпламининг биринчи китобидаги учинчи новеллада “Нанива кўпригида турганингизда, ўз эътиборингизни ғарбга қаратинг, – деб ёзади Сайкаку, – шунда кўз ўнгингизда юз хил манзара намоён бўлади! Черепица томли минглаб чакана дўконлар қатор бўлиб тизилиб туради, деворларнинг оқлиги тонгда қорнинг оппоқлигини билинтирмайди, гуруч тўлдирилган похол халталар уч бурчак шаклида уйилиб қўйилган криптомериялар каби осилиб туради; худди тоғ-тоғ бойлик каби араваларда ҳаракатланади; катта йўлларда шовқин шундай баландки, гўё кучли портлашларнинг гумбур-гумбуридек; сон-саноксиз шатакка олиб юриладиган палубасиз ёки ўзиюрар ясси кемалар сувдаги кузги тол барглари каби дарё тўлқинларида тебранмоқда; гўё олдимизда йўлбарс беркиниб олган бамбук ўрмони турганидек, шчупларнинг ўткир учлари қарама-қарши тўқнашмоқда, катта ҳисоб китоблари енгил очилмоқда, чўтлар шишага урилган дўл каби қарсилламоқда, тарозиларнинг жаранглаши тунги қўнғироқ овозини босиб кўяди, шамол идоралардаги пардаларни учиради”<sup>1</sup>.

---

литературного метода, – «Вестник Ленинградского университета. Серия истории языка и литературы», № 14, Л., 1960, стр. 51-60.

<sup>1</sup> 谷脇理史氏・神保 五弥・暉峻 康隆「井原西鶴集③ 日本永代蔵、万の文反古、世間胸算用、西鶴置土産」(小学館、1996) 33. (Taniwaki M., Shinbo K., Gunji K. Ihara Saikaku shu (3) Nihon eitaigura, Yorozu no fumihougu, Seken mune sanyo, Saikaku okimiyage [Collection of Ihara Saikaku works Vol. 3. Eternal Storehouse of Japan, An Old letter scrapbook, This Scheming World, Saikaku's Parting Gift.] Tokyo, Shogakukan, 1996, p.33)



Бу каби мўлчиликка зид равишда мамлакатда савдогарлар ўртасидаги шавқатсиз рақобат, харидор учун кураш, муддатли тўлов эвазига ёки баъзида қарзларни тўламаслик учун сохта битимлар тузиш, касодга учраш, судхўрликнинг гуллаб-яшнаши, турли хил хийла-найранглар, шаҳар чеккасидаги ночор уйларда қашшоқлик ва очарчилик қабилар ҳукм сураб эди.

Ушбу шароит келиб чиқишидан осақалик савдогарлардан бўлган Ихара Сайкаку учун жуда таниш бўлиб, буларнинг барчаси унинг асарларида кўп тасвирланган. Асл исми Хираяма Того бўлган адиб 1642 йилда туғилган ва 1693 йилда вафот этган. Сайкаку ёшлик чоғлариданоқ шоир – бадиҳагўй сифатида адабий доираларда машҳур бўлган.

Сайкаку нисбатан кеч, 40 ёшларида насрда ижод қилишни бошлаган. 1682 йилда адиб ўзининг “Ёлғиз эркакнинг ишқий саргузаштлари” (“Кошёку ичидай отоко”) номли илк романини яратди. Роман китобхонларда катта таассурот қолдирди ва унинг қолган бошқа романлари ичида энг катта шуҳрат қозонган асарга айланди. Япон адабиётида илк бора асосий қаҳрамони шаҳзода, зодагон ёки жангчи – феодал эмас, балки оддий шаҳарлик бўлган асар юзага келди.

Сайкаку яна бир қанча романларни ҳамда турли хил мавзу ва характердаги новеллаларни яратди. Рухлар ва афсун орқали турли хил тусга кира оладиган одамлар тўғрисидаги фантастик ёки суд ишлари билан боғлиқ можаролар ҳақидаги новеллалар шулар жумласидандир.

Сайкаку умрининг охиридагина янги мавзу ва жанр – “чёнинмоно”, яъни шаҳарликлар учун тарбиявий новеллаларга мурожаат қилган бўлиб, “Нихон эйтайгура” (“Япониянинг боқий хазинаси”) адибнинг ана шундай асарлар сирасига кирувчи новеллалар тўплами ҳисобланади. Ушбу тўпلام 1688 йилда нашр этирилган ва жуда катта шуҳрат қозонган. Тўпلامнинг адиб ҳаётлигидаёқ иккинчи марта қайта чоп этилгани бунинг исботидир.

“Нихон эйтайгура” тўплами олти китобдан ташкил топган ва ҳар бир китоб ўзида бештадан новеллани мужассамлаштиради. Тўпلام умумий ҳисобда ўттизта новелладан ташкил топган. Сайкаку уларда шаҳарликлар, деҳқонлар, ҳунарманд ва балиқчиларни гавдалантиради. Турли хил мисоллар орқали мол-мулк топиш учун қандай яшаб, қандай меҳнат қилиш кераклиги, савдо-сотик ёки ҳунармандчиликнинг сердаромад усулини топиш қанчалик қийин эканлиги ҳақида фикр юритилади. Шу билан бирга, ишга лоқайдлик қилиб фақат ўйин-кулгу билангина шуғулланса касодга учраб қашшоқликка юз тутиш қанчалик осон эканлигини, тежамкорлик ва ҳисоб-китобнинг зарурлиги, аксинча ҳалокатга олиб келувчи ҳаддан ташқари хасислик эса хавфли эканлигини уқтиради. “Нихон эйтайгура” гўёки адабий шаклда ифодаланган шаҳарликлар ёки янада аниқроқ айтганда, ўз меҳнати билан кун кечирувчи инсонлар учун панд-насихатлар тўпламидир.

Новеллалар мавзу ёки сюжет бўйича муайян бир аниқ тартибда тузилмаган. Шундай бўлсада, тўпلام бир бутун асар ҳисобланади. Чунки у





катта бир мавзу – шаҳарликлар ҳаёти, аниқроқ айтганда, учинчи қатлам ва унинг ижобий фазилатлари, ушбу фазилатларнинг фойдаси тўғрисидаги мавзуга бағишланган.

Биз “Нихон эйтайгура”ни новеллалар тўплами деб таъкидладик. Сайкаку асарларининг ҳар бирида сюжет қисмининг мавжудлиги уларни новелла жанри билан яқинлаштиради. Тўпламнинг биринчи китобидаги “Хасис отанинг хасис ўғли” (“Нидаймэ ни ябуру оуги но казэ”) деб номланган иккинчи новелласидагидек баъзида сюжет асар баёнини бутунлай қамраб олади. Ушбу новеллада қолган новеллаларга қараганда мулоҳаза ва хулосалар жуда кам. Баъзида муаллифнинг фикр-мулоҳазалари сюжет мантиғига зид келади.

Мисол учун биринчи китобнинг учинчи новелласи даймё – феодал ҳарбийларнинг бойлиги ва ҳашаматли ҳаёт тарзининг мақтовлари билан бошланади. Муаллиф уларни тирик буддага тенглаштиради. Бироқ, ушбу хушомад ва мақтовларда нозик киноя сезилади. Сайкакунинг ўзи ва унинг китобхонлари даймёларни фақат буддадан ташқари, қолган хоҳлаган кимсага тенглаштириш мумкинлигини жуда яхши биладилар. Мақтовлардан сўнг, даймё ёнида улкан кема ясаб, гуруч савдосида муваффақиятга эришган, ақлли ишбилармон савдогарни гавдалантиради. Бу ерда тўғридан-тўғри таққослаш мавжуд бўлмай, икки образ шунчаки ёнма – ён қўйилади ва китобхон ўзига тегишли хулосани чиқариб олади. Сўнгра Сайкаку Осакадаги савдо бандаргоҳи – мамлакатдаги гуруч савдоси бўйича энг катта марказ бўлмиш Китахаманинг ғоят завкли тасвирига ўтади. Деярли барча япон тарихшунослари ўз ишларида тўпламда келтирилган ушбу тасвирга ҳавола келтирадилар. Сайкаку йирик савдогарларнинг барчасини бирин – кетин санаб ўтади ва шаҳарликларнинг шогирд боладан тортиб ишбошчигача, сўнгра етказиб берувчи, агар омади келса ҳатто савдогаргача бўлган одатий ҳаёт йўли ҳақида баён қилади. “Хизматда энг муҳими ишга кирмоқчи бўлган савдо-саноат корхонасини тўғри танлашдир” – дея таъкидлайди муаллиф ва шу ўринда зодагонларга қаратилган танқидга тўла, аччиқ танбехни келтиради: “Ахир кугэ (сарой аёни)нинг авлоди сунбий гулни сотиб кун кўриши мумкин бўлган ҳолатлар мавжуд эмасми?” Бундай мулоҳазалар барча новеллаларни қамраб олган. Фақат, сюжет қисми асарнинг охиридагина жойлаштирилган бўлиб, у қуйидаги мақол билан бошланади: “Дунёда машғулотлар турли бўлиб, ўт-ўландан ясалган супурғунинг уруғидек бир талай”. Сўнгра қашшоқ бир кампир ҳақида ҳикоя қилинади. Ушбу кампир бандаргоҳда тўкилган гуруч доналарини териб олиб, уларни йиғиб боради ва шу йўл билан ўғлини шундай вояга етказди-ки, у аввал пул айрибошлайдиган савдогар, вақт ўтиб эса даймёнинг молиявий ишлар бўйича маслаҳатчиси бўлиб етишади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> 谷脇理史氏・神保 五弥・暉峻 康隆「井原西鶴集③ 日本永代蔵、万の文反古、世間胸算用、西鶴置土産」(小学館、1996) 33-36. (Taniwaki M., Shinbo K., Gunji K. Ihara Saikaku



“Нихон эйтайгура”да Сайкаку уста ижодкор ва батафсил тафсилотларнинг устаси сифатида намоён бўлади. Адиб шаҳарлар, бекатлар, карвонсаройлар, савдо бандаргохлари, дўкон ва уйларни, хуллас, ўзининг қаҳрамонлари яшайдиган ва ҳаракатланадиган муҳитни завқ билан тасвирлайди. Ушбу тасвирларга муаллиф ўзидан кўплаб янгиликларни киритиб, ўзгартиради. Сайкаку япон адабиётида биринчи бўлиб асарларга шаҳарликлар кундалик ҳаётининг ажойиб манзара ва тасвирларини олиб кирди. Адиб инсонни, унинг бутун ҳаёт тарзини бир нечта жумлада ёрқин тасвирлай олган. Сайкаку тўпламнинг учинчи китобидаги учинчи новеллада кичик бир судхўр дўкон бошлиғи ҳақида қуйидагича ёзади:

“... Уни олдига гаровга нарсаларни олиб келишарди ва бунда шунчалик алам бор эди-ки, санаб ҳисобига ета олмайсан. Одамлар эски, хўл соябонни олти фун<sup>1</sup>, эрталабки гуручдан кейин ювилмаган қозонни 10 мон<sup>2</sup> қарз эвазига қолдириб кетадиган ҳоллар ҳам бўлади. Август ойида ички кийимсиз канопдан кийим кийиб олган аёл, кир бўлиб кетган ички кимоносини олиб келади ва юпка кийимидан ичи кўринаётганлигига парво қилмай, 6 фунни олади-да кетади. Узоқ умр кўрган бўлса-да, бу йили уни нима кутаётганини билмайдиган, саксон ёшдаги, қадди буқик кампир эса қўли синиб қолган будданинг хайкали, газак учун мўлжалланган идишни олиб келади ва 48 монни олади. Аслида мана қандай бу дунё! 12-13 ёшлик қиз ва 7-8 ёш атрофидаги болакай харсиллаган ҳолда, елкаларида нарвонни олиб келадилар, олган 30 фунларига ўша заҳотиёқ кўшни дўкондан тозаланмаган гуручдан 5 го<sup>3</sup>, бир ўрам ўтин сотиб олиб, уйларига қайтадилар. Ҳа! Гаровхонада ишлаш ёқимли иш эмас. Четдан қараганингни ўзида кўнглингни ғам босади”<sup>4</sup>.

Сайкаку шаҳарлик одамнинг умумийлаштирилган яъни типик образини ярата олишнинг уддасидан чиққан. Иккинчи китобнинг биринчи новелласида адиб бой ва шу билан бирга қўли очик, кичик бир уйда яшайдиган, ўзига оро бериш ҳақида ўйламай оддий кийиниб юрадиган, тежамкор, ишбилармон, зехни ўткир, зодагонларга тақлид қилмаган ҳолда ўзига ўхшаган одамни тарбиялай оладиган савдогар ҳақида хикоя қилади.

shu (3) Nihon eitaigura, Yorozu no fumihougu, Seken mune sanyo, Saikaku okimiyage [Collection of Ihara Saikaku works Vol. 3. Eternal Storehouse of Japan, An Old letter scrapbook, This Scheming World, Saikaku's Parting Gift.] Tokyo, Shogakukan, 1996, pp.33-36)

<sup>1</sup> Фун – қадимги япон пул бирлиги.

<sup>2</sup> Мон – қадимги япон пул бирлиги.

<sup>3</sup> Го - оғирлик ўлчов бирлиги. Асосан гуруч ва японча май “саке”ни оғирлигини ўлчашда қўлланилган. 1 го 0,18039 литрга тўғри келади.

<sup>4</sup> 谷脇理史氏・神保 五弥・暉峻 康隆「井原西鶴集③ 日本永代蔵、万の文反古、世間胸算用、西鶴置土産」(小学館、1996) 96-97. (Taniwaki M., Shinbo K., Gunji K. Ihara Saikaku shu (3) Nihon eitaigura, Yorozu no fumihougu, Seken mune sanyo, Saikaku okimiyage [Collection of Ihara Saikaku works Vol. 3. Eternal Storehouse of Japan, An Old letter scrapbook, This Scheming World, Saikaku's Parting Gift.] Tokyo, Shogakukan, 1996, pp.96-97)



Бошқа новеллаларда ушбу шаҳарлик – карвонсаройнинг доно бошлиғи, уddaбурон балиқчи, зехли шогирд болакай сифатида гавдаланади. Тўғри, Сайкаку қаҳрамонлари характеристикасида кўп бўрттиришлар учрайди ва уларда ўзига хос индивидуал хусусиятлар жуда кам. Бундай образларни типик образлар деб аташ қийин. Бироқ, шуни таъкидлаш жоизки, Сайкаку янги қатлам тўғрисида тасаввур ҳосил қилдирувчи тафсилотларни танлашга ҳаракат қилган.

Адиб ўз асарларида ижобий қаҳрамонлар билан бирга виждонсизлик, инсофсизлик ила бойлик орттирган ўта кетган хасис, фирибгар одамларни ёки савдогарларнинг зодагонларга хос тартибда тарбияланган, етарли даражада ўқимишли бўлса-да, амалий билимларга эга бўлмаган ва ҳаётга мослашмаган ўғил фарзандларини гавдалантиради.

Сайкаку ўзи аслида қандай идеалларга интилган эди? Адиб китобхонларига нимани уқтирмоқчи бўлган? Қизиқарли сюжетнинг йўқлигига қарамай тўплам нима сабабдан катта шухратга эришганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

Барча япон ва европалик тадқиқотчиларнинг фикрича “Нихон эйтайгура” асосий мақсад – бойиб кетиш йўлида шаҳарликларни меҳнаткашликка, тежамкорликка, топқирликка ўргатувчи кўрсатма, панд-насихатлардир.

Ушбу қараш умуман олганда тўғри бўлса-да, фикримизча бундай талқин “Нихон эйтайгура” асосини ташкил этувчи, тўпламнинг аҳамиятини янада орттирувчи асосий тағмаънони эътибордан четда қолдиради. Сайкаку ижодининг тарихий шароитларини диққат билан ўрганиш “Нихон эйтайгура” тўпламнинг сиёсий йўналганлигини англаб етишга ёрдам беради. Биз Сайкаку ўзига эзилган ва кўп нарсалардан маҳрум қилинган, ночор қатлам вакили сифатида шавқатсиз феодалларга қарши курашувчи сиёсий курашчи ролини олган деб айтмоқчи эмасмиз, албатта. Бироқ, Сайкаку изчиллик билан шаҳарликларнинг, яъни учинчи қатлам вакиллариининг яшашга бўлган ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиб чиқади. Тўпламда ҳеч меҳнат қилмаса-да, барча нарсага ҳақли ва аксинча оғир меҳнат қилиб, ўз ҳақ-хуқуқларига умуман эга бўлмаган икки қатлам орасидаги тафовутни ишонч билан ёрқин ифодаланган.

Бундай таққослашни тўпламнинг илк новелласиданок кузатамиз. Сайкаку пул ҳамма нарсанинг асоси, “ҳаётнинг ота-онаси” эканлиги ҳамда шу сабабдан нафақат зодагон ва деҳқонлар, савдогар, хунармандлар, балки руҳонийлар ҳам пул йиғишлари керак эканлигини таъкидлайди. Демак, пул Сайкаку учун бахт-саодатнинг асоси. Ушбу бош ғоя моҳиятан ер мулкини бойликнинг асоси деб билган, “савдо-сотик” билан боғлиқ барча нарсага паст назар билан қараган зодагонларнинг мафқурасига зид келар эди. Маълумки, самурайлар савдогарнинг дўконига очикдан-очик киришни ўзи учун уятли иш деб билганлар ва дўконларга иложи бориша шомдан кейин, юзларини рўмол билан беркитган ҳолда киришга ҳаракат қилганлар.



Бирок, Сайкакунинг образларига пул нима учун керак? Сайкаку ижодига бағишланган аксарият тадқиқот ва мақолаларнинг муаллифлари мазкур саволнинг жавоби адибнинг нозик жойини намоён қилади деб ҳисоблайди. “Пул нима учун керак? – деб савол беради Сузуки Тошия<sup>1</sup>, – фақатгина бойлик билан мақтаниш ва уни сарфлаш учун...” Айрим тадқиқотчилар Сайкаку пул олдида худди илоҳий куч олдида сажда қилгандек бош эгади деган фикрни ҳам келтирадilar. “У пулга оддий нарсаданда анча муҳимроқ насага қарагандек қарайди, пул у учун инсон қалбининг бир қисми”, – деб ёзади Нацумэ Сосэки<sup>2</sup>.

Фикримизча, мазкур мулоҳазаларнинг барчаси ҳақиқатдан йироқ. “Пул нима учун керак” деган саволга Сайкакунинг ўзи “Нихон эйтайгура” тўпламининг олтинчи китобидаги бешинчи новеллада қуйидагича жавоб беради:

“На насл-насаб, на қон аҳамиятга эга. Пул – мана нима шаҳарликнинг насл-насаби, шажараси. Агар киши шаҳарда яшаса-ю, бироқ қашшоқ бўлса, у хоҳ Тайшэкан<sup>3</sup> сулоласидан бўлсин, барибир маймун билан кўчаларда санғийдиган қашшоқдан баттардир”<sup>4</sup>.

Шундай қилиб, уруғ-аймоғнинг аҳамияти ҳамда оқ суякларга хос насл-насабга қарши қўйиш мумкин бўлган куч бу – пул эканлигига Сайкакунинг ишончи комил. Адиб пулнинг қудратини юқори қатлам насл-насабининг кучига қарши қўйган ҳолда, барча ҳақ-ҳуқуқлардан маҳрум қилинган шаҳарликларни ўзича ҳимоя қилади.

Мана нима сабабдан Сайкаку тежамкорликни тарғиб қилиб, бир вақтнинг ўзида пулнинг қули бўлмиш хасислар устидан кулади. Хусусан, тўпламининг учинчи китобидаги тўртинчи новеллада бу яққол намоён бўлади:

“Қадим даврларда, Осакада бир машҳур хасис яшаган экан. У бутун умрини ёлғиз яшаб ўтган, хасислигидан ҳатто овқатдан ҳам ўзини тийган экан. Энг кучга тўлган пайтида, ҳеч қандай бахтни билмай тўсатдан вафот этибди. Ундан қолган пулларни ибодатхонага бериб юборишибди. Рухонийлар уни 48 кеча хотирлаган бўлсалар-да, унга бундан не фойда?”<sup>5</sup>

<sup>1</sup> 鈴木敏也「近世日本小説史」(内外出版, 1926) 448. (Suzuki T. Kinsei nihon shyosetsu shi [History of Japanese novels of medieval periods] Tokyo, Naigai shyuppan, 1926, p. 448)

<sup>2</sup> 片岡良一「井原西鶴」(至文堂, 1926) 338. (Kataoka R. Ihara Saikaku [Ihara Saikaku] Tokyo, Shibundo, 1926, p.338)

<sup>3</sup> Тайшэкан – Фуживара зодагорлар сулоласида авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтган сарой унвони.

<sup>4</sup> 谷脇理史氏・神保 五弥・暉峻 康隆「井原西鶴集③ 日本永代蔵、万の文反古、世間胸算用、西鶴置土産」(小学館、1996) 201. (Taniwaki M., Shinbo K., Gunji K. Ihara Saikaku shu (3 Nihon eitaigura, Yorozu no fumihougu, Seken mune sanyo, Saikaku okimiyage [Collection of Ihara Saikaku works Vol. 3. Eternal Storehouse of Japan, An Old letter scrapbook, This Scheming World, Saikaku's Parting Gift.] Tokyo, Shogakukan, 1996, p.201)

<sup>5</sup> Ўша манба, 101-бет



Сайкаку бошқа новеллаларида кўп бора ҳар бир танга учун қалти-райдиган зикна одамлар ҳақида ғазаб билан, хасислик қилмай пул сарфлай оладиган, севимли актёрини томоша қилиш учун катта микдордаги пулни тўлашга қодир ёки фарзандини даволаган шифокорни яхшигина мукофотлашга қурбӣ етадиган савдогарлар ҳақида эса мақтов ила кўп таъкидлаган.

Шу билан бирга, Сайкаку оддий кийиниб, арзимайдиган майда нарсалардан пулни тежай оладиган, камтарин савдогарлардан завқланади. Савдогарларнинг яхши фазилатларига қаратилган бундай мақтовлар катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган. Чунки учинчи қатламнинг айнан ушбу фазилатлари зодагонларда нафрат ҳиссини уйғотишга сабаб бўлган эди. Сайкаку зодагонлар ҳақида масхараомуз тарзда тўпламнинг биринчи китоби тўртинчи новелласида қуйидагича ёзади: “Самурайнинг бутун хизмати – олифталик қилиб чиройли кийимда юриш. Ҳатто хизматкори бўлмаган камбағал самурай учун оддий одамлар каби кийиниб юриш уятлидир”<sup>1</sup>. Тежамкорлик ва меҳнатсеварлик – “Нихон эйтайгура” тўпламининг асосий ғоясидир. Учинчи китобдаги биринчи новеллада ёзувчи ўз дастурини қуйидаги ўзига хос рецепт шаклида ифодалайди:

“Мен “бойвачанинг ҳапдориси” деб номладиган ажойиб дорининг таркибини айтиб бермоқчиман”.

Эрта туриш .....	5 рё
Отадан қолган касб .....	20 рё
Тинимсиз меҳнат .....	8 рё
Тежамкорлик .....	10 рё
Соғлиқ .....	7 рё

Бу 50 рёни яхшилаб майдалаш, эҳтиёткорлик билан аралаштириш, аниқ адолат тарозисида тортиш ва эрталаб ҳамда кечкурун қабул қилиш керак. Шунда бойиб кетишингиз мумкин”<sup>2</sup>.

Бироқ, адиб огоҳлантиради: дорининг биз ўзи кам ва етарли эмас. У билан бирга парҳезга риоя қилиш керак, яъни барча зарарли одатлардан ўзини тийиш керак. Акс ҳолда дори таъсир қилмайди.

Асосий ғоя – меҳнат ва тежамкорликнинг муҳимлигини Сайкаку ҳам ижобий, ҳам салбий мисоллар билан кўрсатиб беради. Аммо, бу ерда ёзувчи қарашларининг чегараланганлиги ўз таъсирини ўтказмай қолмаган. Адиб даромад, фойда билан боғлиқ барча нарсани муҳим ва мақтовга сазовар эканлигини эътироф этса-да, билимни излаш у учун ишончни оқламайдиган машғулотдир. Бешинчи китобнинг биринчи новелласида Сайкаку янги соатнинг ихтиро қилинганлиги ҳақида гапиради. Уч авлод – ота, ўғил ва

<sup>1</sup> Ўша манба, 41-бет

<sup>2</sup> Ўша манба, 85-бет



невара мазкур кашфиётнинг устида ишлашади. Фақат неваранигина муваффақият кутар эди. Бироқ, даромад сарф-ҳаражатларни қопламади. Муаллиф бу ҳақида ҳафсаласи пир бўлиб хабар беради.

Сайкаку новеллаларининг асл ғояси аксарият ҳолларда яхшигина ниқобланган бўлиб, фақат киноя ва кутилмаган таққослашларгина адибнинг мавжуд нарсаларга бўлган муносабатини намоён қилади. Мисол учун, Сайкаку тўпламнинг тўртинчи китобидан жой олган иккинчи новеллада ҳокимият томонидан япон савдогарларига савдо мақсадида фақат мамлакат ичидаги денгизлардагина ҳаракатланиш рухсат этилган бир пайтда, уларнинг денгиз бўйлаб ҳеч қандай тўсиқларсиз сузиб юрган хитойлик ҳамкасбларига нисбатан юзага келган ҳасад ҳисси ҳақида ҳикоя қилади. “Дунёда кемалар мавжудлиги учун одамлар бир куда 100 ри денгиз кенглигини сузиб ўтадилар ва мол-мулк орттирадилар. Шу сабабдан йирик савдогарларнинг қалбини катта денгиз кемасига тенглаштириш мумкин. Уйимиз ёнидаги кичик ариқда қаерга сузиб борардинг?... Бутун умр тарози паллалари олдида ўтириб, кенг дунёни билмай ўтиб кетадиган одамларнинг ҳоли ачинарли!”<sup>1</sup>

Сайкаку “мамлакатни ёпиш”, денгиз бўйлаб савдонинг тақиқланишига қарши очик курашишга аҳд қила олмайди. Лекин, унинг сузиш учун рухсат берилган тор ариқ образи жуда ҳам ифодалидир.

Ушбу новелланинг ўзида, у япон савдогарларидан фарқли ўлароқ текин даромадга интилмайдиган, узоқни кўзлайдиган, ноҳаққоний келишувлар орқали ишдаги имкониятларни йўқ қилмайдиган хитойлик савдогарларни мақтайди:

“Хитойликлар – ҳалол, тўғри одамлар, ўз сўзларида турадилар, шойи парчасининг икки четини теккис қилиб тайёрлайдилар, дори-дармонга ҳеч нимани қўшиб қўймайдилар, дарахт дарахтдек, кумуш кумушдек, доим ишни ҳалол ва ҳаққоний олиб борадилар. Текин даромад ва фойда учун фирибгарликка қодир одамлар – булар японлардир. Игналарни янада калтароқ қилмоқдалар, матоларнинг ўлчамини камайтирмоқдалар, ҳатто соябонни мойламаяптилар – арзон бўлса бўлгани. Сотиб бўлишлари билан кейин нима бўлиши ҳақида умуман қайғурмайдилар”<sup>2</sup>.

Сайкаку ўз асарининг кўп саҳифаларини ахлоқий мавзу юзасидаги фикр-мулоҳазалар, даврининг эстетик меъёрларини тушунтириб беришга сарфлайди.

“Нихон эйтайгура”да илк бора нариги дунёга нисбатан бефарқлик, фонийлик, мавжуд барча нарсаларнинг реал эмаслиги тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларнинг йўқлиги каби шахарликлар адабиётининг ўзига хос хусусиятлари намоён бўлади.

Учинчи китобнинг тўртинчи новелласида Сайкаку қуйидаги фикрларни келтиради: “Ҳаёт энг азиз неъмат, ҳаёт учун эса соғлиқ ҳақида қайғуриш

<sup>1</sup> Ўша манба, 121-бет

<sup>2</sup> Ўша манба, 121-бет



муҳимдир”<sup>1</sup>. Сўнгра ёзувчи соғлиқни қандай сақлаш жоиз эканлиги тўғрисида маслаҳатлар беради.

Даврни ҳисобга олган ҳолда, тақводорликнинг фойдасини инкор қилмайди. Аммо, ибодатхона ва дуо учун камроқ пул ишлатиш кераклигини маслаҳат беради. Масалан, биринчи китобнинг учинчи новелласида меҳнаткаш деҳқон ҳақида қуйидагича сўз боради:

“У ўз вақтида ерни ўғитлар, бегона ўтлардан тозалар, сувни чиқариб ташларди ва шунинг учун гуруч яхши бошоқ отарди, пахта оқ капалаклар галаси билан қоплангандек қалин ўсарди. Ҳосилни бошқалардан кўра кўпроқ олар эди. Аммо, осмоннинг бу ерга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Буларнинг ҳаммаси унинг дастаки сўха ва омочи тез чарчаб қоладиган даражада тун-у кун меҳнат қилганлигидандир”<sup>2</sup>.

**Выводы.** Таким образом, выработка новых представлений о структуре лексической единицы китайского языка у студентов, изучающих китайский язык, является неотъемлемой частью учебного процесса, необходимо формировать «новые динамические стереотипы речевой деятельности на этом языке». <sup>3</sup>

Сопоставление в учебных и методических целях лексики китайского и узбекского языков способствовало выявлению природы возникновения лексических трудностей у студентов-филологов, из которых наиболее характерны для лексики китайского языка акустико-графическая, лексико-семантическая и лексико-грамматическая типологии.

<sup>1</sup> Li Detszin/Pod red. Chen Meychzhen'. *Prakticheskaya grammatika kitayskogo yazyka dlya inostrantsev*. – Peking: Izd-vo Pekinskogo universiteta yazykov, 2008. – S.117. / 外国人使用汉语语法/李德津, 程美珍编著. – 2版(修订本). – 北京: 北京语言大学出版社, 2008. – 第117页.

<sup>2</sup> Shatilov S.F. *Metodika obucheniya nemetskomu yazyku v sredney shkole*. – M.: Prosveshcheniye, 1986. – S.27

<sup>3</sup> Там же. – S. 67.



## ЮЛДАШЕВ ТОБОШАР

филология фанлари номзоди, ТДШУ

### Бобурнинг “Мубаййин” асарининг тузилиши ҳамда ҳаж ва умра амалларини ифодалаган атамаларнинг семантикаси

**Аннотация.** *Ўрганилаётган тил тахирига оид ёзма манбаларни ўқиб ўрганиши ва илмий тадқиқ этиши ўша соҳанинг ривожланиши пойдевори бўлиб хизмат қилади. Шунга биноан адабий тилимиз ва миллий адабиётимизнинг ривожланишида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Мубаййин” асарининг ўрни беқиёс. Адибнинг мазкур асарни ёзишдан мақсади ўгли Ҳумоюнга шариат илмини назмий йўлда жўн ва тушунарли баён қилиши бўлган.*

*XV-XVI асрларга келиб эски ўзбек адабий тилининг лексик қатлами анча қайшиқлашиб, соф туркий сўзлар ўрнини араб, форс ва тожик тилидан ўзлашган қатлам эгаллаб олган эди. Бу ҳолат эса кенг оммани илм-маърифатдан йироқлаштириши билан бирга эски ўзбек адабий тилини инқирозга олиб келарди. Жараёни тўғри тушуниб етган Бобур ўз асарларида соф туркий сўзларни қўллашга интилган.*

*Заҳириддин Муҳаммад Бобур мазкур асари билан ўзбек адабий тилининг, ўзбек адабий тил тарихининг, ўзбек адабий тилидаги диний фалсафий руҳдаги атама, сўз ва ибораларнинг ҳамда шариат илмининг ривожланишига ҳисса қўшган. Ижодкор “Мубаййин” асарини ёзиши асносида ўзбек адабий тили тарихида эскириб бораётган туркий сўзларни қайта истеъмолга киритди. Шунингдек, ўша давр ўқувчисига қулай, осон, тушунарли асар ёзишга интилган. Бунинг натижасида “Мубаййин” ўз даврида халқ ўртасида кенг оммалашган.*

**Таянч сўз ва иборалар:** *Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мубаййин, асар, ҳаж, умра, амаллар, атама, иститоат, офоқий, ифрот, қирон, таматтуъ, вуқуф-и муздалифа, ҳажжару-л-асвад.*

**Аннотация.** *Изучение и исследование письменных источников, связанных с изучением языка, служит основой развития этой области. Поэтому неопределима роль произведения Захириддина Мухаммада Бабура «Мубайин» в развитии нашего литературного языка и национальной литературы. Целью работы автора было поэтическое и ясное объяснение науки шариата своему сыну Хумоюну.*

*К XV-XVI векам лексический слой староузбекского литературного языка значительно обеднел. Исконно тюркские слова были заменены арабскими, персидскими и таджикскими. Это, в свою очередь, отчуждало широкие слои населения от науки и просвещения. Это привело к кризису староузбекского литературного языка. Бобур, правильно понимавший процесс, старался использовать в своих произведениях исконно тюркскую лексику.*

*Этой работой Захириддин Мухаммад Бобур внес вклад в развитие узбекского литературного языка, историю узбекского литературного языка, терминов, слов и фраз в религиозно-философском духе языка. Он также стремился к тому, чтобы произведение было легким и понятным для восприятия читателя той эпохи. В результате Мубайин пользовался популярностью.*

**Опорные слова и выражения:** *Захириддин Мухаммад Бобур, Мубайин, произведение, хадж, умра, амалы, столты, термины, иститеат, офакий, ифрат, қирон, таматтуъ, вуқуф-и муздалифа, хаджжару-ль-асвад.*



**Abstract.** *The study and research of written sources related to language learning serves as a mainstay for the development of this field. Therefore, the role of the work of Zakhiriddin Muhammad Babur "Mubayin" in the development of our literary language and national literature is invaluable. The aim of the author's work was a poetic and clear explanation of the science of Sharia to his son Humayun.*

*By the 15th - 16th centuries, the lexical layer of the Old Uzbek literary language had become significantly poorer. Purely Turkish words have been replaced by Arabic, Persian and Tajik. This, in turn, alienated the general public from science and education. This led to the crisis of the old Uzbek literary language. Babur, who understood the process correctly, tried to use pure Turkish words in his works.*

*With this work, Zakhiriddin Muhammad Babur contributed to the development of the Uzbek literary language, the history of the Uzbek literary language, terms, words and phrases in the religious and philosophical spirit of the Uzbek literary language, as well as to the science of Sharia. During the writing of the mubayyn, the artist again introduced obsolete Turkic words into the history of the Uzbek literary language. He also strove to write a work that would be convenient, easy and understandable for the reader of that period. As a result, Mubayin became popular among the people of his day.*

**Keywords and expressions:** *Zahiriddin Muhammad Babur, Mubayyin, asar, hajj, umra, ammalar, atama, istiteat, ofaqiy, ifrat, qiran, tamattu', wuquf-i muzdalifa, hajarul-aswad.*

Ўзбек адабий тили тарихий тараққиётида лексик қатлам ривожини улуғ ажодларимиз ижодий мероси бойитган. Ўзбек адабий тили тарихида фикҳий атамаларнинг шаклланиши ва тарихий тараққиёти узоқ асрларга бориб тақалади. Унинг такомил босқичида, ислом даврининг таъсири катта. Бу таъсир натижаларини ўша давр ёзма манбаларида, айниқса, дин ҳуқуқига оид асарларда яхши кузатиш мумкин.

Маълумки сўзлар атама сифатида ишлатилганда махсус маъно касб этади. Бир сўзнинг ўзи турли соҳаларда турли маъноларда келади. Масалан: рукун сўзи шеършуносликда вазн бўлагини билдирса, фикҳда ислом асосини ва намознинг ички амалини билдиради. Вазн сўзи шеърятда шеърнинг ёзилишини ва ўқилиш тартибини билдирса, тилшуносликда сўз шаклини билдиради. Луғавий маъноси уй бўлган байт сўзи назмий асарларда шеърнинг икки мисрали бўлагини билдирса, нўжум илмида толе буржини билдиради. Шунинг учун фаннинг ҳар соҳасини тўғри ўзлаштириш ва ундаги атамаларнинг маъносини аниқлаш лозим. Шу боис ушбу тадқиқотимизни Бобурнинг мазкур асарида қўлланган ҳаж ва умрага оид атамалар семантикаси, яъни маъно хусусиятларини ёритишга бағишладик.

“Мубаййин”нинг тузилиши. Заҳириддин Бобур бу асарини фарзандлари Ҳумоюн ва Комрон Мирзога ислом илмини чуқур эгаллашлари учун панд – насиҳат сифатида ёзиб қолдирган. Китоб назмининг сабаби фаслида муаллиф буни шундай баён этади:

Дин-у донишда ҳар кун афзун бўл,  
Давлат-у бахт ила Ҳумоюн бўл.  
Комрон бўл, Жаҳонда, давлат кўр,



Юз туман обрў-йу иззат кўр<sup>1</sup>

“Мубаййин” исломий фарзларни баён қилувчи асаргина эмас, балки Бобур шеърятининг энг ажойиб намуналаридан биридир. Бунга асарнинг ўз даврида кенг шуҳрат топганини, қўлёзма нусхалари Ўрта Осиё маданий марказларида қайта-қайта кўчирилганлигини далил тариқасида келтириш мумкин<sup>2</sup>.

Асар ўзининг юксак бадийлиги билан Бобур ижодидагина эмас, XVI аср ўзбек шеърятини ҳам алоҳида ўринга эга. Асар ахлоқий-таълимий жиҳатдан алоҳида аҳамият касб этади. У ўзбек адабиёти тарихида панд-насиҳат руҳида яратилган энг яхши асарлар қаторида туради.

“Мубаййин” эски ўзбек адабий тилида битилган ажойиб асар.

“Бобурнома”даги лингвистик маълумотлар, “Хатт-и бобурий” шоирни улуг сўз санъаткори эканлигидан далолат беради<sup>3</sup>.

“Мубаййин”даги шаръий атамалар изоҳи, шарҳи Бобурнинг атамашунослик соҳасида-да катта тажриба ва маҳоратга эга эканлигини кўрсатади.

“Мубаййин” беш бўлим ва хотимадан иборат. Унинг илк бўлими Ўтиқодийа деб аталади. Қолган тўрт бўлим қуйидаги номларга эга: 1. Китобу-с-салот; 2. Китобу-з-закот; 3. Китобу-с-савм; 4. Китобу-л-ҳаж. Ҳар бир китоб муқаддима ва хотимадан иборат. Муқаддима таомилга кўра, басмала билан бошланди. Хотимада ҳамдала берилади.

Ўтиқодийа илк бўлим бўлганлиги учун у ҳамд ва наътдан иборат. Китоб назмининг сабабидан кейин исломнинг беш фарзи: иймон, салот, закот, савм (рўза), ҳаж ҳақида умумий маълумотлар берилади.

“Мубаййин”нинг “Китобу-с-салот” бўлимида намознинг тартиби ва намоз ичидаги амаллар баён этилган. Бу бўлимнинг ўзи ҳам ичида таҳорат, намоз, намоз турлари ва баъзи шаръий масалалар баёнидан иборат. Бунда қуйидаги масалалар ёритилган:

1. Намоз ўқиш учун адо этилмоғи керак бўлган ташқи фарз амаллар (Намоз фаройизининг баёни, Намоздан ташқари олти фарзнинг баёни);
2. Таҳорат учун ярайдиган сув (Сувнинг масойили);
3. Намоз ўқиладиган жойнинг таърифи (Намоз ўтарини масойили);
4. Кийим масаласи (Кийгулик масойили);
5. Аввалги, яъни ғализа нажосат ва ундан покланишининг баёни (Нажосатнинг аввалги қисмининг баёни. Нажас ниманинг юмоғнинг баёни);
6. Таҳорат масаласи (Бадан таҳоратининг масойили);
7. Истинжо қисмларининг баёни (Истинжонинг аввалги навъининг баёни. Истинжо суннатларининг баёни. Истинжонинг икинчи навъининг баёни);
8. Истибро масаласи (Истибро масойили);
9. Нажосатнинг иккинчи қисмининг баёни (Нажосатнинг икинчи қисмининг баёни);
10. Чўмилишга сабаб бўлувчи амалларнинг баёни (Ғуслнинг аввалги мавжабнинг баёни. Ғуслнинг икинчи мавжабнинг

<sup>1</sup> Бобур Заҳрирдин Муҳаммад. Мубаййин. -Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2000. 7-б.

<sup>2</sup> Бобур Заҳрирдин Муҳаммад. Ўтиқодийа/ Шарқ юлдузи журналы. 1993. -№ I. 137-б.

<sup>3</sup> Бобур Заҳрирдин Муҳаммад. Бобурнома. - Тошкент: юлдузча, 1989. 77-б.



баёни; 11. Ғуслнинг учинчи мавжабнинг баёни); 12. Жанаб, ҳайз ва нифос ҳукмида бўлган шахслари манъ қилинган нарсалар баёни (Жунб-у ҳойиз ва нафсо қилмас нималарнинг баёни); 13. Чўмилиш суннат бўлган амаллар баёни (Тўрт суннати ғуслийнинг баёни; Ғуслнинг фаройизининг баёни. Ғуслнинг суннатларининг баёни); 14. Таҳоратни бузувчи нарсалар баёни (Вузу навоқизининг баёни); 15. Таҳоратга оид фарз, суннат ва мустаҳаб амаллар баёни (Вузу фаройизининг баёни. Вузу суннатларининг баёни. Вузу мустаҳабларининг баёни). Вузунинг ибтидосида ўқулмоқ керак-дур деб номланган фаслда таҳорат қилиш жараёнида ўқилиши керак бўлган дуолар келтирилган.

“Китобу-с-салот” бўлимида таҳорат ва намоз вақтларига оид масалалардан сўнг намоз ўқиш жараёнидаги амаллар тавсиф этилади. Булар: қибла масойили; намоз ниятининг масойили; намоз-и доҳилий олти фарзнинг баёни; қиём масойили; қироъат масойили; рукуъ масойили; сужуд масойили; куъуд масойили. Намоз вожиботининг баёни фаслда намозга тааллуқли вожиб амаллар баён этилган. Унда “Қунут” ва “Раббано отийно” дуоси ҳам келтирилган.

Юқоридаги фасллардан сўнг намоз руқунларида янглишиш бўлганда, уни тўғрилаш йўллари ва намоз суннатлари (Сажда-и сахв мужиботининг баёни. Намоз суннатларининг баёни) келтирилади. Кейинги фаслларда намоздаги мустаҳаб, мубоҳ, макруҳ, фосид амаллари (Намоз мустаҳабларнинг баёни. Намоз адабларининг баёни. Намоз мубоҳларининг баёни. Намоз макруҳларининг баёни. Намоз фосидларининг баёни), беш вақт намоз ўқиш тартиби (беш вақт намознинг баёни); намозни мусофир жойда ўқиш тартиби (Мусофирона намознинг баёни); намоз рукнларининг тартиби (Соҳиб-и тартибнинг баёни); беморларнинг намоз ўқиш қоидалари (Оғрик намозининг баёни); намозни жамоат билан ўқиш (Намозни жамоат била ўтамакнинг баёни); жумъа намозини ўқиш (Намоз-и жумъанинг баёни); ҳайит намозлари ва фитр садақасини бериш қоидалари (Бийд намозларининг баёни; Садақа-и фитрнинг баёни; қурбонликнинг баёни); жаноза намозининг баёни (Ўлук намозининг баёни) келтирилади. Сўнг тарових намози ҳақида фикр юритилади (Тарових намозининг баёни). Ушбу фаслнинг бешинчи, ўнинчи ва ўн биринчи байтларидан сўнг тарових намозда ўқиладиган дуолар қайд этилган.

Таҳажжуд намози масойили фаслида дуо ва Қуръон сураси, яъни “Оли Имрон”дан оятлар келтирилади.

Кусуф-у хусуф намози масойили, *истисқо*, истихора, намозлари тафсилоти берилган.

Бу фасллардан сўнг, қисқача хотима келтирилади.

“Мубаййин”нинг учинчи – “Китобу-з-закот” бўлими закот бериш қонун – қоидаларига бағишланган. Мазкур бўлим ҳам муқаддима билан бошланиб, хотима билан тугайди. “Китобу-з-закот” закот шароити; закот молларининг турлари; нақдина; савойим; тижорат амволи; закот фароизи; закот масо-рифи; ушуру хирожи ҳақидаги фасллардан иборат.



“Мубаййин”нинг “Китабу-с-савм” бўлимида рўза ва унинг тартиб қоидалари хусусида баҳс юритилади. Мазкур бўлимда фарз ва нафл рўза нияти; савм муфсидоти; қазо била каффорат; савм макруҳоти; савм муфсади бўлмаган нарсалар; аъзор-и мутанажжиса; манҳий-у макруҳ ва мустаҳаб савмлари; эътикоф ҳақида маълумот берилган. “Мубаййин” нинг “Китобу-л-ҳаж” бўлимида аввал ҳаж вужуби шароити; ҳаж адоси шароити; ҳаж мавоқити; эҳром боғламоқ; ҳаж адоси вужуҳи; афрод; умро; қирон баён қилинган. Юқоридаги фасллардан сўнг ҳаж турлари ҳақида маълумот берилади. Булар: таматтуъ; махтурот; махтурот иккинчи рукни; ҳаж аркони ва ҳажнинг иккинчи рукни; ҳаж вожиботи ва суннатлари; тафсил била ҳаж аъмолининг баёнидан иборат.

Эҳром боғлаган вақтда манъ қилинган амаллар ихсор баёни фаслида зикр этилади. Ҳаж-и бадал ва ҳаж амали бажарилаётганда қилинадиган қурбонликлар, ҳажж-и ғайр баёни ва ҳадй баёни каби фаслларида тавсифланади.

Асар сўнгида хотима келтирилган. Хотимада муаллиф бу асарини ёзиш учун астойдил киришгани, унда шариат илмларини баён этгани ҳамда асарга “Мубаййин” деб ном берганлигини таъкидлайди. Асарнинг ёзилган йили қуйидаги тўртликда баён этилган:

Маккийдин расул кетганидан,  
Ҳижрат айлаб Мадина йетганидин.  
Йил тўқуз йуз йигирма секиз эди,  
Фикҳда Бобур ушбу назм деди<sup>1</sup>.

Бобурнинг “мубаййин” асарида ҳаж ва умрага оид қуйидаги атамалар учрайди:

Ҳаж. Ислоннинг бешинчи рукни. Бу атама Маккага бориб, каъба ибодатини адо этишни билдиради. Бу ибодатнинг бошқа ибодатлардан фарқи шундаки, имкони бор киши умрида бир марта адо этиши фарз ҳисобланади:

Бу бешинчига билки ҳаж-дур от,  
Бўлди умрунда фарз бир навбат.  
Бил-ки, ҳаж шаръ ичра мундоқ-тур,  
Каъба тавфиға қасд қилмоқ-тур<sup>2</sup>

**Иститоат.** Бу атама луғавий жиҳатдан куч, қудрат, иқтидор деган маъноларни билдиради. Ҳаж ва умра амалларига нисбатан қўлланганда зиёрат қилиш учун вожиб бўлган шароитни ифодалайди. Бу шароит қуйидагилардан иборат: сихҳат, ҳажга бориб келиш учун етарли маблағ, савдогарга сармоясидан ажралмаслик, хотин кишига маҳрам, йўл омонлиги.

**Мавоқит.** Бу сўз мийқотнинг кўплиги. Мийқот эҳром боғланадиган манзил, жой. Мийқотлар бешта ҳисобланади: Зул Ҳулайфа- Мадиналиклар

<sup>1</sup> Ўша асар: 166-б

<sup>2</sup> Ўша асар: 122-б.



учун; Жаҳфа – Шомликлар учун; Қарн – Наждликлар учун; Йаламлам – Яманликлар учун; Зот-и Ирк – Ироқликлар учун.

Офокий. Мийқотдан ташқарида бўлган зиёратчини билдиради. Бобур бу атамани қуйидагича таърифлайди:

Бор-дурур бири хориж-и мийқот,  
 Анга офоқи ўлди билғил от<sup>1</sup>.  
 Эҳром боғламоқ. Бу амал қуйидагича амалга оширилади:  
 Десанг эҳром боғлайн, муним бил,  
 Ғусл қил йўқ эса, таҳорат қил.  
 Тўн-у дастор ўтуқунг солғил,  
 Кийгали тикмаган нима олғил.  
 Белинга лунг боғла, чодир кий,  
 Бош яланг бўл бу вақтлар, санга дей!  
 Бурутунг бирла тирноғинг олғил,  
 Қирқилур тукни қирқ, соч солғил<sup>2</sup>.

Ҳаж адоси вужуҳи. Бу ибора ҳаж ўташ турлари маъносини англатади. Улари қуйидагилардан иборат: 1. Ифрод; 2. Қирон; 3. Таматтуъ.

Бор вужуҳ-и адои ҳаж уч навъ,  
 Мен дейин сен билурда кўрсат тавъ.  
 Бири ифрод – дур, қирон бириси,  
 Бир таматтуъ уч ўлди, бил бориси<sup>3</sup>.

1. Ифрод. Бу атама фақат умра ёки ҳаж ибодатини ўташга ният қилишни билдиради:

Вақт-и эҳром айласанг нийят,  
 Умра ё ҳажга ёлғиз ул фурсат.  
 Муним “ифрод” ҳаж эли дер бил<sup>4</sup>.

2. Қирон. Бу сўзнинг луғавий маъноси бирлаштириш бўлиб, шаръий атама сифатида бир йўла умра билан ҳажни ўташга ният қилишни билдиради:

Умра-ву ҳажга бир йули нийят,  
 Қилсанг эҳром вақти бил мунга от:  
 Ҳажда ул эл-ки, нуктадон эдилар,  
 Бил-ки бу важҳни қирон дедилар<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Ўша асар: 125-б.

<sup>2</sup> Ўша асар: 126-б.

<sup>3</sup> Ўша асар: 127-б.

<sup>4</sup> Ўша асар: 127-б.

<sup>5</sup> Ўша асар: 128-б.



Ҳажни қирон йўли билан ният қилувчи “қорин” дейилади.

3. Таматтуъ. Умра амалини ҳаж ойида адо этиб, яна ҳаж ўташ учун эҳром боғлашлик таматтуъ деб аталади. Бобур мазкур атамани куйидагича шарҳлайди:

Умраға ким-ки боғлабон эҳром,  
Тавфни ҳаж ойида қилса тамом.  
Ҳаж учун яна боғласа эҳром,  
Ул ҳарам еридин ўшул ҳангом.  
Бил таматтуъ-дурур бу важҳға от,  
Яна ўзга иштин дейин санг бот<sup>1</sup>.

Таматтуъ йўли билан ҳаж амалини бажарувчи ҳожи “мутаматтиъ” деб аталади.

Умра. Бу амал суннат-и муаккада бўлиб, йил давомида Каъбани зиёрат этиш мумкин бўлган амалдир. Умра қилувчи “муътамир” дейилади. Муътамирга умра арафа куни ва ташриф, яъни қурбон ийдидан кейинги уч кун макруҳ ҳисобланади. Умранинг рукн ва шартлари куйидагича:

Умранинг рукни ики-дур сен бил,  
Ҳар икисини айтай эшитгил.  
Бир тавоф ила етти шавт аро,  
Яна сайъ эт Сафо-ву марва аро.  
Умранинг шарти дағи ики эмиш,  
Қайси-лар-дур бил эмди бу ики иш.  
Бил-ки эҳром-дур булардин бири,  
Яна бириси ҳалқ ё тақсир<sup>2</sup>

**Ҳалқ** – мўйларни қирқиш, тақсир-қисқартириш.

Тавоф, тавф. Бу сўзларнинг луғавий маъноси бирор нарса атрофида айланиш, истилоҳий маъноси каъба уйи атрофида айланишдир.

**Тавоф-и қудум.** Ҳаж амалларининг бошида қилинадиган тавоф.

**Тавоф-и садр.** Ҳаж амалларининг охирида қилинадиган тавоф.

**Шавт.** Бу сўзнинг луғавий маъноси лўкиллаб югириш, ҳаждаги истилоҳий маъноси тавоф ва саъйни лўкиллаб адо этишдир:

Бил-ки бу вақт йетти шавт керак,  
Шавтни бил луғатта бор-дур такт.  
Ўзга маънида-дур эшит ҳар шавт,  
Мунда уй гардишини дерлар шавт<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Ўша асар: 130-б.

<sup>2</sup> Ўша асар: 130-б.

<sup>3</sup> Ўша асар: 141-б.





Саъй. Бу сўзнинг луғавий маъноси ҳаракат қилиш; ҳаждаги истилоҳий маъноси Сафо билан Марва орасида югуриб бориб келиш. Бу амал Бобур томонидан қуйидагича таърифланади:

Саъйни сен Сафодин эт бунёд,  
Марва сориға бор, бу сўз тут ёд.  
Марвадин кейин яна Сафо сориға,  
Ушбу иш-дур ҳаж аҳлининг бориға.  
Мунда билгил-ки, етти шавт керак,  
Ики шавт ўлди бормоқ-у келмоқ<sup>1</sup>.

**Вуқуф-и муздалифа.** Мазкур атама ийд куни муздалифада маълум муддат туриш ҳолатини билдиради:

Субҳ ийд ўлса, ўтубон арафа,  
Бўлди вожиб вуқуф маздиға.  
Бу деган йерда соъате тургил,  
Ушбу турмоқни анда вожиб бил<sup>2</sup>.

Рамй-и жимор, тош отмоқ. Бу атама ифодалаган амални Бобур қуйидагича зикр қилади:

Билгил учунчи вожибин мундоқ,  
Бор-дурур ул мийнода тош отмоқ.  
Отқа-сен тўрт кунда тош етмиш,  
Бошлағил бийд кунидин бу иш.  
Бийдда етти тошни от мунда,  
Олтмиш учни отғил уч кунда.  
Отға-сен ҳар кунда уч навбат,  
Ҳар қачон отғанингда етти тош от<sup>3</sup>.

**Ҳажару-л-асвад.** Каъбадаги куб шаклидаги қора тош.

Истилом. Мазкур атама ҳажару-л-асвадни ўпиш ёки қўл суртишни ифода этади. “Мубаййин”да бу амалнинг бажарилиши қуйидагича баён этилади:

Ҳажару-л-асвад ўтрусида бориб,  
Айт такбирни илик кўтариб.  
Бўлса қил тошни, ё илик сургил,  
Ушмуни истелом дерлар бил!  
Тикилишдин муяссар ўлмаса бу,  
Тошқа боқиб салом ила юру<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Ўша асар: 142-б.

<sup>2</sup> Ўша асар: 142-б.

<sup>3</sup> Ўша асар: 142-б.

<sup>4</sup> Ўша асар: 147-б.



Ридо. Ҳожи ўранадиган газламанинг устки қисми, пасткиси “изор” деб аталади.

**Изтибоъ.** Ридо ўраш. Бу амал куйидагича бўлади:

Изтибоъ айлагил бу фурсатга,  
Қайси-дур изтирбоъ бил отта.  
Жубб-и кафтга ридо учини солиб,  
Ўрта-сен рост қўлтуғунгдин олиб.  
Жубб-и кафтга яна бир учини сол,  
Изтибоъ ушбу-дур муни ёд ол<sup>1</sup>.

**Наҳр.** Бу амал зулҳижжа ойининг ўнинчи кунида бўлади. Бу кун ийди қурбон куни ҳисобланади.

**Ҳадй.** Ҳажда қурбон қилинадиган ҳайвон. Булар тева, яъни туя, уй, яъни қорамол, қўй ва эчкилардир:

Ҳадйни бил-ки, бор-дур ул ҳайвон,  
Ким, қилур Ҳақ йўлига эл қурбон.  
Тўрт ҳайвондин ўлди Ҳадй эшит,  
Тева-ву уй-у қўй учқу айит<sup>2</sup>

**Иҳсор.** Эҳром боғлаган пайтда ҳаж амалларини бажариш учун бирор монеликнинг пайдо бўлиши. Иҳсорга учраган киши муҳсир дейилади. Иҳсор бўлганда муҳсир куйидагича иш тутади:

Элга эҳром боғлағондин сўнг,  
Моний воқий ўлса ондин сўнг.  
Мисл-и душман ҳароси бирла мараз,  
Ушбу янглиғ мавоний ўлса ҳараз.  
Муни иҳсор ҳаж эли дар бил,  
Маҳсар ўлганда бу юсунлук қил:  
Ҳудани маккага юбор ул хийн,  
Забҳ айларга бир кун эт таъйин.  
Мутаманний гар ўлса ё қорин,  
Юборур ики ҳадйни андин.  
Наҳрдин бурна бор раво қурбон,  
Лек ғайр ҳаромда қилма бу қон<sup>3</sup>

Юқорида таҳлил қилинган ҳаж ва умрага оид атамалар асосида шундай хулосага келиш мумкин:

Улуғ сўз санъаткори Заҳириддин Бобур ўз асари билан мумтоз ўзбек адабий тили, ўзбек терминологиясининг, хусусан, фикҳ атамашунослигининг, ўзбек ёзма бадий услубининг ривожланишига улкан ҳисса қўшган.

<sup>1</sup> Ўша асар: 147-б.

<sup>2</sup> Ўша асар: 165-б.

<sup>3</sup> Ўша асар: 162-б.



Улуғ мутафаккир, ўзбек мумтоз адабиётининг йирик намояндаси Заҳриддин Бобур туркий мусулмон дунёсига ажойиб асар тортиқ этди. Яъни, “Мубаййин” – муффасал, баён этилган деган мазмунни ифодалайди. Уни “Ҳақ йўлга бошловчи” деб талқин этиш ҳам мумкин.

“Мубаййин” ислом дини асосларини туркийда баён этувчи йирик фикҳий асардир. Мазкур асар ўзбек атамашунослиги тарихи, фикҳий атамаларнинг шаклланиш ва тараққиёт босқичларини тадқиқ этишда ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

“Мубаййин” ибодат қоидалари ҳақидаги асар бўлиб, бунда эътиқод, намоз, закот, рўза ва ҳажга оид шаръий ҳукмлар баён этилган. Бобур ўз асарини муффасал шаклда яратди. Унда ўқувчига дин илмининг ибодат қисмига оид маълумотлар тўлиқ шаклда баён этилади. Бобурнинг хизматларини муҳаддислар фаолиятига қиёслаш мумкин. Турли замон ва мактаблар таъсирида етишиб чиққан муҳаддислар Муҳаммад алайҳис-салом ҳадисларини ўзига хос тарзда шарҳлаганлари каби Бобур ҳам ислом қоидаларини ўзига хос йўсинда баён этган.

“Мубаййин”да қўлланган шаръий атамаларнинг катта бир гуруҳи араб тилидан ўзлашган. Эътиборлиси шундаки, ушбу атамалар билан бир қаторда форс тилида ёзилган асарларда форсча, туркийда ёзилган асарларда туркий синонимлари ҳам ишлатилган.

Мазкур асарда қўлланган атамаларнинг морфем таркиби ҳам ўзига хос. Улар содда ва мураккаб шаклда бўлиб, бир ва ундан ортиқ сўзлардан ташкил топган. Келиб чиқиш жиҳатидан улар соф туркий, арабча, форсча ва арабий-туркий, арабий-туркий, арабий-форсий, форсий-туркий. Туркий-арабий ёки туркий-форсий типдаги атамалар тизими умуман учрамайди.

Араб тилидан ўзлашган атамалар мазкур асарларда фақат шаклий жиҳатдангина эмас, маъносига кўра ҳам асл хусусиятларини йўқотмаган. Шунингдек, арабчада синоним сифатида ишлатилган форсча ёки туркий атамалар туб маънони айнан акс эттирган ёки улар семантик жиҳатдан арабий вариатларига яқин. Асарнинг ҳаж ва умра ибодатларига бағишланган қисмида қўлланган атамалар соф арабий сўзлар билан ифодаланган.

Ўзбек атамашунослиги тарихида шаръий атамаларнинг шаклланишини икки даврга бўлиш мумкин. Биринчи босқич исломгача бўлган туркий тил даври бўлиб, унда соф туркий атамалар қўлланилган. Иккинчи босқич - бу ислом давридир. Унда ўзбек адабий тилига араб ва форс тилларидан кўплаб атамалар ўзлаша бошлади.

“Мубаййин” асари фақат диний-ахлоқий асар бўлиб қолмай, ўзбек адабиёти тарихи, ўзбек шеърятининг қимматли асари ҳам саналади. Улуғ мутафаккиримиз бу асари билан ислом диний-фалсафий қарашлари тараққиётига, шу билан бирга ўзбек адабий тили, айниқса атамашунослиги тараққиётига самарали ҳисса қўшган.



**НИШАНБАЕВА АЗИЗА**

ўқитувчи, ТДШУ

**“Хайрат ул-аброр”да “арабий ўзак + ساز -sāz  
аффиксоиди” моделида ясалган сўзлар таҳлили**

**Аннотация.** Барчага маълумки, ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусиятлари, жозибадорлиги ва ўзига ром қилувчи томонлари мавжуд. Шунингдек, уларнинг баъзилари бошқалари билан ёнма-ён ривожланиб юксалади. Худди шундай форс ва туркий тиллар ҳақида ҳам айтиши мумкин. Узоқ асрлар давомида ушбу тилларда сўзлашувчи халқлар қўшничилик асосида турли воқеаларни бошдан кечирдилар, шу жумладан, адабий ва лингвистик ҳолатларга дуч келдилар. Ушбу тиллардаги сўзлар бир-бирларига ўтиб, баъзилар янги маъно касб этди. Баъзи сўз ясаи усуллари ва воситалари ўзлашди, бу орқали эса ўзларининг тилларини янги сўзлар билан бойитдилар.

Ушбу жараён ўрта асрларда яшаб ижод этган шоир ва ёзувчиларнинг асарларида кўп кузатилади. Туркий тилда юқори маҳорат ила ижод қилган Алишер Навоий форс ва араб тилларини жуда яхши билгани учун асарларида сўзларни оқилона қўллашди. Шунингдек, бирор ташунчани етказиб берадиган сўз туркий тилда бўлмаса, форс ва араб тилларидан фойдаланиб, асарларида ушбу сўзларни ишлатади ёки ўша тиллар бўйича кузатувлари натижасида моделлар асосида ўзи сўз ясайди. Шундай моделлардан бири “арабий ўзак + ساز -sāz форсий аффиксоид” бўлиб, мазкур модел асосида ясалган сўзларнинг кўпи “Хайрат ул-аброр” достонида ҳам учрайди. Уларни аниқлаш ва тадқиқ қилиши ушбу изланишнинг мақсадидир.

Тадқиқотимиз давомида *ʼaʼyṣṣāz*, *baʼzlsāz*, *gʻālīyasāz*, *jilvasāz*, *paʻgmasāz*, *paqṣṣāz*, *sajdasāz*, *vāsiṭasāz* сўзлари юқорида келтирилган модел асосида, яъни айнан арабий ўзакка ساز -sāz форсий аффиксоиди қўшилиши орқали ҳосил бўлганлигини кузатдик. Ушбу мақолада келтирилган сўзлар модел асосида структур ва семантик таҳлилга тортилган бўлиб, уларнинг маънолари контекстан аниқланди. Кўриб чиқилган сўзлардан *baʼzlsāz* “ато қилувчи”, “инъом берувчи”, *jilvasāz* “жилва қилувчи”, “нур таратувчи”, *sajdasāz* “сажда қилувчи”, *vāsiṭasāz* “восита қилувчи” кабилари кузатилган лугатларда учрамади. Уларни шоир “арабий ўзак + ساز -sāz форсий аффиксоид” модели асосида асарларида қўллаш учун ҳосил қилган, деган хулосага келишимиз мумкин.

**Таянч сўз ва иборалар:** Алишер Навоий, “Хайрат ул-аброр”, арабий ўзак, форсий аффиксоид, модел, маъно, феълнинг ҳозирги замон негизи, қўшма сўз, ясама сўз, қўшма ясама сўз.

**Аннотация.** Известно, что у каждого языка есть свои особенности, и притягательные качества. Некоторые языки развиваются и совершенствуются в близком взаимодействии. Это относится к персидским и тюркским языкам. На протяжении долгих веков народы, говорящие на данных языках, перенесли множество различных событий, в том числе, столкнулись с литературными и лингвистическими явлениями. Слова в этих языках перешли из одного к другому и наоборот, некоторые приобрели новые значения. Некоторые виды и способы словообразования заимствовались, тем самым обогатили свои языки.

Этот процесс наблюдается в произведениях поэтов и писателей, Средневековья. Так как Алишер Навои, который писал произведения с высоким мастерством на тюркском (староузбекском) языке, знал в совершенстве персидский и арабский языки, то в своих произведениях уместно употреблял слова из этих языков. Кроме того, если



слово, обозначающее какое-либо понятие, не существует в староузбекском языке, он используя персидский или арабский язык употребляет данные слова или на основе своих наблюдений образует слова по моделям. Одной из подобных моделей является следующая: «арабский корень + аффиксoid – *ساز* – *sāz*», по которой образовались слова и многие из них встречаются в поэме «Хайрат аль-аброр». Их выявление и изучение является целью данного исследования.

В результате исследования анализировались такие слова, как: *'ayšsāz*, *bazlsāz*, *gāliyasāz*, *jilvasāz*, *nağmasāz*, *naqšsāz*, *sajdasāz*, *vāsiṭasāz*, которые образовались на основе вышеуказанной модели, то есть добавлением персидского аффиксoida *ساز* – *sāz* именно к арабскому корню. В данной статье вышеприведенные слова были проанализированы структурно и семантически на основе модели, были выявлены их значения по контексту. Из рассмотренных слов *bazlsāz* «дарующий, дающий дар», *jilvasāz* «блистающий, распространяющий лучи», *sajdasāz* «совершающий поклонение», *vāsiṭasāz* «делающий средством» не были найдены в словарях. Можно сделать вывод, что поэт образовал их на основе модели «арабский корень + аффиксoid *ساز* – *sāz*» для использования в своих произведениях.

**Опорные слова и выражения:** Алишер Навои, «Хайрат аль-аброр», арабский корень, персидский аффиксoid, модель, значение, основа настоящего времени глагола, сложное слово, производное слово, сложное производное слово.

**Abstract.** Everyone knows that each language has its own characteristics, attractiveness and endearing qualities. And also, some of them side by side with others developed and achieved perfection. The same can be said about the Persian and Turkic languages. Over many centuries, nationalities speaking on these languages have suffered many different events, including the literary and linguistic positions. Words in these languages have passed from one to another and vice versa, some have acquired new meanings. Some types and methods of word formation were borrowed, and with this they enriched their languages.

This process is often observed in the works of poets and writers who lived and wrote their works in the Middle Ages. As Alisher Navoi, who wrote works with high skill in the Turkic language, knew the Persian and Arabic languages perfectly, he wisely uses words in his works. And also, if a word denoting a concept does not exist in the Turkic language, he uses the Persian or Arabic language to use these words or based on own observations, forms himself the words according to models. One of such models is the “arabic stem + semi-affix *ساز* – *sāz*” model, according to which, words were formed and many of them are found in the poem “Khayrat al-abror”. Their determination and study is the purpose of this research.

In the result of the research, we observed words such as *'ayšsāz*, *bazlsāz*, *gāliyasāz*, *jilvasāz*, *nağmasāz*, *naqšsāz*, *sajdasāz*, *vāsiṭasāz*, which were formed based on the aforesaid model, that is with adding Persian semi-affix *ساز* – *sāz* exactly to the Arabic stem. In this article, the above words were analyzed structurally and semantically based on the model, and their meanings were revealed in context. From the considered words *bazlsāz* “giving a gift”, *jilvasāz* “shining,” “spreading the light” *sajdasāz* “performing worship,” *vāsiṭasāz* “making smth. as tool” were not found in dictionaries. We can conclude that the poet formed them on the basis of the “Arabic stem + affixoid – *ساز* – *sāz*” model to use in his works.

**Keywords and expressions:** Alisher Navoi, “Khayrat al-abror”, Arabic stem, Persian semi-affix, model, meaning, stem of the present tense of the verb, compound word, derivative word, compound derivative word.



**Кириш.** Тарихдан маълумки, Ўрта Осиё ва Эрон ўртасида қадимдан ик-тисодий, сиёсий, маданий, адабий ва бошқа муносабатлар мавжуд бўлган. Янги форс тили ривожланган ва кенг тарқалган даврда мазкур ҳудудлардаги мавжуд тиллар ва форс тили билан алоқалар зичлашди<sup>1</sup>. Ўрта Осиёдаги кўпгина давлатларда форс тили адабий, ҳатто баъзиларида давлат тили сифатида ишлатилди. Шундан бу ҳудудларда форс тилини ўрганган ва уни тил эгаси даражасида биладиган шоирлар, олим-уламолар, ёзувчилар ҳамда шу каби арбоблар кўп миқдорда бўлган, десак муболаға бўлмайд.

Буёқ сўз устаси, ўз асарларида маржон дурдоналарини моҳирона тизган Алишер Навоийнинг ижодида ҳам форс тилини, ҳам араб тилини мукамал билгани кузатилади. Унинг гўзал ва дилрабо асарларининг тили бўйича кўпгина тадқиқотларни кўриш мумкин, шу жумладан, И. Султон, Ҳ. Сулаймон, П. Шамсиев, А. Рустамов, А. Қаюмов, С. Ғаниева, А. Қуронбеков, М. Имомназаров, Қ. Содиқов, А. Каримов, Б. Бафоев, Б. Ҳасанов ва бошқа бир қатор олимлар ўз изланишларини мазкур мавзуга бағишлаганлар.

Шу каби илмий тадқиқотлар мазкур мақолада ифодаланиб, унда Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонида “арабий ўзак + ساز -sāz форсий аффиксоид” моделида ясалган сўзлар таҳлилга тортилади.

Б. Бафоев тадқиқоти<sup>2</sup>да Навоий асарларида учрайдиган сўзлар бир неча гуруҳга бўлинган ва саноғи келтирилган ҳолда ўрганилган. Шу жумладан, арабча+форсча сўзлар учинчи гуруҳни ташкил қилган бўлиб, унда 1270 та сўз мавжудлиги кўрсатилган. Бу гуруҳда икки асос ёки асос ва ясовчидан ташкил топган ҳамда биринчи асос арабча бўлган сўзлар келтирилган. Айтиб ўтилганидек, мазкур гуруҳда арабий асос ва форсий асос ёки ясовчи аралаш ҳолда келтирилган ҳамда уларнинг қай бири қўшма сўз ёки ясама (аффикс ёки аффиксоидли) экани таснифланмаган. Мисол сифатида *абирафшон*, *абязпўш*, *адувваш*, *ибодатгоҳ*, *дахшатангез*, *ижозатнома* каби сўзлар кўрсатилган бўлиб, уларнинг аксарияти аффиксоидлар ёрдамида ясалгандир.

Бундан ташқари, юқорида келтирилган илмий тадқиқотда автор неологизми, яъни шоир томонидан ясалган сўзлар 258 тани ташкил қилиб, 97 таси “Ҳамса”да учраши таъкидланган. *Айбгўй*, *ангуштхой*, *адамгом*, *аракрез*, *атрфизой*, *афсонапардоз*, *ашкрезон*, *ақлкуш*, *афлоксўз* ва бошқалар шу жумладандир<sup>3</sup>. Айтиш керакки, Б. Бафоев келтирган мисолларнинг аксарияти форсий аффиксоидлар орқали ясалган сўзлардир.

Ҳозирги форс тилидаги аффиксоидлар борасида эрон, рус, ўзбек олимларининг бир қатор тадқиқотлари мавжуд. И. Калбосий<sup>4</sup>, Л.С. Пейсиков<sup>1</sup>,

<sup>1</sup> Abolghasemi M. Torikhe zabone forsi [The History of Persian Language]. Tehran, 2007. pp. 259-262.

<sup>2</sup> Bafoev B. Navoiy asarlari leksikasi [Lexics of Navoi's works]. Tashkent, 1983. p. 29.

<sup>3</sup> Bafoev B. Navoiy asarlari leksikasi [Lexics of Navoi's works]. Tashkent, 1983. p. 36.

<sup>4</sup> Kalbosi I. Sokhte eshte qoqiye vozhe dar zabone forsiye emruz [Word Formation in the Modern Persian Language]. Tehran, 1992. 244 p.



Ю.А. Рубинчик<sup>2</sup>, С.А. Алиев<sup>3</sup>, Э. Гладкова<sup>4</sup>, А. Куронбеков ва Н. Нуриддинов<sup>5</sup>, А. Нишанбаева<sup>6</sup> ҳамда бошқаларнинг илмий ишлари шулар жумласидандир.

Классик форс тили давридаги сўз ясаши ҳамда асарларнинг сўз таркиби бўйича ҳам бир қанча изланишлар бўлгани кузатилди. Масалан, А. Кутбизоданинг тадқиқоти<sup>7</sup>да Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асаридаги сифатларнинг аффиксация орқали ясаши, О. Қосимовнинг илмий изланиши<sup>8</sup>да “Шоҳнома”даги от сўз туркумига оид сўзларнинг суффикслар орқали ясаши, С. Содикий-суре ва И. Калбосийларнинг тадқиқоти<sup>9</sup>да эса Ҳофиз “Девон”идаги кўшма, ясама ҳамда кўшма ясама сўзлар рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг учраш статистикаси келтирилган.

Юқорида келтирилган ишларда ўрта асрларда сўз яшаш учун қўлланилган исмий ва феълий аффиксоидлар ҳақида маълумотлар учрамайди. Аксарият тадқиқотларда фақат кўшма сўзлар ва аффикслар орқали ясалган сўзлар ўрганилган. Аффиксоидларнинг баъзилари кўшма, баъзилари эса аффиксли ясалмалар таркибида кўриб чиқилади. Ваҳоланки, аффиксоидлар алоҳида сўз яшаш воситалари сифатида тадқиқ қилиниши керак. Зеро, Ш. Раҳматул-

<sup>1</sup> Peysikov L.S. Ocherki po slovoobrazovaniya persidskogo yazika [Essay on the Word Formation in the Persian Language]. Moscow, 1973. 199 p.

<sup>2</sup> Rubinchik Yu. A. Grammatika sovremennogo literaturnogo persidskogo yazika [The Grammar of the Modern Persian Literary Language]. Moscow, 2001. 600 p.

<sup>3</sup> Aliyev S.A. Poluaffiksatsiya v sisteme slovoobrazovaniya sovremennogo persidskogo yazika. Avt. kand. fil. nauk [Semi-affixation in the System of the Word Formation in the Modern Persian Language. Abstract diss.cand.phil.science]. Moscow, 1985. 19 p.

<sup>4</sup> Gladkova Ye.L. Glagol'naya poluaffiksatsiya kak produktivnaya slovoobrazovatel'naya model' v obschestvenno-politicheskoy leksike sovremennogo persidskogo yazika [Verbal Semi-affixation as a Productive Model of Word Formation in Socio-Political Vocabulary of the Modern Persian Language]. Filologiya i kul'tura – Philology and culture, 2018, no.3 (53). pp. 14-21. Available at: <https://cyberleninka.ru/article/n/glagol'naya-poluaffiksatsiya-kak-produktivnaya-slovoobrazovatel'naya-model-v-obschestvenno-politicheskoy-leksike-sovremennogo>

<sup>5</sup> Quronbekov A., Nuriddinov N. Fors tili leksikologiyasi [The Lexicology of the Persian Language]. Tashkent, 2019. 143 p.

<sup>6</sup> Nishanbayeva A.I. Produktivnie imenniye poluaffiksi prefiksalnogo tipa v sovremennom persidskom yazike [The Productive Nominal Semi-affixes of Prefixal Type in the Modern Persian Language]. Vestnik ChelGU. Politicheskiye nauki. Vostokovedeniye – Bulletin of Chelyabinsk State University Political sciences. Oriental studies, 2012, no. 33 (287). pp. 157-160. Available at: <https://cyberleninka.ru/article/n/produktivnye-imennye-poluaffiksiy-prefiksalnogo-tipa-v-sovremennom-persidskom-yazyke>

<sup>7</sup> Ghotbizode A. Barrasiye amalkarde Ferdousi dar kalemesoziye sefot bo pishvandho dar Shohnomeh [Investigation of Ferdowsi's Function in Characterization of Properties with prefixes in Shahnameh]. Pazhuheshnomeye adabe hamosi – Epic literature Review, 2017. no 21 (12). pp. 183-199.

<sup>8</sup> Kasimov O. Suffiksial'noe slovoobrazovaniye imyon suschestvitel'nix v “Shakhname” Abulkasima Ferdousi. Avt. kand. fil. nauk [Suffixal Word Formation of the Nouns in Ferdowsi's Shakhname. Abstract diss.cand.phil.science]. Dushanbe, 1988. 23 p.

<sup>9</sup> Sodeghi S., Kalbosi I. Soxte vozhe dar divone Hofez [Word Formation in the Divan of Hafiz]. Roxsore zabon – Language face, 2019. no. 9. pp. 5-22.



лаев келтиришича, “аффиксоид асли лексик бирлик бўлиб, аффикс каби бир неча лексемаларга қўшилиб келиш хусусиятига эга бўлган бирликдир”<sup>1</sup>.

Б. Бафоев айтиб ўтганидек, Навоий тилида кўп учровчи форс-тожикча инфинитивларнинг ҳозирги замон формалари форс-тожик тили учун аффиксоид саналади, эски ўзбек тилида ўзбекча сўзларга қўшилса, ўзбек тили учун суффикс сифатида қаралади<sup>2</sup>. Аммо Ш. Раҳматуллаев таъкидлаганидек, тожик тилшунослигида бундай қисм лексемага тенглаштирилади, ўзбек тилшунослигида эса аффиксга ўхшатилиб аффиксоид деб қаралади, аффиксоидлар лексема ясовчилик вазифасини бажаради<sup>3</sup>. Шу тариқа мазкур тадқиқотда кўриб чиқиладиган феълнинг ҳозирги замон негизи ساز -sāz воситаси аффиксоид сифатида тадқиқ қилинади.

“Ҳайрат ул-аброр” достонининг санама (частотали) сўзлиги<sup>4</sup> да “ўзак морфема + ساز -sāz форсий аффиксоид” моделида ясалган турли частотага эга 12 та сўз учради: ’ayšsāz, bazlsāz, baxyasāz, čārasāz, ġāliyasāz, jilvasāz, naġmasāz, naqšsāz, navāsāz, nauṛaṅsāz, sajdāsāz, vāsiṭasāz. Шулардан 8 таси, яъни **’ayšsāz, bazlsāz, ġāliyasāz, jilvasāz, naġmasāz, naqšsāz, sajdāsāz, vāsiṭasāz** сўзлари айнан арабий ўзакка ساز -sāz форсий аффиксоиди қўшилиши орқали ҳосил бўлган, қолганларининг таркибида эса форсий ўзак қатнашмоқда.

Юқорида келтирилган сўзларнинг таркибидаги ساز -sāz форсий аффиксоиди ساختن sāxtan 1) “қурмоқ”; 2) “тўғриламоқ”; 3) “яратмоқ”; 4) “кашф қилмоқ”; 5) “ўрнатмоқ”; 6) “ташқил қилмоқ”; 7) “тартибга келтирмоқ”; 8) “тузатмоқ”; 9) “эркаламоқ”; 10) “қуроллантирмоқ”; 11) “пиширмоқ”; 12) “ёзмоқ” (асар); 13) “чора кўрмоқ”; 14) “сохталаштирмоқ”<sup>5</sup> феълининг ҳозирги замон негизидир. Мазкур аффиксоид сўз таркибида “қилувчи” ва “яратувчи” маъноларида қўлланилади.

**Мақсад ва вазифа.** Тадқиқот мақсади Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонида “арабий ўзак + ساز -sāz форсий аффиксоид” моделида ясалган сўзларни таҳлил қилишдан иборатдир. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонидаги арабий ўзакка ساز -sāz форсий аффиксоид қўшилган сўзларни аниқлаш;
- “арабий ўзак + ساز -sāz форсий аффиксоид” моделида ясалган сўзларнинг байтдаги маъносини тадқиқ қилиш.

<sup>1</sup> Rakhmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o‘zbek tili [Modern literary uzbek language]. Tashkent, “Universitet” Publ., 2006. p. 116.

<sup>2</sup> Bafoev B. Navoiy asarlari leksikasi [Lexics of Navoi’s works]. Tashkent, 1983. p.13.

<sup>3</sup> Rakhmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o‘zbek tili [Modern literary uzbek language]. Tashkent, “Universitet” Publ., 2006. p. 116.

<sup>4</sup> Quronbekov A., Imomnazarov M., Nishanbayeva A., Kalandarov M. Alisher Navoiyning “Hayrat ul-abror” dostonining sanama (chastotali) so‘zligi [Frequency Vocabulary of the Poem “Khayrat ul-abror” by Alisher Navoi]. Tashkent, “Fan va texnologiyalar markazining bosmaxonasi” Publ., 2018. 74 p.

<sup>5</sup> Moein M. Farhange forsi [The Dictionary of Persian Language]. Tehran, 1992. Vol. 2. p. 1786.





**Усуллар.** Тадқиқот усуллари сифатида модели, структур ва семантик таҳлилдан фойдаланилган бўлиб, “арабий ўзак + ساز -sāz форсий аффиксоид” модели асосида ясалган сўзлар структур ҳамда семантик жиҳатидан таҳлил қилинди.

**Натижалар ва мулоҳаза.** Тадқиқот натижасида Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонида “арабий ўзак + ساز -sāz форсий аффиксоид” моделида ясалган ‘ayšsāz, bazlsāz, gāliyasāz, jilvasāz, nağmasāz, naqšsāz, sajdāsāz, vāsiṭasāz каби сўзлар ишлатилгани кузатилди. Ушбу сўзларнинг ҳар бирини “Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достони конкорданси”<sup>1</sup> орқали алоҳида кўриб чиқамиз<sup>2</sup>.

Gāh višāl iĉra bolub **'ayšsāz,**

Gāh firāq ōtiġa aylab gudāz, (17/26)

Ушбу байтдаги “ayšsāz” сўзи “арабий ўзак + ساز -sāz форсий аффиксоид” моделида ясалган бўлиб, “ayš” сўзи араб тилидаги عيْش (1) “ҳаёт”; 2) “нон”, “емак”, “озуқа”<sup>3</sup>) сўзидир. А. Деххудо луғати<sup>4</sup> да “ayšsāz” сўзининг “айш-ишрат қилувчи, беғам”, Э.И. Фозилов таҳрири остидаги луғат<sup>5</sup> да эса “айш-ишратсоз” маъноси келтирилган. Б. Ҳасанов ва А. Каримов луғатларида эса бу сўз кузатилмайди. Келтирилган байтда “ayšsāz” сўзи кўнгилга нисбат берилган бўлиб, “хурсандчилик қилувчи” маъносида қўлланилган.

Яна бир мисол:

Ev egasi teṅriġa aylab niyāz,

Dēdi hamānā ki šahi **'ayšsāz,** (59/33)

Ушбу байтда “ayšsāz” сўзи шоҳга нисбат берилган бўлиб, “айш-ишрат қилувчи” маъносида қўлланилган.

Кейинги мисол:

Bolmaq agar kop esa ham **bazlsāz,**

Bergali 'ār aylamamak bolsa az. (46/70)

Мазкур байтда “bazlsāz” сўзи “арабий ўзак + ساز -sāz форсий аффиксоид” моделида ясалган бўлиб, “bazl” сўзи араб тилидаги بَازِل (“тақдим қилиш”; “қурбонлик”; “сахийлик”; “ҳадя”, “совға”<sup>6</sup>) сўзидир. Биз кўздан кечирган лу-

<sup>1</sup>Quronbekov A., Imomnazarov M., Mannonov A. va b. Alisher Navoiyning “Hayrat ul-abror” dostoni konkordansi [The Concordance of the Poem “Khayrat ul-abror” by Alisher Navoi]. Tashkent, “Fan va texnologiyalar markazining bosmaxonasi” Publ., 2012. 608 p.

<sup>2</sup>Бундан сўнг байтлар “Ҳайрат ул-аброр” достонидан келтирилган бўлиб, биринчи сон фасл ва иккинчи сон байт рақамини билдиради.

<sup>3</sup>Arabsko-russkiy slovar' [Arabian-Russian dictionary]. 1-2 volumes. Tashkent, “Kamalak” Publ., 1994. Vol. 2. p. 92.

<sup>4</sup>Dekhxoda A. Loghatnome [Dictionary]. 1-14 volumes. Tehran, 1993-1994. Vol. 10. p. 14533.

<sup>5</sup>Alisher Navoiy asarlari tilining izohli lug'ati [The Explanatory Vocabulary of Alisher Navoi's Works Language], 1-4 volumes. Tashkent, “Fan” Publ., 1983-1985. Vol. 1. p. 72.

<sup>6</sup>Arabsko-russkiy slovar' [Arabian-Russian dictionary]. 1-2 volumes. Tashkent, “Kamalak” Publ., 1994. Vol. 1. p. 51.



ғатларда ушбу сўз мавжуд эмас. Аммо А. Деххудо луғатида *کردن bazl kardān* “ато қилмоқ”, “инъом бермоқ”<sup>1</sup> феъли келтирилгандир. Э. Гладкова<sup>2</sup> келтиришича, - ساز - sāz аффиксоиди *کن -kon* (*کردن kardan* “қилмоқ” феълнинг ҳозирги замон негизи) аффиксоиди ўрнида ҳам келиши мумкин. Шу боис феълнинг маъносидан келиб чиқиб, “*ато қилувчи*”, “*инъом берувчи*” маъносида қўлланилгани ҳамда мазкур сўз Алишер Навоий томонидан модел асосида яратилган, дейишимиз мумкин.

Бошқа мисол:

Husnlari 'išva yu nāz aylaban,  
'Atrlarin **gāliyasāz** aylaban. (54/10)

Келтирилган байтдаги “*gāliyasāz*” сўзи “арабий ўзак + ساز -sāz форсий аффиксоид” моделида ясалган бўлиб, “*gāliya*” сўзи араб тилидаги *غَالِيَّة* (“хушбўй хид”; “муаттар суртма”<sup>3</sup>) сўзидир. А. Деххудо луғати<sup>4</sup> да “*gāliyasāz*” сўзи “хушбўй қилувчи”, “аттор”, “ғолия (мушк ва анбар аралашмаси) тайёрловчи” маънолари мавжуд. Б. Ҳасанов, А. Каримов ва Э.И. Фозилов таҳрири остидаги луғатларда ушбу сўз кузатилмади. Мазкур байтда “*gāliyasāz*” сўзи “*ғолия (мушк ва анбар аралашмаси) таратувчи*” маъносида келган.

Яна бир мисол:

Ul mahi šabgard bolub **jilvasāz**,  
Jilvagahī barča šabistāni rāz. (11/17)

Бу байтдаги “*jilvasāz*” сўзи “арабий ўзак + ساز -sāz форсий аффиксоид” моделида ясалган бўлиб, “*jilva*” сўзи араб тилидаги *جِلْوَة* (“жилва”, “барк”; “ўрин ёпинчиғини ечиш (янги келин-куёв уйида)”<sup>5</sup>) сўзидир. Э.И. Фозилов таҳрири остидаги луғати<sup>6</sup> да ушбу сўз “жилва қилувчи; ўзини гўзал суратда кўрсатувчи; рақс қилиш”, Б. Ҳасанов луғати<sup>7</sup> да эса “жилва қилувчи”, А. Каримов луғати<sup>8</sup> да “жилва қилувчи”, “ялтираб кўринувчи” маъноларида қўлланилган. А. Деххудо луғатида мазкур сўз учрамади, аммо *جلوه jelve kardan* “ноз-

<sup>1</sup> Dekhxoda A. Loghatnome [Dictionary]. 1-14 volumes. Tehran, 1993-1994. Vol. 3. p. 3876.

<sup>2</sup> Gladkova Ye.L. Glagol'naya poluaffiksatsiya kak produktivnaya slovoobrazovatel'naya model' v obschestvenno-politicheskoy leksike sovremennogo persidskogo yazika [Verbal Semi-affixation as a Productive Model of Word Formation in Socio-Political Vocabulary of the Modern Persian Language]. Filologiya i kul'tura – Philology and culture, 2018, no.3 (53). p. 17.

<sup>3</sup> Arabsko-russkiy slovar' [Arabian-Russian dictionary]. 1-2 volumes. Tashkent, “Kamalak” Publ., 1994. Vol. 2. p. 109.

<sup>4</sup> Dekhxoda A. Loghatnome [Dictionary]. 1-14 volumes. Tehran, 1993-1994. Vol. 10. p. 14612.

<sup>5</sup> Arabsko-russkiy slovar' [Arabian-Russian dictionary]. 1-2 volumes. Tashkent, “Kamalak”, 1994. Vol.1. p. 125.

<sup>6</sup> Alisher Navoiy asarlari tilining izohli lug'ati [The Explanatory Vocabulary of Alisher Navoi's Works Language], 1-4 volumes. Tashkent, “Fan” Publ., 1983-1985. Vol.1. p. 577.

<sup>7</sup> Hasanov B. Navoiy asarlari uchun qisqacha lug'at [Short Vocabulary for Alisher Navoi's Works]. Tashkent, “Fan” Publ., 1993. p.90.

<sup>8</sup> Karimov A. Navoiyning “FarhodvaShirin” dostonining lug'ati [Vocabulary of the Poem “Farkhod and Shirin” by Alisher Navoi]. 1-2 volumes. Tashkent, 2004. Vol. 1p. 104.



карашма қилмоқ”, “савлат тўкиб юрмоқ”<sup>1</sup> феъли келтирилгандир. Юқорида кўриб ўтилганидек, ساز -sāz аффиксоиди -کن -kon аффиксоиди ўрнида келиши ҳам мумкин. Шу боис феълнинг маъносидан келиб чиқиб, “жилва қилувчи”, “нур таратувчи” маъносида ойга нисбатан қўлланилгани ҳамда мазкур сўз Алишер Навоий томонидан модел асосида яратилган, дейишимиз мумкин.

Кейинги мисол:

Gar yel agar suv boluban **nağmasāz**,

Sāni' ila har birigā ozga rāz. (18/78)

Мазкур байтдаги “nağmasāz” сўзи “арабий ўзак + ساز -sāz форсий аффиксоид” моделида ясалган бўлиб, “nağma” сўзи араб тилидаги نعمة (“куй”, “оханг”; мус.“тон (оханг)”<sup>2</sup>) сўзидир. А. Деххудо луғати<sup>3</sup> да “nağmasāz” сўзи “хонанда”, “муסיқачи”, “созанда”, Б. Ҳасанов луғати<sup>4</sup> да “созанда”, Э.И. Фозилов таҳрири остидаги луғати<sup>5</sup> да “чолғучи”, “куйловчи”; “созанда” маънолари келирилган. А. Каримов луғатида ушбу сўз кузатилмади. Юқоридаги байтда “nağmasāz” сўзи “куйловчи” маъносида келган бўлиб, шамол ва сувга нисбат берилган.

Яна бир мисол:

Lēk aniñ naqši kibī dilnavāz,

Čekmadi tā xāmasidur **naqšsāz**. (21/3)

Ушбу байтдаги “naqšsāz” сўзи “арабий ўзак + ساز--sāz форсий аффиксоид” моделида ясалган бўлиб, “naqš” сўзи араб тилидаги نقش (“расм”, “безак”; “ўйма ёзув”, “ўймакорлик”<sup>6</sup>) сўзидир. А. Деххудо луғати<sup>7</sup> да “наққош”, “мусаавир”, Б. Ҳасанов луғати<sup>8</sup> да “наққош”, Э.И. Фозилов таҳрири остидаги луғати<sup>9</sup> да “наққош”, “нақш солувчилик”, “сураткаш”, “рассом” маънолари келтирилган. А. Каримов луғатида ушбу сўз учрамади. Мазкур байтда “naqšsāz” сўзи хома (қалам)га нисбатан “расм солувчи” маъносида қўлланилган.

Кейинги мисол:

Boldi muşallāni salib **sağdasāz**,

Har qadam aylab iki rak'at namāz. (25/3)

<sup>1</sup> Dekhxoda A. Loghatnome [Dictionary]. 1-14 volumes. Tehran, 1993-1994. Vol. 5. p. 6881.

<sup>2</sup> Arabsko-russkiy slovar' [Arabian-Russian dictionary]. 1-2 volumes. Tashkent, “Kamalak” Publ., 1994. Vol. 2. p. 354.

<sup>3</sup> Dekhxoda A. Loghatnome [Dictionary]. 1-14 volumes. Tehran, 1993-1994. Vol. 13. p. 19996.

<sup>4</sup> Hasanov B. Navoiy asarlari uchun qisqacha lug'at [Short Vocabulary for Alisher Navoi's Works]. Tashkent, “Fan” Publ., 1993. p.203.

<sup>5</sup> Alisher Navoiy asarlari tilining izohli lug'ati [The Explanatory Vocabulary of Alisher Navoi's Works Language], 1-4 volumes. Tashkent, “Fan”, 1983-1985. Vol.2. p. 450.

<sup>6</sup> Arabsko-russkiy slovar' [Arabian-Russian dictionary]. 1-2 volumes. Tashkent, “Kamalak” Publ., 1994. Vol. 2. p. 363.

<sup>7</sup> Dekhxoda A. Loghatnome [Dictionary]. 1-14 volumes. Tehran, 1993-1994. Vol. 13. p. 20043.

<sup>8</sup> Hasanov B. Navoiy asarlari uchun qisqacha lug'at [Short Vocabulary for Alisher Navoi's Works]. Tashkent, “Fan” Publ., 1993. p.202.

<sup>9</sup> Alisher Navoiy asarlari tilining izohli lug'ati [The Explanatory Vocabulary of Alisher Navoi's Works Language], 1-4 volumes. Tashkent, “Fan” Publ., 1983-1985. Vol.2. p. 448.



Мазкур байтда “sajdasāz” сўзи “арабий ўзак + ساز -sāz форсий аффиксоид” моделида ясалган бўлиб, “sajda” сўзи араб тилидаги سَجْدَةٌ (“таъзим”; “сажда”, “ибодат”<sup>1</sup>) сўзидир. Биз кўздан кечирган луғатларда ушбу сўз мавжуд эмас. Аммо А. Деххудо луғатида سجده کردن sajde kardan “сажда қилмоқ (пешонани ерга қўймоқ)”, “васф қилмоқ”<sup>2</sup> феъли келтирилгандир. Юқорида кўриб ўтилганидек, ساز -sāz аффиксоиди -کن -kon аффиксоиди ўрнида келиши ҳам мумкин. Шу боис феълнинг маъносидан келиб чиқиб, “сажда қилувчи” маъносида Иброҳим Адҳамга нисбатан қўлланилгани ҳамда мазкур сўз Алишер Навоий томонидан модел асосида яратилган, дейишимиз мумкин.

Яна бир байт:

Hazrati ʻizzatqa niyāz aylaban,

Tuḥfalarin vāsitasāz aylaban. (20/64)

Келтирилган байтда “vāsitasāz” сўзи “арабий ўзак + ساز -sāz форсий аффиксоид” моделида ясалган бўлиб, “vāsita” сўзи араб тилидаги واسِطَةٌ (“восита”; “чора”, “йўл”; “энг катта марказий марварид (маржонда)”<sup>3</sup>) сўзидир. Биз кўриб чиққан луғатларда ушбу сўз учрамади. Ушбу байтда “vāsitasāz” сўзи “восита қилувчи” маъносида қўлланилган. Мазкур сўз Алишер Навоий томонидан модел асосида яратилган сўздир.

**Хулоса.** Алишер Навоий “Хамса” сининг “Ҳайрат ул-аброр” достонида учраган “арабий ўзак + ساز -sāz форсий аффиксоид” моделида ясалган сўзлар таҳлили бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Тадқиқот натижасида Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонида “арабий ўзак + ساز -sāz форсий аффиксоид” моделида ясалган *ʻayšsāz, bazlsāz, ḡāliyasāz, jilvasāz, naḡmasāz, naqšsāz, sajdāsāz, vāsitasāz* каби сўзлар ишлатилгани кузатилди.

2. ساز -sāz форсий аффиксоиди сўз таркибида “қилувчи” ва “яратувчи” маъноларида қўлланилади.

3. Таҳлил қилинган сўзлардан *bazlsāz* “ато қилувчи”, “инъом берувчи”, *jilvasāz* “жилва қилувчи”, “нур таратувчи”, *sajdasāz* “сажда қилувчи”, *vāsitasāz* “восита қилувчи” кабилари биз кузатган луғатларда учрамади. Бундан Навоий “арабий ўзак + ساز -sāz форсий аффиксоид” модели асосида ҳосил қилган, дейишимиз мумкин.

4. Форс тилидаги баъзи сўзларда -کن -kon (کردن kardan “қилмоқ” феълнинг ҳозирги замон негизи) аффиксоидининг маъносини ساز -sāz аффиксоиди бажариши мумкин. Бундай ҳолат дostonда таҳлил қилинган баъзи сўзларда кузатилди.

<sup>1</sup>Arabsko-russkiy slovar' [Arabian-Russian dictionary]. 1-2 volumes. Tashkent, “Kamalak” Publ., 1994. Vol.1. p 336.

<sup>2</sup>Dekhxoda A. Loghatnome [Dictionary]. 1-14 volumes. Tehran, 1993-1994. Vol. 8. p. 11884.

<sup>3</sup>Arabsko-russkiy slovar' [Arabian-Russian dictionary]. 1-2 volumes. Tashkent, “Kamalak” Publ., 1994. Vol. 2. p. 426.



**МАВЛЯНОВА УМИДА**

катта ўқитувчи, ТДШУ

## Хитой маданиятида сонларнинг пайдо бўлиши ва қўлланилиши

**Аннотация.** Мазкур мақолада хитой тилида сон тушунчаси ҳақида маълумот берилган. Сон илм-фанда ҳам, кундалик ҳаётда ҳам турли вазифаларда ишлатилади. Сонлар ёрдамида биз ҳисоб натижаларини қайд қилишда (йигирма нафар, қирқ йил), кўпликнинг унсур (элемент)лари ўртасидаги тартибни белгилашда (биринчи сўзга чиқувчи, миллионинчи яшовчи одам), бирон бир нарсанинг ўлчови натижаларини ифодалашда (бир ярим километрли йўл)ишлатамиз. Бундан ташқари, сон белгилари сўзлар, ҳарфлар ўрнида қўлланилиши мумкин, масалан, текстни кодлаш учун ишлатилади. Соннинг математик миқдорийликнинг хилма-хиллиги ҳам сонлар билан бевосита боғлиқ бўлганлиги қадимий Хитой мисolidан бошлаб берилганлиги мақолада акс этган. Шу билан бирга Қадимги Хитой башорат ёзувлари “инлар ёзуви”, қисман классификаторларнинг ўрни ҳақида ҳам ёзилган. Мақолада кўпгина рус ва дунё олимларининг сон ҳақидаги илмий изланишлари ўрганилган ва уларнинг фикрларидан мисоллар келтирилган. Ҳисоб сўзлар (классификаторлар) ҳақида ёзилар экан, уларнинг – хитой тилидаги ёрдамчи сўзларнинг ўзига хос синфи, деб эътироф этилиши сонларнинг семантикаси кенглигига яққол мисол бўла олиши ёритилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** Хитой, хитой тили, сонлар, математика, жадвал, ҳисоб тизими, башорат ёзуви, рақам, тур.

**Аннотация.** Данная статья посвящена числительным китайского языка. Известно, что числительные используются не только в науке, но и в быту. Использование Начало употребление чисел связано с эпохой древнего Китая. В статье описаны “иньские письма”, которые считались гадательными надписями. Кроме того, изучены и приведены примеры из научных трудов русских авторов и ученых мира.

**Опорные слова и выражения:** Китай, китайский язык, числа, математика, таблица, система счета, гадательные надписи, цифры, разряд.

**Abstract.** This article provides information on the concept of numbers in Chinese. The fact that the number is known to be used in various tasks both in science and in everyday life, and the variety of mathematical quantities is also directly related to numbers is reflected in the article from the ancient Chinese example. At the same time, the ancient Chinese prophetic notes were also written about the "writing of the nest". In the article, the scientific research of many Russian and World Scientists on the number has been studied and examples of their views are given.

**Keywords and expressions:** Chinese, Chinese language, numbers, mathematics, table, calculation system, prediction writing, number, type.

**Кирриш.** Лингвистик энциклопедик луғатда келтирилган таърифга кўра, хитой тили хитой-тибет тиллар оиласига мансуб тилларнинг бири ҳисобланади. Шу билан бирга, “ушбу тил ўз оиласининг бошқа тиллари билан қариндош эмас”, деган фикр ҳам мавжудлиги қайд қилинади<sup>1</sup>. Мазкур тил

<sup>1</sup> Плунгян А. Почему языки такие разные? М., 1996. 251-6



Хитой Халқ Республикасининг расмий тили бўлиб, унда сўзловчилар сони (1 млрд.дан ортик) дунёдаги бошқа тиллардан анча устун келади. Шунингдек, хитой тили Индонезия, Камбоджи, Лаос, Вьетнам, Мьянма, Малайзия, Таиланд ва Сингапурда (50 млн.га яқин сўзловчилар сони) кенг тарқалган. У БМТнинг бта расмий тиллари ҳамда мазкур ташкилотнинг ишчи тилларидан бири ҳисобланади<sup>1</sup>.

Қадимги Хитойда адабий тил (вэньян) эрамиздан аввал 1-минг йиллигининг бошларида шевалар асосида шаклланган эди. Кейинги даврларда у оғзаки сўзлашув тилидан анчагина фарқ қилишига қарамай, XX асрга қадар классик адабий тил мавқеини сақлаб келган. Шу вақтнинг ўзида, эрамизнинг 1-мингйиллиги бошларида оғзаки нутқни ифодалайдиган янги ёзма тил (байхуа – содда, тушунарли тил) вужудга кела бошлаган. Шимолий байхуа умумхалқ хитой тили (путунхуа – “умумий, тушунарли тил”)га асос солиб, XX асрнинг биринчи ярмида вэньян тилини сиқиб чиқарди ва миллий адабий тилга айланди. Ҳозирги замон адабий тили 7 та асосий шева гуруҳларини ўз ичига олган шимолий шеваларга таянади. Шунини айтиш керакки, мазкур шевалар ўртасидаги фарқ жуда катта бўлгани боис, Пекин ёки Харбин (Хитой шимоли) аҳолиси, Шанхай (мамлакат маркази) ва Кантон (Хитой жануби) аҳолиси бир-бирини тушунмаслиги ҳам мумкин<sup>2</sup>.

Хитой тили иккита – ёзма ва оғзаки шаклларда мавжуд бўлиб, унинг оғзаки сўзлашув ва ёзма-китобий шакллари бир-биридан анчагина фарқларга эга. Ёзма тил қисқа, лўнда бўлса, сўзлашув тили эса, сўзлари кўп ҳисобланади. Ёзма-китобий тил асосан моносиллабик, яъни ҳар бир сўз битта иероглиф билан ёзилган битта бўғиндан иборат. Сўзлашув услуби эса, аксинча, асосан полисиллабик ҳисобланади<sup>3</sup>.

Хитой тили товушлари – ундошлар ва унлилар (фонем сони борасида маълумотлардан яқдиллик мавжуд эмас) – миқдор жиҳатидан чегараланган тонлашган (оҳанглашган) бўғин (4 та тон ва турли тон /оҳангдорлик/даги 1324 та бўғин)ларга ажратилади. Бўғинларга бўлиниш морфологик жиҳатдан маънога эга, чунки ҳар бир бўғин – бу морфема ёки содда сўзнинг товушли қобиғи ҳисобланади.

Хитой тилидан сўз ясалишнинг асосий усули – сўз кўшилиш усулидир. Шакл ясалиши эса, асосан, феъл турига оид суффикслар орқали ҳосил бўлади. Кўплик шакли фақат шахслар, кишилиқ олмошларини ифодаловчи отларга хос ҳисобланади. Аффикслар катта миқдорда ва мунтазам эмас, агглютинация эса сўзлар ўртасидаги боғланиш, муносабатларни ифодалаш учун хизмат қилмайди.

Хитой тилининг тузилиши изоляцион бўлиб қолмоқда, яъни сўзлар флексияга эга эмас ва морфологик ўзгаришлардан холидир. Кўпгина сўзлар

<sup>1</sup> Лингвистик луғат .,М.,1990, 225-б.

<sup>2</sup> Плунгян А.Почему языки такие разные? М.,1996.252-б

<sup>3</sup> Смертин Ю.Г. Китайская классическая поэзия. Краснодар, 1999.,26-с.



гаптаги ўрнидан келиб чиқиб, от, феъл ёки сифат вазифасини ўзгармаган ҳолда бажариши мумкин. Шунинг учун ҳам хитой тилида синтаксис морфологиядан устун келади. Айрим олимлар хитой тилида сўз туркумларининг мавжудлигини инкор қилишади<sup>1</sup>. Ушбу нуқтаи назар нафақат умумназарий жиҳатдан<sup>2</sup>, балки аниқ бир тил материалларини тадқиқ қилиш асосида ҳам рад қилиш мумкин<sup>3</sup>.

Хитой тили синтаксиси номинатив тузилиш, грамматик маъновий сўзлар таркиби (аниқловчи доим препозицияда келиши) билан ажралиб туради. Бу тилга мураккаб (қўшма), боғловчили ва боғловчисиз гаплар тизими хос.

Хитой тили иероглифик ёзувдан фойдаланади. Ҳар бир иероглиф товуш жиҳатдан тонлашган бўғинга, маъно жиҳатдан эса – сўз ёки морфемага мос келади. В.В. Ивановнинг фикрига кўра, ёзувнинг хусусиятлари (характери) бевосита у ёки бу маданиятнинг хусусиятларини шакллантиради. У таъкидлашича, “қадимги хитой маданиятининг иероглифик характери (хослиги) унинг ўзгача, маълум даражада алифбога тескари йўналтирилишга кўмак берган”. Бу “ўзгача йўналтирилиш” сон категорисининг маданий аҳамиятига тааллуқли: “Юнонларнинг ҳар бир ҳарфи нафақат товуш, балки сон маъносини ( $\alpha - 1$ ,  $\beta - 2$ ,  $\gamma - 3$  ва ҳ.к.) ифодалгани сабабли, алифбо ғояси билан сонлар ҳақидаги тасаввурларни ўзгартириб юборган бутун сонлар қаторларни ихтиро қилиш бевосита боғлиқ эди. Шу билан бирга алифбо тамойили ва у билан боғлиқ дискрет (узук-узук) birlikлар (атомлар, ёки рамзлар оламини ташкил қилувчи – “ғиштчалар”) ғоялари нафақат бутун сон қатор ғояси, балки мантиқий хулоса, ёки дедукция билан чамбарчас боғлиқ эди”<sup>4</sup>.

Бутун сўзнинг битта ёзма белги (иероглиф)да ифодаланиши ва бошқа типологиядаги тилларга нисбатан хитой тилининг кам миқдордаги формаллашуви семантика, биринчи навбатда, лексик ва фразеологик семантиканинг катта аҳамиятга эга бўлишига олиб келади<sup>5</sup>. Лексик семантика майдонида лексемалар кўпмаънолигини ривожланишига таъсир қилувчи омонимиянинг тури – омофония ходисаси муҳим роль ўйнайди. У хитой тилининг иккита феноменига таянади: аксарият сўзларнинг бир бўғинлиги – моносиллабизм ва “фонетик иероглифлар”нинг қўлланилиши, яъни оғзаки нутқда мавжуд бўлган тушунчани ёзма ифодалаш учун худди шундай оҳангга эга иероглиф танланиши<sup>6</sup>.

Тилнинг мазкур хусусиятлари Хитойда лингвистик илмнинг йўналишини белгилаб берган. Хитойда тилни ўрганиш, Лингвистик энциклопедик

<sup>1</sup> Горский Д.П. Начальный этап формирования понятий о количественных и порядковых числах. М., 1961, 226-227-б.

<sup>2</sup> 王力古汉语字典北京民族出版社2000年

<sup>3</sup> 何杰《现代汉语量词研究》北京民族出版社 2000 年

<sup>4</sup> Горский Д.П. Начальный этап формирования понятий о количественных и порядковых числах. М., 1961, 226-227-б.

<sup>5</sup> Горелов В.И. Теоритическая грамматика китайского языка .М., 1998.67-б.

<sup>6</sup> Смертин Ю.Г. Китайская классическая поэзия. Краснодар, 1999., 27-с.



луғатнинг маълумотларига кўра, 2 минг йил аввал бошланиб, XIX асрнинг охирларигача, бир оз ҳинд илмининг таъсири эътиборга олинмаса, мустақил равишда ривожланиб келган эди. Классик хитой тилшунослигининг ўзига хослиги флектив бўлмаган, иероглифик ёзув орқали ёзиладиган тил негизида вужудга келган<sup>1</sup>. Табиийки, шунинг учун ҳам хитой тил анъанасида иероглиф, унинг ўқилиши ва маъноси асосий объект сифатида танланган, тилшуносликнинг энг ривожланган бўлимлари эса, ёзув (графика), лексикология ва фонетика ҳисобланган. Хитой тилшунослигининг биринчи классик олими Сю Шэнь (эрамизнинг 1-асри) иероглифларнинг таснифини таклиф қилиб, уларнинг таркибий қисмларини ажратди. III-VI асрларда омофонлар ва қофиялар луғатлари яратилди ва тонларга тавсиф берила бошланди. Хитой тилининг изоляцион характери туфайли грамматиканинг ривожланиши анча орқада эди. Хитой тилини грамматик жihatдан ўрганиш XIX асрнинг охиридан, айнан Ма Цзяньчжуннинг “Маши вэньтун” грамматикаси 1898 йилда нашр қилинишидан бошланган эди<sup>2</sup>. Бирок, бундан олдин Хитойда грамматика тадқиқи европа таъсири доирасидан четлашмасди. Демак, хитой грамматикаси илк даврларда анъанавий европа грамматикалари намуналари асосида тузилган. Табиийки, бундай ёндашувда асосий эътибор тилларнинг умумий хусусиятларига берилган, аммо хитой тилининг ўзига хос хусусиятлари, хусусан, микдор семантикасини ифодаловчи алоҳида усул ҳисобланган – ҳисоб сўзлар (классификаторлар)га етарли даражада эътибор қаратилмасди.

Шундай қилиб, Хитой маданияти энг қадимги ёзма маданиятларнинг бири сифатида эътироф этилади. Ю. М. Лотман ёзувни хотира шакллари-нинг бири, деб ҳисоблайди. Мазкур нуқтаи назардан тарих “ёзув пайдо бўлишининг қўшимча натижаси” сифатида талқин қилиниши мумкин. “Ёзма маданият ўтмишга йўналтирилган бўлса, оғзаки маданият эса – келажакка қаратилади. Шунинг учун унда башоратлар, фол очиш ва олдиндан тахминлар катта роль ўйнаган”. Олимнинг фикрига кўра, “оғзаки хотира дунёси рамзларга тўла”, материал предметлар қаторидан жой олиб, сўзлардан иборат матнга эмас, маросимлар матнига киритилади. Ёзма маданиятида эса бу ҳолат бошқача. Бундай маданият “Худо ёки Табиат томонидан яратилган Матнни кўришга, унда ифодаланган хабарни ўқишга интилади”<sup>3</sup>. Хитойликлар томонидан айнан шундай “олам-матнни ўқишда” сонлар катта аҳамиятга эга. А. М. Карапетьянцнинг “Хитой тили катта луғати”даги (Чжун вэнь да цыдянь. Тайбэй, 1962-1968) маълумотларга кўра, сонлардан бошланадиган 13296 та луғат мақоласи мавжуд<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Лингвистик луғат, М., 1990, 225

<sup>2</sup> 王力古汉语字典北京民族出版社2000年

<sup>3</sup> Лотман Ю.М. Статьи по типологии культуры: Материалы к курсу теории литературы. М., 1887, С. 6-11.

<sup>4</sup> Карапетьянц 中文大辞典/1981, 62





**Мақсад ва вазифалар.** Сон тушунчаси фундаментал илмий тушунчаларга тегишлидир. Ушбу предметни математика фани ўрганса-да, сонлар ва улар устидан амалиётлар илм-фаннинг барча соҳалари ва ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида ишлатилади. Айтиш мумкинки, сонлар деярли тил каби барча жойларда мавжуд. Шу билан бирга сон тушунчаси тил билан бевосита боғлиқ бўлиб, тилда ўз ифодасини топади. И. А. Бодуэн де Куртенэ ушбу алоқани шундай таъкидлайди: “Миқдорий тасаввурлар, яъни математик фикрлаш (тафаккур) билан тақсимланган ва бирлаштирилган мажмуаси умумий борлиқ томонларининг бирини ташкил қилади. Миқдорий математик фикрлаш билан бирга тил тафаккурининг миқдорий томонини ҳам ўрганиш лозим<sup>1</sup>.”

Сон илм-фанда ҳам, кундалик ҳаётда ҳам турли вазифаларда ишлатилади. Сонлар ёрдамида биз ҳисоб натижаларини қайд қилишда (йигирма нафар, қирқ йил), кўпликнинг унсур (элемент)лари ўртасидаги тартибни белгилашда (биринчи сўзга чиқувчи, миллионинчи яшовчи одам), бирон бир нарсанинг ўлчови натижаларини ифодалашда (бир ярим километрли йўл). Бундан ташқари, сон белгилари сўзлар, ҳарфлар ўрнида қўлланилиши мумкин, масалан, текстни кодлаш учун<sup>2</sup>.

Математик миқдорийликнинг хилма-хиллиги (миқёс, макон миқдорийлиги: ўлчовли, икки ўлчовли, уч ўлчовли, кўп ўлчовли, ўлчовсиз; вақт миқдорийлиги, муайян жараённинг давомийлиги; маконга ҳам, вақтга ҳам тегишли сон миқдорийлиги; интенсивлик (шиддатлик), даража миқдорийлиги)ни таъкидлаб, И. А. Бодуэн де Куртенэ унинг барча турларини сонга тенглаштирганди, чунки “макон, миқёс ўлчови, уларнинг давомийлиги, даражаси ва шиддатлигини ҳисоблаб олиш мумкин”<sup>3</sup>. Муҳими шундаки, миқдорий ва сон тасаввурлар (тушунчалар)нинг бу хилма-хиллиги тилда у ёки бу шаклда ўз ифодасини топади. Шунинг учун “тил тафаккурининг миқдорийлигига қизиқадиган ҳар бир тадқиқотчи юқорида кўрсатилган соф математик миқдорийликнинг барча соҳалар: талаффуз-эшитиш тасаввурлар соҳасида (психофонетика), морфология сўзининг кенг маъносидаги морфологик тасаввурлар соҳасида (гап морфологияси ёки синтаксис, сўзлар морфологияси, флексия, морфемалар ва уларнинг таркибий қисмлари морфологияси, бўғинлар морфологияси, фонемалар морфологияси), семантик тасаввурлар соҳасида; талаффуз-эшитиш тасаввурлардан фарқли равишда ёзув-кўриш тасаввурлар соҳасидаги мосликларни излаши лозим”.

Мазкур мукамал ифодаланган фикр сон ва миқдорнинг тилдаги семантик майдон чегараларини аниқлаб берган, деб ўйлаймиз. Бирок, ўзаро мутаносиб тил майдонларини таҳлил қилишдан аввал соннинг умумий

<sup>1</sup> Бодуэн де Куртенэ И.А.Количество в языковом мышлении .М.,1963, 134-б.

<sup>2</sup> Горский Д.П. Начальный этап формирования понятий о количественных и порядковых числах. М.,1961, 226-227-б.

<sup>3</sup> Бодуэн де Куртенэ И.А.Количество в языковом мышлении .М.,1963, 34-б.



семантикаси ҳамда сонга оид тасаввурларни тилда ифода этилиши жараёни ва ҳисоб тизимларини кўриб чиқиш керак.

**Методлар.** Маълумки, сон фалсафий ва математик нуқтаи назардан анчагина кенг абстракцияни намоён қилади, чунки унда “сифатловчи белгиларидан четлашган ҳолда предметлар кўплигининг миқдорини акс эттиради: “беш” сони турли предметларнинг мажмуасини ифодалаш мумкин: олмалар, гуллар, шаҳарлар, ҳис-туйғулар, давлатлар ва ҳ.к.”. Ва “бир-бирига тенг барча кўпликларда битта умумийлик, эҳтимол, сон бўлади”<sup>1</sup>. Шу билан бирга сон тушунчасининг мураккаблиги ва қарама-қаршилигини таъкидлаган ҳолда, Бодуэн де Куртенэ “ҳар қандай сифат миқдорга таянади, чунки предметларнинг бир-биридан сифат жиҳатидан фарқланишлар, бир томондан, муайян бир таркибий унсурларнинг мавжудлиги, иккинчи томондан эса – бошқа унсурларнинг йўқлигига асосланади”.

Миқдор ва сифат семантикаси ўзаро боғлиқлигини нафақат файласуфлар, балки тилшунослар томонидан ҳам қайд қилинган. Гегельнинг миқдор категорияси сифат ғоясидан холи эмаслиги тўғрисидаги фикрини шарҳлаб, Л. Д. Чеснокова шундай ёзади: “Масалан, 4 ва 5 сонлари ўртасидаги фарқлар уларнинг миқдоридаги сифатловчи фарқидан иборат: “тўрт” – тўртта бирликни бирлаштиришдан иборат сифатни ўз ичига олган бу муайян миқдорнинг номи бўлиб, бешта бирликни бирлаштиришдан иборат сифатни ўз ичига олган “беш” сонидан фарқ қилади; 4 ва 5 ўртасидаги миқдор-сифат фарқи битта бирликка тенг. Миқдорий ва сифат тавсифларнинг умумийлиги (бирлиги) айнан шундан ташкил топади”<sup>2</sup>. Ушбу нуқтаи назардан келиб чиқиб, тадқиқотчи миқдорни ифодалашда сифатлашнинг қуйидаги иккита турини ажратади – ички ва ташқи: муайян миқдорнинг сифати ички маъноси – бу айнан миқдорнинг хусусияти (айнан беш, уч ёки тўрт эмас); ташқи сифат тавсифи – бу ҳисобнинг объектларига ишорадир (“бешта китоб”, икки маротаба кирди” каби бирикмаларда олмалар эмас, айнан китоблар саналади; турли иш-ҳаракатлар эмас, балки “кирмоқ” ҳаракати).

Айтиш мумкинки, “сифат” ва “миқдор” категорияларининг диалектик умумийлиги (бирлиги) сонлар номланишининг категориал семантикасида ҳам ўз аксини топади: “бир”, “кўп”, “олтмиш”, “бир юз” ва ш.к. тушунчаларнинг бирлиги миқдорни ифодалашдаги умумий ғоясига таянади, бу ғоянинг ўзи эса, мазкур сўзлар гуруҳининг сифат белгисидир. Бундан ташқари, сон бирликлари орасидаги миқдорий фарқлар маиший онг томонидан сифатдаги фарқлар деб қабул қилиниши мумкин: олти бешдан *кўпроқ*, лекин еттидан *камроқ*, ўнта тухум бештадан *кўпроқ*.

<sup>1</sup> Горский Д.П. Начальный этап формирования понятий о количественных и порядковых числах. М., 1961, 226-227-б.

<sup>2</sup> Чеснокова Л.Д. Процесс счета и способы его выражения в современном русском языке. М., 1992, 5-б.



Эҳтимол, сонни сўз орқали ифодалашнинг энантиосемиклиги муайян сўзлар гуруҳидаги лингвокультурологик коннотацияларнинг асоси (боши) бўлиши мумкин. Сон ғояси эса инсоният маданиятидаги чуқур илдизларга эга.

Турли халқлар қадимги афсоналарида сонларнинг пайдо бўлиши худолар ва қаҳрамонлар номлари билан боғланар эди. Масалан, қадимги юнонликлар сонларни уларга Прометей берган деб ўйлашган. Бобилликлар ушбу нарса учун ярим одам-ярим балиқ Оаннесни, мексикаликлар эса – патли илон Кецалькоатлни улуғлашар эди<sup>1</sup>. Қадимги Хитойда сонларнинг вужудга келиши қуйидагича талқин қилинади: одамзоднинг аждоди Фу Си учбурчак ёрдамида доира чизиб, унинг ичига 3, 4, 5 томонларга эга иккита учбурчакдан иборат тўғрибурчакни жойлаштирди. Ушбу сонлар орқали Фу Си борлиқнинг сонли тартибини аниқлаб олган экан<sup>2</sup>.

Эҳтимол, илк босқичда сонларнинг пайдо бўлишига маданий сабаблар, яъни ҳар бир халқнинг турмуш тарзи, маиший ҳолати, унинг асосий меҳнати ва дунё ҳақидаги тасаввурлари таъсир кўрсатган. Масалан, атрофдаги оламни “вертикаль” бўйича ердаги, ер остидаги ва самодаги подшоҳликларга бўлган халқларда “уч” сони муқаддас сонга айланган эди. Бошқа халқларнинг тасаввурида эса, олам вертикал бўйича эмас, балки горизонтал бўйича бўлинган, улар дунёнинг тўрт томонини, тўртта “асосий шамол”ни билишган, бу халқлада “тўрт” сони муҳим роль ўйнаган эди<sup>3</sup>. Тахмин қилиш мумкинки, “вертикал дунёқараш” чегараланган ҳудудларда: ўрмонлар, тоғлардан яшаган халқлар, “горизонтал” эса, теккислик, водийларда жойлашган элатларга хос бўлган.

Қадимги хитойликларда олам таркибининг модели беш аъзолик тасаввур қилинган: шимол, жануб, ғарб, шарқ, марказда эса – Самоости, шунинг учун ҳам “беш” сони муҳим роль ўйнаган: ҳисоблашнинг беш ўлчамли тизими Курашаётган Подшоҳликлар даври (эр.ав. V-III асрлар)дан муомала қилинган эди. Беш ўлчамли таснифий-нумерологик тизимнинг устунлиги ўша даврдаги бешта унсурли универсал схемаси билан изоҳланади. А. И. Кобзевнинг фикрига кўра, бу схема “бармоқларда санаш, маконни бешта қисм (олд, орқа, чап, ўнг, марказий)га бўлиш, йирик қора молнинг бош суяги ва суякларидан беш ўлчамли фол очиш амалиёти каби маданий ҳодисалари билан генетик тарзда боғлиқ эди”<sup>4</sup>.

**Эришилган натижалар.** Олимларнинг тахмин қилишича, соннинг мавҳум (абстракт) тушунчалари бир неча босқичлардан ўтган. Одамлар ҳар бир овда ўлдирилган ҳайвонни ёки подадаги қўйни тахтада белги қўйиб,

<sup>1</sup> Делман И.Я. Виленкин Н.Я. За страницами учебника математики: Пособие для учащихся. М., 1989, 16-б.

<sup>2</sup> Малявин В.В. Китайская цивилизация. М., 2000. 317-б.

<sup>3</sup> Делман И.Я. Виленкин Н.Я. За страницами учебника математики: Пособие для учащихся. М., 1989, 16-б.

<sup>4</sup> Кобзев А.И. Учение о символах и числах в китайской классической философии. М., 1994, 46-б.



арконда тугун бойлаб, қопчага тош солиб ва ҳ.к.ларни ишлатиб, санашни ўрганар эди. Дастлабки босқичда саналаётган кўплик тасодифий характерга эга бўлган. Бироқ, сон бўйича бошқа кўпликлар билан таққосланаётган дастлабки эталонли кўпликлардан энг “қулай” ва табиийси одамнинг қўл ва оёқларидаги бармоқлар эди. П. Лафаргнинг қайд қилишига, “бизнинг тил шундан далолат берадики, инсон узунлик бирлиги учун ўзини қўлини, оёғини, кафтини қўллаган; қўл ва оёқ бармоқлари ҳисоб учун хизмат қилган”. Натижада қўл бармоқларини санашда кўпгина тилларда (шу жумладан, хитой тилида ҳам) ўнли рақамлар тизими ўз аксини топди, аммо баъзи тилларда тўртлик сонлар, ўн икки бармоқли<sup>1</sup> ва бошқа тизимлар сақланиб қолган. Бироқ, бир хил типдаги ҳисоб тизимларида сўзлар ифодасида ҳам айрим фарқларни учратиш мумкин.

Масалан, қадимги хитой башорат ёзувларидан маълумки, инлар (қадимги хитойликларнинг номи) ўнликларда ҳисобни ва фақат сонларнинг биринчи синфида амалга оширишган. Уларнинг энг катта сони 10.000 万 (*вань*) бўлиб, уни “бутун сон” деб аташган. Шу ердан ҳозирги кунда хитойликлар муомаласида сақланиб қолган “ўн минг йиллик умр” 万岁 wànsuì (*Вань суй!*) тилаги тарқалди. Сўнг йирик сонлар ҳам пайдо бўлган, лекин ўн мингликлар тури (разряд)ни ажратиш хитой санок (ҳисоб) тизимининг фарқли жиҳати сифатида бугунги кунгача сақланиб қолмоқда. Қўйидаги жадвал мисолида қиёслаш мумкин:

Тур (разряд) номи	Рақам	Ўзбек тили	Хитой тили
Бирликлар	1	Бир	и 一 (биринчи тон)
Ўнликлар	10	Ўн	Ши 十
Юзликлар	100	Юз	Бай 百
Мингликлар	1000	Минг	Цянь 千
ўн мингликлар	10.000	ўн минг	Ван 万
юз мингликлар	100.000	юз минг	ши ван 十万
Миллионлар	1000.000	Миллион	бай ван 百万
ўн миллионлар	10.000.000	ўн миллион	чиан ван 千万
юз миллионлар	100.000.000	юз миллион	亿 и (тўрттинчи тон)
Миллиардлар	1000.000.000	Миллиард	ши и 十亿

<sup>1</sup> Ўтмишда ўн икки бармоқли тизимнинг кенг тарқалганлиги ҳақида қўйидаги фактлар далолат беради: ханузгача йил 12 ойга, кун (сутка) 24 соатга бўлинади, кундалик ҳаётда биз соатни фақат 12 гача санаймиз, сўнг ҳисобни бошидан бошлаймиз (соат бир, соат икки). Идишлар сервислари 12 та персона (одам)га мўлжалланган, мебель мажмуаси ҳам 12 та стулдан иборат. 12 рақами эртак ва афсоналарда ҳам уради (ўн икки бошли аждар, илон ва ш.к.).



Жадвалдан кўриниб турибдики, хитой тилида нафақат бирлик, ўнлик, юзлик ва мингликлар учун бир сўздан иборат номлар, балки ўн мингликлар учун ҳам шундай ном мавжуд. Ўзбек тилида шу каби сонлар мураккаб ном билан ифодаланади. Шу сабабли юқори разрядли сонларнинг номларида фарқ юзага келади. Ўзбек тилидаги “юз минг” хитой тилида “ўнта ўн минг”, “миллион” сони эса, хитой тилида – “юзта ўн минг”, “ўн миллион” сони – хитойча “мингта ўн минг” кўринишига эга. Шу билан бирга, хитойликлар “юз миллион” сўзини ифодалаш учун оҳанг бўйича бир сонига мос бўлган, лекин талаффуз бўйича бошқа тондаги бир сўзли эквивалентни ишлатишади. Шунинг учун “миллиард” сўзи хитой тилида “ўнта юз миллион” шаклига эга.

Шу каби фарқланиш сон ғоясининг ривожланиши турли маданиятларда бир хил бўлмагани билан изоҳланади. Содда (примитив) ҳисоб тизимлари бугунги кунда ҳам учратиш мумкин. Масалан, Сахалин ороли ва Амур дарёси қуйида яшовчи нивхларда сонлар саналаётган предметларга боғлиқ. Предметнинг шакли бу ҳолатда муҳим роль ўйнайди, масалан, нивхлар “иккита тухум”, “иккита тош”, “иккита кўрпа” каби бирикмаларда ҳар хил сонларни қўллайдилар. Шунингдек, айрим хабаши (негр) қабилалари ҳамда Тинч океан оролларида яшайдиган кичик халқлар бир хил сонни ифодалаш учун ҳар хил сўзларни ишлатади. Баъзи ривожланган тилларда қадимги ҳисоб тизимларнинг рудиментлари ҳам сақланиб қолган. Масалан, “ибер-кавказ тиллари, хитой тилида сонлар грамматик синфларга мос параллел шаклларга эга; нивх тилида турли синфлар предметлари (жонли, узун, юмалоқ, сузувчи ва ҳ.к.лар)нинг номлари билан қўлланиладиган 26 турдаги сонлар мавжуд”<sup>1</sup>.

Сонлар номлари ҳар қандай турдаги предметлар билан ишлатила олинishi даражасига етгунга қадар, яъни сон тушунчаси саналаётган предметлардан бутунлай абстрактлашгунча, инсон тафаккури мураккаб ва узоқ йўлни босиб ўтиши керак эди. Олимларнинг фикрига кўра, кардинал бутун соннинг ривожланиши жараёни “тилда сон кўринишида қайд қилинган абстракт бутун сонлар синфининг эталон кўплик сифатида ажраб чиқиши” билан яқунланади<sup>2</sup>. Айнан сонлар солиштирилаётган тилларда сондаги семантик майдоннинг ядроси ҳисобланади.

Микдорий маъноларни тилда ифодалаш усуллари хилма-хил бўлиб, тил тизимининг барча босқичларини қамраб олади. Бироқ, ҳар қандай тилда унинг лексик-грамматик тузилиши микдорлик семантикасини ифодаловчи асосий восита сифатида хизмат қилади.

Мазкур категорияга нисбатан хитой тилининг ўзига хос хусусиятлари ҳам семантик, ҳам формал жиҳатларида намоён бўлади.

<sup>1</sup> Лингвистический словарь. М., 1990, 14

<sup>2</sup> Горский Д.П. Начальный этап формирования понятий о количественных и порядковых числах. М., 1961, 226-227-б.



Хитой тилида бирлик ва кўплик тушунчаларини ифодалашда грамматик усулар деярли мавжуд эмас. Яъни, айрим тиллардан фарқли ўлароқ хитой тили сон категориясига эга эмас.

Одатда, отлар сон билан боғлиқ бўлмаган предмет тушунчаларини ифодалайди, яъни улар бирликдаги предметни ҳам, бир хил предметлар йиғиндиси, мажмуасини ҳам ифодалаши мумкин. Масалан, *Стол устида китоб (бор) / Стол устида китоблар (бор)* каби гаплар хитой тилига битта ёки бир нечта китоб мавжудлигини кўрсатмайдиган гап билан таржима қилиниши мумкин: 桌子上有书 *zhuōzishàngyǒushū* (Чжо цзы шан ю шу).

Айтиш керакки, отлар ва кишилиқ олмошлари 们] мен суффиксига эга бўлиб, жамоавий кўплик маъносини ифодаловчи формал восита ҳисобланади. Бироқ, бу суффикснинг қўлланилиши чегараланган: у фақат шахс отлари билан ва жуда кам ҳолатларда – ҳайвонлар ва жонсиз предметлар номлари билан ишлатилади. Хитой тилида ушбу суффикснинг мавжудлиги сон грамматик категория сифатида ёки функционал-синтактик, лексик-синтактик категория сифатида талқин қилиниши керакми? Ушбу масала юзасидан бир неча қарама-қарши фикрлар билдирилади<sup>1</sup>.

Турли тилларда грамматикага оид деб, “бу тилларда хабар берилиши лозим бўлган”ни эътироф этишди<sup>2</sup>. Масалан, рус тилида жонсиз предметларда ҳам жинсни ифодалаш (*камень упал, скамейка упала, дерево упало*), инглиз тилида аниқлик/ноаниқликни ифодалаш (*a letter – the letter*) зарур. Ушбу тилларга (бошқа кўп тиллар каби<sup>3</sup>) бирлик-кўпликнинг фарқлиниши хосдир (*письмо-письма, the letter-the letters*). Синтетик тузилишга эга тилларнинг хусусияти шундан иборатки, грамматик маъноларнинг ифодаланиши гапнинг мослашган бўлақларида ҳам, битта сўзнинг шаклларида ҳам такрорланиши кузатилади. Масалан, *Большие столы стоят* гапида кўплик шакли уч марта такрорланган: отда (*стол-ы*), сифатда (*больш-ие*) ва феълда (*сто-ят*)<sup>4</sup>.

Хитой тилида предметларнинг бирлик-кўплигига ишора қилиш ифоданинг зарурий семантик элементи ҳисобланмайди. Яъни хитой тилида бирлик/кўпликнинг маъновий категорияси грамматик категория эмас. Предметларнинг сонини аниқлаш зарурати бўлганда, бу лексик ва синтактик воситалар ёрдамида ифодланади: сонлар номлари ва отлар билан махсус санок сўзлар ишлатилади.

Гап шундаки, хитой тилидаги барча отлар иккита гуруҳга ажратилади: ўлчов бирликларини ифодайдиган сўзлар ва ўлчов бирликларини билдирмайдиган сўзлар<sup>5</sup>. Биринчи гуруҳдагилар бевосита сонлар билан ишлатила-

<sup>1</sup> Солнцев 1957, С. 98-99; Коротков 1968, С. 284-285]

<sup>2</sup> Плунгян 1996, С. 108 Плунгян А. Почему языки такие разные? М., 1996. 15-6

<sup>3</sup> Муқаррар грамматик универсалиялар каторига қуйидагиси киритилади: агарда тилда жинс ва келишиқ бўлса, демак сон ҳам мавжуд [Қар.: Широкова 2000, С. 86].

<sup>4</sup> Широкова 2000, С. 104; Реформатский 1998, С. 314.

<sup>5</sup> Хитой тилидаги отларнинг ўлчов бирликларни билдирувчи ва билдирмайдиган гуруҳларга ажратиш инглиз тилидаги отларнинг саналиши мумкин ва саналмайдиганларга бўлиниши



ди: 三年 sānnián *сань нянь* – “уч йил”, 五里 wǔlǐ *у ли* – беш метр, 三金 sānjīn *сань цзинь* – уч фунт; иккинчи гуруҳдаги сўзлар сон ва отлар ўртасига ўлчов бирлигининг махсус белгисини талаб қилади: 一斤肉 yījīnròu *и цзинь жоу* – бир фунт гўнт, 一个人 yīgèrén *и гэ жень* – (битта (дона) одам), 五口人 wǔkǒu rén *у коу жен* – бешта (дона) одам. Л. И. Баранникованинг фикрига кўра, хитой тилидаги отлардона предметлар ёки бўлинган (тақсимланган) кўпликни, балки алоҳида предмет ажратилиб олинаётган предметларнинг бутун бир синфини ифодалайди<sup>1</sup>.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, хитой тили тафаккурида сонлар типик, предметлар синфининг вакили, аниқроғи, предметларнинг бутун синфи сифатида фараз қилинади<sup>2</sup>. Ва айнан ҳисоб сўзлар сонлар билан биргаликда ушбу бутуннинг “ажратувчи” элемент (унсур)ларнинг вазифасини бажаради.

Шундай қилиб, сонлар ёрдамида биз ҳисоб натижаларини қайд қилишда бирон бир нарсанинг ўлчови натижаларини ифодалашда ишлатамиз. Бундан ташқари, сон белгилари сўзлар, ҳарфлар ўрнида қўлланилиши мумкин, масалан, текстни кодлаш учун ишлатилади. Соннинг математик миқдорийликнинг хилма-хиллиги ҳам сонлар билан бевосита боғлиқ бўлганлиги Қадимий Хитой мисолдан бошлаб берилганлиги маълумдир. Шу билан бирга хитой тилидаги ҳисоб сўзлар сон семантик майдонининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

билан таққосласа бўлади, бу “бир-биридан анча узоқ бўлган тиллар грамматик тизимида умумий жиҳатларнинг мавжудлиги”дан далолат беради [Баранникова 1973, С. 241].

<sup>1</sup> Баранникова .Количественные числительные в китайском языке.М.,1973, 241

<sup>2</sup> Айтиб ўтиш жоизки, бутуннинг қисми (алоҳида эмас, балки ажратиб олинган ҳолда) сифатида бирликни англаш – предметни ҳам, шахсни ҳам – анъанавий хитой маданиятининг константаларига тегишли. Бу ерда ҳар доим инсонга ўзича эмас, балки оила ва жамиятдаги ўрни ва вазифаларига кўра баҳо берилган. “Хитой тилида Европадан фарқли ўларок, фамилия белгиси атоқли (берилган) исмдан олдин келиши: аввал қабила (сулола), сўнг одам исмининг келиши тасофддий эмас” [Очерки... 1997, С. 76].



**ТУЙЧИБАЕВА ШАХНОЗА**

кандидат педагогических наук, ТашГУВ

## **Проблемы изучения русского языка как иностранного и пути их решения**

**Аннотация.** *Вхождение Республики Узбекистан в мировой рынок, расширение международных связей обуславливают необходимость формирования языковой культуры студентов на иностранных языках, особенно мировых, в число которых входит русский язык.*

*В данной статье раскрываются вопросы обучения русскому языку как иностранному. Рассматриваются факторы, влияющие на эффективность обучения, среди которых: конкретное определение целей и задач обучения; учет родного языка, уровня базовых знаний, этапов образования; отбор и подача лексико-грамматического материала; обеспечение наглядности; выбор учебников и учебных пособий и др.*

*Автор освещает трудности, возникающие при изучении иностранного языка, обусловленные рядом факторов. Среди них указываются расхождения в системах родного и русского языков: отсутствие некоторых грамматических категорий, несовпадение их функций, различные способы выражения тех или иных грамматических значений, а также нерегулярность ряда языковых явлений в самом русском языке. Автор отдельно останавливается на категориях рода, падежа, времени и вида.*

*Особое внимание уделяется методам и технологиям инновационного обучения. На основе примеров раскрываются возможности их использования в процессе преподавания.*

*Проблема обучения русскому языку как иностранному, несмотря на множество научных и методологических исследований, не теряет своей актуальности. Цель работы – освещение некоторых аспектов указанной проблемы и изложение нашего видения путей ее решения. Задачами исследования автором определяются следующие (Автором определены следующие задачи исследования): анализ ряда факторов, влияющих на эффективность процесса обучения русскому языку как иностранному, изложение моделей инновационного обучения, описание использованных методов и способов организации процесса обучения на основе опыта преподавания.*

*Опорные слова и выражения: цели и задачи обучения, уровень знаний, этап, метод, технология, речевая деятельность, умения и навыки, грамматическая категория.*

**Аннотация.** *Ўзбекистон Республикасининг жаҳон бозорига чиқиши, халқаро алоқаларнинг кенгайиши талабаларнинг тил маданиятини чет тилларда, хусусан дунё тилларида кирган рус тилида шакллантиришни тақозо этади.*

*Ушбу мақолада рус тилини чет тили сифатида ўқитиши масалалари ёритиб берилган. Ўқитиши самарадорлигига таъсир этувчи омиллар таҳлил қилинган. Улар орасида: ўқитишининг мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаш; талабаларнинг она тилини, билим даражасини шу билан бирга таълим босқичларини ҳисобга олиш; лексик ва грамматик материалларни танлаш ва тақдим этиш; кўргазма ва тарқатма материаллар таъминоти, дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг танланиши ва бошқалар кўрсатишган.*

*Чет тилини ўрганишида бир неча омилларга боғлиқ равишда юзага келган қийинчиликлар ёритиб берилган. Жумладан она тили ва рус тиллари тизимларидаги фарқлар кўрсатилади: маълум грамматик категорияларнинг йўқлиги, улар функцияларининг номувофиқлиги, маълум грамматик маъноларни турлича ифода этилиши, шунингдек,*





истиснолар мавжудлиги ва ҳк. Муаллиф рус тилидаги род, келишик, замон, вид грамматик категорияларида алоҳида тўхталиб ўтган. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланган.

Мисоллар асосида ўқитишнинг бир қатор инновацион усуллари ва технологияларидан фойдаланиш имкониятлари ёритиб берилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** машғулотнинг мақсади ва вазифалари, билим даражаси, услуб, технология, нутқ фаолияти, билим ва кўникмалар, грамматик категория.

**Abstract.** The entry of the Republic of Uzbekistan into the world market, the expansion of international relations necessitate the formation of a language culture of students in foreign languages, especially world ones, which include the Russian language.

This article reveals the issues of teaching Russian as a foreign language. Factors affecting the effectiveness of training are considered, among which are: a concrete definition of the goals and objectives of training; taking into account the native language, the level of basic knowledge, the stages of education; selection and presentation of lexical and grammatical material; visibility; selection of textbooks and teaching aids, etc.

The author highlights the difficulties encountered in learning a foreign language, due to several factors. Among them, differences in the systems of the native and Russian languages are indicated: the absence of certain grammatical categories, the mismatch of their functions, various ways of expressing certain grammatical meanings, as well as the irregularity of a number of linguistic phenomena in the Russian language itself. The author separately dwells on the categories of gender, case, time and species.

Particular attention is paid to innovative teaching methods and technologies. Based on examples, the possibilities of their use in the teaching process are revealed.

**Keywords and expressions:** goals and objectives of training, level of knowledge, stage, method, technology, speech activity, abilities, grammatical category.

С момента образования Ташкентского государственного института востоковедения, который в марте 2020 года был преобразован в университет, в рамках межгосударственного сотрудничества и различных проектов в нем ежегодно обучаются студенты-иностранцы из Японии, КНР, Республики Корея и других стран. Среди них – стажеры, магистранты и докторанты. Русский язык здесь изучали и преподаватели-волонтеры из разных стран, работавшие в этом вузе. Уровень владения русским языком у обучающихся различный, как и различны цели его изучения. В одной группе могут обучаться представители как одной, так и нескольких стран. Группы формируются с учетом уровня знаний по русскому языку и, соответственно, этапов обучения (начальный, средний, продвинутый).

Проблема обучения русскому языку как иностранному, несмотря на множество как научных, так и методологических исследований в этой сфере, не теряет своей актуальности. Целью данной работы является освещение некоторых аспектов указанной проблемы и изложение нашего видения путей ее решения. В задачи исследования входит анализ ряда факторов, влияющих на эффективность процесса обучения русскому языку как иностранному, изложение моделей инновационного обучения, описание исполь-



зованных методов и способов организации процесса обучения на основе опыта преподавания.

В процессе профессиональной деятельности учитель исходит из своего опыта, целей и задач обучения, этапов и форм занятия, уровня подготовки обучаемых. Во-первых, преподаватель должен четко определить цели и задачи обучения, в зависимости от которых организуется процесс преподавания. «Успешная организация процесса преподавания русского языка как иностранного в значительной степени зависит от того, насколько конкретно определены цели обучения и, соответственно, конечные и поэтапные требования к уровню владения основными видами речевой деятельности на изучаемом (русском) языке»<sup>1</sup>. Если иллюстрировать это на примере даже одного из видов речевой деятельности – чтения, можно увидеть обусловленность выбора его видов: изучающего, просмотрового, ознакомительного, и др. этапами обучения. В условиях начального этапа целесообразно обучение изучающему чтению (преимущественно на материале текстов, связанных с будущей специальностью студентов; частично на материале текстов общественно-публицистического стиля и произведений художественной литературы) и ознакомительному чтению (на материале текстов всех стилей). Обучение просмотровому чтению, которое является наиболее трудным, – задача продвинутого этапа. На начальном этапе мы обучаем лишь его элементам.

Важным фактором при обучении является также учет трудностей, связанных с особенностями родного и изучаемого языков. У большинства учащихся в сознании сосуществуют системы двух языков. При этом закономерности русского языка воспринимаются через призму родного: его явления переносятся в русскую речь, что часто приводит к ошибкам. Такой перенос называется интерференцией. Несомненно, важным в связи с этим является преодоление влияния родного языка, предупреждение интерференционных ошибок в речи на русском языке. Для этого, прежде всего, нужно «видеть» языковой материал глазами учащегося, реально оценивать те трудности, которые он должен преодолеть.

Эти трудности обусловлены расхождениями в системах родного и русского языков, отсутствием некоторых грамматических категорий, несовпадением их функций, расхождениями в способах выражения тех или иных грамматических значений. Они также связаны с нерегулярностью языковых явлений в самом русском языке: чем больше в языке исключений из правил, тем труднее он усваивается.

Трудности усвоения русского языка как иностранного можно условно разделить на два вида:

– общие трудности, возникающие при изучении иностранного языка;

---

<sup>1</sup> T.N.Protasova, N. I. Soboleva. O trebovaniyah k urovnyu vladeniya navykami i umeniyami v razlichnykh vidah rechevoy deyatel'nosti ( on the requirements for the level of proficiency in various types of speech activite)) //«Russkiy yazyk za rubejom». 1977, No 6. Moscow «Russian language» Publ.



– трудности, возникающие у носителей определенной группы языков (близкородственные, неродственные);

Особую сложность при изучении русского языка как иностранного представляют категории рода и одушевлённости / неодушевлённости, предложно-падежная и видовременная системы. Степень трудности в этом случае может быть разной в зависимости от сходства или отличия языковых систем родного и русского языков. Категория рода в русском языке охватывает имена существительные, прилагательные, местоимения, глагольные формы (прошедшее время, условное наклонение, причастие). В связи с этим правильное усвоение многих грамматических явлений (склонение существительных, согласование прилагательных, порядковых числительных и т.п.) зависит от правильного определения рода. Студенты допускают ошибки в согласовании по родам, например: *мой место, моя папа, этот тетрадь, твой книга, большой аудитория, сестра приехал, два сумка* и т.п.

В предложениях – *Он учится в Китае. Моя сестра вернулась из Японии.* – преподаватель должен предусмотреть:

– фонетические трудности (слитное произношение предлога с существительным: *в Китае, из Японии*; оглушение: *в Китае*; редукция безударных – *моя сестра* и т.п.);

– трудности усвоения падежной формы (различение предлогов *в – на, из – с*, различное оформление существительных в предложном падеже: *в Китае, но в России, в Японии, на площади, в аэропорту*);

– трудности согласования (определяющее слово согласуется с определяемым словом в роде числе и падеже: *моя сестра, но: мой друг, мое место, мои вещи*);

– трудности усвоения глагольного управления (*учится где? вернулась откуда?*);

– трудности усвоения временных форм глагола (личные окончания глаголов, различные для I и II спряжения: *он живёт, они живут, но: он говорит, они говорят*; выбор суффиксов глаголов в форме прошедшего времени, где в отличие от других учитывается род существительного: *сестра вернулась, но: брат вернулся, студенты вернулись* и т.д.).

Сложным для студентов-иностранцев является усвоение предложно-падежной системы русского языка. Мы придерживаемся общепринятого многими методистами подхода, при котором последовательное введение грамматики зависит от частотности употребления в языке тех или иных грамматических форм. В данном случае, очередность введения и изучения падежей продиктована тем, какие из падежных значений встречаются в языке чаще. Предлагается изучение моделей с субъектом, выраженным тем или иным падежом существительного или личного местоимения: *Вот стол, он здесь. Где книга? Она там.* Затем целесообразно вводить непереходные глаголы на -ать (*читать, понимать, знать* и др.) Потом даются прила-



гательные для выражения определительных отношений, так как уже на моделях освоены притяжательные местоимения (*мой, моя, мое, твой, твоя, твое и т.д.*). После изучения модели с именительным падежом существительного (в значении субъекта) и личных местоимений вводится модель с предложным падежом в значении места: *Твоя тетрадь на столе; Мой словарь в сумке*. Это соответствует частотности употребления предложного падежа места. Введение глаголов в конструкцию определяется тем, какое из падежных значений изучается на данном этапе.

Для иностранцев большую сложность в изучении русского языка представляет синтаксис, так как за тем или иным членом предложения нет строго закрепленного места. При свободном, нефиксированном порядке слова в предложении могут стоять в различной последовательности. При этом порядок слов в предложении зависит от цели высказывания, его коммуникативной составляющей. Важно научить составлять предложение так, чтобы оно в полной мере соответствовало коммуникативной цели, отражало смысл и не нарушало логической последовательности.

Трудности могут возникнуть также и при изучении лексики русского языка. Данные проблемы чаще всего связаны с явлениями омонимии или многозначности. Поэтому на начальном этапе ввод многозначных слов не целесообразен. Новая лексика дается на основе текстов «Семья», «Город», «Погода», «Время», «Квартира», «Гостиница» и т.д., что позволяет освоить всю тематическую группу. Лучшему усвоению лексического материала способствуют наглядные средства и раздаточные материалы (иллюстрации, слайд-презентации, видеофрагменты; рисунки, карточки и т.д.), работа со словарем, поиск эквивалентов, составление предложений. При этом можно дать задания на перевод, а затем пересказ текста. Необходимо учесть, что такая работа может быть эффективной при наличии необходимого словарного запаса на русском языке. Организовать выполнение таких заданий можно также с помощью наводящих вопросов по содержанию текста.

Чтобы вызвать больший интерес целесообразно использовать тексты, содержащие сведения о языке, истории, культуре, образе жизни, традициях, а также соответствующие профессиональной сфере и интересам студентов.

Эффективности обучения в немалой степени способствует выбор методов и технологий в соответствии с целями и задачами урока.

Преподаватель должен быть компетентным как в отношении своего предмета, так и методики преподавания. Существует множество педагогических технологий преподавания русского языка, направленных на развитие навыков во всех видах речевой деятельности.

Разный уровень владения языком обуславливает выбор различных форм работы: групповой или индивидуальной.

Работу по цепочке можно использовать при составлении рассказа, вопросно-ответной беседе, закреплении знаний грамматических форм и т.д.



Работа в парах помогает создать ситуации, приближенные к реальным. Студентам предлагается составить диалоги по ситуациям, проверить / дополнить / исправить ответы друг друга и т.д. Выработка фонематического слуха достигается за счёт индивидуальной работы. В современной методике русского языка как иностранного есть мнение, что и в основе обучения русскому языку как иностранному лежит схема взаимоотношений «преподаватель – обучающийся – средства обучения», что и определяется как педагогическое общение, подразумевая сотрудничество преподавателя и студентов.

Нашей задачей является сделать почти ежедневные встречи с фонетикой, морфологией, синтаксисом, не скучными и сложными, а интересными и доступными для усвоения. Для того чтобы привить интерес к русскому языку, нужно использовать занимательные наглядные, словесные, ролевые игры, раздаточный материал: карточки, опорные таблицы, схемы, рисунки и др. Здесь на помощь приходят уроки-игры, уроки-путешествия и тематика их может быть различной (экскурсии, поездки, достопримечательности, мероприятия, встречи визиты, приемы, поздравления и т.д.).

Игровые технологии используются для решения следующих задач: активизация познавательного интереса, развитие коммуникабельности, создание условий для творческого самовыражения, развитие памяти, внимания, мышления, воображения, конструктивное общение в составе социальной группы, создание позитивного психологического климата в коллективе. Активным методом обучения является ролевая игра. Это средство развития коммуникативной компетенции, творческого самовыражения, организаторских способностей студентов, а также повышения мотивации. Ролевые игры выступают активным методом развития практических навыков, позволяя преодолевать языковые барьеры.

Именно использование инновационных технологий обучения позволяет создать на занятии определенную настрой, развить мышление и творческие способности студентов, сформировать определенные умения и навыки.

Существует множество исследований как отечественных, так и зарубежных лингвистов относительно основных методов обучения иностранным языкам. Все они имеют как положительные, так и отрицательные стороны<sup>1</sup>.

Использование определенных методов обучения русскому языку как иностранному зависит от конкретного материала: фонетического, грамматического, лингвострановедческого. Исходя из коммуникативного принципа обучения иностранному языку важным представляется отбор лексико-грамматического материала.

Изучение грамматических правил, заучивание слов является лишь средством овладения устной речью, так как оно – лучший способ усвоения и закрепления любого материала.

---

<sup>1</sup> Hashenko T.G., Makarova E.V. Interaktivnyye metody obucheniya (Interactive teaching methods) Ulyanovsk:UGSHA, 2011.



Один из методов обучения русскому языку как иностранному – обсуждение (диалог, беседа). Оно позволяет лучше усвоить учебный материал. Студенты могут задавать вопросы и отвечать на них, выражать свое мнение в определенных ситуациях общения, определять понятия, анализировать факты, делать выводы и т.д.

На продолжающемся этапе возможно использование и проектных образовательных технологий, в рамках которых нами предлагается:

- разработка туристических маршрутов, экскурсия по городу (создание сценария, запись экскурсии на видео, самостоятельное озвучивание видеофильма);

- интервью и анкетирование на различные темы, которые оформляются в виде видеороликов или слайд-презентаций;

- проектные работы, касающиеся непосредственно профессиональной сферы деятельности стажеров-исследователей.

В течение последних десятилетий в методике преподавания русского языка как иностранного идет активный поиск современных эффективных подходов и методов обучения. Динамичный характер этого процесса обусловлен множеством факторов различной природы: все большее распространение новых и новейших информационных технологий, средств и способов представления информации и, соответственно, ее восприятия и усвоения. Это, прежде всего, компьютерные технологии, опирающиеся на видеоряд, интерактивность, гипертекстовый характер информации. В этом контексте должно быть уточнено и расширено само понятие коммуникативной компетенции.

При этом обосновывается положение о том, что усвоение языка является освоением системы контекстов всех составляющих коммуникативной компетенции, и, если для элементарного и базового уровней такое усвоение происходит (при сбалансированном обучении) естественным путем, определяемым ограниченностью изучаемых коммуникативных ситуаций и коммуникативных ролей, частотностью соответствующих языковых явлений, то уже для первого сертификационного уровня этот аспект обучения становится далеко не тривиальным, и может послужить основой для дальнейших содержательных исследований<sup>1</sup>.

Таким образом, эффективность процесса обучения русскому языку как иностранному зависит от многих факторов: постановки целей и задач, продуманной организации этапов занятия, использования наглядных средств, творческого подхода, выбора методов и средств обучения, отбора и доступной подачи предлагаемого для изучения материала, системы заданий на снятие трудностей и развитие навыков во всех видах речевой деятельности на русском языке и т.д.

<sup>1</sup> Fedotova I.L. Metodika prepodavaniya russkogo yazyka kak inostrannogo. (Methods of teaching Russian language as a foreign) Moscow «Zlatoust» Publ. 2013



Как показывает опыт, нет одного идеального метода обучения иностранному языку. На практике используются и сочетаются большинство из них, что при рациональном применении позволяет достичь успеха. Преподаватель должен идти в ногу со временем, постоянно совершенствоваться, разнообразить формы работы (стремиться к разнообразию форм работы,) внедрять в свою профессиональную практику новейшие образовательные концепции.

Важно постоянно развивать интерес студентов к изучаемому предмету, в нашем случае – русскому языку. Наряду с изучением языковых явлений необходимо изучать особенности культур, традиций, их сходства и различия, что является составной частью обучения русскому языку как иностранному. Преподаватель также должен учитывать национально-культурные, индивидуально-психологические и личностные особенности обучающихся, а его профессиональные качества и творческая индивидуальность будут способствовать эффективной реализации поставленных целей и задач обучения.

### ШАМСИЕВА ШОХИСТАХОН

тадқиқотчи, ТДШУ

#### Хитой ва ўзбек лингвомаданиятида “аёл” концепти билан боғлиқ эвфемизмлар

*Аннотация.* Мазкур мақола хитой ва ўзбек лингвомаданиятида “аёл” концепти билан боғлиқ эвфемизмларнинг тадқиқига бағишланган. Кишилар баъзан бошиқалар билан мулоқот чоғида ўзлари хоҳлаган нарсани тўғридан-тўғри айта олмайдиған ёки ибораларнинг ўз маъносига қўллаб, суҳбатдошларини ноқулай аҳволга солиб қўядиган вазиятлар билан тўқнашиб қоладилар. Бундай қийин вазиятлардан чиқиб кетиши мақсадида эвфемизмлар қўлланилади. Эвфемизмлар таққиқланган, айтилиши нојоиз, қўпол, одоб-ахлоқ меъёрларига зид бўлган сўз ва ифодалар ўрнига юмиоқ қўлланилиши бўлган сўз ва ифодалардир. Эвфемизмлар халқнинг руҳияти, дунёқараши, урф-одатлари, удумлари, ирим-сиримлари ва инончларини акс эттиради.

Мақолада хитой ва ўзбек лингвомаданиятидаги “аёл” концепти билан боғлиқ эвфемизмлар “аёлнинг ёши”, “ҳомилдорлиги”, “ахлоқи” ва “ташиқи кўриниши” сингари мавзуй гуруҳларга ажратилиб тадқиқ этилган. Хитой ва ўзбек лингвомаданиятида “аёл” концептини ифодалаган эвфемизмларнинг умумий ва ўзига хос жиҳатлари чоғиштириши асносида ёритилиб, уларнинг тил ва маданиятдаги ўрни кўрсатиб берилган. Хитой ва ўзбек халқи тафаккур тарзининг, дунёқарашининг муайян даврлардаги ўзгаришлари, ҳозирги кунда аёлнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ролининг ортиб бориши, унинг она, уй бекаси бўлиши билан бирга, эркак билан тенг ҳуқуқга эга бўлган жамиятнинг фаол аъзоси экани эвфемизмлар мисолида очиб



берилган. Ҳар иккала халқ аёлларидаги шарқона ибо, ҳаё, ифбат каби когнитив белгиларнинг эвфемизмларда акс этиши аниқланган.

Хитой ва ўзбек лингвомаданиятларида “аёл” концепти билан боғлиқ эвфемизмларни тадқиқ этиши ҳозирги кунда долзарб бўлган гендер тенглиги масаласини ҳал этишида муҳим аҳамият касб этади. Эвфемизмларни ўрганиши халқнинг менталитетига чуқур кириб бориши, унинг миллий маданияти, қадриятлари, урф-одатлари, ахлоқий меъёрлари, тил соҳибининг миллий характери ҳамда тил ва маданиятнинг ўзаро алоқаси ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиши имкониятини беради. Шунингдек, маданиятлараро мулоқот жараёнида юзага чиқадиган тушунмовчиликларни, қийинчиликларни олдини олади, прагматик тўсиқларни бартараф этиб, мулоқотнинг муваффақиятли ва самарали бўлишини таъминлайди.

**Таянч сўз ва иборалар:** эвфемизм, аёл, концепт, лингвомаданият, ибора, маъно, ёш, ҳомиладорлик, ахлоқ, ташиқи қиёфа.

**Аннотация.** Данная статья посвящена исследованию эвфемизмов, связанных с концептом «женщина» в китайской и узбекской лингвокультурах. Часто люди во время общения с другими сталкиваются с такой ситуацией, когда они не могут прямо сказать о чем-либо или использовать какие-либо выражения в их прямом смысле, потому что это может поставить их собеседника в неловкое положение. Именно в таких ситуациях используются эвфемизмы. Эвфемизм - это нейтральное по смыслу и эмоциональной «нагрузке» слово или описательное выражение, обычно используется для замены других, считающихся неприличными или неуместными, слов и выражений. Эвфемизмы отражают дух народа, его мировоззрение, традиции, обычаи, верования и суеверия.

В статье исследуются эвфемизмы китайской и узбекской лингвокультур, связанные с концептом «женщина». Эвфемизмы обобщаются в такие тематические группы, как «возраст женщины», «беременность», «нравственность женщины», «внешний вид женщины» и затем проводится их анализ на основе сопоставления общих и своеобразных сторон эвфемизмов китайского и узбекского языков, выражающих концепт «женщина», показывается их место в языке и культуре. Изменения образа мышления и мировоззрения узбекского и китайского народов в конкретные периоды, усиление роли женщины в социально-политической жизни общества на современном этапе, обладание ею равными с мужчиной правами, её место в обществе как матери, домохозяйки и в то же время активного социума раскрыты на примере эвфемизмов. В эвфемизмах ярко отражаются такие когнитивные черты женщин двух восточных народов, как скромность, стыдливость, застенчивость, целомудрие.

Исследование эвфемизмов, связанных с концептом «женщина» в китайской и узбекской лингвокультурах, имеет важное значение при решении актуальных на сегодняшний день вопросов гендерного равенства. Изучение эвфемизмов даёт возможность глубокого изучения и понимания менталитета народа, формирования полного представления о его национальной культуре, ценностях, обычаях, традициях, нравственных критериях, о национальном характере носителя языка и о взаимосвязи языка и культуры данного народа. Наряду с этим, знание эвфемизмов позволяет избежать недопонимания, сложностей, возникающих в процессе межкультурного общения, устраняет прагматические препятствия, обеспечивает успешность и эффективность общения.

**Опорные слова и выражения:** эвфемизм, женщина, концепт, лингвокультура, выражение, смысл, значение, возраст, беременность, нравственность, внешний вид.





**Abstract.** This article is devoted to the study of euphemisms related to the concept of "woman" in Chinese and Uzbek linguoculture. Sometimes people encounter situations when communicating with others where they cannot say what they want directly or use phrases in their own sense, putting their interlocutors at a disadvantage. Euphemisms applied to find out solution of such complicated situations. Euphemisms are words and expressions, which are replaces forbidden, improper to say, rude lexicon that contradict moral norms in its own polite way. Euphemisms reflects the psychology, worldview, customs, traditions, myths and beliefs of a people.

The article examines the euphemisms associated with the concept of "woman" in Chinese and Uzbek linguoculture in such thematic groups as "woman's age", "pregnancy", "morals" and "appearance". The general and specific aspects of euphemisms expressing the concept of "woman" in Chinese and Uzbek linguoculture are compared and their place in language and culture is shown. Changes of way of thinking and worldview of Chinese and Uzbek peoples at certain times, growth of the role of women in the socio-political life, role as mother, housewife moreover as a active member of society with equal rights with men explained through euphemisms. In both nationalities have been found cognitive traits of women such as oriental abashment, pudency, humbleness and chastity, which is reflected in euphemisms.

The study of euphemisms associated with the concept of "woman" in Chinese and Uzbek linguoculture is important in solving the current issue of gender equality. The examine of euphemisms makes it possible to deeply study and understand the mentality of a people, to form a complete picture of its national culture, values, customs, traditions, moral criteria, the national character of a native speaker and the relationship between the language and culture. Along with this, knowledge of euphemisms avoids misunderstandings and difficulties arising in the process of intercultural communication, eliminates pragmatic obstacles, and ensures successful and effective communication.

**Keywords and expressions:** euphemism, woman, concept, linguoculture, expression, meaning, age, pregnancy, morality, appearance.

Қадимги Хитой фалсафасида бутун олам икки қарама-қарши: “ин” (阴 yīn) салбий (аёл) ва “ян” (阳 yáng) ижобий (эркак) кутбларга ажратилган. Яъни, “ян” ва “ин” бутун борлиқдаги қарама-қаршилиқлар образини ифодалаган. Масалан: аёл-эркак, ўғил-ота, хотин-эр, қарол-хукмдор ва ҳ.к.

Энг қадимги маданиятлардан бири бўлган Хитой маданияти жамият ривожланишининг барча босқичларида одамлар ўртасидаги муносабатларнинг поғонали тизимини сақлаб қолди. Ушбу тизимда Хитой аёли пастки ўринлардан бирини эгаллади. Қадимги даврларда хатто қизалоқларга исм қўйилмасдан улар “бир, икки, уч”, деб чақирилган. Одатда, хукмрон тузумга боғлиқ ҳолда жамиятдаги аёлларнинг мақоми ҳам ўзгариб турган.

Ўрта Осиёдаги давлатларнинг (скифлар, хунлар, кўк турклар, уйғурлар) барчасида аёл жуда катта ҳақ-хуқуқларга эга бўлган. Масалан, скифлар давлатида ҳар бир аёлнинг эркаклардек жангчи ва аскар қилиб тайёрлаш аънанаси мавжуд бўлган. Скифлик кўчманчи аёллар эркаклар билан бирга жангга кирган. Хунлар даврида ҳам эркак ва аёл ажратилмаган, аксинча, аёл



эркакни тўлдирган, унинг тенги ҳисобланган. Бирон бир иш аёлнинг ишти-роқисиз битмаган. Ҳатто ҳоқоннинг фармойиши фақат “Ҳоқон амр қилади-ларки...” деб бошланган бўлса, у кучга кирмаган. Хорижлик элчиларнинг қабул қилиш маросимида ҳоқон билан бирга, унинг рафиқаси, албатта, иштирок этган. Айрим ҳолларда маликанинг ўзи ҳам элчиларни қабул қила-верган. Масалан, хунлар ва хитойликларнинг тинчлик ҳақидаги биринчи шартномаси Танрикут хоннинг қатунни томонидан имзоланган. Ўзбек халқ оғзаки ижодининг дурдоналаридан бўлган “Ойсулув” достони ва “Тўмарис” афсоналаридан маълумки, аёллар қабила ва уруғга ҳукмдор эдилар, улар барча ижтимоий-сиёсий, хўжалик, оилавий масалаларни ҳал қиларди<sup>1</sup>. Патриархал яшаш тарзига ўтилгач, аёлларнинг жамиятдаги мақоми ўзгарди ва улар фақат рўзғор ишлари ҳамда бола тарбияси билан шуғулландилар.

Ҳозирги кунда аёлнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ролининг ортиб бориши аёл ҳақидаги тасаввурларнинг ҳам ўзгаришига олиб келди. Бу ўз навбатида, “аёл” концепти билан боғлиқ бўлган замонавий лингвوماданий тадқиқотларни олиб борилишига кенг йўл очиб берди. Бинобарин, хитой ва ўзбек лингвомаданиятларида “аёл” концепти билан боғлиқ эвфемизмларни тадқиқ этиш бугунги гендер тенглиги масаласини ҳал этишда муҳим аҳамият қасб этади. Хитой ва ўзбек лингвомаданиятидаги эвфемизмларни аёлнинг ёши, турмушга чиқиши, ҳомиладорлиги, ахлоқи ва ташқи кўриниши сингари мавзуй гуруҳларга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

#### **Аёлнинг ёши билан боғлиқ эвфемизмлар**

Одатда, хитойлик аёллар учун ёш мавзуси унчалик ҳам “кўрқинчли” мавзу саналмайди. Бироқ сўнги йилларда хитойлик аёллар ҳам “қари кўриниш”ни хоҳлашмайди. Аёлларнинг ёши билан боғлиқ эвфемизмлар Ғарб маданиятининг таъсирида шаклланган бўлиши мумкин.

Аёлнинг ёшини унинг умрининг даврий белгиларига кўра уч босқичга ажратиш мумкин: **ёшлик даври:** (қизалоқ / қиз); **балоғат даври:** (келин / рафиқа/ хотин/ аёл / она); **кексалик даври:** (буви / қайнона).

Хитойда аёлнинг ёши билан боғлиқ анъанавий тушунчалар бевосита никоҳ билан боғланади. Бинобарин, қадимги Хитойда қиз ўн беш ёшга тўлганида бўйи етган, деб ҳисобланган. Балоғатга етиш маросимида қизнинг соч турмаги ўзгартирилган. Анъанавий соч турмаги учун ишлатиладиган соч тўғноғичи 笄 jī иероглифини ўн беш ёшли қизни ифодаловчи сўзлар гуруҳида учратиш мумкин: 初笄 chū jī, 始笄 shǐ jī, 加笄 jiā jī, 笄总 jìzǒng<sup>2</sup>.

Ўзбек тилида балоғат ёшига етган қизларни ифодалаш учун *балоғатга етмоқ, бўйи(га) етмоқ, етилмоқ, тўлмоқ, кўзга кўринмоқ, кўзга ташиланиб қолмоқ, катта қиз бўлиб қолмоқ, йигитлар назарига тушмоқ, ўн олтига*

<sup>1</sup> Usmanova Sh. Lingvokulturologiya. Darslik. –Toshkent, 2019. –В.187 .

<sup>2</sup> Люй Вэньтин. Гендерная специфика концепта «возраст» в китайской языковой картине мира// «Молодой учёный». № 22 (208). –Казань, 2018. –С. 375.



кирмоқ, ўн саккизга кирмоқ сингари эвфемик иборалардан истифода этилади. *Бўйига етган қиз билан йигит бир-бирлари билан топишсалар, бунга ҳеч ким қарши келмайди* (С.Айний, “Эсдаликлар”); *Қиз йигитлар назарига тушиб қолган эди* (“Туркистон”, 1992, 25 май); *Жуда етилган вақти – ўн саккизга кирибди* (Чўлпон, “Ёрқиной”, 78-б.); *Уста Мавлоннинг қизи ҳам кўзга кўриниб қолибдими?* (А.Қаҳҳор, 4-т., 183-б.); *...энди бу қиз кўзга ташиланиб қолган эди* (Чўлпон, “Ёрқиной”, 54-б.); *Ўн олтига кирганманку, нима бўпти, – деди қиз онасига эътироз билдириб* (Ў.Умарбеков, “Кузнинг бир кунида”, 87-б.).

Хитой тилида “ёшлик” тушунчаси гўзаллик, жозиба, муҳаббат туйғулари билан эвфемик ибора кўринишидаги қатор ассоциацияларни ҳосил қилади: “黄花少年, 豆蔻年华 huanghuā shaonian “қизлик ёшининг олтин даври”; 少女怀春 shaonǚ huaichūn “ёш қиз севги ҳақида ўйлайди”; 窈窕淑女 君子好逑 君子好逑 yǎotiǎo shūnǚ, jūnzǐ hǎoqiú “чиройли (мафтункор) ва содда (покиза, пок) қиз ва ёш жаноб – яхши жуфтлик!”<sup>1</sup>.

Ўзбек тилида ёш, навқирон қизни тасвирлаш учун *қиз, бокира, гул, гунча, покиза, соф, тоза, тоза гул* эвфемик воситалар ҳамда *қозоғза ўроғлик қанд, эр кўрмаган, баҳорни кўрмаган чечак, онаси ўлмаган, очилмаган гунча* каби эвфемик иборалар қўлланилади. Масалан: *Она, мен қиз олиб келганман* (С.С., “Тўладан келган келин”, 117-б.); *У мисоли гунча, – кўнглидан кечирди йигит* (“Ёш куч”, 1999, №6, 18-б.); *Қизнинг поклигига шубҳа бўлмаса-да, Эшназарга ҳар хил гап-сўзлар тинчлик бермас эди* (“Саодат”, 1998, №3, 34-б.); *Муслима бокира эди* (Э.Турон, “Бу тоғлар улуғ тоғлар”, 19-б.); *Салима тоза қиз... У ҳақда ҳар хил фикрга боришинга йўл қўймайман* (“Ёш куч”, 1997, №1, 34-б.); *Ота-онаси шу қизни не умидлар билан қозоғза ўроғлиқ қанддек асради. Бошинга кўтариб юр, хўпми?* (Ў.Ҳошимов, “Икки қарра икки – беш”, 166-б.);

Хитой анъаналарида турмушга чиқиш бўйи етган қизнинг мажбурияти саналади: 男大当婚, 女大当嫁 nán dà dāng hūn, nǚ dà dāng jià “эркак киши улғайгач, у ўз вақтида ўйланиши керак”; қизнинг бўйи етганда, у ўз вақтида турмушга чиқиши керак”; 女大不中留 nǚ dà bù zhōng liú “Бўйи етганда қизни уйда ушлаб турмаслик керак (яъни, уни узатиш керак)”. Турмушга чиқмаган қиз, одатда, муайян ижтимоий мавқега эришмаган ва бу мавқега хос хусусиятларга эга бўлмаган шахс сифатида қабул қилинади<sup>2</sup>.

Ўзбек таомилларига кўра ҳам балоғатга етган қизнинг турмушга чиқиши мажбурият ҳисобланади. Ота-она учун эса қизни эрга бериш ҳам қарз, ҳам фарздир. Жумладан, “эрга бермоқ” (эрга тегмоқ) тушунчасини ифодалаш

<sup>1</sup>大 БКРС: Сайт для профессионалов и любителей китайского языка. URL: <https://bkr.s.info/>

<sup>2</sup> Муратова М. Старая дева и стародевичество как культурный концепт // Язык – Гендер – Традиция: материалы международной научной конференции 25-27 апреля 2002 года. URL: [http://www.folk.ru/Research/Conf\\_2002/muratova.php?rubr=Research-conf](http://www.folk.ru/Research/Conf_2002/muratova.php?rubr=Research-conf)



учун *турмушга бермоқ, турмуш қурмоқ, оила қурмоқ, куёвга бермоқ, узатмоқ, чиқармоқ, кузатмоқ, бошини иккита қилмоқ, эгасига топширмоқ* каби эвфемик воситалардан фойдаланилади. Масалан: *Қизимизни турмушга узатдик* (“Саодат”, 1992, №3, 29-б.); *Битта асранди қизлари бор экан, Самарқандгами, бир ёққа узатиб юборишибди* (С.С., “Саратонда қор ёғди”, 37-б.); *Мана, ёлғизгина қизимизни ҳам кузатдик* (“Гулистон”, 1990, №3, 23-б.). *Раънони эгасига топширмагунимизча, – деди Нигор ойим, – қўйшадиганга ўхшамайди* (А.Қодирий, “Меҳробдан чаён”, 76-б.).

Хитой тилида қадди-қоматини яхши сақлаган ўрта ёшдаги аёлни тасвирлаш учун 熟女 “етилган” (“ёши катта”нинг ўрнига) ифодасидан истифода этилади: 熟女必学的十堂肌肤抗老课 (雅琪时尚. 2011. №4). – *Етилган аёллар учун терининг қаришига қарши ўн та тавсия*<sup>1</sup>. Ўзбек тилида етилиб, чиройли бўлиб кетган ўрта ёшдаги аёлларга нисбатан *очилиб кетмоқ* эвфемик ибораси қўлланилади.

Хитой тилида катта ёшли аёлларга 妇女 funǚ дейилади. Хитой тилининг классик луғатида 妇: қадимги иероглифи “чап қўлида супурги ва ўнг қўлида хокандоз ушлаган аёл уй ишлари билан шуғулланади ва у эркакка бўйсунди”, деб тасвирланган. 妇女 funǚ ифодаси эса фақат турмуш қуриб, бола туғадиган аёлларга нисбатан қўлланилган. Демак, 妇女 funǚ нафақат ёшни, балки оилавий муносабатлар тушунчасини ҳам акс эттиради. Бугунги кунда 妇女 funǚ сўзи расмий ёзма матнларда 14 ёшдан ошган, турмушга чиққан ёки турмушга чикмаган ҳар қандай аёлга нисбатан қўлланилади. Бирок, замонавий тил соҳиблари учун инқилобий ўтмишга, анъанавий оилага тегишли бўлган бу сўз эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган ҳисобланади. Аёл киши 妇女 funǚ деб аталганда унинг ёш эмаслигига ишора қилинади<sup>2</sup>.

#### **Аёлларнинг ҳомиладорлиги билан боғлиқ эвфемизмлар**

Маълумки, “аёл ўзи аслида башарият насли кўпайишининг сабабчиси, илм, камолот, фазилят аҳли, қахрамонлар ва буюк кишиларнинг онасидир. У ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида ғамхўрлик ва меҳрга ҳақлидир<sup>3</sup>. Шу боис оналик ҳолати билан боғлиқ айрим муаммоларни ҳал этиш, ноқулай шароитларни яхшилаш, ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш ва ҳ.к. муҳим вазифалардан саналади.

Хитой ва ўзбек лингвомаданиятларида оналик, ҳомиладорликни ифодалайдиган алоҳида эвфемизмлар гуруҳи мавжуд. Бу гуруҳдаги эвфемизмлар ҳар иккала халқ аёлларидаги шарқона ибо, ҳаё, иффат каби когнитив

<sup>1</sup> Чжань Чан. Гендерные особенности эвфемизации как факторы реализации вежливости в языке китайской женской прессы // Известия ВГПУ, 2012. –С.73.

<sup>2</sup> Люй Вэньтин. Гендерная специфика концепта «возраст» в китайской языковой картине мира// «Молодой учёный». № 22 (208). –Казань, 2018. –С. 375-376.

<sup>3</sup> Қодиоров С. Аёлни эъзозлаган дин. –Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2018. –Б. 8.



белгилар асосида шаклланган. Чунончи, Хитой лингвомаданиятида “иккикат” тушунчасини ифодалаш учун қуйидаги 怀孕 huái yùn, 怀胎 huái tāi эвфемик воситалар қўлланилади: 惠哥对尚秀才说: “我已经怀孕了”- Хуй Гэ зиёли Шанга шундай дебди: “**Мен ҳомиладор бўлиб қолдим**” (Ж. Зиямухамедов, “Енг ичидаги никоҳ аҳди”, 176-б.); 一个多月了, 我觉得肚子里微微振动, 恐怕是怀了胎, 或男或女, 一年后转交给你吧! 花姑子流着泪出门走了- *Бир ойдан бери қорнимда енгил қимирлаш ҳис қиляпман, ҳомиладор бўлиб қолдим* деб қўрқяпман, ўғилми қизми бир йилдан сўнг сенга бериб юбораман! Хуа Гузи кўзида ёш билан чиқиб кетди (Ж.Зиямухамедов, “Хуа Гузи”, 70- б.).

Хитой анъаналарида эр-хотинни оилада бирлаштирадиган ягона нарса бу – “ернинг киндигига айланадиган бола”дир. Оиланинг катта қувончи ҳисобланган боланинг атрофида ҳамма гирдикапалак бўлади. Шунинг учун ҳам турмушга чиққан аёлнинг ҳомиладорлиги жуда катта бахт ҳисобланади. Чунки энди оиланинг наслини давом эттирувчи зурриёди бор. Шу сабабли, хитойликларнинг нутқида “иккикат”, “ҳомиладор” сўзларининг ўрнига 有了 yǒule “бор, мавжуд”, 有喜 yǒuxǐ “бахт бор”, 准妈妈 (妈咪) – “бўлғуси она” эвфемик воситалари ишлатилади. Масалан: 龚必蓓结婚七年终有喜, 老公难掩喜悦之情 (Onlylady 女人志. 2011. №7). – *Тўйдан етти йил кейин Гон Бэйби хурсанд бўлди, эри бахтлилигини яшира олмасди*; 十月怀胎, 做一个快乐向上的准妈妈 (宝贝计划. 2011. №5). – *10 ой давомида бўлғуси она сифатида қувноқ бўлиб юринг*. Таъкидлаш лозимки, Хитой анъаналарига кўра, инсоннинг ёшига бир йил қўшилади, яъни бунда боланинг она қорнидаги даври ҳам ҳисобга олинади. Ҳомиладорлик даври эса 10 ой деб белгиланади. Шу боис юқоридаги иккинчи контекстда “10 ой давомида...” деганда ҳомиладорлик даври назарда тутилган.

Ўзбек лингвомаданиятида “бўғоз // иккикат” тушунчасини ифодалаш учун ҳомиладор, бўйида бор, оғир оёқ, оёғи оғир, боши қоронғи, юкли, қорнида бор, юзида доғ пайдо бўлмоқ, гумони бор, бўйида бўлмоқ, бўйида натижа ҳосил бўлмоқ, учинчи киши каби эвфемалардан фойдаланилади: – *Оғироёқман... Нима бўлишини билмайман. Уйдан фаришта қочди... Ҳаром, ҳаммаёқ ҳаром* (А.Қаҳҳор, “Ўтмишдан эртақлар”, 212-б.); *Шоқир ака қизининг юкли эканлигини эшитиб, – Худо оқ йўл берсин, – деди* (Ғ.Ғулом, “Қизалоқ”, 22-б.).

Хитой лингвомаданиятида “иккикат/ ҳомиладор бўлмоқ” ифодасининг ўрнига 创生命奇迹 “хаёт мўъжизасини яратмоқ” эвфемик ибораси ишлатилади: 创生命奇迹, 增天伦之乐(健康生活. 1999. №7). – *Хаёт мўъжизасини яратинг, оила бахтига эга бўлинг*. Бу ўринда 创生命奇迹 “хаёт мўъжизасини яратмоқ” эвфемик иборасига ўзбек тилидаги “рўзгорига файз кирмоқ” ибораси муқобил бўла олади: *Хотинлар лабини қимтиб гапирди: Шўрлик Хайринисо, шунча йил ўтиб энди бўйида бўлган экан, бу кўргиликни*



кўринг, энди *рўзгорига файз киради*, деганда шўр пешонанинг эри ўзини осиб кўйганини айтмайсизми?” (Қ. Норқобил, “Осмон остидаги сир”, 12-б.).

Агарда аёл ҳомиладорлик даврида жуда семириб кетган бўлса, унда 孕味 “бўлғуси онанинг мафтункорлиги” эвфемизмидан фойдаланилади: 小陶虹挺大肚«孕味»十足 (Onlylady 女人志. 2008. №10). – Қорни дўппайиб қолган Тао Хон бўлғуси *онанинг мафтункорлигини* намоён этарди<sup>1</sup>.

Ўзбек тилида ҳомиладорлик даврида аёлнинг семириши тўлин ойга ўхшатилади: Ёз ўтди. Янгамнинг буйида бор эмиш. Унинг оқиши-сарикдан келган юзлари қизариб, тўлишди. Семирди. Билак ва кўкраклари бўлиқ бўлди. Оёқлари ҳам. *Янгам ойдаи эди. Ойдек тўлин эди.* (С.Ўнар, “Бибисора”, 11-б.). Шунингдек, туғиш муддати яқин қолган аёлларга нисбатан *ой-куни, ой-куни яқин, ойга ишора қилмоқ* каби эвфемик ассоциациялар қўлланилади: *Онамиз оёқ тирайди, огиросёқман, дейди. Катталар, пахта огиросёқни билмайди, дейди. Онамиз тонгдан шомгача пахта теради. Мусобақада голиб бўлади. Байроқ олади. Сурати билан рўзномада чиқади. Ой-куни бўлмаса-да, онамизни эгатда дард тутуди* (Т.Мурод, “Отамдан қолган далалар” 50-б.); *Аёлимиз бош чайқаб кулди. Аёлимиз ерга қараб кулди. Аёлимиз оғиз ушлаб кулди. Аёлимиз деразадан уч кунлик ойга ишора берди* (Т.Мурод, “Отамдан қолган далалар” 102-б.); *Уйингда ой-куни яқин келининг бор экан* (С.Аҳмад, “Жимжитлик”, 118-б.).

Маълумки, ҳар бир предметнинг ўзига хос бўлган турли хил хусусиятлари мавжуддир. Шунинг учун предметни ифодалаётган маҳалда, албатта, унинг аниқ бир томони баён этилади, мисол учун, аёл ҳомиладорлик пайтида унинг жисмида, танасида ўзгаришлар содир бўлади. Унинг ичида янги ҳаёт шаклланаётгани сабабли, унга ҳам озуқа талаб этилади. Шу боисдан унинг овқат ейиши кўпаяди. Масалан, икки ҳисса емоқ – ҳомиладор (怀孕).

Баъзи ҳомиладор аёлларда ҳомиладорлик даврининг дастлабки ойларида бирон нарсани тусаши ёки унга тоқат қилолмаслик ҳолати боши қоронғи эвфемик ибораси билан тасвирланади: Айни шу алфозда нафақат эри, балки *бутун эркак зотини кўрарга кўзи, отарга ўқи йўқ, бошқоронгу Хайринисо эрига нафрат билан қаради* (Қ. Норқобил, “Осмон остидаги сир”, 11-б.).

Хитой тилида “боши қоронғи бўлиш” ҳам катта бахт саналади: 善喜 hàixǐ– “бахтдан ўзини ёмон ҳис қилмоқ”.

Ҳомиладор аёлнинг юзидаги ўзгаришлар *юзида доғ пайдо бўлмоқ* эвфемик воситаси орқали ифодаланади: *Юзингда доғ кўрдим... муборак бўлсин* (А. Қаҳҳор, 2-т., 321-б.).

Ҳомиладорлик пайтида аёлнинг жисмида, танасида бошқа бир вужуд, жоннинг борлигини англатишда *учинчи киши, вужуд, гавҳар, гумона, натижа ҳосил бўлмоқ* сингари эвфемик иборалардан истифода этилади:

<sup>1</sup> Чжань Чан. Гендерные особенности эвфемизации как факторы реализации вежливости в языке китайской женской прессы // Известия ВГПУ, 2012. –С.73.



Орамизда яна **учинчи бир киши бор** (“Саодат”, 1992, №6, 12-б.); **Ўн кундан сўнг 25 ёшда тул қолган келинчак кўкси остида қимирлаган вужудни ҳис этди** (“Саодат”, 1989, №10, 31-б.); **Садаф коми ижра тўлиб қатралар, Пайдо бўлди унинг бағрида гавҳар** (М. Али, Шейрлар, 61-б.).

Хитой тилида ҳомиладор бўлолмаётган аёлни тасвирлаш учун “у ҳомиладор бўлолмайди” ифодасининг ўрнига 无法享受天伦之乐 “оила бахтига эга эмас”, 肚子没动静 “қорнида ҳеч қандай ўзгариш бўлмаяпти” сингари эвфемик иборалар қўлланилади: 你的肚 还没动静吗? (时尚健康女性.2008. №8). – **Қорнингда ҳали ўзгариш йўқми?**<sup>1</sup>

Ўзбек тилида ҳомиладор бўлолмаётган аёлни тасвирлаш учун **бўйида бўлмастик; тирноққа зор бўлмоқ // ўтмоқ** эвфемик воситаларидан фойдаланиш мумкин: **Нисо бувининг эндиги қайғуси Меҳрининг бўйида бўлиб қолиши эди** (А. Қаҳҳор, “Бошсиз одам”); **Шугина, ёлғиз қизиям тирноққа зор ўтаяпти. Кампирнинг дарди шунда** (Қ. Норқобил, “Осмон остидаги сир”, 9-б.).

Хитой тилида “туғмоқ” тушунчаси 生下来 – “дунёга келмоқ”, 谪仙祥临 zhé xiān xiáng lín – “чақалоқнинг фаришталар томонидан ерга туширилиши”, 应运天使 yìng yùn tiān shǐ – “осмон фариштасидек боланинг дунёга келиши”; 欢心得宝 huān xīndé bǎo – “хурсандчилик билан кутилган фарзанднинг дунёга келиши”; 小陌生人 xiǎo mò shēng rén – “янги ҳаётнинг дунёга келиши”; 新来的客人 xīn lái de kè rén – “янги келган меҳмон (боланинг бу дунёга келиши, хурсандчиликка тўлиш)” каби эвфемик иборалар воситасида ифодаланади.

Юкорида қайд этилган 生下来 – “дунёга келмоқ” (Масалан: 婴儿马上就生下来。 - **Бола дарҳол дунёга келибди** (Ж. Зиямухамедов, “Енг ичидаги никоҳ аҳди”, 178-б.); 新来的客人 xīn lái de kè rén – “янги келган меҳмон” (боланинг бу дунёга келиши, хурсандчиликка тўлиш) кабиларга ўзбек тилидаги **дунёга келмоқ, дунё юзини кўрсатмоқ, янги меҳмон келмоқ/кўрмоқ** эвфемик иборалари муқобил бўлади. **Биз орзу қилган зурёд зора сизнинг қанотингиз остида дунёга келса!..** (П.Қодиров, “Авлодлар доवони”, 366-б.); **Мен умр бўйи менга дунё юзини кўрсатган инсонга таъзим қилиб яшайман** (“Оила ва жамият”, 1997, 3 ноябрь); **Қуллуқ! – деди Баширжон. – Ҳа, янги меҳмон кўрдик** (Н.А., “Елвизак”, 93-б.).

Ўзбек тилида “туғмоқ” феълени англатадиган **кўзи ёримоқ, енгил бўлмоқ, қўшалоқ бўлмоқ, ҳадя этмоқ** ва ҳ.к. эвфемик ибораларидан ҳам кенг фойдаланилади. **Куз оёқ узатиб, қиш остона ҳатлади. Хайринисонинг кўзи ёриди. Қиз тугди** (Қ. Норқобил, “Осмон остидаги сир”, 12-б.); **Агар келиннинг эсон-омон енгил бўлса борку... Келинг, яхшиси, айтиб ўтирманг** (Н.А., “Елвизак”, 33-б.); **Келиннинг у ёқдан қўшалоқ бўлиб келгани унга алам қилди** (С.С., “Тўладан келган келин”, 127-б.); **Азизим Ойхон, ...Сен бизнинг**

<sup>1</sup> Чжань Чан. Гендерные особенности эвфемизации как факторы реализации вежливости в языке китайской женской прессы // Известия ВГПУ, 2012. –С.73.



севиқли фарзандларимиз Азиз ва Ойгулни ҳадя этгансан (И., “Қабоҳат ёхуд...”, 83-б.).

Чақалоқ дунёга келганида ҳам табриклар, яхши ниятлар ва дуолар билан қарши олинади. Хитой анъаналарида фарзанд дунёга келганида “хонадонни машхур қилмоқ, донғи кетмоқ” маъносидаги 充闾 chōnglú 《晋书 贾充传》 табрик эвфемизми ишлатилади. Мазкур табрик англлатувчи эвфемик иборанинг келиб чиқиши шундай бўлган “Дзя Куй исмли киши қартайиб қолганида фарзандли бўлади ва унга Дзя Чонг (Ўзбек тилида Олтмишвой, Етмишвой каби), деб исм беради. Одамлар бу бола оилага бахт олиб келди дейишади. Шундан бери бундай болаларга Чонг ёки Лиу деб исм бериш одат тусига кирди. Кейинчалик 充闾 chōnglú, шунингдек, 充闾之庆 chōng lú zhī qìng, 充闾之喜 chōng lú zhī xǐ ифодалари кишилар фарзанд кўрганида табрик сифатида қўлланила бошланди. Зикр этилганлар билан бирга, 合浦得珠 hé pǔ dé zhū ҳам фарзанд дунёга келганида табрик учун ишлатилади. Мазкур эвфемик ибора таркибидаги “合浦” жавоҳир ишлаб чиқариладиган қадимги жой номини ифодалайди.

Ўзбек лингвомаданиятида чақалоқ дунёга келганида “Муборак бўлсин!” “Умри узоқ бўлсин!”, “Худо умри билан берган бўлсин!”, “Ризқи баланд бўлсин!” каби тилаклар билдирилади.

Умуман, ўзбек тили ва хитой тили соҳибларининг кундалик нутқида қўллайдиган яхши ният, тилак-табриклари бу халқларнинг одоб-ахлоқ даражаси юксак бўлган қадимий маданият эгаси эканлигидан далолат беради.

Юқорида айтилганлар билан бирга, Хитой ва ўзбек маданиятларида ҳомиладорлик ҳолати билан боғлиқ бир туркум этнографик табулар ҳам кузатилади. Масалан, Хитой маданиятида ҳомиладор аёл уйда бўлганда деворга миҳ қоқиш ёки жиҳозларни ўрнидан кўзғатиш мумкин эмас. Кечқурун хуштак чалиб бўлмайди, чунки уйга шайтон ёки афсунгар тулкилар кириб олиши мумкин. Ўзбек маданиятида ҳомиладор аёлнинг сочини кесиши ёки бўяши, қошини териши, бичиб-тикиш, супрада хамир ёйиш, тунда ёлғиз юриши мақсадга мувофиқ бўлмайди.

#### **Аёлнинг ахлоқи билан боғлиқ эвфемизмлар**

Хитой тилининг “现代汉语规范词典” луғатида 小姐 сўзи уч хил: 1. “қадим замонда турмушга чиқаётган қиз”; 2. “ёш қиз”; 3. “хизмат кўрсатувчи қиз (фоҳиша)” маъноларида изоҳланган. 小姐 сўзи қадимги хитой тилидаги 大户小姐 “танноз аёл”нинг қисқаришидан келиб чиққан бўлиб, унинг маъно таракқиёти узоқ тарихий босқичларни ўз ичига олган. 小姐 сўзи Сун, Юан даврларида паст табақадаги қизларга нисбатан қўлланилган. Сўнгги йилларда мазкур сўздан “ёш қиз, мисс” ёки бой хонадоннинг қизини ифодалаш учун фойдаланила бошлади<sup>1</sup>. Ҳозирги кунда ёш қизларга фамилияси билан мурожаат қилишда қўлланилади:

<sup>1</sup> 邵军航, 汉语委婉语研究, 上海, 2010年





– 小姐，请问您贵姓？ – **Мисс**, фамилиянгизни билсак бўладими?

– 我姓吴。 – Фамилиям – У.

– 吴小姐，幸会。 – Танишганимдан хурсандман, **Мисс У**. (сўзлашувдан).

Хитой давлати курилиб, “маданий инқилоб” тугагандан сўнг 小姐 табу сўзлар қаторидан ўрин олди. Чунки ўша давр нутқий мулоқотида бу сўзнинг семантик камровига “разил”, “очкўз” каби семалар ҳам қўшилганди. Мамлакатда демократик қарашлар бошланган даврларда, айниқса, XX асрнинг 90-йилларида 小姐 сўзининг ижобий маънолари пайдо бўлиши билан бирга, унинг “фоҳиша” сўзининг ўрнида қўлланиладиган эвфемизмга айланганини кўриш мумкин: 北京 “天上人间” 等夜总会停业，警方查获 557 名小姐。(京华时报. 2010. 年 5 月 13 日) – Пекиндаги тунги клублар (“Жаннат” клуби ҳам) ёпилиб, полиция томонидан 557 нафар **мисс** ушланди<sup>1</sup>.

Демак, 小姐 сўзи ҳозирги кунда “хизмат кўрсатувчи аёл (фоҳиша)” маъносида кўпроқ қўлланилади. Хитойлик тадқиқотчиларнинг 小姐 сўзи бўйича ўтказган ассоциатив сўровномаларида респондентлар тўрт тоифага ажратилган: Респондентларнинг 10% “хизмат кўрсатувчи аёл (фоҳиша)”, 6.7% аёл паст табақадаги аёл деб реакция берган бўлса, 20%дан кўпроқ респондент учун бу сўз ноқулайлик келтириб чиқарган, 23.3 % респондентлар уни тўғри маънода қабул қилган, 40% респондент эса умуман қабул қила олмаган<sup>2</sup>.

Хитой лингвوماданиятидаги 小姐 эвфемасининг “мисс” ёки “бой хонадоннинг қизи” маъносига ўзбек тилида “кибор фоҳиша” маъносида учрайдиган *элита* эвфемизми муқобил бўла олади: “*Элита*”лар – яъни *кибор фоҳишалар* (“Тадбиркор”, 1998, 15 май). 小姐 эвфемасининг “хизмат кўрсатувчи қиз (фоҳиша)” маъносига ўзбек тилидаги *асосий “касб”* эвфемаси мос келади: *Болаларим ҳали ёш – асосий “касбим”ни билишмайди* (А.Жумакул., “Юракка сиғмаган гаплар”, 79-б.).

Қайд этилганлар билан бирга, хитой тилида “фоҳиша” тушунчасини англатиш учун 失足 妇女 “оёғини чакки босадиган аёл”, 性工作者 “секс-ишчи”, 站街女 – “кўчада турадиган аёл” (妓女– фоҳиша), 小姐 – “қиз”, 三陪女 – “уч ҳисса ҳамроҳлик қилиш” хизматини таклиф қиладиган аёл”, 洗头妹 – “бошни ювишга кўмаклашадиган аёл”, 失足 妇女 – “оёғини чакки босадиган аёл” кабилар эвфемизм сифатида қўлланилади. Шунингдек, хитойликлар энгилтак аёл ҳақида гапирганда, одатда, 水性杨花 “оқаётган сув ва энгил терак гуллари” эвфемик иборасини ишлатишади.

<sup>1</sup> Чжань Чань. Эвфемизмы сексуальных отношений в русском и китайском языках // Известия ВГПУ. – Волгоград, 2011. – С. 39-40.

<sup>2</sup> 邵军航, 汉语委婉语研究, 上海, 2010 年



Ўзбек тилида “фоҳиша” тушунчасини ифодалаш учун *енгил табиатли, енгилтак, суюги йўқ, жонона, фаришта, танноз, дўндиқ, сатанг, таниқли, юрадиган, юриб кетган, оёқ олиши бежо, оёгини чакки босадиган, майда қадам, шохдан шохга қўнадиган, тунги капалак* сингари эвфемик воситалардан фойдаланилади. *Ҳеч қанақа ҳужжатсиз тагин бир ўзимас, енгил табиатли ҳамхонаси билан яшабди* (Н.Латибжонов, “Адолат шамшири”, 36-б.); *С.нинг касаллиги туфайли, унинг ўзини, жононасини, у билан ва унинг шихонаси билан яқин алоқада бўлганларнинг ҳаммасини даволашга тўғри келди* (Е.А.Телишевский, “Енгилтаклик оқибати”, 9-б.); *Қизнинг авзои бузуқ! – Мингбошидан чиқариб олмаса, танноз ва сатанглар билан дўст тутишаман, дейди* (Чўлпон, “Кеча ва кундуз”, 200-б.); *Ўз танасини пулловчи “фаришталар”..* (“ИИВ хабарлари”дан); *Сизга, ошноларингизга қанчалар дўндиқларни топиб берганман, деди Расулбек* (С.Аҳмад, “Жимжитлик”, 273-б.). *“Тунги капалаклар” кеч тушишини кутадилар ва дуч келган машина олдига югуриб чиқадилар* (“ИИВ хабарлари”дан); *Айб ўзимда ёшлик бебошлик деб, шохдан-шохга сакраб борибман* (А.Қаҳҳор, 3-т., 340-б.)<sup>1</sup>.

#### Аёлларнинг ташқи кўринишига оид эвфемизмлар

“Аёл суюкли маҳбуба, меҳрибон она, эр киши учун ер юзидаги энг гўзал неъматдир”. Бинобарин, “аёл хусни ҳамма даврларда ҳам эркаклар учун завқланиш объекти” бўлиб келган. Маълумки, ташқи гўзаллик аёлга муайян устунлик берган. Кишилиқ жамияти ривожланиб боргани сари жамиятнинг аёлларнинг ташқи кўринишига бўлган муносабати ҳам ўзгариб борган. Чунончи, қадимги даврларда аёлларнинг ташқи нуқсонларига унчалик эътибор қаратилмаган. Семизлик нуқсон эмас, аксинча, гўзаллик саналган. Масалан, “Танг даврида тананинг гўзаллигини ифодалаган “体胖” (семиз) сўзига эвфемизм керак бўлмаган. Лекин бугунги жамият аъзоларига бундай қараш тўғри келмайди. Шунинг учун семизлик эвфемизм талаб этади. Семиз аёлларга нисбатан “丰满”, “富态” эвфемизмлари ишлатилади”<sup>2</sup>.

Хитойдаги аёллар журналларида 胖 (семиз) сўзи аёлларга нисбатан турли конструкциялар ва сўз бирикмаларига алмаштирилганини кўриш мумкин (增重 – вазни ортмоқ, 发福 – тўлишмоқ): 女子吃药 减肥不成, 反倒增重 (时尚女性. 2011. № 3). – *Аёл оздирадиган таблетка қабул қилди, бироқ натижаси бўлмади, аксинча, унинг вазни ортди. 女性腰围突然«发福», 须防卵巢癌 (人生与伴侣. 2007. № 30). – Аёлнинг бирдан бели тўлишиб кетса, уни тухумдон саратони сифатида огоҳлантириши керак.*

Семиз аёлларни ранжитмаслик учун қуйидаги юмшатирилган эвфемик ифодалардан фойдаланилади: 富态 (“у семиз” ўрнига “ўзига тўқ”) ёки 体态丰满 (“семиз”нинг ўрнига “тўлачадан келган”): 李湘穿金黄色豹纹装亮相,

<sup>1</sup> Омонтурдиев А. Ўзбек тилининг қисқача эвфемик луғати. –Тошкент: Фан, 2006. –Б. 62-63.

<sup>2</sup> 邵军航, 汉语委婉语研究, 上海, 2010 年



丰满身材愈显«富态» (Onlylady 女人志. 2010. №10). – *Ли Сян леопард гулли кўйлак кийгани учун унинг тўлиқ қомати “ўзига тўқлиги”ни кўрсатибди*; 身材丰满的女性只要掌握妆扮的技巧, 也能显示出特有的风韵, 非凡的美感。(中国 女性. 2001. №9). – *Пардоз техникасини эгаллаган тўла аёллар ўзларининг жозибадорлиги, гўзаллигини кўрсата оладилар*<sup>1</sup>:

Кейинги йилларда қатор мамлакатларда яшаш шароитларининг яхшилана бориши натижасида кишиларнинг вазни оғирлашиб бораётгани кузатилмоқда. Ортиқча вазн оғирлиги, нафақат хитойлик аёлларнинг, балки бутун дунёдаги аёлларнинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу маънода ҳозирги хитой кундалик нутқида семиз аёлларга хушомад қилиш, семизликни меъёрий ҳолат сифатида қабул қилиш мақсадида қуйидаги эвфемизмлар қўлланилади: 丰满 fēngmǎn –семирган рафикасига эркаклар томонидан айтиладиган хушомад; 艳资 yànzī –дўмбоқ, лекин ингичка белли аёлларга; 成熟的 chéng shúde – нисбатан семиз қоматли аёлларга; 古典体型 gǔdiǎn tǐxíng – классик қомат, нисбатан семиз қоматли аёлларга; 富有性感的 fù yǒu xìng gǎn de – ўзига тўқ жозибадор аёлларга; 贵妇人 guì fùrén – думбоқ аёлларга (Европадан кириб келган эвфемик бирикма); 像坦克车 xiàng tǎnkèchē – танкка ўхшаш, айникса, йўғон, йирик гавдали, одатда, ёши катта, кекса аёлларга нисбатан ҳазил манода ишлатилади. Шунингдек, дўмбоқ қизларга 发展圆满的 fāzhǎn yuán mǎn de ва паст бўйли, бели йўғон, катта ўлчам кийим киядиган қизларга нисбатан 半号 bàn hào, 半大号 bàndà hào (асосан, кийим-кечак ишлаб чиқарувчи фабрикаларнинг реклама савдосида) каби эвфемик воситалар қўлланилади.

Ўзбек тилида аёлнинг семизлигига ишора қилишда *дўмбоқ, дўндиқ, дўндиқча, тўла, тўладан келган, бўлиқ* ва ҳ.к. эвфемизмлардан фойдаланилади. *Йўлда Шамсиқамар деган дўмбоқ жувон билан учрашиб қолди* (Мирмуҳсин, “Умид”); *Бир дўндиқ, дўмбоққа суқланиб боқдим, Орзулар кўксига қанотим қоқдим* (Ё.Мирзо, “Ўғил меҳри”); *Ана, кўрмайсанми, бу қандай оппоқ дўндиқча! Шунақа дўндиқчасига уйлансам* (Мирмуҳсин, “Умид”); *Тўла, қип-қизил магиздек аёл бир ҳафтада чўпдек бўлиб қолган эди* (Ў.Умарбеков, “Ёз ёмғири”); *Лаълининг бўлиқ гавдаси унга икки уч ёш улугворлик қўшиб турар, яқинда мактабни битирган қизга ўхшамасди* (Д.Нурий, “Осмон устун”).

Эвфемизмлар маданиятлар ривожига тил соҳиблари тафаккур тарзининг, дунёқарашининг маълум бир даврда ўзгариши натижасида юзага келади. Шу маънода аёл ташқи кўринишининг муайян талаби ҳам ўзгарувчан тус олганлигини кўриш мумкин. Ҳозирда Хитой маданиятида аёлларнинг ташқи кўринишидаги нуқсонлар энг оғриқли масалалардан бир ҳисобланади. Бугунги Хитой аёллари ўзларининг ташқи кўринишига, қоматига жуда катта эътибор

<sup>1</sup> Чжань Чан. Гендерные особенности эвфемизации как факторы реализации вежливости в языке китайской женской прессы // Известия ВГПУ, 2012. –С.72.



қаратишади. Шу боис Хитой лингвомаданиятида аёлларнинг ташқи кўриниши билан боғлиқ талайгина эвфемизмлар юзага келганини кўриш мумкин.

Бугунги кунда аёлларнинг косметология ва пластик жарроҳлик амалиётига катта қизиқиш билан қараётгани ҳеч кимга сир эмас. Соч турмагидан тортиб қадду-қоматни яхшилаш, юз тузилиши ва унинг рангини ўзгартишгача қаратилган уринишлар бу мавзудаги муайян эвфемизмларнинг шаклланишига олиб келди. Масалан, 橘皮组织, 橘皮现象 “целлюлитли тери” ўрнига “мандарин пўсти” эвфемик воситасининг қўлланилиши: 90% 以上的女性在各 处皮肤的部位都会出现橘皮组织。(Onlylady 女人志. 2007. №5). –90%дан кўпроқ аёлларнинг юз терисида “мандарин пўсти” муаммоси мавжуд. Кўпинча хуснбузар ўрнига 小痘 – “кичик ловия” метафорасидан фойдаланилади: 偶尔出现的痘痘大 都因为压力、作息不规律、饮食过油过辛辣 造成, 所以它们持续的时间应该不会太久, 也不会长得很大 (瑞丽伊人风尚. 2009. №7). *Кучли зўриқиш, иш ва дам олишдаги номунтазамлик ва ёғлиқ овқатлар терида тасодифий кичик ловияларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Шунинг учун мазкур кичик ловиялар кўпаймайди ва терида узоқ қолиб кетмайди*<sup>1</sup>.

Маълумки, аёлларнинг ташқи нуқсонларига бўлган муносабат турли даврларда ўзгариб турган. Масалан, теридаги туғма нуқсонлардан бири бўлган хол классик адабиётда латофат, гўзаллик, хусн саналган: *Қаро холига бахи этгум Самарқанду Бухорони; Латиф бурни ёнидаги қора холининг табиийлигига ишонмагандек қашиб кўрди ва кўзгу ёнидан жўнади* (А.Қодирий, “Ўтган кунлар”). Бугунги кун аёли учун хол теридаги бир нуқсондир. Шу боис уни жарроҳлик йўли билан бартараф этишга ҳаракат қилинади.

Мухтасар қилиб айтганда, қадимги даврлардан то ҳозирги кунга қадар аёлларга кўплаб тақиқлар ва табулар татбиқ этилган. Қадимги Хитой жамиятининг поғонали тизимида аёл пастки ўринда бўлган. Хитой менталитетида “аёл” концепти эрига бўйсунадиган, болаларининг хурматида сазовор бўлган, ота-онасини, катталарни ва эрини хурмат қиладиган яхши уй бекаси дир.

Хитой анъаналаридан фарқли ўларок, қадимги туркий халқлар маданиятида аёлнинг ўрни ниҳоятда юксак бўлган. Туркий давлатларнинг барчасида аёл жуда катта ҳақ-ҳуқуқларга эга бўлиб, у эркакни тўлдирган, унинг тенги ҳисобланган. Ўзбек халқининг тарихида ҳам аёллар юксак мақомга эга бўлганлар. Улар қабила, уруғларга ҳукмдор бўлиб, муҳим ижтимоий-сиёсий, хўжалик ва оилавий масалаларни ҳал қилганлар.

Ҳозирги кунда аёлнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ролининг ортиб бориши аёл ҳақидаги тасаввурларнинг ҳам ўзгаришига олиб келди.

<sup>1</sup> Чжань Чан. Гендерные особенности эвфемизации как факторы реализации вежливости в языке китайской женской прессы // Известия ВГПУ, 2012. –С.72-73.



Бугунги кунда хитой ва ўзбек аёл нафақат она, уй бекаси, балки эркак билан тенг ҳуқуқга эга бўлган жамиятнинг фаол аъзосидир.

Хитой ва ўзбек лингвомаданиятларида “аёл” кўп қиррали концепт бўлиб, эвфемизмлар унинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири саналади. “Аёл” тушунчаси билан боғлиқ эвфемизмлар аёлнинг ёши, турмушга чиқиши, ҳомиладорлиги, ахлоқи ва ташқи кўриниши сингари мавзуй гуруҳларни юзага чиқаради.

Қадимги Хитой маданиятида аёлнинг ёшига бўлган муносабат унчалик муҳим бўлмаса-да, ҳозирги кундаги аёллар учун ёш мавзуси ўзига хос аҳамият касб этган. Кейинги йилларда аёлларда кексайишдан хавотирга тушиш кайфиятининг юзага келиши уларнинг ёши билан боғлиқ муайян эвфемизмларнинг шаклланишига сабаб бўлган.

Хитой ва ўзбек лингвомаданиятларида оналик, ҳомиладорликни ифодаладиган эвфемизмлар ҳар иккала халқ аёлларидаги шарқона ибo, ҳаё, иффат каби когнитив белгилар асосида шаклланган. Хитой анъаналарида “бола” эр-хотинни бирлаштирадиган, оилани мустаҳкамлайдиган тушунча бўлгани учун аёлнинг ҳомиладорлиги катта бахт ҳисобланади. Шу сабабли, хитой лингвомаданиятида ҳомиладорликни ифодаладиган эвфемизмларнинг таркибида “бахт” сўзи фаол иштирок этади.

Хитой маданиятида ўзбек маданиятидан фарқли ўларoқ, инсоннинг ёшига бир йил кўшилади, яъни бунда боланинг она қорнидаги даври ҳам эътиборга олинади. Ҳомиладорлик даври эса 10 ой деб ҳисобланади.

Ўзбек лингвомаданиятида тилак билдириш, яхши ният ва дуо қилиш кенг тарқалган ҳодисадир. Аёлнинг ҳомиладорлик даврида ҳам уни уятга кўядиган ёки ноқулай ҳолатга соладиган ифодаларни кўллашдан қочиб, унинг ўрнига ёқимли ифодалар, эвфемик тилаклардан фойдаланилади.

Эвфемизмлар маданиятлар ривожидида тил соҳиблари тафаккур тарзининг, дунёқарашининг маълум бир даврда ўзгариши натижасида юзага келади. Шу маънода аёл ташқи кўринишининг муайян талаби ҳам ўзгарувчан тус олганлигини кўриш мумкин.



### АЛЬ-ОТАИБИ БАДЕР ТАРАХИБ

научный исследователь, Королевство Саудовская Аравия

## Газетный текст в современной коммуникативной ситуации и отличительные признаки русского и арабского газетного текста

**Аннотация.** Данная статья посвящена газетному тексту в коммуникации – актуальной теме современности, когда литературный арабский язык начинает терять свою важность в текстах средств массовой информации. В настоящей статье дается информация из работ многих ученых по данной теме, которые разъясняют особенности газетного текста в целом, а также сопоставляются русские и арабские тексты, анализируются их отличительные признаки и общие схожие стороны.

**Опорные слова и выражения:** текст, газетный текст, дискурс, коммуникативно-речевой процесс, коммуникация, информация.

**Аннотация.** Мазкур мақола араб адабий тилининг оммавий ахборот воситалари матнларида ўз аҳамиятини йўқотиб бораётган ҳозирги кунда долзарб мавзулардан саналмиш газета матнининг алоҳида тутган ўрнига бағишланган бўлиб, унда бир неча олимларнинг ушбу мавзу бўйича қилган ишларидан маълумотлар келтирилади. Газета матнининг турли хил хусусиятлари, шунингдек, рус ва араб матнлари таққосланиб, уларнинг ўзига хос томонлари ҳамда умумий ўхшашликлари таҳлил қилинади.

**Таянч сўз ва иборалар:** матн, газета матни, дискурс, коммуникатив нутқ жараёни, алоқа, маълумот.

**Abstract.** This article is devoted to the newspaper text in communication – a relevant topic of modern times, when the literary Arabic language begins to lose its importance in the texts of the media. This article provides information from the works of many scientists on this theme, which explain the various features of the newspaper text as a whole, as well as compare Russian and Arabic texts, analyze their distinctive features and common similarities.

**Keywords and expressions:** text, newspaper text, discourse, communicative-speech process, communication, information.

В первую очередь следует отметить, что текст образуется в процессе коммуникации, являясь при этом не только ее продуктом, но и инструментом.

Мы разделяем точку зрения ряда исследователей, по мнению которых, текст как лингвистический и экстралингвистический феномен выполняет функции аккумуляции и трансляции информации, коммуникации, отражения и порождения когнитивных процессов человека, истории и традиций общества, национального менталитета, он – форма существования и развития культуры.

Так, с точки зрения В. В. Красных, текст «... это:

- 1) вербальный и знаково зафиксированный (в устной или письменной форме) продукт речи мыслительной деятельности;
- 2) вербальная и знаково зафиксированная «реакция» на ситуацию;
- 3) опосредованное и вербализованное отражение ситуации;



4) речемыслительный продукт, который обладает содержательной завершенностью и информационной самодостаточностью;

5) речемыслительный продукт, который обладает тематическим, структурным

и коммуникативным единством;

6) нечто объективно существующее, материальное и поддающееся фиксации с помощью экстралингвистических средств (например, орудий письма, бумаги, аудио/видео пленки и т.д.);

7) некая особая предикативная единица, если под предикацией понимать вербальный акт, с помощью которого автор интерферирует в окружающую действительность отраженную в его сознании картину мира, результатом чего является изменение объективно существующего реального мира;

8) с точки зрения формально-содержательной структуры и вычленения в дискурсе, текст есть речевое произведение, которое начинается репликой, не имеющей вербально выраженного стимула, и заканчивается последней вербально выраженной реакцией на стимул (вербальный или невербальный)<sup>1</sup>.

Отметим, что понятие «текст» обычно соотносится с термином «дискурс», но в отдельных исследованиях их связь определяется по-разному.

По мнению О. В. Коротеевой, дискурс представляет собой текст, «погруженный в ситуацию общения»; «форма связного текста, обусловленность экстралингвистическими факторами, событийный аспект и целенаправленное социальное действие являются наиважнейшими характеристиками дискурса»<sup>2</sup>.

Т.А. ван Дейк рассматривает дискурс как речевой поток, язык, находящийся в вечном движении, по ходу которого этот поток захватывает и многочисленные исторические, культурные, национальные и, безусловно, индивидуальные особенности направляющих его, то есть коммуникантов<sup>3</sup>.

Разграничивая понятия дискурса и текста, Т.А. Ван Дейк подчеркивает, что дискурс – это актуально произнесенный текст, а текст – абстрактная грамматическая структура произнесенного. Дискурс – это понятие, касающееся актуального речевого действия, тогда как текст – это понятие, касающееся системы языка. Текст – это абстрактный теоретический конструкт, реализующийся в дискурсе.

Вслед за В. Е. Чернявской, мы понимаем дискурс «как комплексный коммуникативно-речевой процесс, включающий текст(ы) в неразрывной связи с ситуативным контекстом: в совокупности с культурно-историческими, идеологическими, социальными, психологическими факторами, с

---

<sup>1</sup> Красных В. В. Виртуальная реальность или реальная виртуальность. – М.: Диалог-МГУ, 1998. – С. 198.

<sup>2</sup> Коротеева О. В. Дефиниция в педагогическом дискурсе: автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Волгоград, 1999. – С. 19.

<sup>3</sup> Ван Дейк Т. А. Язык. Познание. Коммуникация. Пер. с англ. / Сост. В. В. Петрова; под ред. В. И. Герасимова. – М.: Прогресс, 1989. – С. 183.



системой коммуникативно-прагматических и когнитивных целеустановок автора, взаимодействующего с адресатом, обуславливающим особую упорядоченность языковых единиц при воплощении в текст»<sup>1</sup>.

С точки зрения В.Е. Чернявской, «... текст представляет собой компонент – необходимую, базовую, но только часть дискурса; это формальная завершённая структура, возникшая в результате коммуникативно-когнитивного процесса – дискурса.

Дискурс – это языковое выражение общественной практики в ее различных коммуникативных сферах; упорядоченное и систематизированное особым образом использование языка, за которым стоит особая – социально-, идеологически-, культурно-, исторически обусловленная ментальность»<sup>2</sup>.

Мы полностью разделяем точку зрения Ф. А. Кук, согласно которой «Газетный дискурс – это лингвистическое образование, представляющее институционально/личностную разновидность медийного дискурса, функционирующего в языке газетных текстов, как с индивидуальными, так и коллективными участниками в определенной культурно-исторической эпохе»<sup>3</sup>.

По мнению М. В. Луканина, «...назначение газетного дискурса состоит не только в передаче информации, так как «в газетном тексте информационно-содержательная функция сочетается с функцией убеждения, эмоционального воздействия»<sup>4</sup>.

Следовательно, дискурс – это понятие, касающееся речи, актуального речевого действия, а «текст» – это понятие, касающееся системы языка или формальных лингвистических знаний, лингвистической компетентности.

Интерес представляет также классификация типов дискурса. Обычно выделяют прагмалингвистический, диалогический и культурологический подходы<sup>5</sup>. При прагмалингвистическом подходе дискурс классифицируется, в первую очередь, в соответствии со стадией вербализации, социального статуса его участников и типа коммуникации.

При диалогическом подходе дискурсы разделяются по типу диалога как основной формы репрезентации дискурса, при культурологическом – по коммуникативной компетенции участников общения. По типу отношений

---

Парилар ҳақида юқорида айтилганларни Авестада учровчи *пайрика* образи асосида пайдо бўлиб, турли халқлар орасида баъзан ўхшаш, баъзан эса ўзаро фарқли инонч анъаналарига айлангани қадимда зардуштийлик дунёси географиясининг кенглиги ҳақида тасаввур беради. Парилар ҳақидаги турли хил ишончлар пайдо бўлган улкан тарихий-географик муҳит, зардуштийлик бевосита ёйилган макон деб тушунилиши шарт эмас. Бироқ, зардуштийликнинг тарихий-маданий таъсир муҳити чиндан ҳам жуда кенг бўлганини инкор этиш ҳам қийин. Бу масала парилар муносабати билан махсус қиёсий, тарихий ҳамда этнографик тадқиқот учун мавзу бўлиши мумкин<sup>1</sup>.

Шу ўринда “Видевдот” китобининг 19-фрагардида қайд этилган Хнасатай пайрика образини зардуштийликда хилма-хил таснифга лойиқ парилар образининг бир вакили сифатида кўриб чиқамиз. “Видевдот”да (1-фрагард, 10-банд) Хнасатай номли пари ҳақида гап боради. “Мен-Ахура Мазда яратган юртлардан еттинчиси гўзал Вайукирт юртидир”<sup>2</sup> Мавжудлигининг бари (моҳияти) ўлим ва қабоҳат бўлмиш Анғхрамайниу бу гўзал юрт фаровонлиги ва кўркига ғараздан Хнантаитий (исмли) ножисм жинсипарилар қавмидан бўлмиш ёвуз ва алдоқ ниятли зотни яратди<sup>3</sup>. Уни Аскар

<sup>1</sup> Urazova R.T. Yovuzlik ramzlarining tarixiy-ijtimoiy asoslari va ifoda shakllari. Manbashunoslik, tarixshunoslik va tarix tadqiqoti metodi va metodologiyasining dolzarb masalalari. Respublika VI ilmiy-nazariy konferensiyasi. – Toshkent, 2014. – B.145-148.

<sup>2</sup> Vayukirt - avestacha “Vayu krta”, ya'ni ezgu shamol, xush, yoqimli shabada ma'budi tomonidan suyib himoyat qilingan er.

<sup>3</sup> Avesta: “Videvdot” kitobi // M.Is'hoqov tarjiması. –T.:TDSHI nashriyot-bosmaxona bo'limi, 2007. – B.11.



Маҳкам “бутпарастлар париси” деб таърифлайди. Бу ўринда “бутпарастлик” ибораси зардуштийлик учун куфр бўлган жоҳиллик диний қараш маъносида қўллангандир. Бироқ масала бунда эмас. Зеро, Хнасатайнинг пари сифатида талқин этишга асос йўқдек кўринади. Гап шундаки, Хнасатай Гурушасп билан қовушиб ёвузликка хизмат қилувчи Ахриманий дуруғбандларни туғиб кўпайтиради<sup>1</sup>. Агар Хнасатай пари бўлса эди, ундан туғилишга ўрин бўлмас эди. Парилар алдамчи рўёлар бўлиб, уларнинг туғиши анъанага кўра умуман кузатилмайди. Шу сабабли фольклордаги пари образлари ҳам, улар ҳатто кимгадир қовушсалар-да фарзанд кўрмайдилар. Жумладан Гўрўғли Юнус паридан фарзанд кўрмайди. Авазхон-асранди фарзанд.

“Видевдот”нинг 19-фрагардида Зардушт Аҳуна Вайрйа дуосини ўқиб, унга Ернинг ортидан келиб ёпишган ёвуз Дуруж ва Бути девларни енгади. У дуо-такбир тушириб Аҳура Маздага ёлворади: “Бу заминнинг қаеридан кўтариб турган бўлмагин, бу юмалок, чек-чегараси йўқ ернинг қаеридан тутиб турган бўлмагин, эй Аҳура (Яратган) Ерингга боқ, Пурушаспа хонадонини ҳимоятингга ол!” Шундан сўнг Заратуштра ўзида куч-қудрат топиб, Ахриман ва унинг ёвузликларига қарши курашга киришади. Ахриманга юзланиб, “Эй ёвуз Ахриман! ... Мен девлардан пайдо бўлган ёвуз хилқатларга кирон соламан. Девдан туғилган Насни йўқ қиламан, девсифат пари Хнасаитини ўлдираман”, - дейди<sup>2</sup>. Аён бўладики, Хнасатай (Хнасаити) парилар тоифасидан бўлса-да, унинг Гурушаспга “хотин” бўлиб, ўзидан ёвузликларни туғиб кўпайтириши Ахриман ёвузлигининг яна бир кўринишидир. Матндан кўришиб турибди-ки, мазкур Хнасаити париси ёвуз тимсол деб қаралган ва уни ҳалок этиш савобли деб ҳисобланган<sup>3</sup>.

Муҳими шундаки, парилар аёл жинсига мансуб ҳолда тасвирланади. Авестадаги талқинда парилар артабон-Мазда Ясна эътиқодидаги ҳақпарастларни йўлдан уришга, имондан чиқаришга уринадилар. Аммо аҳдида мустаҳкам ҳақпарастлар парилар алдовига учмасликлари лозим, - дейилади. Парилар ҳақидаги ушбу қадимий тасаввурлар халқимиз орасида хануз сақланиб келмоқда. Улар билан дуч келиш ҳоллари ҳақида кўплаб ҳикоят, ривоятлар, баъзан уйдирмалар тўқилган. Парилар аксарият ҳолларда соч ёйган гўзал аёл қиёфасида учрайди<sup>4</sup>.

Парилар билан дуч келган киши, агар у мусулмон бўлса, бирор ҳаракат, амал олдидан Оллоҳнинг номини эсласа (дейлик, “бисмиллоҳ”ни тилга олса), ўша заҳотиёқ унинг парилар ўғирлаган ақли жойига келади. Парилар эса кўздан ғойиб бўлади.

<sup>1</sup> Avesto. Tarixiy-adabiy yodgorlik // Asqar Mahkam tarjimasi. –Т.: Sharq, 2001. – В.107;335.

<sup>2</sup> Avesta: “Videvdot kitobi” // M.Is’hoqov tarjimasi.–Т.:TDSHl nashriyot-bosmaxona bo’limi, 2007. –В. 86-87.

<sup>3</sup> Urazova R.T. “Avesta”da Azi va Arask obrazlari, ularning hayotdagi o’rni. [http // www. ZiyoNet.uz / files / 2442 -1199 – 2011 112112 // 21922. rar](http://www.ZiyoNet.uz/files/2442-1199-2011112112//21922.rar).

<sup>4</sup> Urazova R.T. Zardushtiylikdagi ma’budalarning tarixiy-ijtimoiy tahlili. – Т.: O’zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2013. - 146 b.



Умуман, Авестада париларнинг ёвуз алдамчилигига қарши кураш эзгу борлиқнинг барқарорлигига хизмат қилади, деб тушунилган. Авестада ёвузлик девларининг бир тури сифатида “парика”, яъни парилар ҳақидаги тушунчага тўхталиб ўтдик. Зеро, зардуштийликда парилар инсонни ҳақ йўлдан адаштирувчи, ақлни ўғирлаб, имондан чалғитувчи маккор ёлғон рўёлар, моддий танаси йўқ ёвуз хилқатлар сифатида кўрсатилади<sup>1</sup>.

Хулоса қилиб қуйидагиларни айтиш мумкин:

1. Зардуштийлик тасаввурида Авестада келган пайрика, йатука номли алдамчи образлар ёвуз девлар ҳисобланади. Улар Ахриманнинг Ёлғон ифодаларидир. Имону эътиқоддан, эзгуликнинг Ҳақ оламидан одамларни чалғитиб, ёмонликлар томон етаклайдилар. Бу образларнинг тарихий ижтимоий илдизлари Зардушт фаолият юритган даврлардаги жамиятнинг иллатларини кўрсатишга, улардан огоҳ бўлишга қаратилган. Пайрика бугунги кунда пари образи, унинг реал мавжуд эмас моҳияти, шу сабабли париларга “дуч келиб” алданган одамлар ҳақидаги нақл ва ҳикояларда сақланиб келмоқда. Шеърятда пари образи алдамчи ва “етишиб бўлмас ёр” маъносида ишлатилади. Йатука образи ҳам Ахриманча Ёлғон кўринишлардан биридир. Сеҳр, жодугарлик ишлари зардуштийликда Ахура Мазда Ҳақиқатига қарши алдамчилик ҳисобланади. Қолаверса, жаҳон динларининг аксариятида, айниқса, исломда ирим-сирим, сеҳру-жоду сингарилар билан одам руҳиятига таъсир кўрсатиш ва чин маънодаги имондан чалғитиш кабилар қораланади<sup>2</sup>.

2. Халқ орасида “девона бўлибди” ёки “жин чалибди”, “пари ақлини ўғирлабди” каби сўзлар учраб туради. Бу кўринишлар узоқ ўтмишдан қолган ва зардуштийлик ислохотларида қайта ишланган ибтидоий тасаввурларнинг ҳозиргача етиб келган қолдиқлари, деб ҳисоблаш мумкин.

3. Парихонлик, жоду ва жодугарлик билан шуғулланиш илоҳий ҳақиқатга зид бўлиб, “яратган”нинг функциясига “ёлғон, қаллоблик” орқали даъво қилиш деб баҳоланади. Ахриман пари киёфасида, жоду ва жодугарлик шаклида ҳам ўзини намоён эта оладиган ёвуз руҳдир. Буни Ҳаққа нисбатан исён сифатида қоралаган илк диний-ахлоқий тизим зардуштийликдир.

4. Зардуштийлик оламида эътиқоднинг мутлақлиги ва холислиги масаласига алоҳида эътибор берилган. Уларнинг эътиқодича “Эзгулик хизматидаги ижобий кучлар ёвузликни йўқ қилишга хизмат қиладилар”, ахриманий ёвуз кучлар ҳисобланган пари, жоду, жин, дев ва бошқалар эса инсоннинг фикрини Ҳақдан чалғитади, эзгуликдан қолдириб, гуноҳ йўлларга тортади ва ҳоказо. Шу сабабли зардуштийлар ўз эътиқодларида турли усуллар билан инсон руҳини чалғитишга, Ҳақдан уни узоқлаштиришга хизмат қилувчи кучларни кескин қоралашган ва уларга қарши курашишган.

<sup>1</sup> Urazova R.T. “Avesto”da yovuzlikning universal qiyofasi. Ilmiy-tahliliy axborot. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Toshkent islom universiteti. – Toshkent, 2011. - № 1. – B.57-60.

<sup>2</sup> Qur’oni Karim // Tarjima va izohlar muallifi O.Mansur. – T.: Cho’lpon, 1992. - 672 b.



## РИСКУЛОВ ШАХЖАХОН

Таянч докторант, ТДШУ

### XIX аср биринчи ярмида инглиз жосуслари Марказий Осиёда

**Аннотация.** Мазкур мақолада XIX аср биринчи ярмигача бўлган даврда Буюк Британия томонидан Марказий Осиёга юборилган махсус хизмат ходимларининг фаолияти ёритилади. Шунингдек, Марказий Осиё ҳудудига инглиз элчилари, савдогарлари, сайёҳлари ниқоби остида ташириф буурган Британиянинг мустамлакачилик сиёсатини олиб боровчи Ост-Индия компанияси ва унга хизмат қилган ходимлар, компаниянинг асосий стратегик йўналиши, уларнинг минтақада амалга оширган геосиёсий мақсадлардаги фаолиятлари, иш услублари, Марказий Осиё минтақасида жойлашган мамлакатларнинг давлат тузими, бошқарув шакли, қўшни давлатлар билан муносабатлари, қўшин турлари, ҳарбий истеҳкомлари, минтақанинг топографияси, халқларнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий аҳволи, уларнинг урф-одатлари, анъаналари, турмуш тарзи, миллатлар ранг-баранглиги, бу даврнинг ўзига хос хусусиятлари баён қилинади. Шунингдек, XIX асрнинг ўттизинчи йиллари охирида Британия империяси Афғонистон, Хива, Бухоро ва Қўқон хонликларига бостириб кириши учун ҳарбий-сиёсий ва дипломатик тайёргарликларни қай тарихқа олиб борганлиги, улар мамлакатдаги ҳар бир йўлларнинг батафсил чизмаларини, сув йўлларини, ҳукумат амалдорларини, ҳар қандай манбаларни, ҳудудларнинг сиёсий-иқтисодий шароитларини синчковлик билан ўрганишигани ёритилади.

Мазкур мақола моҳияти шундан иборатки: Буюк Британиянинг махфий хизмат тармоқлари, уларнинг фаолияти тизимли ва узлуксиз олиб борилиши, бунда ҳар қандай воситалардан фойдаланиши ёритилади. Мақола пировардида Британия империяси ҳар қандай ҳудудни босиб олишдан олдин узоқ йиллар ушибу жараёнга пухталлик билан тайёрланиши кўрсатилади.

**Таянч сўз ва иборалар:** Марказий Осиё, Англия, Афғонистон, Бухоро, Хива, Ост-Индия компанияси, А.Бёрнс, Уилям Муркрофт, геополитика, империя, элчилар, сайёҳ, хонликлар, экспедициялар, махфий хизмат, жосуслар, давлат тузуми.

**Аннотация.** В настоящей статье рассматривается деятельность британских спецслужб—в Центральной Азии в первой половине XIX века. Изучается деятельность Ост-Индской компании), которая осуществляет британскую колониальную политику под видом британских послов, торговцев и путешественников и ее сотрудников, основные стратегические направления компании, их геополитическая деятельность в регионе.

Рассматриваются государственное устройство стран Центральной Азии, форма правления, отношения с соседними странами, типы войск, военные укрепления, топография региона, экономическое, политическое и социальное положение народов, их традиции и обычаи, традиции, быт, разнообразие народов, особенности этого периода. Кроме того, анализируется военно-политическая и дипломатическая подготовка Британской империи к вторжению в Афганистан, Хивинское, Бухарское и Кокандское ханства в конце 1830-х годов, в которой содержались подробные чертежи каждой дороги и водные пути в стране, тщательный анализ государственных чиновников, любых источников, политических и экономических условий региона.



*Освещаются деятельность спецслужб Великобритании, их систематическое и бесперебойное функционирование, использование любых средств для достижения цели. В заключении статьи освещается долготная тщательная подготовка Британской империи к овладению любым регионом.*

**Опорные слова и выражения:** *Центральная Азия, Англия, Афганистан, Бухара, Хива, Ост-Индская компания, А.Бернс, Уильям Муркрофт, геополитика, империя, послы, путешественники, ханства, экспедиции, секретная служба, шпионы, государственное управление.*

**Abstract.** *This article describes the activities of special services were sent by Great Britain to Central Asia until the first half of the 19<sup>th</sup> century. Also the British-colonial East-India company and its staff, who visited Central Asia under the guise of British ambassadors, traders, and tourists. The state structure, form of government, relations with neighboring countries of the countries located in the region, types of armies, military fortification, topography of the region, economic, political and social situation of the peoples, their customs, traditions, way of life, diversity of nations, peculiarities of this period are described. It also covers the military-political and diplomatic preparations of the British Empire for the invasion of Afghanistan, Khiva, Bukhara and Kokand khanates in the late thirteenth 19<sup>th</sup> century. They carefully studied the detailed drawings of every road in the country, the waterways, the government officials, the various sources, the political and economic conditions of the regions. The essence of this article is to cover the UK's secret services, their systematic and uninterrupted operation, and the use of any means at their disposal. The article concludes by saying that the British Empire had been carefully preparing for this process for many years before invading any territory.*

**Keywords and expressions:** *Central Asia, England, Afghanistan, Bukhara, Khiva, the East Indies, A.Burns, William Murkroft, geopolitical, Empire, ambassadors, traders, khanates, expedition, Secret Service, spy, state structure.*

XVIII ва XIX асрларда Англиянинг Марказий Осиёда жойлашган мамлакатларга нисбатан қизиқиши кучаяди. Чунки Англияда капитализмнинг ривожланиши натижасида ундан олисда жойлашган ҳудудларни мустамлакага айлантириш ва савдо-сотик ишларини амалга ошириш учун янги бозорларни эгаллаш зарурати пайдо бўлди. XIX аср биринчи ярмида Англия ташқи сиёсатининг асосий йўналиши савдо иқтисодий соҳадан кўра, янги ҳудудларни эгаллаш ва мустамлакага айлантириш вазифаси устивор эди. XIX аср бошларидан кўплаб ҳинд рожалари ўзларининг мустақилликларидан айрилди. Англиянинг босқинчилик сиёсатини олиб борувчи Ост-Индия компанияси Ҳиндистон ярим оролининг шимолида жойлашган мамлакатларга ҳам бутун эътиборини қаратди, бу ерда иқтисодий важлардан кўра, геосиёсий мотивлар муҳим эди.

Ҳиндистон Британия империясининг ҳар тарафлама марвариди ҳисобланарди. Фақат унинг шимолий сарҳадлари хавфсизлик нуқтаи назаридан инглизлар учун муҳим эди. XIX аср бошларида шимолий Ҳиндистон ва Қозоқ даштлари орасида жойлашган ҳудудлар ҳақида инглизларнинг худди бошқа европаликлар сингари географик тасаввурлари кенг эмасди. Бунинг устига 1800 йилда атаман Матвей Иванович Платовнинг Ҳиндистонга



амалга оширган сафари инглизларни чўчитиб юборди<sup>1</sup>, яъни русларнинг яқин келажакда Ҳиндистон чегараларида пайдо бўлиши ва геосиёсий нуқтаи назаридан Шимолий Ҳиндистонга чегарадош ҳудудлар устидан назорат ўрнатиши ҳақиқатга айланиб бормоқда эди. Россия ва Ҳиндистон ўртасида жойлашган ҳудудларни географик жиҳатдан тадқиқ қилиш ва уларнинг орасидаги масофани аниқлаш, шунингдек, Россия империясининг жанубга қараб силжишига қаршилик қилиш учун Марказий Осиёда жойлашган давлатлар билан алоқаларни ўрнатиш вазифаси геостратегик жиҳатдан Англия ташқи сиёсати учун долзарб эди.

Ост-Индия компанияси Марказий Осиёнинг иқтисодий ва сиёсий ҳолатини, ҳудуд орқали ўтган барча йўлларни аниқлаш, муҳим географик нуқтада жойлашган ҳар қандай объектларни ўрганиш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий қатламини тадқиқ қилиш, шунингдек, ҳукумат аъзоларини ўз тарафига оғдириш мақсадида ўз ходимларини мунтазам равишда жўнатиб туради. Ходимлар турли қиёфада юборилган бўлиб, улар асосан савдогар, дарвеш, сайёҳ, муқаддас жойларга зиёрат қилувчилар ниқоби остида бу ҳудудда ҳаракат қилишган. Юборилган айғоқчилар минтақанинг энг хилват жойларигача кириб, ҳудуд жойлашувини мукаммал ўрганишган ва эҳтиёт-корлик билан тўпланган маълумотларни қайд этиб боришган. Улар маҳаллий аҳоли тилини ва уларнинг урф-одатларини яхши билишган бўлиб, бу эса уларга бу ҳудудда узоқ муддат фаолият юритишларига ва ўзларига нисбатан шубҳа уйғотмаслигига ёрдам берган<sup>2</sup>. Марказий Осиё масалалари бўйича Англия сиёсатида муҳим роль ўйнаган инглиз тарихчиси Ж.Олдер “Марказий Осиё масаласида дипломатик фаолият юритишдан олдин минтақа ҳақидаги тадқиқотлар нақадар муҳим эканлиги ва айниқса, географик билимлар ҳар доим сиёсат, иқтисодиёт, дипломатия ва ҳарбий ҳаракатлар билан чамбарчас боғлиқ эканлигини, бунда ҳар қандай аскар ва сиёсатчидан кўра, тадқиқотчи ва махфий жосуслар муҳим роль ўйнашини” таъкидлайди<sup>3</sup>.

Ушбу мақсадлар йўлида биринчи бўлиб, XIX аср бошларида Ост-Индия ходими Георг Людвиг фон (фамилияси номаълум) Туркистон отларини сотиб олиш ниқоби остида Марказий Осиёга ташриф буюради<sup>4</sup>. У XIX аср бошларида (1804-1805) Ҳиндистонга куйидаги йўналишлар бўйлаб ўз сафарини амалга оширади: яъни Қошғар, Бадахшон, Қўқон, Туркистон, Қирғиз даштлари ва Ўтрор орқали Самарқанд, Қошғар, Ёркент бўйлаб Ҳиндистонга қайтади<sup>5</sup>. Саёҳат йўналишининг кенлиги кишини ўйлантиради, яъни сафар тижорий мақсад учун эмас, балки геополитик жосуслик саёҳати эди. Шунини таъкидлаш

<sup>1</sup> www.voslit.info

<sup>2</sup> Timchenko S.V. Anglo-Russian rivalry in Central Asia in the 40s. XIX century. – Almaty. – P.120.

<sup>3</sup> Alder G. J. British India's Northern Frontier. 1865-1895. – London, 1963, – P. 4.

<sup>4</sup> Wood J. A journey to the source of the river Oxus. New edition, with an essay on the geography of the valley of the Oxus by H. Yle. – London., – chapter. 12. – 1872.

<sup>5</sup> Ritter.K. Physical Geography. Part III. – St. Petersburg, 1873.



керакки, баъзи бир тадқиқотчилар ушбу саёҳат тўғрисидаги маълумотларни Георг Людвиг фоннинг уйдирмалари деб ҳисоблашади<sup>1</sup>.

1812-1813 йилларда Мир Иззат Улло Уилям Муркрофтнинг топшириғи билан Кашмир, Тибет, Шарқий Туркистон (Ёркент, Қошғар) Қўқон, Самарқанд, Бухоро каби Марказий Осиёнинг кўплаб шаҳарларида бўлади. Унинг зиммасига “кўрган ва эшитганларининг ҳаммасини” ёзиб қайд этиб бориш, аниқ режа бўйича кузатувлар ўтказиш вазифаси юклатилади. У амалга оширган экспедицияси давомида: аҳоли яшайдиган манзилларнинг аниқ номлари, уларнинг жойлашган ўрнини аниқлаб харитага тушириш, шаҳарлар ва қишлоқлар орасидаги масофа, йўлларнинг сифати ва раванлигини тасвирлаш, ичимлик суви, ем-хашак, деҳқончилик билан аҳолининг қанчалик бандлиги, уларнинг асосий экин маҳсулотлари, шунингдек, чорва турлари ва ҳаттоки, уларнинг миқдори тўғрисида маълумотлар бериш, келгусида ҳарбий ҳаракатлар пайтида ҳарбий лагерларни ташкил этиш учун қулай бўлган жойларни аниқлаш, маҳаллий ҳукумдорларнинг қуролли кучлари ва истеҳкомлари тўғрисида батафсил маълумотлар тўплайди<sup>2</sup>. Миссия қойилмақом тарзда бажарилган эди. Мир Иззат Уллонинг Қошғардаги бир тошкентлик савдогар ҳақидаги эсдаликлари жуда қизик, яъни унда унинг исмига битилган мактублар бор эди. Бундан ташқари, Мир Иззат Улло қандайдир бир Мулла Наср Қошғарий деган кимсадан Пекиндан Қошғаргача бўлган йўллар, аҳоли пунктлари ва сафар давомидаги қийинчиликлар ҳақида маълумотлар беради. Шу қаторда йўл бўйлаб 126 та работлар жойлашганлигини ҳам тавсифлайди<sup>3</sup>. Шунингдек, Мир Иззат Уллонинг ҳисоботларида Ҳофиз Фазлиддинхон исми ҳам келтирилган бўлиб, у Мир Иззат Уллога турли туман қарвон йўллари ҳақидаги маълумотларни етказиб турган<sup>4</sup>. Буларнинг барчаси бизга Шарқий Туркистонда XIX аср бошларида Ост-Индия компанияси мусулмонлар орасида диний раҳнамолар ва савдогарлардан иборат жуда кенг жосуслик тармоғига эга бўлганлигидан далолат беради.

XIX асрнинг иккинчи ўн йиллиги ўрталарида Уилям Муркрофт тадқиқот фаолиятини шу қадар муваффақиятли амалга оширадигани, натижада 1818 йилда Хитой ҳукумати у ва унинг ҳамроҳларини таъқиб этиш ва ҳибсга олиш учун Ёркент деворларига унинг расмларини осиб қўйишни буюради<sup>5</sup>. Уилям Муркрофт Ост-Индия компаниясида ҳарбий ветеринар ва мироҳўрлар бошлиғи сифатида хизмат қиларди. 1819-1825 йиллардаги Уилям

<sup>1</sup> Wood J. A journey to the source of the river Oxus. New edition, with an essay on the geography of the valley of the Oxus by H. Yle. – London. – Ch. 12. – 1872.

<sup>2</sup> The journey Mir Izzat Ulla to Kokand's khanate in 1812 y. /Yu.A.Sokolova// Тр. SAGU. – Ful. 78. –Book.11: Historical sciences. – Tashkent. 1956.

<sup>3</sup> Ritter.K. Physical Geography. Part I. – St. Petersburg, 1869.

<sup>4</sup> The journey Mir Izzat Ulla to Kokand's khanate in 1812 y. /Yu.A.Sokolova// Тр. SAGU. – Ful. 78. –Book.11: Historical sciences. – Tashkent. 1956.

<sup>5</sup> P.L.Chikhachev. About the study of the Sir and Amudarya peaks and the Pamir upland. – St.Petersburg., 1848.



Муркрофт ва Жозеф Требек экспедициясининг мақсади расмий тарзда гўё ҳинд отлик армияси учун зотдор отларни қидириб топиш деб билдирилган бўлса-да, аслида унинг экспедициясининг асл мақсади Ўрта Осиёда рус савдосини қисқартириш эди<sup>1</sup>. Яъни, Ўрта Осиёда агарда рус савдосини йўқ қилмаганда ҳам, ҳеч бўлмаганда уни қисқартиришдан иборат эди. Унинг саёҳати 1819 йилда Ҳиндистондан Шарқий Туркистон томон бошланди. Миссия аъзолари яхши курулланган бўлиб, улар ихтиёрида 2 та замбарак ҳам бор эди<sup>2</sup>. Шундай бўлсада, У.Муркрофт Балистоннинг Ладак шаҳрида (ҳозирги Ҳиндистоннинг Жамму Кашмир штати) маҳаллий ҳукумат томонидан 2 йил мобайнида (1820-1822) ушлаб турилади. Ушбу вақт мобайнида у ўлка ҳақида унинг халқи, аҳоли сони, шаҳарлари, қишлоқлари, йўллар, сўқмоқлари, ўлканинг иқлими, аҳолининг турмуш тарзи, хўжалиги, мамлакат бошқарув тизими, истеҳкомлари ва қўшинлари тўғрисида маълумотлар тўплайди<sup>3</sup>. Сўнгра, у ҳамроҳи Ж.Требек билан Кобулдан Хуннай довони орқали Балхга ўтади. Улар экспедицияси давомида ҳарбий истеҳкомлар тўғрисида ахборотлар тўплайди. У Тошқўрғонда (ҳозирги кунда Хитойнинг Синьцзян-Уйғур автоном туманида жойлашган тожик миллати яшайдиган уезд) иккита қалъа борлигини, уларнинг бири дарёнинг ўнг соҳилида тепалиқда, иккинчиси соҳилнинг чап қирғоғида яланглиқда жойлашганлигини қайд этиб ўтади. Тошқўрғон шаҳри паҳса девор билан ўралган бўлиб, шаҳарга ёғочдан ясалган катта дарвоза орқали кирилар эди. Мабодо ушбу шаҳар артиллерия ҳужумига учраса мудофаа қобилиятига эга эмас эди<sup>4</sup>. Сўнгра Муркрофт Қундузга келади, аммо у ерда у жосуслиқда гумон қилинади, натижада у Талиханга қочишга мажбур бўлади. У ердан у Бухорогача етиб боради. Шуни таъкидлаш керакки, у ҳар бир қадамида ҳарбий стратегик маълумотларни тўплаб боради.

Экспедиция охирида У.Муркрофтга Ж.Требекдан ташқари Мир Иззат Улло ҳам ҳамроҳлик қилади<sup>5</sup>. Шундай қилиб, У.Муркрофт экспедицияси давомида 1822 йил Кашмирда, 1824 йил Жалолобод ва Қобул шаҳарларида бўлди. У ва унинг ҳамроҳлари европаликлар орасида биринчи бўлиб Бомиёндаги улкан Будда ҳайкалини кўришган. 1825 йил 25 февралда У.Муркрофт экспедицияси аъзолари Бухорога етиб келади. Бухорода улар ўзи қидираётган тулпорларни топа олмайди. Аммо, инглиз экспедициясидан 4 йил аввал Бухорода рус миссияси бўлгани ҳақидаги муҳим маълумотни

<sup>1</sup> A.Ya.Sokolov. English machinations in Afghanistan in the first half of the 19<sup>th</sup> century //Тр. САГУ, The History of the East. New series. – Book 9. – Вып. 68. – Ташкент, 1955.

<sup>2</sup> A.Ya.Sokolov. English machinations in Afghanistan in the first half of the 19<sup>th</sup> century //Тр. САГУ, The History of the East. New series. – Book 9. – Вып. 68. – Ташкент, 1955.

<sup>3</sup> Yu.L.Henry. Sketch of geography and history riding Amudarya. – St.Petersburg., 1873.

<sup>4</sup> I.Minayev. Information about the upper Amudarya countries. – St.Petersburg., 1879.

<sup>5</sup> I.Minayev. Information about the upper Amudarya countries. – St.Petersburg., 1879.





аниқлайди<sup>1</sup>. XIX асрнинг 20 йилларида Чор Россияси Бухоро амирлигига ўз экспедициясини юборади. 1820-1821 йиллардаги А.Ф.Негри бошчилигидаги экспедиция таркибида табиатшунос Е.К.Мейендорф ҳам бўлган. У саёҳати маҳсули сифатида 1826 йилда «Путешествие из Оренбурга в Бухару» деб номланган китобини нашр қилдирган<sup>2</sup>. Бухородан ортга қайтаётганларида безгак тутиши натижасида У.Муркрофт Андхойда Ж.Требек эса Мозори-Шарифда вафот этади<sup>3</sup>.

Бу экспедиция натижасида инглизлар Бухоро амирлигини ҳар тарафлама ўрганади ва маҳаллий амалдорлар билан тил топишнинг уддасидан чиқади. У.Муркрофт ўзининг экспедицияси давомида келажакда Марказий Осиёга сиёсий мақсадларда келадиган Британия ходимлари учун жудаям керакли бўлган маълумотларни тўплайди<sup>4</sup>. У.Муркрофт миссияси билан Англия ҳукуматининг Марказий Осиё худудини тадқиқ қилиш ишларининг дастлабки босқичи яқунланади.

Марказий Осиёнинг иқтисодий, сиёсий имкониятлари, савдо йўллари, стратегик аҳамиятга эга нуқталарини ўрганишда анчагина катта иш қилган инглиз армияси ҳарбий разведка лейтенанти А.Бёрнс бўлиб, у Ост-Индия компаниясига хизмат қилганлар орасида энг қобилиятлиларидан эди. У форс тили ва унга яқин бўлган бошқа диалектларни ҳам мукамал эгаллаган бўлиб, бу эса унга Ўрта Шарқ халқлари орасида осонлик билан муносабатда бўлишига ва тил топишиб кетишига хизмат қилди. У тўплаган маълумотлар ҳарбийлар, дипломатлар, иқтисодчилар, лингвистлар, савдогарлар, географ ва сайёҳлар учун Марказий Осиёда фаолият олиб боришида жуда муҳим аҳамиятга эга эди. А.Бёрнс “Бухорога саёҳат” китобининг кириш сўзида Марказий Осиёга амалга ошириладиган экспедиция Англия ҳукумати топшириғи эканлиги ва тадқиқотдан очиқчасига разведка мақсади кўзланганлигини таъкидлайди<sup>5</sup>. 1831 йилда А.Бёрнс ҳинд савдогари ниқоби остида Бухорога йўл олади. Унинг вазифасига Ҳиндистондан Бухорога энг қисқа бўлган йўлни топиш, маҳаллий бозорларни ўрганиш, қазилма бойликлари бор жойларни аниқлаш, маҳаллий ҳукмдорларнинг қўшинлари тўғрисида маълумотлар тўплаш, Бухоро амирлиги билан Ҳиндистон ўртасидаги дастлабки сиёсий ва савдо алоқаларини ўрнатиш кирарди<sup>6</sup>.

А.Бёрнс саёҳатини Деҳлидан бошлайди ва Амритсар, Пешовар, Кобул орқали Хулумга келади. Хулумдан у шарққа қараб йўл олади ва Кундуз

<sup>1</sup> <https://ru.qwe:wiki>

<sup>2</sup> R.R.Alimova. Diplomatic and trade-economic relations of the Central Asian khanates with neighboring countries (based on Russian historiography and sources of the 16-20<sup>th</sup> centuries). – Т., 2017.,– P. 36.

<sup>3</sup> I.V.Mushketov. Turkestan. – St.Petersburg., 1886.

<sup>4</sup> A.Ya.Sokolov. English machinations in Afghanistan in the first half of the 19<sup>th</sup> century //Тр. САГУ, The History of the East. New series. – Book 9. – Вып. 68. – Ташкент, 1955.

<sup>5</sup> Burns A. Travel to Bukhara. Part III. – М., 1850., – P. 185.

<sup>6</sup> Burns A. Travel to Bukhara. Part III. – М., 1850., – P. 274.



шаҳрини батафсил тадқиқ қилади. У ердан Балхга қараб юради, сўнгра Амударёдан ўтиб Қарши орқали Бухорога етиб боради. У ерда бир неча ой бўлиб, А.Бёрнс Чоржўй ва Урганч орқали Машҳадга йўл олади. Шу жойдан унга Ост-Индия компанияси ходими Мохан Лал унга Ҳиротга бориши учун ҳамроҳлик қилади. Улар бутун Хуросонни айланиб, сўнгра Техрон ва Форс кўрфази орқали ўтиб, 1834 йилда Ҳиндистонга қайтиб келади<sup>1</sup>.

Аслида Бёрнсинг олиб борган барча экспедиция миссияларининг моҳиятида Афғонистонни ҳарбий йўл орқали босиб олишга қаратилган ҳаракат ётарди. Ост-Индия компанияси раҳбарлари унга Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳар томонлама танишиш, хусусан унинг ҳукумати, ҳукумат раҳбарлари, амалдорлари, иқтисодиёти, унинг қуролли кучлари, бойликлари, шунингдек, қўшни мамлакатлар билан ўзаро муносабатлари ҳақида маълумотлар тўплаш тўғрисида кўрсатмалар беради. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун экспедиция таркибига лейтенант Роберт Лич, ҳинд флоти лейтенанти Жон Вуд ва врач Персивал Лордлар кирарди. Р.Личга мамлакатнинг ҳарбий соҳасини ва унинг қўшин турларини кузатиш, Ж.Вудга сув йўллари, биринчи навбатда Амударёни ўрганиш, П.Лордга эса ҳудуднинг табиий бойликларини аниқлаш ва уларнинг аниқ манзилларини харитага тушириш вазифаси юклатилади. П.Лорд узоқ вақт мобайнида Қундуз хонлигини ўрганади, Ж.Вуд эса Помир олди ҳудудларини, хусусан, юкори Амударё, Вахан, Сарикўл ҳавзалари тўғрисида маълумотлар тўплаш билан шуғулланади. Р.Лич бу вақтда Қандаҳорда қолиб, А.Бёрнсга Қандаҳор, Ҳирот ва Эронда бўлаётган воқеалар ҳақида ахборотлар жўнатиб туради<sup>2</sup>.

А.Бёрнс ўзининг эсдаликларида Афғонистоннинг бой табиати ва иқтисодий-сиёсий имкониятлари ҳақида ҳам батафсил маълумотлар келтиради. Қундуз вилояти ҳукумдори Муродбек ихтиёрида 30 минг отлик 6 та замбаракка эга яхши қуролланган қўшини борлиги ҳақидаги хабарларни беради<sup>3</sup>. Унинг тўплаган ахборотлари ичида энг қимматлилари: Ҳиндистондан Афғонистон ва Марказий Осиёга борадиган йўлларнинг батафсил чизмалари, Марказий Осиё хонликларининг иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий аҳволи, Амударёнинг чап қирғоғидаги ерлар, Афғонистон ва Синд ўлкасининг турли-хил ҳудудлари ҳақидаги ҳисоботлар эди. Бу маълумотлар Афғонистонга ва Марказий Осиёнинг бошқа ўлкаларига тезкорлик билан ҳарбий ҳужум режаларини ишлаб чиқиш учун керак эди.

1838-1842 йиллардаги биринчи инглиз-афғон уруши пайтида А.Бёрнс инглизларнинг Кобулдаги доимий сиёсий ходими сифатида 1839 йилдан бошлаб фаолият олиб боради. 1841 йил халқ кўзғалони даврида А.Бёрнс укаси Чарлз билан Кобулдан яширин тарзда чиқиб кетаётганларида кўзғолончилар томонидан қўлга олинади ва қатл этилади<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Khidoyatov G.A. British expansion in Central Asia. – Т., 1981. – P.11.

<sup>2</sup> Russia and Afghanistan. – М., 1989. – P. 25.

<sup>3</sup> I.Minayev. Information about the upper Amudarya countries. – St.Petersburg., 1879.

<sup>4</sup> History of Afghanistan from ancient times to the present day. – М., 1982.



1838 йилда А.Бёрнснинг ҳамроҳларидан бири Ж.Вуд Помир олди худудларини тадқиқ этади. Унинг асосий тадқиқот объектига Помир худудида жойлашган истехкомлар, қалъалар, Бухоро ва Қўқонга олиб борадиган йўллари аниқлаш кирарди. У Камруд қалъаси Қундуз дарёси соҳилида жойлашганлиги, дарёнинг эни 24 фут, ўртача чуқурлиги 2 фут, оқим тезлиги соатига 4-5 мил, қалъа эса 5 минг 600 фут баландликда жойлашганлигини қайд этади. Шунингдек, Ж.Вуд Жерма қўрғони Бадахшондаги барча қалъалардан муҳим эканлигини, Амударёдан ўтадиган энг яхши кечув жойи Шарвак қалъаси ёнидан ўтганлиги, ҳаттоки у ердан Қундуз ҳуқумдори Муродбек ўзининг замбараклари ва отлиқларини ҳам олиб ўтганлигини таъкидлайди<sup>1</sup>.

Сўнгра, у Бадахшондан Вахан сари йўл олади. У ерда барча аҳоли яшаш манзилгоҳларини, уларнинг географик жойлашувини, манзилгоҳлар орасидаги масофани, сув йўллари, табиат манзараси ва худуд иқлимини синчковлик билан ўрганади. Бундан ташқари, Вуд бу ерда аскарларнинг ҳаракатланиши жуда қийинлигини ва Помирда Ҳиндукушдаги каби ўрмон ва дарахтларнинг кўп эмаслигини ҳам таъкидлаб ўтади<sup>2</sup>. Биринчи инглиз-афғон уруши бошланиши дастлаб инглизлар учун бирмунча муваффақиятли бошланади ва Афғонистонни ишғол қилиш яқунлангандек кўринади. Шунинг натижасида инглиз қўмондонлари Бухоро, Қўқон ва Хивага томон бостириб киришни режалаштира бошлайдилар. Бу мақсадни амалга ошириш учун 1839 йил июль ойида Ҳиротда капитан Эллиот д'Арсид Тод бошчилигида Марказий Осиё хонликларида ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий разведка ишларини олиб боровчи бошқарма тузилади<sup>3</sup>. Бу вақтда Хива хонлиги Британия разведкаси учун бирмунча қизиқарли эди, шунинг учун Хивага Шекспир, Аббот ва Вейбер сингари агентларни жўнатади<sup>4</sup>.

1840 йил Кобул окупация қилинган пайтда Р.Берслем билан Д.Стюарт инглиз ҳуқумати топшириғи билан Хулмга, яъни тоғ доvonларидаги сўкмоқларни, уларни ошиб ўтадиган йўллари аниқлаш учун жўнайди. Бундан ташқари, Берслем шимолга, яъни Марказий Осиё хонликларига қўшинларни олиб ўтадиган йўллари шарт-шароитларини ҳам таърифлаб берган. Р.Берслем доvonлардан ошиб ўтиш ўта хатарли бўлиб, қияликлардан ва турли хил баландликлардан иборат эканлиги, баҳор фаслида артиллерия қўшинининг ҳаракатланиши имконсиз эканлигини таъкидлайди<sup>5</sup>.

XIX аср 40-йилларидан бошлаб Россия империяси Марказий Осиёга қараб фаол тарзда силжий бошлади. 1839 йилда Перовскийнинг Хивага юриши, русларнинг Бухоро амирлигига уюштирган дипломатик миссияси, Ўрта Жуз козоқларининг бўйсундирилиши ва Шарқий Қозоғистонда русларнинг ҳарбий

<sup>1</sup> I.Minayev. Information about the upper Amudarya countries. – St.Petersburg., 1879.

<sup>2</sup> <https://ru.qwe/wiki>.

<sup>3</sup> N.A.Khalfin., Y.F.Rassadina., N.V.Khannikov – orientalist and diplomat. – M., 1977.

<sup>4</sup> M.A.Terentev. Russia and England in the Central Asia. – St.Petersburg., 1875.

<sup>5</sup> I.Minayev. Information about the upper Amudarya countries. – St.Petersburg., 1879.



истехкоми қурилиши, буларнинг ҳаммаси Россиянинг Марказий Осиё минтақасига бўлган геополитик манфаатлари йўлидаги қадам эди. Буюк Британия бу ҳаракатларни хавотир билан кузатди, ҳаттоки Афғонистондаги мағлубият ҳам Британия ҳукуматининг Марказий Осиё хонликларига бўлган қизиқишини пасайтирмади. Шунинг натижасида Британия ҳукумати топшириғи билан кўплаб жосуслар Ўрта Осиё хонликларида фаолият олиб борди.

1842 йилда Британия ҳукумати Бухоро амирлигига полковник Стоддарт, Қўқон хонлигига эса капитан А.Конолли бошчилигидаги экспедицияларни жўнатади. А.Конолли Қўқонда дастлаб яхши кутиб олинади, аммо кейинчалик унга нисбатан маҳаллий ҳукумат томонидан шубҳа уйғонади ва ҳибсга олинади. Шундан сўнг, у Бухорога юборилиб, у ерда Стоддарт билан биргаликда жосусликда айбланиб қатл этилади<sup>1</sup>. Бухорода шундай қисмат бошқа инглиз жосусларининг ҳам бошига тушади, масалан Ост-Индия ходимлари Жованни Орландо, Флорс Назелли, грек Иосифлар жосусликда айбланиб, амирлик томонидан қатл этилади<sup>2</sup>.

1844-1845 йилларда Британия ҳукумати топшириғи билан Иосиф Вольф Бухорода бўлади. У маҳаллий тилларни яхши билган, шунинг учун унга маҳаллий аҳоли ва ҳукумат вакиллари билан тил топишишда қийинчиликлар юзага келмайди. Вольф фаолиятининг асосий мақсади Бухоро амирлиги томонидан Қўқон ва Шаҳрисабзга бўладиган ҳарбий ҳаракатнинг олдини олиш ва кейинчалик ушбу ҳудудлар билан бўладиган муносабатларда асосий роль ўйнайдиган фигура бўлиш эди<sup>3</sup>.

XIX асрнинг 40-йилларида капитан Феррье Помир ҳудудида жойлашган ҳукмдорларнинг истехком ва қўшини тўғрисида маълумотлар тўплаш билан шуғулланган. Унинг ёзишича, “Шибирғонда бир дона ҳарбий истехком борлигини, бу ерда 2 минг отлик аскар ва 5 минг пиёда қўшин мободро вазият тақозо қилганда, унинг сони 6 мингдан ошишини, Андхойда 1800 отлик аскар 600 пиёда, лозим бўлганда 24 соат ичида қўшин сони уч баравар кўпайишини, Ахчи эса девор билан ўралган ҳарбий истехкомга эга шаҳар, унда 200 отликка эга гарнизон ва 2 минг пиёдага етадиган қўшин, Мозори-Шарифда эса 250 нафар отлик, минг нафар пиёда қўшин, Хулмда 8 минг отлик аскар, 3 минг пиёда аскар, Сарипулда (Хулум ҳукмдори Мир Валининг куёви Маҳмудхон бошқарган мустақил феодал ҳудуд Афғонистон амири Дўстмуҳаммад даврида бўйсундирилган<sup>4</sup>) 2 минг отлик 2 минг пиёда аскар” борлигини баён қилади. Бундан ташқари, Феррье Балх Туркистоннинг кўплаб вилоятларини нон билан таъминлайдиган стратегик аҳамиятга эга шаҳар эканлигини таъкидлайди<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Kh.F.Yuldashbayeva. From the history of English colonial policy in Afghanistan and Central Asia (70-80y.20 c). – Tashkent., 1963.

<sup>2</sup> Терентьев М.А. Россия и Англия в Средней Азии. – СПб., 1875.

<sup>3</sup> Kh.F.Yuldashbayeva. From the history of English colonial policy in Afghanistan and Central Asia (70-80y.20 c). – Tashkent., 1963.

<sup>4</sup> Sir H.H.Howorth. History of the Mongols: From the 19<sup>th</sup> to the 19<sup>th</sup> century. – London., 1830. – P. 869.

<sup>5</sup> I.Minayev. Information about the upper Amudarya countries. – St.Petersburg., 1879.



Юкорида кўриб ўтганимиздек, Англиянинг турли ниқоблар остида жўнатган экспедициялари Афғонистон ва Марказий Осиёга нисбатан тожовузкорлик сиёсати билан йўғрилган эди. Шу мақсадда улар ҳар қандай баҳоналардан унумли фойдаланиб, Афғонистон ва Марказий Осиё минтақасини иқтисодий, сиёсий, ҳарбий йўналишларда синковлик билан ўрганган. Марказий Осиёда Англия ва Россиянинг сиёсати қандайдир ниқоблар остида олиб борилган бўлмасин, уни амалга ошириш учун ҳар қандай баҳоналар ишлатилган бўлса ҳам, бу сиёсат моҳиятан тожовузкор мустамлакачилик сиёсати эди<sup>1</sup>.

**Хулоса.** XIX асрнинг энг муҳим халқаро муаммоларидан бири бу “Марказий Осиё” масаласи эди. Шунинг учун бутун аср мобайнида Марказий Осиё Англия ва Россия ўртасидаги баҳсга сабаб бўлди. Оқибатда, XIX аср охирига келиб, бу икки империалистик давлатлар ўртасидаги инқироз катталаниб узоқ давом этган сиёсий можарога айланди. Асосий муаммо мустамлакачи мамлакатлар ўртасида ҳали бўлиб олинмаган ҳудудларни эгаллаб олиш учун бўлаётган кураш эди. Бу курашда XIX аср капиталистик тизим ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари кўзга ташланади. Англия ва Россиянинг ҳукмрон доиралари Марказий Осиёдаги тожовузкор ҳаракатларини оқлаш, ушбу минтақанинг маълум қисмларига ўз ҳуқуқларини асослаш учун кўплаб жиддий далилларни топадилар.

Ост-Индия компанияси Афғонистон ва Марказий Осиёнинг иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий қудратини, стратегик аҳамиятга молик йўлларни, муҳим географик нуқтада жойлашган ҳар қандай объектларни, аҳолининг ижтимоий-сиёсий қатламини тадқиқ қилиш мақсадида ўзининг вакилларини мунтазам жўнатиб турган. Юборилган ходимлар асосан маҳаллий аҳоли тилини ва уларнинг урф-одатларини яхши биладиган кишилардан иборат бўлиб, улар савдогар, дарвеш, сайёҳ, зиёратчилар ниқоби остида бу ҳудудда ҳаракат қилишган. Юборилган айғоқчилар минтақанинг энг хилват жойларигача кириб, ҳудуд жойлашувини мукамал ўрганишган ва эҳтиёткорлик билан тўпланган маълумотларни қайд этиб боришган.

Афғонистон билан урушдаги мағлубиятдан кейин инглизлар учун бу мамлакат орқали Ўрта Осиё хонлиқларига, умуман Марказий Осиёга кириш ва уни тадқиқ этиш ишлари мушкул бўлиб қолган. Бунинг устига Шарқий Туркистон орқали кириш чегаралари ҳам берк бўлиб, нафақат инглизлар учун, балки бутун европаликлар учун бир хил таъқиқ жорий этилган. Шимолдан Россия орқали кириб келиш умуман иложсиз бўлиб қолган. XIX асрнинг биринчи ярми охирида инглиз разведкаси учун Марказий Осиё ўзига хос берк ҳудудга айланиб улгурган эди.

---

<sup>1</sup> Kolesnikov A.A., Kharatashvili G.S. Russia and Afghanistan. Missions. Expeditions. Traveling (second half of the 19th - beginning of the 20th centuries). – St. Petersburg, 2011. – P. 6.



## ХОДЖИМУРАТОВА ДИЛШОДА

тадқиқотчи, ТДШУ

### Эрон таълим тизими: тарихи, ривожланиш босқичлари ва ўзига хос хусусиятлари

**Аннотация.** Ушбу мақолада муаллиф минтақада ўз ривожланиш тарихига эга бўлган Эрон давлатининг таълим тизими, унинг тарихий босқичлари ва ўзига хос жиҳатларини турли манбалар таҳлили асосида ёритиб беришга ҳаракат қилган. Муаллиф асосан хорижий манбалардан фойдаланган ҳолда Эроннинг таълим тизимида турли даврларда амалга оширилган ислоҳот ва модернизация ишларини ҳаққоний тарзда таҳлил қилишга ҳаракат қилди. Эрон давлати ҳаётида 1979 йилда содир бўлган инқилоб жуда муҳим ўрин эгаллайди. Шу сабабли мақолада таълим тизими икки даврга: инқилобга қадар ва инқилобдан кейинги ҳолатлар бўйича солиштириб ўрганилди. Натижалар турли жадваллар асосида аниқ очиб беришга ҳаракат қилинди. Таълим тизими мактабгача таълим, ўрта мактаб, профессионал мактаб ва ундан кейинги таълим босқичларига бўлинган тарзда ёритиб берилди. Ҳар бир босқичда амалга оширилган ислоҳотлар қисқа, аммо мазмунли равишда ёритиб берилди. Ислоҳотларнинг натижалари таҳлил қилинган ҳолда хулосалар ишлаб чиқилди. Эрон давлатида таълим тизимининг ўзига хос томонлари аниқланди ва Ўзбекистон шароитида ҳам улардан фойдаланиш истиқболлари кўриб чиқилди. Таълим тизимидаги гендер жараёнларига ҳам эътибор берилган ҳолда, мактабдаги иккига бўлиб ўқитиш тизимининг самарали томонлари ҳамда камчиликлари очиқланди. Мамлакатда инқилобдан кейинги ўзгаришлар, таълим тизимининг исломийлаштирилиши ва унинг таълим сифатига таъсири очиб беришга ҳаракат қилинди. Хулоса қисмида таҳлил жараёнида олинган натижалар тизимлаштирилди ва тартибланди. Ўзбекистон шароитида бу давлатнинг таълим тизимининг қайси жиҳатларини амалиётга олиш мумкинлиги таклифлари бериб ўтилди. Муаллиф мақолани ёзишда қиёсий таҳлил, статистик маълумотлардан фойдаланиш каби усуллардан фойдаланган ҳолда ўз хулосаларини ишлаб чиқиш ва далиллашга ҳаракат қилди.

**Таянч сўз ва иборалар:** Эрон ислом республикаси, таълим тизими, инқилоб, Пахлавийлар, исломлаштириш, гендер тенглиги, Нодет ташиклоти, модернизация, ислом уламолари.

**Аннотация.** В этой статье автор на основе анализа ряда источников попытался раскрыть особенности системы образования Иранского государства, которое имеет свою историю развития в регионе, свои исторические этапы и особенности. Автор попытался объективно проанализировать реформы и работу по модернизации, проводимую в разные периоды в системе образования Ирана, в основном с использованием зарубежных источников. Революция 1979 года играет очень важную роль в жизни иранского государства. Поэтому в статье сравнивается система образования за два периода: дореволюционный и постреволюционный. Была предпринята попытка выявить и показать полученные результаты на основе использования различных таблиц. Система образования была разделена на дошкольный, средний, профессионально-технический и последипломный этапы образования. Реформы, проводимые на каждом этапе, были кратко, но содер-



жательно освещены. Выводы были сделаны путем анализа результатов реформ. Были выявлены особенности системы образования в Иране и рассмотрены перспективы их использования в условиях Узбекистана. С акцентом на гендерные процессы в системе образования были выявлены сильные и слабые стороны двухуровневой школьной системы. Даны объяснения постреволюционных изменений в стране, исламизации системы образования и ее влияния на качество образования. В заключении результаты, полученные в ходе анализа, были систематизированы и отсортированы. Были высказаны предложения о том, какие аспекты системы образования Ирана могут быть реализованы на практике и в системе образования Узбекистана. При написании статьи автор стремился разработать и обосновать свои выводы, используя такие методы как сравнительный анализ и использование статистических данных.

**Опорные слова и выражения:** Исламская Республика Иран, система образования, революция, династия Пехлеви, исламизация, гендерное равенство, организация Нодет, модернизация, исламские улемы.

**Abstract.** In this article, the author, based on an analysis of a number of sources, tried to reveal the features of the education system of the Iranian state, which has its own history of development in the region, its historical stages and features. The author tried to objectively analyze the reforms and modernization work carried out at different periods in the education system of Iran, mainly using foreign sources. The 1979 revolution plays a very important role in the life of the Iranian state. Therefore, the article compares the education system for two periods: pre-revolutionary and post-revolutionary periods. An attempt was made to identify and show the results obtained using various tables. The education system was divided into preschool, secondary, vocational and postgraduate degrees. The reforms carried out at each stage were briefly, but substantively covered. Conclusions were made by analyzing the results of the reforms. The features of the education system in Iran were identified and the prospects for their use in the context of Uzbekistan were examined. With an emphasis on gender processes in the education system, the strengths and weaknesses of the two-tier school system were identified. Efforts were made to explain the post-revolutionary changes in the country, the Islamization of the education system and its impact on the quality of education. In conclusion, the results obtained as a result of the analysis were systematized and sorted. Suggestions were made about what aspects of the Iranian education system can be implemented in practice and in the education system of Uzbekistan. When writing an article, the author sought to develop and substantiate his conclusions using methods such as comparative analysis and the use of statistical data.

**Keywords and expressions:** Islamic Republic of Iran, education system, revolution, Pahlavi dynasty, Islamization, gender equality, Nodet organization, modernization, Islamic scholars (ulama).

**Кириш.** Бугунги кунда бошқа давлатларнинг таълим тизими, уларнинг тарихи ва ривожланиш босқичларини ўрганиш, ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш бир неча сабабларга кўра долзарб бўлиб қолмоқда. Масалан, Эрон давлатининг тажрибаларидан Ўзбекистон таълим тизимини ривожлантириш, мустақамлаш, кенгайтириш, хато ва камчиликларни олдини олишда фойдаланиш мумкин. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг барча босқичлари бўйича ривожлантириш ва янгиланиш даври



бошланганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бошқа давлатлар тажрибасининг таҳлили янада муҳим ҳисобланади. Эрон Яқин Шарқда кўплаб соҳаларда: тиббиёт, иқтисодиёт, ижтимоий фанлар, аниқ ва табиий фанлар, санъат ва кино соҳасида энг илғор ва тез ривожланаётган мамлакатлардан биридир. Таълим соҳасида қўлланиладиган технологиялар дунёсида доимий ҳаракат ва инновацияларни ҳисобга олган ҳолда, Эрон таълим тизимининг ҳозирги ҳолатини унинг кейинги ривожланиш имкониятларини олдиндан билиш ва таҳлил учун муҳимдир. Эрон минтақавий стандартлар бўйича саводхонлик даражаси юқори, шу давлатга ўхшаш ривожланиш даражасига эга бўлган бошқа мамлакатлар билан таққослаганда эса, жуда саводли жамиятдир. Вояга етганларнинг саводхонлик даражаси 2013 йилда 84,6 фоизни ташкил этган, бу кўрсаткич дунё бўйича 85 фоизга ва қўшни араб давлатларида 78 фоизга тенг. Сўнгги 30 йил ичида деярли барча тадқиқот соҳаларидаги халқаро санкцияларга қарамай, Эрон таълим ва тарбия туфайли ўз тараққиётида катта ютуқларга эришган давлатга мисолдир. Эронда талабалар сони 1979 йилдаги 100 мингдан 2006 йилда 2 миллионга кўтарилди.<sup>1</sup> Илмий нашрлар сонининг ўсиш суръати жиҳатидан Эрон илм-фани дунёнинг бошқа мамлакатларига қараганда тезроқ ривожланди, чунки 1996 йилда атиги 736 асар нашр этилган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 600000 га етди ва Эронда илм-фаннинг ривожланиш суръати бўйича дунё етакчиларидан бирига айланди.<sup>2</sup>

Ушбу мақола доирасида муаллиф Эрон таълим тизимининг тарихидан то бугунги кунгача бўлган ривожланиш йўлини таҳлил қилган ҳолда, унинг ўзига хос ижобий ва салбий томонлари ҳамда модернизация жараёни ва унинг натижаларини очиб беришга ҳаракат қилади.

Мақолани ёзишда қиёсий таҳлил, системалаштириш ва объективлик каби методлардан фойдаланилди. Муаллиф маълумотларни таҳлил қилишда тарихийлик, хронологик кетма-кетликка амал қилишга ҳаракат қилди.

### **XIX-XX асрлардаги Эрон таълим тизими**

Эрон тарихан жуда қадимдан ривожланган ҳудуд бўлганлиги барчамизга сир эмас. Бу ҳудудда ўз вақтида мавжуд бўлган улкан империялар таълим соҳаларининг ривожига жуда катта ҳисса қўшган. Натижада бугунги Эроннинг қадимий асосларига таъмал тошлари қўйилган. Бу давлатнинг узоқ тарихига тўхталмаган ҳолда, таҳлилни сўнги икки асрдан бошлашга қарор қилдик.

Эронни 1795 йилдан 1925 йилгача бошқарган Хожар сулоласи ушбу минтақада педагогик фикрнинг ривожланишига муҳим ҳисса қўшди. Таълимнинг замонавий модели биринчи марта Форсга XIX асрда Европа ва Америка диний институтлари томонидан олиб келинган. XX асрнинг бошларига қадар Техронда ва вилоят шаҳарларида ўнлаб хорижий мактаблар христиан миссионерлари, яҳудий филантроплари ва дунёнинг бошқа

<sup>1</sup> Masood E. Islam and Science: An Islamist revolution. Nature, 2006. vol. 444, no. 7115, pp. 22-25.

<sup>2</sup> <https://www.newscientist.com/article/dn20291-iran-is-top-of-the-world-in-science-growth/?ignore=irrelevant> (accessed: 02.04.2020)





худудларидан келган ўқитувчилар томонидан ташкил этилган. Узоқ вақт давомида чет эл мактаблари ва диний озчиликлар учун мактаблар юқори ва ўрта синфлардан бўлган минглаб форсларга сифатли таълим беришди. Аммо мамлакатда умумий таълим даражаси Европа мамлакатларидан анча орқада эди ва асосан мактаблар ва мадрасалар томонидан тақдим этилди. Мактабларнинг етишмаслиги ва давлатнинг таълим учун маблағ ажратмаслиги туфайли саводхонлик даражаси паст эди.

Хожар сулоласидан баъзи ҳукмдорлар, масалан, Носириддин ва Музафариддин, таълим тизимини ислоҳ қилишга ҳаракат қилишди. Дарҳақиқат, Носириддиннинг Эронни Европа цивилизациясига айлантиришга уринишлари руҳонийларга ишонган кўпчилик аҳолининг консерватив қарашлари туфайли муваффақиятсиз бўлди. Бироқ, унинг саъй-ҳаракатлари туфайли Техронда тарих, география, кимё, тиббиёт бўйича Европа дастурига мувофиқ дарс берадиган француз мактаби ташкил этилди. Хожар сулоласидан бўлган сўнгги ҳукмдорлар француз тилида бемалол гаплаша олишган. Улар Фарб зиёлиларининг “либерал” ва “замонавий” тафаккурига мувофиқ Эрон таълимини модернизация қилишни тақлиф қилишди.

Маълумки, Эрон таълим тизимидаги ислохотлар ва модернизация ҳақида фикр юритишдан аввал, бу даврда исломий руҳонийларнинг кучи ва таъсирини ҳам эслатиб ўтиш керак бўлади. Ислохотчилик сиёсатига қарамай, Эрон шаҳарларидан бирортаси руҳонийларга очиқ қаршилик кўрсатишга журъат эта олмаган, чунки анъанавий турмуш тарзига одатланган одамлар орасида консерватив ғоялар ҳали ҳам машҳур эди.

Ислом руҳонийларининг обрўсини тасдиқлаш ёки ислохотчи лойиҳани рад этиш аҳоли орасида давлат ҳокимиятини кучайтириш учун муҳим эди. Эронлик ёзувчи С. Хедоят буни қуйидагича изоҳлаган: “Уламоларнинг фармони шохнинг фармонидан кўра кучлироқ ҳисобланган. Агар шох уларнинг сиёсатига қарши чиқишга мажбур бўлса, одамлар монархияни ағдариб ташлар эди.”<sup>1</sup> Бу фикр ўша давр ҳолатини ва диний уламоларнинг обрўсини яққол ифода этади.

Муаллиф таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, диний уламоларнинг таъсири Эроннинг қадимдан бошланган ва ҳозирги кунга қадар давом этиб келаётган ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб қолган. Уларнинг ўрни йиллар ўтгани билан фақатгина мустаҳкамланиб, Эрон анъанавий ҳаётининг ўзига хос ҳам ижобий, баъзан салбий қисмига айланиб қолган.

Руҳонийлар интеллектуал ислохот сиёсатига қарши чиқишганига қарамай, либерал сиёсатчилар ўзларининг ҳурматли мақоми ва қудрати туфайли руҳонийлар билан мурасага келиш муҳимлигини тан олишди. Шунинг учун улар ҳатто руҳонийларни конституциявий ҳаракат сафига қўшдилар.

<sup>1</sup> Tamer Y. Basic changes in Iranian education system before and after Islamic revolution. Department of Middle East Studies, 2010, pp. 2-3.



Адабиётлар таҳлили натижаларига асосан, замонавий дунёвий таълим тизими Эронда 1920-1930 йилларда, Паҳлавийлар сулоласи (1925-1979) ҳокимиятга келганидан кейин пайдо бўлган. Бу даврда диний муассасаларнинг таъсири минималлаштирилди ва ҳукумат барча мактабларни назоратга олди. Дин билан дунёвий ишлар узоқлаштиришга ҳаракат амалга оширилди.

Ҳукмдор Риза-Шоҳ Паҳлавий (1925–1941) раҳбарлигида Эрон бирлашди, замонавий технологиялар ва саноат тезроқ ривожлана бошлади ва дунёвий жамият қуриш учун дастлабки қадамлар қўйилди. Ҳукумат диний қаршиликни бостиришга ва таълим имкониятларини кенгайтиришга ҳаракат қилди. 1927 йилда Таълим вазирлигининг бюджети икки баравар оширилди; таълим харажатлари 1926 йилдаги давлат харажатларининг 4 фоизини ташкил этган 10,4 миллион реалдан 20,8 миллион реалгача, 1941 йилга келиб эса 195 миллион реалгача кўпайтирилди. Шоҳ Муҳаммад Ризо Паҳлавий айнан унинг отаси, унинг Эрон таълим сиёсатидаги қарорларига таъсир қилганига ишонар эди. “Ризо Шоҳ Эрон таълими учун институтлар яратиш, ўқитувчилар тайёрлаш ва чет элларда малакасини оширишдан кўра кўпроқ иш қилди. У бизнинг таълим тизимимиз руҳи ва фалсафасини ўзгартирди. Ва унинг фикри ва ишончига кўра, таълим, авваламбор болаларда ватанпарварликни тарбиялаши керак эди.”<sup>1</sup>

XX асрнинг 30-йилларида Эронда таълим марказлашган эди. Бепул ва замонавий мактаб тизими яратилди, Техрон университети барпо этилди, аёллар таълими ҳам тарғиб қилинди. Ушбу даврда аёлларнинг таълим олиш имкониятлари кенгайди. Бошланғич мактабларда аёлларнинг улуши 1926/27 йилдаги ўқувчилар сонининг 21% дан 1976-77 йилларда 38% гача ва 1986/87 йилларда 44% гача ўсди. Ўрта мактабларда мос равишда 5,7% дан 35 ва 40% гача, университетларда эса деярли нолдан 28 ва 29% гача ўсди (Жадвал №1).<sup>2</sup>

	1926/27 йиллар (Паҳлавий сулоласи келиши арафасида)	1976/77 йиллар (инкилоб арафасида)	1986/87 йилларда (инкилобдан сўнг)
Бошланғич мактаблар	21%	38%	44%
Ўрта мактаблар	5,7%	35%	40%
Университетлар	0%	28%	29%

Шоҳ Муҳаммад Ризо Паҳлавий, шубҳасиз, Эронда таълим тизимини яхшилашни хоҳлаган. Бошланғич ва ўрта мактаблар сони кўпайди, ўқув

<sup>1</sup> Mohammed Reza Shah Pahlavi. Mission for My Country. London: Hutchinson & Co. Ltd., 1960, pp. 47-48.

<sup>2</sup> Reforms in Iran in the field of education, healthcare <http://biofile.ru/his/33157.html> (accessed: 06.04.2020)



дастурлари ва мактаб ўқув дастурлари тубдан модернизация қилинди. Олий таълим ҳам ўзгаришга учради - янги университетлар ташкил этилди, хусусий ва давлат коллежлари кенг тарқалди. 1972 йилда Эроннинг “Маърифат корпуси” саводсизликни йўқ қилишдаги муваффақияти туфайли ЮНЕСКО ташкилотининг Н.К. Крупская халқаро мукофотига сазовор бўлди.<sup>1</sup> Инқилоб бошлангунга қадар ҳам таълим тизимида кўплаб ижобий ўзгаришлар давом этди. Эрон модернизациясининг сўзсиз ютуғи “Оқ инқилоб”<sup>2</sup> доирасида олиб борилган таълим сиёсати эди. Бу аслида Эронга ўрта асрлардан янги асрга қадам қўйишга имкон берди.

Эрон маъмурияти “Оқ инқилоб” нинг дастлабки 10 йилида шаҳарларда тахсил олиб, Эроннинг чекка ҳудудларига аҳолини саводхон қилиш учун борган 70 мингдан ортиқ ёшлардан иборат бўлган “Билимлар армияси” билан жуда фахрланишди. Америкалик етакчи эроншунослардан бири Э. Авраамян ўз мақоласида Эрон таълим тизимининг 1953 йилдаги (шоҳ кудратга эга бўлган пайтда) ва 1977 йилда (Ислом инқилоби арафасида) қандай бўлганлиги тўғрисида қисқача маълумот бериб ўтган. Жадвал №2.

Жадвал №2. Таълимнинг ўсиши (муассасалар ва талабалар)<sup>3</sup>

	1926/27 йиллар (Пахлавий сулоласи келиши арафасида)	1976/77 йиллар (инқилоб арафасида)
Университетлар (талабалар)	4 (14500)	16 (154 315)
Техникумлар (талабалар)	36 (2538)	800 (227 507)
Юқори мактаблар (ўқувчилар)	527 (121 772)	1741 (741 000)
Ўрта мактаблар (ўқувчилар)	5956 (746 473)	23 476 (4 078 000)

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, Эрон таълим тизимида содир бўлган ўзгаришларни ҳақиқий ютуқ деб аташ мумкин. Аммо, шоҳнинг таълим тизимига модернизация ва эътибор қаратиши сабабли, сиёсий нуқтаи назардан Эронда билим олиш тизими сезиларли даражада яхшиланган бўлса ҳам, бу расмийлар учун жиддий муаммолар туғдирди: талабалар (шунинг-

<sup>1</sup> Reforms in Iran in the field of education, healthcare <http://biofile.ru/his/33157.html> (accessed: 06.04.2020)

<sup>2</sup> Пахлавий ҳукмдорларнинг турли соҳалардаги дунёвий модернизация ислохотлари тарихда “Оқ инқилоб” номи билан қолган

<sup>3</sup> Abrahamian E. Structural Causes of the Iranian Revolution. MERIP Reports, 1980, no. 87, pp. 21–22.



дек, университетларни битирган ёш мутахассислар) шохни ағдаришда фаол рол ўйнади. Талабалар ва аҳоли зиёли қисмининг Эронда монархияни ағдаришдаги иштироки ислом уламоларининг иштирокидан кам эмас эди.

Бизнинг фикримизча, Эрон таълим тизимининг модернизация йўли жуда ҳам ибратли ҳисобланиб, амалга оширилган ишлар ва йўл қўйилган камчиликларни яққол кўрсатиб беради. Уларни ўрганиш орқали бугунги кунда Ўзбекистонда бошланган ислохотларни баҳолаш мумкин бўлади.

### **Инқилобнинг Эрон таълим тизимига таъсири.**

Эрон Ислом Республикасида таълим тизимининг шаклланиш тарихини икки босқичга бўлиш мумкин: инқилобдан 1988 йил Эрон ва Ироқ ўртасидаги урушнинг охиригача (инқилобий давр), Ислом мафқураси устун бўлган ва кейинги шаклланиш даври.

Тузумнинг дунёвий ва теократик тузумга ўзгариши Эронда таълим тизимини сезиларли даражада тиклади. Ризо Шох унинг ўғли шох Муҳаммад Ризо Паҳлавий эълон қилган таълимни модернизация қилишдан фарқли ўларок, Хумайний таълимни Ғарб таъсиридан “тозалаш” ни бошлади. Бу даврни аввалги модернизация даврига қарши модернизация ҳолати сифатида кўрса бўлади. Чунки инқилобдан аввалги кўплаб ўзгаришлар йўққа чиқарила бошлади.

1979 йилги инқилобдан кейин энг муҳим ўзгариш таълим тизимини “исломлаштириш” эди. Болалар учун алоҳида таълим жорий этилди. 1980 йилда таълимда “Ислом кадриятлари институтини назорат қилиш” бўйича қўмита ташкил этилди. Исломий тамойилларга асосланган ўқув материаллари инқилобдан кейин олти ой ичида бошланғич мактабга киритилди. Исломлаштириш бошланганидан бери ҳукумат Ғарбдан маданий ва маънавий мустақиллик истаги ҳамда Ғарб билан рақобатда замонавий миллат сифатида муваффақият қозониш истаги ўртасида мувозанатни сақлашга уринди.

Инқилоб етакчилари буни “маданий ва мафқуравий инқилоб”, “кадриятлар инқилоби” деб аташди, ҳаётнинг дунёвий ва ғарбий томонларини янги ва мустақил диний ва сиёсий тартиб билан алмаштиришга қаратилди. Таълим ушбу идеалга эришишнинг асосий воситаларидан бири сифатида қаралди. Шундай қилиб, мақсад исломий ва инқилобий кадриятларга эга бўлган янги мусулмон одамни яратиш эди.

Аммо шунга қарамай таълим ишлари давом этди. Аҳолининг турли гуруҳлари ва минтақалар учун тенг таълим имкониятларини таъминлаш мақсадида ҳукумат 1970-йилларнинг ўрталарида бепул таълим, шунингдек бошланғич мактаб ўқувчилари учун бепул овқатланиш тартибини ўрнатди. Натижада, давлатнинг таълимга сарфлаган умумий ҳаражатлари 1970 йилдаги 23 миллиард риалдан 1976 йилда 260 миллиард риалгача кўтарилди. Инқилобдан кейинги даврда статистика ўсишда давом этди ва 1990 йилдаги умумий ҳаражатларнинг 22,4% ни ташкил этди, шу билан бирга, ялпи ички маҳсулотнинг улуши 4,1% гача тушди.



Инқилоб Эронда мактабгача таълимнинг ривожланишига тўсқинлик қилди. Маъмурлар ёш болаларни уйда ўқитишга ёрдам беришди ва бир нечта давлат болалар боғчалари ёпилди. Ўқитувчиларни ўқитиш марказлари ҳам ёпилди ва хусусий болалар боғчалари бу ишни давом эттириш учун курашишга мажбур бўлди. Диний назорат ва диний дарслар жорий этилди, ўқув дастурига Қуроннинг қисқа боблари киритилди. Бироқ, бу ҳолат қисқа муддатли эди. Ўшандан бери диний назорат ва ўқитиш қайта тикланди. Болалар боғчалари сони ҳам кўпайди. Аммо амалга оширилган турли ўзгаришлар аҳолининг таълим даражаси пасайишига олиб келди.

1986 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра, уч ёшдан олти ёшгача бўлган мактабгача ёшдаги болаларнинг 2 фоиздан камроғи болалар боғчаларида бўлган. Бу жуда ачинарли аҳвол эди. Бироқ, муаммо аста-секин йўқола бошлади. 1992 йилда 14% га яқин (252,000 киши) тайёргарлик курсини тугатган. Янги ўқув дастури 1989 йилда қабул қилинган ва 1992 йилдан бошлаб қисман бошланғич мактабларда амалга оширилмоқда. Агар у тўлиқ амалга оширилса, беш ёшдан етти ёшгача бўлган тайёргарлик дастуридаги барча болалар мактабгача таълим муассасаларига қабул қилинади. Мактабгача дастурларга эътиборнинг сустиги кейинги ўрта таълим даражасида болаларнинг ўзлаштириш даражаси секин боришига таъсир қилади. Бундай ҳолат Ўзбекистонда ҳам қисман кузатилди. Боғча ёшидаги болаларнинг қамрови пастлиги, ўрта мактабда уларнинг секин ўсишига сабаб бўлди. Аммо ҳозирги кунда бу йўналишда анча ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

**Ўрта таълимдаги ўзгаришлар.** Инқилобдан кейин янги ҳукумат ўқув дастурини ўзгартириш учун баъзи чораларни кўрди. Аввало, мактабнинг ўқув дастури ва дарсликлари ўзгартирилди. Асосий эътибор диний мавзуларга қаратилди. Масалан, мактабларда араб тилини ўрганиш, шунингдек, Қуръонни ўрганиш қайта бошланди.

Диний таълимга бағишланган ўқув вақти (расмий ва амалий)<sup>1</sup>

	Инқилобга қадар (1975)	Инқилобдан кейинги ҳолатлар (расмий) (2005)	Инқилобдан кейин (амалда) (2005)
Бошланғич синф	7%	17%	24%
Ўрта синфларда	5,5%	11%	26%
Умумий	6,4%	12,7%	25%

Ушбу жадвал Ислом инқилобидан кейин мактабларда диний таълимнинг ўсишини кўрсатмоқда, аммо бошқа фанларда (форс, араб, тарих, адабиёт,

<sup>1</sup> Paivandi S. The Future of Iran. Legatum Insitute, 2012. P. 4.



социология ва бошқалар) мавжуд бўлган диний мавзулар ҳисобга олинмайди. Ислоом билан боғлиқ мавзулар нафақат диний мавзуларда, балки кўплаб гуманитар ва ҳатто техник мавзуларда ҳам, метафора ва оддий матн шаклида кузатилиши мумкин. Шунини ҳисобга олган ҳолда, Эрон мактабларида диний таълим даражасини янада юқори кўрсаткичларда олишимиз мумкин.

Дарҳақиқат, Эронда инқилобдан кейинги таълимнинг яна бир муҳим муаммоси мактабларда дарсликларнинг ўзгариши бўлди. Эрон дарсликларининг таҳлили шунини кўрсатадики, диний мавзулар дарсликларнинг 38 фоизига кўтарилади. Эрон дарсликларидаги расмларни таҳлил қилиб, С.Пайванди уларнинг аксарияти XX асрнинг сиёсий ва диний арбобларига тегишли эканлигини аниқлади. Ислоом анъаналарига кўра, пайғамбар ва имомларнинг суратларини тасвирлаш тақиқланган, аммо авлиёларнинг суратлари дарсликларда учраб туради. Дарсликларда ҳарбий мавзулар ва ўзларини қурбон қилган “Ислоом шаҳидлари” га ҳам катта эътибор қаратилган. Бу расмларнинг аксарият қисми Эрон-Ироқ уруши даврида ҳалок бўлган “шаҳид”ларга тегишли фотосуратлардир. Тасвирларнинг ишлатилиши ўқувчиларда ватанпарварлик руҳини кучайтиришга қаратилган ҳисобланади.

Таҳлилимиз натижалари яна шунини кўрсатмоқдаки, мамлакатнинг шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг зиёилик даражаси, шунингдек, мамлакатнинг турли минтақалари ўртасида ҳам фарқлар мавжуд. Бугунги кунда ушбу тафовутлар қишлоқ жойларида маълумот олиш имкониятларининг кенгайиши ва малакали кадрлар тайёрлаш бўйича ўқув марказларининг ташкил этилиши туфайли аста-секинлик билан йўқ қилинмоқда.

**Ўрта-маҳсул таълимдаги ўзгаришлар.** Тарихдан маълумки, Совет Иттифоқи Эронга касб-ҳунар техник тайёргарлигини ташкил этишда катта ёрдам кўрсатди. Эроннинг мураккаб ва янги саноатида: металлургия, машинасозлик, кончилик ва бошқа ихтисосликларда касб-ҳунар мактабларини яратди. Ҳаммаси бўлиб, Совет Иттифоқи ёрдамида малакали ишчилар ва техникларни тайёрлаш бўйича ўндан ортиқ ўқув марказлари ташкил этилган. Мазкур ҳолат Эрон давлатида техник фанларнинг ривожланишига асос бўлиб хизмат қилган. Ҳозирги кунда ҳам Россия Федерацияси турли соҳаларда Эрон билан ҳамкорликда давом этмоқда.

Эронда 1976 йилдан бери “Истеъдодларни Ривожлантириш Миллий Ташкилоти” (НОДЕТ) мавжуд бўлиб, унга Эроннинг ўнлаб мактаблари киради. Ушбу дастур иқтидорли талабаларни ривожлантириш учун мўлжалланган бўлиб, мамлакатнинг “олтин авлоди”ни бир жойга тўплашга имкон берди.

НОДЕТ мактабларига кириш танлов ва умумдавлат кириш имтиҳонларига асосланади. Ҳар йили минглаб ўқувчилар мактабларга қабул қилиш учун ариза беришади, улардан 1% дан камроғи мамлакатдаги 99 та ўрта мактаб ва 98 та олий мактаб учун танлаб олинади. Талабалар кириш учун фақат иккита имкониятга эга. Биринчи имконият, улар 5-синф бошланғич мактабида бўлганида, иккинчи имконият эса 9-синфда. Агар талаба 5-



синфда ўқиётган бўлса, у 9-синфда яна мактабда ўқишни давом эттириш ҳукукига эга бўлишини таъминлаш учун яна имтиҳон топширади. Ҳар бир кириш имтиҳони иштирокчиларнинг билимларинигина эмас, балки уларнинг заковати ва истеъдодини ўлчаш учун ишлаб чиқилган иккита тестдан иборат. Талабалар рақобатбардош деб топилса, улар биринчи синовдан ўтади, натижада улар иккинчи тестдан ўтишга рухсат берилади.


Кириш имтиҳонида қатнашиш учун барча иштирокчилар камида 20 балл олишлари керак (20тадан). 2006 йилда 56 шаҳардан 87,081 ўғил ва 83,596 қиз қабул қилинди. Статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, НОДЕТ битирувчилари одатда олий маълумотни аспирантура даражасида тугатадилар. Яъни улар жуда ҳам иқтидорли ёшларни танлаб, келажакда етук мутахассис бўлиб етишишига замин яратиб бера олган. Бу томондан Ўзбекистон таълим тизими учун ҳам фойдали жиҳатларни олиш мумкин.

#### Таълимда гендер тенглиги.

Эронда ўғил ва қизлар мактаб даврида алоҳида ўқиётганларига қарамай, дастурлардаги фарқ 14 ёшга тўлганда пайдо бўлади. Бу фарқ фанларни ўқитишга тааллуқли эмас. Масалан қизлар кундалик кўникмаларни ўрганишда давом этади: бичиш ва тикиш, овқат пишириш, болаларни парвариш қилиш каби қобилиятларини ривожлантириб борадилар. Ўғил болалар эса технология, электроника ва бошқа ҳар бир эркак учун фойдали фанларнинг асосларини ўргана бошлайдилар. Ўрта мактаб даврида ўғил болалар иш жойида ҳафтада бир кун ишлайди. Масалан, мактаб маъмурияти уларни шартнома асосида тузилган махсус заводга юборади ва йил охирида корхона раҳбари болага иш учун белги қўяди. Ўсмирлар бу иш учун пул олмайдилар, балки уларнинг ота-оналари ўғлининг нуфузли корхонада ишлаши учун пул тўлашлари мумкин. Ушбу амалиётнинг мақсади – болани мактабни битирмасдан олдин камида битта мутахассисликни эгаллаши, амалий кўникмаларга эга бўлиши ва жамиятда мустақил ҳаётга тайёр бўлишидир.

Ушбу амалиётни Ўзбекистон шароитида ҳам амалиётга жорий қилишни ўрганса бўлади, чунки бу ёшларга нафақат назарий, балки амалий кўникмаларни ўрганиб боришига қўл келади.

Қуйидаги диаграммада 1975 йилдан 2015 йилгача 15 ёшгача бўлган эркаклар ва аёллар ўртасидаги саводхонликнинг ўсиш чизиғи кўрсатилган. Кўриниб турибдики, Эрон эркаклар ва аёллар ўртасидаги саводхонлик даражасидаги тафовутни баргараф





этишга муваффақ бўлди. Келажакда Эронда эркаклар ва аёллар тенг даражада саводли бўлишлари аниқ. Бугунги кунда, 15-24 ёшдаги болаларнинг саводхонлик даражаси 98 фоизни ташкил этади (2015). Бу жуда яхши кўрсаткич.

Сўнгги йигирма йил ичида Ислом Республикаси ҳақиқий минтақавий ва глобал марказга даъво қиладиган мамлакатлар учун, дунёни ва инсон ҳаётини яхшилашга бағишланган ўзининг ижтимоий-мафкуравий лойиҳаларини ишлаб чиқди ва тадбиқ эта бошлади.<sup>1</sup> Бу лойиҳалар қаторида таълим тизими ҳам жой олган.

**Хулоса.** Таҳлил натижасида муаллиф бир нечта якуний хулосаларга келди. Ўрганилаётган давр мобайнида Эрон давлатидаги мактаб ўқув дастури ўқувчиларга дунё миқёсида фикр юритиш ва алтернатив қарашларни ривожлантириш учун рағбатлантирмайди. Таълимни стандартлаштириш болаларнинг дунёқарашини кенгайтириш ва ижодий таркибий қисмни шакллантиришга ёрдам бермайди. Эронда барча талабалар, минтақадан қатъи назар, битта дарсликдан сабоқ олишади, аммо Эроннинг марказий қисми ва вилоятлар орасидаги тафовут сезиларли даражада. Мактабларда ижодий фанларга (расм, хаттотлик,) катта эътибор берилмайди ва улар асосий курсга қўшимча сифатида қаралади. Аёлларни истиқболли техник мутахассисликларга қабул қилишдан қўрқиш нафақат аёлларнинг, балки бутун давлатнинг имкониятларини чеклайди, чунки бу малакали кадрлар этишмаслигини келтириб чиқаради.

Шу билан бир қаторда амалга оширилаётган ўзгаришлар ҳам катта аҳамиятга эга. Жумладан ҳозирги кундаги ислохотлар авваллари кузатилган гендер тенгсизлиги олдини олишга ва аёлларни ҳам барча соҳаларда рағбатлантиришга қаратилгандир. Таълимда ҳам аста-секин бўлса ҳам дунёвий фанларнинг кўпайиши, хорижий мутахассисларнинг жалб этилиши, талабаларни мамлакатдан ташқарига ўқишга жўнатиш каби ижобий тенденциялар кўзга ташланмоқда. Айниқса аниқ ва табиий фанлар бўйича Эрон минтақада юқори ўринларда бормоқда. Мамлакат кўп йиллар давомида иқтисодий санкциялар остида яшашга мажбур бўлаётганини ҳисобга олмаса, мамлакат иқтисодиёти ўнгланиш даврида.

Ўзбекистон таълим тизими учун ҳам Эрон таълим ислохотларининг баъзиларини, жумладан: ўқувчи қизларга мактабда қўшимча кундалик ҳаёт учун зарур фанларни ўргатиш, ўғил болалар учун эса меҳнат дарсларига урғу беришни ўзлаштира болади. Шу қаторда, мактаб ўқувчиларининг турли корхона ва ишлаб чиқариш бирлашмаларига иш ўрганиш мақсадидаги амалиёти ҳам жуда фойдалидир. Ўзга давлатларнинг тажрибалари ва ютуқлари, камчилик ва хатоларини таҳлил қилиш ҳамда чуқур ўрганиш, мамлакатимизнинг келажакдаги тараққиёти учун долзарбдир.

<sup>1</sup> Tazmini Gh. Khatami's Iran: The Islamic Republic and the Turbulent Path to Reform. London: Tauris Academic Studies, 2009. 256 p.





## ҚОРАБОЕВ МУРОДЖОН

тадқиқотчи, ТДШУ

### “Саҳойиф ул-ахбор”: ўрта асрлар тарихи бўйича муҳим манбаа

**Аннотация.** Ушбу мақола Мунажжжимбоши Дарвеш Аҳмаднинг инсоният ибтидосидан тортиб, ўрта асрлар мусулмон ва туркий сулолаларнинг мухтасар тарихи бўйича баён қилинган “Саҳойиф ул-ахбор” асарининг илмий таҳлилига бағишланган. Тадқиқотда асар борасидаги ўша ва ҳозирги давр адабиёт ва манбааларнинг таҳлили ҳамда асарнинг илмий-амалий аҳамиятини кўрсатиши асосий мақсад қилиб олинган.

Шунингдек, ўрта асрлар тарихини ёритишида асарнинг қай даражада ўрин эгаллаши ва асарда келтирилган воқеа-ҳодисаларнинг муфассаллиги ва тадрижийлигини баҳолаш асосий вазифа қилиб белгиланди.

Асарни ўрганишида тарихий-қийёсий таҳлил, тарихий-хронологик нуқтаи-назардан тадқиқ қилиши усулларида фойдаланилди.

Инсоният тарихининг илк даврдан ўрта асрлар даврига қадар бўлган тарихни ёритиши орқали Яқин ва Ўрта Шарқ, Марказий Осиё минтақасида ҳужм сурган араб ва туркий сулолаларнинг давлатчилик тарихини қамраб олиши, асар қадрини ва баҳосини оширади.

Асарнинг қийматидан келиб чиқадиган бўлсак, унинг юртимиз сарҳадларида ҳужм сурган сулолаларнинг давлатчилик тарихига оид қисми ўрганилмаганлиги ва фақатгина Муҳаммад Юсуф Баёний таржима қилган Хоразм тарихига оид қисмларининг мавжудлиги, шунга доир бошқа фикр-мулоҳазаларни умумлаштирувчи тадқиқот иши олиб борилмаганлигини кўрсатмоқда. Асарнинг ўрганилганлик даражасига қараганда, аксар таҳлилий ишлар Туркияда амалга оширилганлигини кўрсатмоқда. Шу каби омилларни ҳисобга олиб, юртимизда ҳам ушбу асар юзасидан тадқиқот ишларини олиб борилишига рағбат кўрсатиши керак деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, ушбу асар нафақат Одам Атодан бошлаб Усмонли турклар сулоласининг вакили Маҳмуд IV давригача бўлган воқеаларни баён этиши, балки юртимиз ҳудуди тарихига оид тарихий манбаа сифатида хизмат қилиши мумкин.

**Таянч сўз ва иборалар:** “Саҳойиф ул-ахбор”, Мунажжжимбоши Дарвеш Аҳмад, Муҳаммад Юсуф Баёний, “Жомеъ уд-дувал”.

**Аннотация.** Данная статья посвящена научному анализу работы Мунаджжимбаши Дарвиша Ахмада “Сахаифа уль-Ахбара”, которая повествует о краткой истории от зарождения человечества до средневековья мусульманских и тюркских династий. Основная цель исследования – проанализировать литературу и источники творчества того времени и наших дней, а также показать научную и практическую значимость научной работы.

Также главной задачей было оценить роль источника в освещении средневековой истории, оценить детализацию и последовательность событий в этой исторической работе.

В исследовании использованы историко-сравнительный анализ, методы исследования с историко-хронологической точки зрения.

Охватывая историю начального периода человечества и до Средневековья, работа охватывает историю государственности арабских и тюркских династий,



правивших на Ближнем Востоке и в Центральной Азии, что повышает ценность произведения.

Судя по значимости произведения, часть связанная с историей государственности династий, правивших на территориях нашей страны, не изучена, были изучены только части истории Хорезма, переведенные Мухаммадом Юсуфом Баяни, и видно, что не проводилось никаких исследований для обобщения других мнений по этому вопросу. Изученность работы показывает что, большая часть аналитической работы по данной теме была сделана только в Турции. Принимая во внимание такие факторы, автор считает, что в нашей стране необходимо поощрять исследования по этой работе.

Словом, это научная работа может не только описывать события от Адама до правления Махмуда IV, представителя османской тюркской династии, но и служить историческим источником по истории нашей страны.

**Опорные слова и выражения:** “Сахойиф ул-ахбар”, Мунаджимбашы Дервеш Ахмед, Мухаммад Юсуф Баяни, “Джамеъ уд-дувал”.

**Abstract.** This article is devoted to the scientific analysis of the work of Munajimbashi Darwish Ahmad "Sahaif ul-Akhbar", which tells a short history from the origin of mankind to the Middle Ages of Muslim and Turkic dynasties. The main goal of the study is to analyze the literature and sources of creativity of that time and today, as well as to show the scientific and practical significance of scientific work.

Also, the main task was to assess the role of the source in illuminating medieval history, to assess the detail and sequence of events in this historical work.

In the study of the study, historical-comparative analysis, research methods from a historical-chronological point of view were used.

Covering the history of the early period of mankind and up to the Middle Ages, the work covers the history of the statehood of the Arab and Turkic dynasties that ruled the Middle East and Central Asia, which increases the value and value of the work.

Judging by the value of the work, the part associated with the history of the statehood of the dynasties that ruled in the territories of our country has not been studied. Only parts of the history of Khorezm, translated by Muhammad Yusuf Bayani, have been studied, and it can be seen that no research has been carried out to summarize other opinions on this issue. The study of the work shows that most of the analytical work on this topic was done only in Turkey. Taking into account such factors, we believe that research on this work should be encouraged in our country.

In a word, this scientific work can not only describe events from Adam to the reign of Mahmud IV, a representative of the Ottoman Turkic dynasty, but also serve as a historical source on the history of our country.

**Keywords and expressions:** “Sahoyif ul-akhbar”, Munajimbashy Dervesh Ahmed, Mohammed Yusuf Bayani, “Jame ud-duval”.

**Кириш.** Сўнгги йилларда тарихимизнинг мавҳум ва очилмаган жиҳатларини ўрганиш, мавжуд манбаалар ҳамда янги топилган қўлёзмалар асосида тадқиқот олиб бориш масаласи давлатимизнинг илм-фан сиёсатида устувор масала даражасигача олиб чиқилмоқда. Биз тадқиқот учун танлаб олган



“Саҳойиф ул-ахбор” асари ҳам ўз даражасига кўра биз назарда тутган манбаалардан ҳисобланади.

“Саҳойиф ул-ахбор” асар муаллифи Мунажжимбоши Дарвеш Аҳмад (туркча: Müneccimbaşı, Ahmed Dede<sup>1</sup>) асарда Одам Атодан бошлаб Усмонли турклар сулоласининг вакили Маҳмуд IV ҳукмронлиги сўнгги давригача бўлган воқеалар кетма-кетлигини баён этади. Дарвеш Аҳмад султон Маҳмуд IV даврида ўзининг ахлоқи, одоби ва зукколиги учун “Мунажжимбоши” лавозимини эгаллайди. Айнан эгаллаган лавозими унга тахаллус бўлиб қолади. Унинг султон саройидаги фаолияти Султон Сулаймон II тахтга чиққач, узилади. У султон томонидан Мисрга сургун қилинади. Кейинчалик Дарвеш Аҳмад Макка ва Мадина шаҳарларига кўчиб ўтган ва айнан кўплаб асарларини Қоҳира, Мадина ва Макка шаҳарларида мусофирчиликда битган.

Дарвеш Аҳмад айнан “Саҳойиф ул-ахбор” асарини Макка шаҳрида ёзишга киришган. Асар араб тилида ёзилган бўлиб, дунёнинг бир қанча тилларига таржима қилинган шу жумладан, турк, форс, инглиз, немис тилларига ҳам. “Саҳойиф ул-ахбор” асари Султон Аҳмад III даврида турк тилига шоир Надим томонидан таржима қилинган. Бу таржима 1867 йилда уч жилдда нашр қилинган ва ҳозирда Истанбулда қўлёзма фондида сақланади. “Саҳойиф ул-ахбор” асари бизнинг минтақада илк бор 1901 йилда Хива хонлиги тарихчиси Муҳаммад Юсуф Баёний томонидан эски ўзбек ёзувига таржима қилинган. Ҳозирги кунда бу асар Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида ва Хивадаги Маъмун академияси таркибидаги қўлёзмалар фондида сақланади.

“Саҳойиф ул-ахбор” асарининг ҳозирги замонавий даврда ўрганилишига келсак, бир қанча туркиялик тадқиқотчилар асарнинг турли қисмларига мурожаат қилганликларини кўришимиз мумкин. Мисол учун<sup>2</sup>, Аҳмад Ағирикча (Ahmet Ağırakça), Нури Унлу (Nuri Ünlü), Ўмер Теллиоғлу (Ömer Tellioglu), Мелис Кескин (Melis Keskin) ва Шейма Нур Темел (Şeyma Nur Temel) каби муаллифларни келтириш мумкин. Инглизчага илк кез 1954 йилда В.Минорский араб тилидан амалга оширганлигини кўришимиз мумкин. Покистонлик олим С.А.Ҳасан асарнинг Буюк Салжуқийлар қисмини инглизчага ўгириб, Кембриж университетида докторликни ҳимоя қилган.

<sup>1</sup> <https://islamansiklopedisi.org.tr/munecimbasi-ahmed-dede>

<sup>2</sup> Ahmet Ağırakça (1983). Müneccimbaşı Ahmed Dede'nin Cami'ü'd-Düvel adlı eserinin Osmanlı Devleti'nin başlangıcından Fatih'in vefatına kadarki kısmının tenkidli metin nesri; Nuri Ünlü (1990). Cami'ü'd - Düvel (II. Bayezid ve Yavuz Sultan Selim Devri) müellif Müneccimbaşı Ahmet Dede: Tenkidli metin neşri; Ömer Tellioglu (1994). Müneccimbaşı Ahmed B. Lütfullah'ın Cami'ü'd-Düvel'inden Hamdaniler kısmının metin neşri ve tercümesi; Melis Keskin (2015). Müneccimbaşı Ahmed B. Lütfullah'ın Sahâifü'l-Ahbârın'dan Moğollar kısmının günümüz harflerine aktarılması ve değerlendirilmesi; Şeyma Nur Temel (2017). Müneccimbaşı Ahmed Dede'nin Cami'ü'd-Düvel adlı eserinde Osmanlı hanedanı'nın meşruiyeti.

<https://tezarşivi.com/ara?t=Camiu%27d+-+D%C3%BCvel+;>

<https://tez.yok.gov.tr/UlusalTezMerkezi/tezSorguSonucYeni.jsp>



Асарнинг Марказий Осиё минтақасида ҳукм сурган сулолалар борасидаги қисми биз учун аҳамиятли бўлиб, уни таржима ва тадқиқ қилиш муҳим саналади. Чунки, асар ўн еттинчи асрнинг тарихий манбаси сифатида тарихчи олимлар ва тадқиқотчилар томонидан эътироф этилган.



*Мунажжжимбоши Дарвеш Аҳмаднинг “Жомеъ уд-дувал” асарига ўз қўли билан ёзган икки саҳифаси. Нуриусмонийя кутубхонаси.*

**Мақсад ва вазифа.** Бизга қадар ҳам Дарвеш Аҳмаднинг “Саҳойиф ул-ахбор” асари маълум бир қисмлари ўрганилганлиги юқорида айтиб ўтилди. Бизнинг асосий мақсадимиз эса асарнинг изланишлар олиб борилмаган бошқа қисмларини тадқиқ қилишни назарда тутати.

“Саҳойиф ул-ахбор” асари асл нусхалари таржима қилиш ва тадқиқот олиб бориш, асарнинг объективлиги бошқа манбаларга қиёсий таққослаш усуллари асосида асар устида изланишлар олиб бориш масаласи тарихчи олимлар олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади.

Белгиланган мақсад ва вазифаларни аниқ бир режа асосида амалга ошириш ва асарнинг форс, турк ва бошқа тилдаги нусхаларини ҳам



таққослаш ва тарихий фактлар, воқеа-ҳодисаларнинг кетма-кетлигини, кесиб олиб ташланган қисмларини назардан қочирмасликни ҳам талаб этади.

Асар аксар тадқиқотчилар орасида “Жами уд-Дувал” номи билан машҳур. Туркияда эса “Мунажжимбоши тарихи” номи билан асар изоҳланса, бошқа тадқиқотчилар асар муаллифи ўз асарини “Саҳойиф ул ахбор фи воқеил-асар” дея номлаганини айтишади<sup>1</sup>. Асарнинг Туркиядаги Тўпқопи сарой музейидаги нусхаси “Жами уд-дувал” номи остида сақланмоқда. Шундан келиб чиқадики, асарнинг арабча нусхаси “Жами уд-дувал”, туркча нусхаси Саҳойиф ул-ахбор номи билан ном чиқарган. Манбаларга кўра асар вазир Кара Мустафа Пошо буйруғига кўра ёзилган. Асарнинг расмий давр чегараси 1670 йилгача бўлган воқеа-ҳодисаларни ташкил этади.

Асар муаллифи кириш сўзида тарихни ўрганишдан мақсад ва вазифаларини келтириб ўтади. Муаллиф тарих илмига таъриф бериш асносида ўз фикрлари билан ўртоқлашади. Ўрта асрлар мусулмон муаллифлари тарихшунослик анъанасига кўра, асар Пайғамбарлар тарихи билан бошланади.

**Усуллар.** Ушбу илмий мақолани ёзишда тарихийлик ва объективлик, илмий таҳлил тамойиллари, тарихий-қиёсий ва тарихийлик-хронологик методлардан фойдаланган ҳолда нуктаи-назарлар баён этилган.

**Натижа ва мулоҳаза.** Ўрта асрларда Усмонли турк дунёси илм-фан ривожига ўзининг тарихий асарлари билан из қолдирган Мунажжимбоши Дарвеш Аҳмад ўз даврига мос тарзда қомусий олим бўлиб, тарих илмидан ташқари тиб, мантиқ, мусиқа, астрономия, ахлоқ ва дин илми соҳаларида ижод қилган ҳамда бир неча асарларни мерос қолдирган. Лекин унинг тарихий асарлари билан шарқда танилганлигини бизга маълум. Айниқса унинг араб тилида ёзилган Саҳойиф ул-ахбор асари машҳур бўлиб, баъзи манбааларда “Жомеъ уд-дувал” деб ҳам аталади. “Мунажжимбоши тарихи” номи билан ҳам танилган. Бизгача етиб келган Дарвеш Аҳмаднинг йигирмадан ортиқ асарлари ичида айнан шу асар энг муҳими саналади. Замонавий давр тарихчилари Дарвеш Аҳмаднинг бу асарини ўн еттинчи асрда ёзилган энг муҳим тарих соҳасига оид асар сифатида қабул қилишади<sup>2</sup>. Анъанага кўра, Дарвеш Аҳмад асар мазмунини инсонни яралиши, Одам Ато ва унинг авлодлари яшаган даврлардаги машҳур афсонавий воқеа-ҳодисаларни ёритишдан бошлайди. Асардаги воқеа-ҳодисалар усмоний турк султони Маҳмуд IV даври билан якунланади.

Асарнинг аҳамияти шундаки, унда нафақат усмоний ҳукмдорлар ҳаёти ва фаолияти, сиёсати, балки ундан олдинги давр мусулмон сулолаларнинг тарихи мухтасар баён этилганлиги билан аҳамиятлидир.

<sup>1</sup> <https://islamansiklopedisi.org.tr/muneccimbasi-ahmed-dede>

<sup>2</sup> A.Zeki Velidi Toğan, Tarihte Usul, sh. 219 (İstanbul, 1969), Nihal Atsız Münaccimbaşı, Şeyh Ahmed Dede Efendi, hayatı ve eserleri, sh.4 (İstanbul, 1940), Tayyib Gökbilgin, İslam Ansiklopedisi Münaccimbaşı maddesi, Mükrimin Halil Yinanç ise, Türkiye tarihi, Selçuklular Devri (İstanbul, 1944) adlı eserinde, Münaccimbaşı en büyük tarihçimiz' diye bahseder.



Ушбу асар усмонли давлат илм-фан доирасида турк тилига таржима қилингандан сўнг унга бўлган эътибор сусайган бўлса, кейинчалик тарихчи Ҳаммер томонидан ўн тўққизинчи асрнинг бошларида ўз асарида эслатиб ўтади. Ҳаммер ўз асарида Саҳойиф ул-ахбор асарини асосий манба сифатида олдинга қўйган<sup>1</sup>.

Шоир Надимнинг туркча таржимаси шу кунларгача фойдаланиб келинди. Баъзи тарихчилар асарни туркчага ўгиришда баъзи бир хатоликлар борлигини таъкидлашади<sup>2</sup>. Тарихчи олим Ҳасан Фаҳмий Тургал Саҳойиф ул-ахбор асарини Анадўли салжукларига тааллуқли қисмини таржима қилиб, “Анадўли Салжуклари Мунажжимбошига кўра” номи билан 1935 йилда Истанбулда нашр қилдириди. Бироз муддат сўнгра асарнинг Қорахонийлар сулоласига тегишли қисми Нежати Лўгал тарафидан “Мунажжимбоши Шайх Аҳмад Дарвеш Афандининг Саҳойиф ул-ахбор фи Вақоил-Асар ёхуд Жами уд-Дувал номли асаридан: Қорахонлилар қисми” номи билан турк тилига таржима қилиниб, Ниҳол Отсизнинг Мунажжимбоши ҳаёти ва асарларига доир кириш сўзлари билан нашр этилди<sup>3</sup>. Ундан сўнг Саҳойиф ул-ахбор асари устида бирон бир илмий иш қилинмади. Таржимасида камчиликлар бор дея айтилгандан сўнг тадқиқотчи Исмоил Эрунсал Усманий турклар даврига оид қисми<sup>4</sup>ни таржима қилиб, икки жилдда нашр эттирган.

**Хулоса.** Ўрта асрлар тарихшунослиги анъаналаридан фарқли тарзда Дарвеш Аҳмад асари бўлмиш Саҳойиф ул-ахбор ҳукмдор буюртмасига кўра ёзилмаган. Биламизки, ҳукмдорларни сулолавий тарихини ёзиш сарой тарихчиси ёки, бирон бир таниқли тарихчига юклатилган. Дарвеш Аҳмад эса, бевосита султон саройи кутубхонасидан фойдаланиш имконияти бўлганлиги, эгаллаган лавозими ва мавқеи, ўз кўзи билан гувоҳ бўлган тарихий хотиралари асосида асар мазмунини такомиллига етказа олган.

Дарвеш Аҳмад ўз асарида баъзи нуқталарида хронологик тартибга бўйсунмаган. Баъзи жойлари аралаш ҳолатда ҳам келган. Буни муаллиф ўқувчини зериктириб қўймаслик ёки воқеа-ҳодисаларни ранг-баранг қилиб кўрсатиши билан изоҳлашимиз мумкин. Бундан ташқари, асарда ўша даврда барчага маълум бўлган халқлар, элатлар борасида баҳс этилган. Тарихда ўтган сулолаларга асос солган халқлар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган.

Ўз-ўзидан асар мантиқан усмонли турклар даври билан хотима топади. Мунажжимбоши Дарвеш Аҳмад ўз асарида ўрта аср тарихчиларидан фарқли

<sup>1</sup> Hammer Purgstall, Histoire de l'Empire Ottoman, c XIII; sh, 75, 559 (Paris, 1839)

<sup>2</sup> Надим қилган таржимасида Саҳойиф ул-ахборнинг баъзи қисмларини қисқартирдим – деган сўзлари сабаб баъзи тарихчи олимлар асарни камчилик ва хато деб қабул қилганлар. (Hasan Fehmi Turgal, Anadolu Selçukleri, sh. 4, İstanbul, 1935)

<sup>3</sup> Асарнинг сўнгига Ҳасан Фаҳмий Тургалнинг “Анадўли Салжуклари” номли таржимаси илова қилинган.

<sup>4</sup> Münaccimbaşı Ahmet Dede. Münaccimbaşı tarihi. Arapça aslından türkçeleştiren İsmail Erünsal. Birinci cilt. Tercüman. 1974.



равишда нақл қилиш усулидан фойдаланмай, танқидчилик руҳида ўзгача услубда ёндашган. Иложи борича соддароқ услубда асар тилини белгилашга ҳаракат қилганлиги кўриниб турибди. Асар муқаддимасида муаллиф Ибн Халдун, Рашидиддин Фазлуллоҳ, Ҳофизий Эбру, Муслиҳиддин Ларий ва Жаноби Мустафо каби тарихчиларнинг ижодидан руҳланганини ёзади. Асарнинг бунёд этилишида муаллиф етмиш икки манбадан қирқ еттита си арабча, ўн еттита си форсча ва саккизта манба туркча эканлигини муаллиф эслатиб ўтган. Юқорида шоир Надимнинг турк тилига Саҳойиф ул-ахбор асарини ўгиришига Навшаҳрлик Дамад Иброҳим Пошо рағбат кўрсатганлиги ва шоир Надимнинг бу ишни яқунлаганини кўришимиз мумкин.

Дарвеш Аҳмаднинг келажак авлод учун қолдирган тарихий асари ўзининг қимматли аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайди. Унинг асарини ўзбек тарих ихлосмандларига тақдим қилиш орқали муаллифга ҳурмат кўрсатишни тарихчи-тадқиқотчилар олдида турган шарафли иш деб ҳисоблаш мумкин.

### ХУББАЛИЕВА МАХПУРАТ

ўқитувчи, ТДШУ

#### Шюан Цзаннинг “Да Тан си юй цзи” номли асарининг рус тарихчилари томонидан ўрганилиши

**Аннотация.** Мазкур мақолада муаллиф илк ўрта асрларда Марказий Осиё минтақасига ташириф буюрган будда роҳибини Сюан Цзаннинг “Да Тан си юй цзи” асари ва ушбу манбадаги Марказий Осиё тарихига оид бошқа манбаларда эквиваленти бўлмаган маълумотларни таҳлил қилган. Ушбу мақолада илк ўрта асрлар Марказий Осиё тарихининг долзарб муаммоларидан бири қаламга олинган. Маълумки, илк ўрта асрларда Марказий Осиё минтақасига ташириф буюрган будда роҳибларининг сайёҳатномалари, уларда келтирилган маълумотлар араб-форс манбаларида ҳали мавжуд бўлмаган ҳамда нисбатан қоронғуроқ даврни ўз ичига олади ва мақола ушбу бўйлиқни тўлдирди. Айниқса, улар орасида Сюан Цзаннинг “Да Тан си юй цзи” асари алоҳида ажралиб туради. Бундан келиб чиққан ҳолда, мазкур мақола ҳозирги кунга қадар нашр этилган ишларга қўшимча материал бўлиб хизмат қилади.

**Таянч сўз ва иборалар:** будда сайёҳлари, Буюк Тан сулоласи, Марказий Осиё халқлари, Чоч, Темир дарвоза, маҳаллий халқлар маданияти, диний алоқалар, савдо-сотиқ муносабатлари, шаҳарларининг географик жойлашуви.

**Аннотация.** В данной статье автор анализирует труды буддийского монаха Сюаньцзана, посетившего регион Средней Азии в раннем Средневековье, «Да Тан си юй цзи» и другие источники по истории Центральной Азии, не имеющие аналогов. В данной статье рассматривается один из самых актуальных вопросов раннесредневековой истории Центральной Азии. Известно, что рассказы о путешествиях буддийских монахов, посетивших Центральноазиатский регион в раннем Средневековье, информация, содержащаяся в них, не доступна в арабско-персидских источниках и охватывает относительно малоизученный период, и статья



восполняет этот пробел. Среди них выделяется «Да Тан Шюй Цзи» Сюаньцзана. Таким образом, данная статья служит дополнительным материалом к уже опубликованным работам.

**Опорные слова и выражения:** Буддийские путешественники, Великая династия Тан, народы Центральной Азии, Чач, Железные ворота, культура коренных народов, религиозные связи, торговые отношения, географическое положение городов.

**Abstract.** In this article, the author analyzes the work of the Buddhist monk Xuanzang, who visited the Central Asian region in the early Middle Ages, "Da Tan siyuy tzu" and other sources on the history of Central Asia, which are not equivalent with this source. This article addresses one of the most serious issues in early medieval Central Asian history. It is known that the travellers of Buddhist monks who visited the Central Asian region in the early Middle Ages, the information contained in them, are not yet available in Arabic-Persian sources and cover a relatively dark period, and the article fills this gap. Among them, Xuanzang's "Da Tan siyu tzu" stands out. Therefore, this article serves as additional material to the work published so far.

**Keywords and expressions:** Buddhist tourists, Great Tan dynasty, Central Asian peoples, Chach, Iron Gate, indigenous culture, religious ties, trade relations, geographical location of cities.

Тан даври билан Марказий Осиё ижтимоий-сиёсий, тарихий муносабатлари ўзининг чуқур илдизларига эга бўлиб, ҳозиргача дунё синологлари диққат марказида бўлиб келмоқда. Хусусан, Ўзбекистон ҳам бундан истисно эмас. Европа, рус ва ўзбек адабиётларида кўплаб таржималарда алоҳида қайдлар мавжуд. Ўзбек олимларидан т.ф.д. Аблат Ходжаев “Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар”<sup>1</sup>, т.ф.д., профессор Н.Э.Каримованинг “Сочинение Хуэй Чао как источник по истории Индии первой половины VIII в.”<sup>2</sup>, “Сочинение Хэ Чо «Ван У Теньчжуго Чжуань» -ценный источник по истории Южной и Центральной Азии”<sup>3</sup>, Америкада Селли Ховея Вриггинсинг “Шюань Занг билан Буюк Ипак Йўли бўйлаб саёҳат”<sup>4</sup>, Россияда Н.В. Александрованинг “Буюк Тан сулоласи даврида Фарбий мамлакатлари ҳақидаги хотиралар”<sup>5</sup> каби тадқиқотлари роҳиб Шюань Занг ҳақида ёритиб беради. Шунингдек, Тан сулоласи даврига оид “Да Тан си юй цзи” ( ўзбек тилида “Буюк Тан (давридаги) Фарбий мамлакатлар хотиралари”) номли хитой тилидаги манбадан Марказий Осиёга ташриф буюрган

<sup>1</sup> А.Ходжаев.Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. Тошкент, 2007.

<sup>2</sup> Каримова Н.Э. Сочинение Хуэй Чао как источник по истории Индии первой половины VIII в. Ўзбекистон –Хитой: тарихий-маданий, илмий ва иқтисодий алоқалар ривожини мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 17 ноябрь, 2018. Тошкент.312-317 с.

<sup>3</sup> Каримова Н.Э. Сочинение Хэ Чо «Ван У Теньчжуго Чжуань» -ценный источник по истории Южной и Центральной Азии. Общественные науки в Узбекистане. № 1-2/2018. 86-92 с.

<sup>4</sup> Sally Hovey Wriggins. The Silk Road Journey with Xuanzang. Westview Press; Revised edition (November 27, 2003)

<sup>5</sup> Н.В. Александрова. Сюань Цзан. Записки о западных странах (эпохи) Великой Тан (Да Тан Си Юй Цзи). Восточная литература, 2012.





будда сайёхлари тўғрисида етарлича маълумотларга эга бўламиз. Юқорида келтирилган илмий тадқиқотларда Тан даври ички ва ташқи сиёсати ҳам кенг қўламда ўрганилган. Шунинг баробарида, у яратилган тадқиқотлар назарий томондан мазкур мақоланинг методологиясини аниқлаб олишда асос бўлиб хизмат қилди.

Шунингдек, мазкур ўринда, ўрганилган манбаларнинг аксариятида Тан ва Марказий Осиё мамлакатларини ўртасидаги дипломатик алоқаларни ўрганишга катта эътибор қаратилади. Ваҳоланки, уларнинг муносабатларида жамиятда инсон тафаккури ва дунёқарашининг такомиллида муҳим ўрин тутувчи маданий алоқалар тадқиқот нуқтаи-назардан деярли ўрганилмаган. Мақола ана шу жиҳатлари билан илмий қиммат касб этади.

Хитойдан Ҳиндистонга буддавийлик динининг асл моҳиятини ўрганиш мақсадида сафарга отланган кўплаб будда руҳонийлари ҳам қайсидир маънода Ғарб мамлакатлар юзасидан Хитой ҳукумати учун расмий стратегик ахборот тайёрлашни мақсад қилиб олган эдилар.

Хитой ташқи сиёсатида Ғарбий мамлакатларга қизиқишининг яна бир сабаби бу буддизм ўчоғи бўлган Ҳиндистонга айнан ғарб орқали бориш эди. Мазкур сабаблар туфайли Ғарбий мамлакатларга бўлган қизиқиш янада ортади. Хитойда буддизм ибодатхоналарининг ривожланиши учун маълум шароитлар яъни будда роҳибларининг кенг қатлами ва уларнинг жонкуярлиги талаб қилинарди. Буддизмга оид матнларга бўлган эҳтиёжнинг ортиши эса ғарбий ўлкалар орқали Ҳиндистонга боришни янада тезлаштирди.

Хитой сайёхларининг Марказий Осиё орқали Ҳиндистонга саёҳати давомидаги хотиралари акс этади. Тан сулоласи даврида Шюань Занг<sup>1</sup> ўзининг 629-йилда бошланган Ҳиндистонга саёҳати давомида Ғарбий мамлакатлар, Марказий Осиё ҳақида бир неча маълумотлар ёзиб қолдиради. А.Ходжаевнинг “Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар” номли китобида Шюань Зангнинг Ғарбий мамлакатларга қилган саёҳати ҳақидаги фикрларига эътибор қаратсак. Олим Шюань Зангга Буюк ипак йўлида кўп маротаба юрган бир қария кўмак бергани ҳақида ёзади. Тан давлати чегарасидан ўтгандан сўнг Шюань Занг Турк хоқонлиги таъсири остидаги йўллар орқали давом этади. Исикқўлдан ўтгандан сўнг Суйе<sup>2</sup> шаҳрига борганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. А.Ходжаев Хитой сайёҳини Суйе шаҳридан Чоч (Тошкент) га, сўнгра Сирдарё, Самарқанд ва Бухорога келган дея ёзади. Шюань Зангни Бухородан жануб томонга юриб, икки томони баланд қоятош оралиғидаги йўлдан ўтгани ва бу жойни “Теменгуан” яъни “Темир дарвоза” деб атаганини таъкидлайди<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Халқ орасида Танг Синг яъни Тан сулоласи давридаги роҳиб деб ҳам аталади

<sup>2</sup> Ғарбий Турк хоқонлигининг маркази бўлиб, VI-VIII асрларда Буюк ипак йўлидаги йирик шаҳар сифатида шакллланган.

<sup>3</sup> А.Ходжаев. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. Тошкент, 2007. 164 б.



Рус тарихчиларидан Н.В. Александрова Шюань Зангнинг “Буюк Тан (давридаги) Ғарбий мамлакатлар хотиралари” номли китобини ўрганиб чиқади. Мазкур китобда ёзилишича, сайёҳ Шюань Занг айнан буддизм динини чуқур ўрганиш мақсадида Ҳиндистонга йўл олади. Оқсудан Тошкентгача бўлган йўналиш яъни шарқдан ғарбга қараб 600 ли (345,6 км.), жанубдан шимолга қараб 300 (172,8 км.) ли, бош шаҳар айланасига кўра 5-6 (3,4 км.) ли масофага ҳаракатланган Шюань Занг ери, об-ҳавоси, маҳаллий халқнинг феъл-атвори, урф – одатлари, тиллари Куча (Кучэ ёки Кучар)<sup>1</sup> давлатиникига ўхшашлиги ҳақида ёзиб қолдиради. Бу ерларда ажойиб навли пахта ва жун маҳсулотлари ишлаб чиқарилганлиги ва улар қўшни давлатларда юқори баҳоланганини қайд этади. Шимолдан ғарбга қараб, 300 (172,8 км.) ли юрганда тошли саҳрони кесиб ўтишади. Музли тоғлар Цунлиндан (Помир тоғи) дан шимолга қараб оқади деб ўз хотираларида ёзиб қолдиради. Тоғлар бўйлаб 40 (23 км.) ли дан кўпроқ юргандан сўнг катта тиниқ кўлга келишди. Шюань Занг кўлни ҳаворанг деб таърифлайди ва Жэхай- Иссиқкўл ёки Сяньхай – тузли кўл деб атайди. Унинг айланаси 1000 (576 км.) лидан ошиқроқ, у шарқдан ғарбга қараб кенгроқ, жанубдан шимолга қараб торроқ жойлашган бўлиб, ҳамма тарафидан тоғ билан ўралган. Сувнинг ранги ҳаворанг кўк, таъми аччиқ – шўр, катта тўлқинлар ҳисобсиз бўлиб, қирғоқларга урилиб туради. Бу ерда кўп балиқлар озикланади. Бироқ жуда кўркинчли кўрингани боис, балиқлар кўп бўлишига қарамасдан бу жойда ҳеч ким балиқ овлашни хоҳламасди. Шимолдан ғарбга қараб 500 (288 км.) ли юрганларидан сўнг Суйе дарёси бўйидаги шаҳарга кириб келишади. Бу шаҳар айланасига 5-6 ли ни ташкил этади. Шу ўринда А.Ходжаевнинг фикрларини эътиборга олсак, олим Суйе шаҳрини тарихий Тарозга ва ҳозирги Тўқмоқ шаҳрининг ўрнида жойлашганини таъкидлайди.

Суйе шаҳридан Кешания подшолигигача (Кеш, Шаҳрисабз)<sup>2</sup> бўлган шаҳар Сули<sup>3</sup> деб номланган. Унинг аҳолиси ҳам шу ном билан аталган. Аҳолининг кийимлари асосан ички қисми юпка жунг матолардан, ташқи қисми эса қалин пўстиндан иборат бўлган. Пастки қисм кийимлар тор ва калта кўринишда бўлган. Сочларини кириб олиб, пешоналарини ипак боғичлар билан ўраб олишган. Суйе шаҳридан 400 (230,4) ли ғарбга юрганда Цянцюаньга етиб келишди. Майдони 200 (115,2 км.) ли ни ташкил қилади. Жануб томондан қорли тоғлар қолган уч томони чўлдан иборат. Ерлари нам, ўрмонлари қалин, баҳорда хилма-хил гуллар очилади. Бу ерда кўплаб кўллар

<sup>1</sup>Такламакон саҳросининг шимолий чеккасида, Буюк Ипак йўлининг шимолий йўли орқали Қорашар ва ғарбдан Аксу оралиғида жойлашган қадимги буддизм давлати. Ҳозирги Хитойнинг Шинжон-Уйғур автоном вилоятининг Аксу туманидаги воҳа.

<sup>2</sup>Б.Г.Гафуров. Таджики: древнейшая, древняя и средневековая история. 2-е изд. — М., 1972.

<sup>3</sup>Сўғдларнинг қадимий номланиши



мавжудлиги учун “Минг калит”, “Мингбулок”<sup>1</sup>(Қозоғистон Республикаси Туркистон вилоятидаги қишлоқ) номини олган. Туцзюэ<sup>2</sup> ҳоқони ҳар йили жазирамадан сақланиш учун келади.

Ушбу ҳудудда кийиклар кўп бўлиб, одамларга жуда ўрганган. Улар одамлардан кўркмайди ва қочмайди. Бироқ уларни овлашга рухсат берилмаган. Ким ўлдирса жазоланган. Шунинг учун кийиклар подаси ҳимоя қилинган. Цянцюаньдан ғарбга қараб 140-150 ли юрилса Да-ло-си шаҳрига келишди. Бу шаҳарни Талас<sup>3</sup> деган фикрга келади Н.В.Александрова. Шаҳар айланаси 8-9 ли. У ерда савдогарлар ва сўғдлар аралаш истиқомат қилишади. Ери ва об-ҳавоси худди Суйе шаҳри каби. Тахминан бу шаҳардан 10 ли жанубга юрилса, аҳолиси 300 (172,8 км.) саройдан ошмаган битталиқ шаҳарча бор. Бу одамлар ўнта хонликдан иборат. Улар ҳеч қачон асир тушишмаган. Уларнинг тили, урф-одатлари, қонунлари хитойликларникига ўхшаган. Жанубий ғарбга қараб 200 (115,2 км.) ли юрилса, Оқ дарё (хитойча Бай-шуй) даги шаҳарга келади. Н.В.Александрова “Буюк Тан сулоласи даврида Ғарб ўлкалари ҳақидаги хотиралар” номли китобида роҳибни бу жой борасида шаҳар бўйидаги дарёни назарда тутганлигини таъкидлайди. Ҳамда Оқ дарёни Арис<sup>4</sup> дарёсининг ирмоғи деб ҳисоблайди.

Да-ло-сига нисбатан ер ва об-ҳавоси анча яхши дея таърифланади. Шу ердан жануби ғарбга қараб 200 (115,2 км.) ли юриб, Гун-юй шаҳрига келади. Гун-юй шаҳрини Н.В.Александрова Орхун битикларидаги Кангюй<sup>5</sup>га мос келиши мумкин деган фикрда. Кангюй шаҳрининг жойлашуви бўйича тарихчилар икки хил фикрни билдиришади. Яъни, биринчи фикрни С.П.Толстов қуйидагича изоҳлайди: “Кангюй шарқда Фарғона (Даван – Фарғона водийсидаги қадимий давлат)<sup>6</sup> га қадар, жанубда Парфия ва Бактрия билан чегарадош, ғарбда Бухоро ва Хоразмни ўз ичига олади”. Бу масалада А.Н.Бернштам фарқли ўлароқ Кангюй шаҳрининг шарқий чегараси Талас дарёси бўйидан ўтган деб ҳисоблайди. Ерлари унумдор ва ҳосилдор бўлиб, ўрмонлари қалин дея таъриф беради Шюань Занг. Н.В.Александрова бу ердан жанубга қараб юрган сайёҳни Нучицзянь подшолигига<sup>7</sup> етиб келганлигини таъкидлайди. Сайёҳ бу ердан ғарбга 200 (115,2 км.) ли юриб, Чже Ши яъни Тошкентга келади. Тошкентдан сўнг сайёҳ Самарқандга, Термизга боради ва Афғонистоннинг шимолий вилоятларида бўлади. Сўнг Ҳиндикуш тоғлари орқали Ҳиндистонга йўл олади.

<sup>1</sup>Байпаков, К.М. Западнотюркский и Тюркешский каганаты: тюрки и согдийцы, степь и город [Текст] / К.М.Байпаков // Известия НАН РК. Серия общественных наук. – 2009. Ст.105-146.

<sup>2</sup>Турк атамаси. Тужюэ -қадимги талаффузда тизк, тиеклэ, тиенглиенг, тиетлэ, ту-квет деб ўқилган. А.Ходжаев. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. Тошкент, 2007. 170 б.

<sup>3</sup>Қозоғистондаги Тараз шаҳри

<sup>4</sup>Қозоғистон жанубидаги дарё

<sup>5</sup>Талас дарёси ва Чу дарёсининг қуйи оқими ўртасидаги ҳудудни эгаллайди, жанубда Шаш вилоятига ва шимолда Сирдарёнинг қуйи қисмигача бўлган ҳудуд.

<sup>6</sup>А.Ходжаев.Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. Тошкент, 2007. 148 б.

<sup>7</sup>Ҳозирги Шимкент ёки Чимкент.



Қуйидагиларни хулоса ўрнида таъкидлаш ўринлидир:

Биринчидан, Шюань Занг йўл давомида кўрган кечирганларини ўз эсдаликларида ёзиб қолдиради. Бу эса бизга Марказий Осиё давлатларининг илк ўрта асрлардаги тарихини яъни турмуш тарзи, дини ва урф-одатларини ўрганишимизда асосий манба бўлиб хизмат қилади;

иборатдир. Шу тарзда, россиялик тадқиқотчи А.Марчуков таъкидлаганидек, “Оммавий дипломатия 2.0” ибораси ташқи сиёсий фаолиятни (фақат Web 2.0 дастурлари) амалга оширишга ёрдам берадиган, коммуникацияларнинг интерфаоллигини кўрсатадиган (Web 2.0 дастурларидан фойдаланиш қайта алоқани назарда тутди), оммавий дипломатияга яқинлигидан (ибора номидан келиб чиққан ҳолда) далолат берувчи воситаларни энг аниқ таърифлайди<sup>1</sup>. Бошқача қилиб айтганда, Оммавий дипломатия 2.0 ёрдамида жаҳондаги ижтимоий фикрни ўзгартириб бўлмасда, лоақал унга таъсир ўтказиш мумкин.

Бугунги кунда нималар юз бермоқда? АҚШ халқаро амалиётида оммавий ва маданий дипломатиянинг роли қандай? Интернет технологияларнинг сиёсатга таъсири алоҳида аҳамиятга эга. Жамиятнинг энг кичик гуруҳларига қадар бевосита таъсир ўтказиш имконияти кун тартибидаги олдинги келишув устиворликларини йўққа чиқарди, бу билан жамиятнинг аниқ масалалари ва интилишларини кўтариб чиқишга имкон яратиб берди. Маҳаллий масалаларнинг улкан босими остида қолган мамлакатларнинг сиёсий етакчилари асл маъно устида ўйлаб кўриш ёки мулоҳаза юритиш имконияти ва вақтига эга эмаслар, бу билан умумий қарашларни ишлаб чиқиш борасида ҳаракатланиш учун маконни чеклаб қўймоқдалар. Генри Киссинджер “TheAtlantic” журналида ёзиб ўтганидек: “Рақам оламидаги тезликка таяниш мулоҳаза юритишга тўсқинлик қилмоқда... бу ерда кадрятлар ўз-ўзини таҳлил қилиш асосида эмас балки гуруҳдаги келишув остида шаклланимоқда. Унинг (рақамли оламнинг) барча афзалликлари қошида тескари самара хатари мавжуд, чунки унинг шартлари афзалликларидан устун келмоқда”<sup>2</sup>.

АҚШга қиёслаганда хитойча маданий дипломатия сўнгги вақтларда фақат жадаллашмоқда ва Пекиннинг манфаатларини, хусусан “Ягона йўл – Ипак йўли” ташаббуси маъносида илгари суришда муҳим омилга айланмоқда.

Хитой бош вазири Ху Цзиньтао ХХР Коммунистик партиясининг 17- съездидаги ўз мурожаатида тараққиётга илмий ёндошув воситасида уйғун ривожланишга, яъни “юмшоқ кучга” куч ва захираларни киритиш зарурати масалаларига ўз нутқининг алоҳида бобини бағишлади. Хусусан, у ривожланган жамият қуриш мақсадларида хитойликлар жаҳонга юксак маънавий мезонларни намойиш этишини ҳамда Хитой юксак маданий ютуқларга интилишини айтиб ўтди. Унинг сўзларига кўра, Хитой барча соҳаларда энг яхши институтларга эга ва хитой жамияти ҳаётга мутлақо қодир эканлигини намойиш этади ҳамда башарият тамаддунига улкан ҳисса қўшиш учун олам сари юз буради ва у билан дўстлашади<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Марчуков А.Н. «Публичная дипломатия 2. 0» как инструмент внешнеполитической деятельности // ВестникВолГУ. Серия 4, История. Регионоведение. Международные отношения. 2014. №4.

URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/publichnaya-diplomatiya-2-0-kak-instrument-vneshne-politicheskoy-deyatelnosti>

<sup>2</sup> Henry A.Kissinger “How the Enlightenment Ends”, The Atlantic magazine, June 2018 issue  
URL: <https://www.theatlantic.com/magazine/archive/2018/06/henry-kissinger-ai-could-mean-the-end-of-human-history/559124/>

<sup>3</sup> Батафсил: Полный текст выступления Ху Цзиньтао на 17-м съезде КПК



XXРнинг ҳозирги бош вазири Си Цзиньпин томонидан янада ривожлантирилаётган ушбу сиёсий йўлга риоя қилган ҳолда, илк бор 2004 йилда Сеул шаҳрида очилган Конфуций Институтининг иши янада ривожлана бошлади. Масалан, уларнинг сонини 2020 йилга қадар 1000 тага етказиш режалаштирилмоқда. Ушбу муассасанинг ўзи XXР Таълим вазирлигининг Хорижда хитой тилини тарқатиш бўйича Давлат котибияти (қисқача Ханьбань) томонидан бошқарилади. Унинг асосий вазифаси “хитой тили, хитой адабиётини, шунингдек Хитой билан боғлиқ муаммоларни ўрганишни хоҳловчи барча инсонларга имконият яратишдир”<sup>1</sup>, бу Хитой томонининг режасига кўра, Хитойни ва умуман унинг маданиятини тушунишни яхшилашга, шунингдек Хитойнинг хорижий мамлакатлар ва диаспоралар билан алоқаларини мустаҳкамлашга имкон яратиши лозим. Экспертларнинг таъкидлашларига кўра, Пекин ўз манфаатларини илгари суриш йўлида Конфуций Институтлари учун жой танлашга стратегик ёндошмоқда. Масалан, хитойликлар диаспораси катта бўлган ва можароларнинг юксак даражасига эга мамлакатларда Конфуций Институтлари ҳаммадан кўпроқ очилмоқда. Бундан ташқари, хитой компаниялари кўп бўлган, БМТ БА сессияларида Пекин билан биргаликда овоз берадиган, Хитой билан ҳарбий можаролари камроқ бўлган мамлакатларда ҳам Конфуций Институтлари кўпроқ очилмоқда<sup>2</sup>.

Шундай қилиб, замонавий оммавий дипломатиянинг куйидаги ўзига хосликларини ажратиш кўрсатиш мумкин:

- 1) замонавий коммуникацион технологиялар ижтимоий тармоқлар ва интернет-ҳамжамиятлар доираларида ўзаро алоқалар ўрнатишни енгиллаштиради;
- 2) бугунги кунда кўп жихатдан фойдаланувчилар томонидан яратиладиган контентларга боғлиқ (яъни ижтимоий тармоқлар ва блоглардаги шарҳлар ҳамда киритилаётган видеороликларга боғлиқ);
- 3) оммавий дипломатия, анъанавий оммавий дипломатия замонидаги вертикал тармоқлар учун хос бўлган юқоридан пастга ахборот узатиш эмас, балки ахборот алмашувида барпо этилган горизонтал тармоқлар доираларида фаолият юритади.

Оммавий дипломатияни келажакда нима кутмоқда? Кўриниб турганидек, оммавий дипломатия, шунингдек унинг маданий унсури халқаро муносабатларни умумий демократлаштириш учун кўп жихатдан имкон яратади. Маданият, “юмшоқ куч” деб аталувчи ҳодисанинг таркибий ва муҳим унсури бўлган ҳолда, турли ҳамжамиятларнинг бир-бирларини тушунишларига (бинобарин – халқаро майдон-

URL: [http://www.gov.cn/english/2007-10/24/content\\_785505.htm](http://www.gov.cn/english/2007-10/24/content_785505.htm)

<sup>1</sup> Батафсил: Институт Конфуция при Казахском национальном университете им. Аль-Фараби URL:<https://www.kaznu.kz/ru/14355/page>

<sup>2</sup> Custer, S., Russell, B. DiLorenzo, M., Cheng, M., Ghose, S., Sims, J., Turner, J., and H. Desai. (2018). “Ties That Bind: Quantifying China’s public diplomacy and its “good neighbor” effect”, Williamsburg, VA: Aid Data at William & Mary.



даги кескинликни юмшатишга) ёрдам беради, рақамли технологиялар эса нисбатан кам ҳаражатли восита бўлган ҳолда бу борада муҳим қўмакчига айланади.

Биз “юмшоқ куч” тўғрисида сўз юритганда, халқаро ҳуқуқнинг қандайдир қондасини (постулат) назарда тутаётганимиз йўқ. Аксинча, бу таҳдид қилиш ёки бевосита тўловлар билан эмас, балки жамиятнинг жозибадорлиги ҳамда ишонтириш йўли билан бошқаларга таъсир ўтказиш ҳамда исталаётган нарсага эришиш имкониятидир<sup>1</sup>. Сиёсатшунос ва “юмшоқ куч” назариётчиси Джозеф Най ўз китобларида бу борада сўз юритганида, буни бизнинг оддий тушунишимиздаги сандиққа солиб қўйиш ёки шаҳарга ташлаш мумкин бўлган кучга алмаштиришни назарда тутмаган. 70-йилларда ўта машҳурлашиб кетган Кеннет Уолтц ва бошқа неореалистлар кучни айнан шундай тасаввур қилишган<sup>2</sup>.

Аксинча, тажрибалар кўрсатиб турганидек, “юмшоқ кучни” “қаттиқ куч” билан бирлаштириш зарур, ана шундагина у ўз самарадорлигини кўрсатиши мумкин. Америкача маданиятнинг ўзи, унинг умумий қадриятлари ҳамда Голливуд ва кантри мусиқаларидан тортиб, “Темир одам” тўғрисидаги комиксларига қадар бўлган бошқа жиҳатлари, “Плющ Лигаси” нуфузли университетлари АҚШ бутун жаҳонга ёқишини умуман кафолатлай олмайди. Ҳеч бўлмаганда эронлик мулалар ва хитойлик ўртоқлар бу фикрга қўшилади. Кичик Жорж Буш маъмурияти ва хусусан мудофаа вазири Дональд Рамсфельд “юмшоқ куч” ғоясини тушуниб етмадилар ҳамда 2011 йил 11 сентябрдан сўнг юз берган барча фалокатлар мана шундан келиб чиқди.

Рақамли технологиялар ёрдамида моҳирона амалга ошириладиган ҳамда оммавий дипломатиянинг унсурларидан бири бўлган маданий дипломатия халқаро муносабатларда куч ишлатишнинг муқобилидир ва шундай бўлиб қолади. Ривожланишнинг иқтисодий кўрсаткичларисиз, шунингдек замонга мос тарзда қадам босаётган замонавий ва очиқ жамиятнинг қадриятли чуқур ривожланишисиз фақат маданий мезон халқаро майдонда бошқа мамлакатлар қабул қилаётган қарорларни қандайдир тарзда ўзгартиришига умид қилиш соддаликдан бошқа нарса эмас. Айни вақтда, оммавий дипломатия маданий ва рақамли жиҳатлар билан биргаликда халқаро сиёсатнинг энг жозибадор воситаси бўлиб қолади. Эҳтимол, бу умид қилиш мумкин бўлган ягона нарсадир.

<sup>1</sup> Nye Jr., Joseph S. “Soft Power: The Means to Success in World Politics”, Public Affairs, 2004, 192 pp.

<sup>2</sup> Waltz, K. “Theory of International Politics”, Addison-Wesley Pub. Co., 1979, 251 pp.





## ОМОНОВ МАНСУР

PhD тадқиқотчи, ЖИДУ

### Халқаро муносабатларда халқ дипломатияси: тарихий ва назария жиҳатлар таснифи

**Аннотация.** Мақола халқаро муносабатларда халқ дипломатиясининг пайдо бўлиши ва эволюциясига бағишланган. Унинг марказида халқлараро ва миллатлараро дўстона муносабатлар талқинлари, уларнинг ривожланиши босқичларига таълуқли таҳлиллар туради. Халқ дипломатияси ҳар бир давлатнинг халқаро алоқаларини ривожлантиришида муҳим жиҳатлардан бири саналади. Халқ дипломатияси атамаси тарихан шаклланиши давридан то бугунги кунга қадар халқлар ва давлатлар ўртасида дўстона алоқаларни ривожлантириши механизмига айланган. Халқ дипломатияси атамасининг дастлабки шаклланиши даври Шарқда вужудга келган бўлиб, XX асрнинг 60 йилларида ғарбда бу термин халқаро муносабатларда кенг қўлланила бошланди.

Айни пайтда халқ дипломатиясининг аҳамияти тобора кенгайиб, халқаро алоқаларни ривожлантиришида муҳим рол ўйнамоқда. Халқ дипломатияси ташиқи сиёсатнинг муҳим бир қисми бўлиб, халқлар ўртасидаги муносабатларни яхшилаши, халқаро майдонда мамлакат манфаатларини тарғиб қилиши ва унинг ижобий имиджини яратишини таъминлайди. Шунингдек, халқ дипломатияси хорижий мамлакатлар аҳолисининг фикр ва хулқ-атворида таъсир ўтказишининг бир усули ҳам ҳисобланади.

Бугунги кунда халқ дипломатияси барча ривожланаётган давлатлар ҳаётида яққол намоён бўлмоқда. Бироқ уларнинг қай даражада ва қай мақсадда амалга оширалаётганлиги, халқлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини таъминлаш даражаси билан боғлиқ қатор муаммолар мавжуд. Шундан келиб чиқиб, мақолада халқаро муносабатларда халқ дипломатияси масаласи, шаклланиши ва унинг тараққиёт босқичлари, халқаро ҳамжамиятда тутган ўрни хусусида ҳам фикр юритилади. Сўнги йилларда халқаро доирада хусусан, мамлакатимизда халқ дипломатиясини ривожлантиришига берилган эътибор ва бу борада амалга оширилаётган ишлар таҳлили ҳам келтириб ўтилган.

Шунингдек, мақолада халқ дипломатияси ва унинг халқлар ўртасидаги дўстона алоқаларнинг тенг ривожлантиришидаги аҳамияти очиб берилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** Анъанавий дипломатия, халқ дипломатияси, хорижий мамлакатлар, оммавий дипломатия, халқаро муносабатлар, ташиқи сиёсат, интеграция, халқаро имидж.

**Аннотация.** Статья посвящена возникновению и развитию народной дипломатии в международных отношениях. Основное внимание уделяется толкованию международных и межэтнических дружественных отношений, анализу их этапов развития. Народная дипломатия является одним из важных аспектов развития международных отношений каждого государства. Термин «народная дипломатия» исторически был механизмом развития дружеских отношений между народами и государствами со времени его образования и до наших дней. Первый период формирования термина народная дипломатия связан с Востоком, а в 60-х годах XX века этот термин стал широко использоваться в международных отношениях на Западе.

В то же время значение народной дипломатии расширяется и играет важную роль в развитии международных отношений. Народная дипломатия является



важной частью внешней политики, обеспечивающей улучшение отношений между народами, продвижение интересов страны на международной арене и формирование ее позитивного имиджа. Народная дипломатия также является способом воздействия на мысли и поведение населения зарубежных стран.

Сегодня народная дипломатия четко отражается на жизни всех развивающихся стран. Однако существует ряд проблем, связанных с масштабом и целью их реализации, уровнем обеспечения дружеских отношений между народами. Поэтому в статье также обсуждается вопрос народной дипломатии в международных отношениях, ее становления и этапов развития, его роли в международном сообществе. Особо отмечается внимание, уделяемое развитию народной дипломатии на международной арене в последние годы, в частности, и анализ работы, проводимой в этом направлении.

В статье также раскрывается важность народной дипломатии и ее равноправного развития дружеских отношений между народами.

**Опорные слова и выражения:** традиционная дипломатия, народная дипломатия, зарубежные страны, публичная дипломатия, международные отношения, внешняя политика, интеграция, международный имидж.

**Аннотация.** *The article is devoted to the emergence and evolution of people's diplomacy in international relations. It focuses on the interpretation of international and interethnic friendly relations, the analysis of their stages of development. People's diplomacy is one of the important aspects in the development of international relations of each state. The term people's diplomacy has historically been a mechanism for developing friendly relations between nations and states from the time of its formation to the present. The first period of formation of the term people's diplomacy originated in the East, and in the 60s of the XXth century, the term began to be widely used in international relations in the West.*

*At the same time, the role of people's diplomacy is expanding and playing an important role in the development of international relations. People's diplomacy is an important part of foreign policy, ensuring the improvement of relations between nations, the promotion of the country's interests in the international arena and the creation of its positive image. People's diplomacy is also a way to influence the thoughts and behavior of the population of foreign countries.*

*Today, people's diplomacy is clearly reflected in the lives of all developing countries. However, there are a number of problems related to the extent and purpose of their implementation, the level of ensuring friendly relations between peoples. Therefore, the article also discusses the issue of people's diplomacy in international relations, its formation and stages of development, its role in the international community. The attention paid to the development of people's diplomacy in the international arena in recent years, in particular, and the analysis of the work being done in this direction are also mentioned.*

*The article also reveals the importance of people's diplomacy and its equal development of friendly relations between peoples.*

**Keywords and expressions:** *Traditional diplomacy, people's diplomacy, foreign countries, public diplomacy, international relations, foreign policy, integration, international image.*

Бугунги тезкор глобаллашув даврида жаҳон ҳамжамиятининг олдида энг долзарб масалалар сифатида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, турли халқлар ўртасида дўстона алоқаларни ривожлантириш орқали тараққиётга эри-



шиш муҳим омиллардан ҳисобланади. «Ер юзида вазият ва кучлар нисбати шиддатли ўзгариб бормоқда. Янги мустақил давлатлар майдонга чиқмоқда. Бу эса ҳозирги кунда давлатлар ва халқларнинг барқарорлигини таъминлаш учун янгича ёндашувларни излаб топишни, XXI аср арафасида хавфсизликнинг янгича моделларини ишлаб чиқишни тобора қаттиқ талаб қилмоқда<sup>1</sup>».

Ҳозирги жаҳон сиёсий муносабатларида ўзаро мурося, ихтилофлар, консенсус билан боғлиқ кўринишлари, уни келтириб чиқарувчи сабабларнинг сиёсий ҳамда фалсафий жиҳатларини ўрганиш муҳим йўналишларни ташкил этади<sup>2</sup>. Профессор С. Жўраевга кўра, интеграция – давлатлараро даражада яқинлашиш, бирлашиш ёки уюштириш жараёнидир<sup>3</sup>. К.Дойч минтақавий интеграция давлатларнинг тинч яшашини таъминлаши мумкин бўлган реал имкониятдир<sup>4</sup>.

2017 йилдан бошлаб, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан халқ дипломатияси воситасида қардош кўшни давлатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантириш бўйича ташаббуслари мамлакатимиз ташқи сиёсатида ҳам янги давр бошланганлигини кўрсатади.

**Тадқиқотда услубий жиҳатдан,** тарихийлик, назарий-методологик, таҳлил, холислик ва тизимлилик тамойиллари, шунингдек, тарихий сиёсий, қиёсий таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

**Мақсад ва вазифалар.** Халқ дипломатияси тадқиқотлари бўйича етакчи мутахассислардан ҳисобланган Профессор А.Хенриксоннинг таъбирига кўра, халқ дипломатияси бу ҳукумат томонидан оммавий коммуникация, медиа ва мавжуд ноҳукумат ташкилотлар (сиёсий партиялар, корпорациялар, савдо уюшмалари, меҳнат иттифоқлари, таълим муассасалари, диний ташкилотлар, этник гуруҳлар, ва бошқа таъсирли шахслар) орқали халқаро муносабатларни амалга оширишдир<sup>5</sup>. Шунга биноан сиёсатшунослик йўналишида халқ дипломатиясига оид санокли тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Лекин бугунгача амалга оширилган тадқиқотлар кўпроқ бир давлат мисолида олингани, мавзунини теранроқ ўрганишни талаб қилмоқда. Шу мақсадда, XX аср дипломатияси сифатида фанга киритилиб ҳозирда аҳамияти тобора ортиб бораётган «Халқ дипломатияси» аҳамияти, халқлар ва давлатлараро алоқаларни ривожлантиришдаги ўрни, шаклланиш ва амалга ошириш истикболларини илмий ўрганишдан иборат.

Тарихчи олим Николас Кулл (2014) (АҚШ халқ дипломатияси маркази раҳбари, халқ дипломатия бўйича эксперт) ўзининг «Гуллиондан олдин: халқ дипломатияси» номли рисоласида мазкур «халқ дипломатияси» ибораси биринчи марта қўлланилиши аслида Америкада эмас. балки 1856 йил январда Англияда Лондон Таймс газетасининг рукнида қўлланганини баён этади. Бу даставвал шун-

<sup>1</sup> Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: Ўзбекистон, 1997. -7-Б.

<sup>2</sup> Сирожов О. Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорлик жараёнларида Ўзбекистон манфаатлари. – Тошкент: 2018. 7 б.

<sup>3</sup> Халқаро муносабатлар (геосиёсат, дипломатия, хавфсизлик) – Т; «Akademiya» 2007 – Б

<sup>4</sup> Jacob P., Toscano J. The integration of political Communities. Philadelphia: Lippincott, 1964. P. 83.

<sup>5</sup> Justin Hart (2005). Empire of Ideas: The Origins of Public Diplomacy and the Transformation of US Foreign Policy. New York: Oxford University Press, 2013.





чаки Президент Франклиннинг позицияси танқид қилинган мақолада хушмуомилалик учун синоним тарзида ишлатилган. Кулнинг ёзишича, Туфтс университети Флетчер ҳуқуқ ва дипломатия мактабининг декани ва собиқ дипломат Эдмунд Гуллион “ушбу иборани замонавий маънода биринчи бўлиб ишлатган”<sup>1</sup>.

1965 йилда Гуллион, Эдвард Мурров халқ дипломатияси марказига асос солган. Шунингдек, Кулнинг ёзишича, Гуллион тушунчасининг хулосаси дастлаб Мурров маркази рисоласида босилган. Унга кўра, Халқ дипломатияси – ташқи сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишда жамоатчилик нуктаи назарининг таъсири билан шуғулланади. У анъанавий дипломатия доирасидан ташқаридаги халқаро алоқаларни қамраб олади; бошқа мамлакатларда ҳукуматлар томонидан жамоатчилик омма фикрини шакллантириш; хусусий гуруҳлар ва уларнинг манфаатларини бир мамлакатдан бошқаси билан ўзаро таъсирини; ташқи ишлар ва унинг сиёсати таъсири бўйича хабардор қилиш; дипломатлар ва чет эллик мухбирлар сифатида алоқалар ўрнатиш ва маданиятлараро алоқалар жараёнини амалга ошириш ҳисобланади<sup>2</sup>.

“Халқ дипломатияси” тушунчаси, унинг тарихий, назарий ва илмий аҳамияти. Халқаро муносабатлар атамалар луғатида public – халқ, омма, жамоат маъносини англатиб, халқ дипломатияси – бошқа давлатлардаги жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатишга мўлжалланган ҳукумат томонидан молиялаштирилган дастурлар ва фаолиятлардир, дейилган. Унинг асосий воситаси нашрлар, анжуманлар, кино-филмлар, маданий алмашинувлар, радио ва телевидение ҳисобланади<sup>3</sup>.

“Халқ дипломатияси” атамаси 1965 йилда АҚШнинг Туфтс университети Флетчер ҳуқуқ ва дипломатия мактаби декани, собиқ дипломат Эдмунд Гуллион томонидан фанга киритилган ва шу йилдан бошлаб олимлар ва амалиётчилар орасида термин сифатида ишлатилиб келинади. Халқ дипломатияси, халқаро дипломатик фаолиятга асосланган стратегик сиёсат бўлиб, у асосан давлатлараро муносабатларда халқларнинг устувор ролини ифодалайди ва бугунги жаҳон сиёсатида унинг аҳамияти тобора ошиб бораётганлигини ётакчи давлатлар сиёсатида кенг намоён бўлмоқда<sup>4</sup>.

Эдмунд Гуллион, халқ дипломатиясини кенг маънода ҳукумат ҳомийлигидаги турли ҳаракатларни мақсад қилган хорижий кенг жамоатчилик оммаси билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш, мулоқотни ташкил қилиш, ва ҳукуматнинг стратегик мақсадларини бағрикенглик ёки хорижий оммани қўллаб-қувватлаш мақсадидаги фаолиятдир – деб таърифлайди<sup>5</sup>.

Шу билан бир қаторда, халқ дипломатияси бўйича олимлар томонидан қатор қарашлар илгари сурилган бўлиб, улар қуйидагилардир:

Профессор Николас Кулга (2016) кўра, халқ дипломатиясининг илдизи амалиётда қадимги даврда Яқин Шарқ ва Грецияда вужудга келганлиги, кейин-

<sup>1</sup> Cull, Nicholas (Apr 18, 2006). “Public Diplomacy” Before Gullion: The Evolution of a Phrase”. US Center on Public Diplomacy. University of Southern California. Retrieved September 26, 2014

<sup>2</sup> Cull, Nicholas (Apr 18, 2006). Public Diplomacy Before Gullion: The Evolution of a Phrase”. USC Public Diplomacy. University of Southern California. Retrieved September 26, 2014

<sup>3</sup> Dictionary of International Relations Terms, 1987, p. 85

<sup>4</sup> Edmund Gullion, www.publicdiplomacy.wikia.com-wiki-EdmundGullion

<sup>5</sup> Public Diplomacy. Definition, Types, Examples, and Propaganda. Encyclopedia Britannica. Retrieved February 22, 2019.



чалик халқаро муносабатлар назариясига киритилганлиги баён этилган. Халқ дипломатияси усуллари замонавий дипломатия амалиётида бешта элементдан иборат бўлиб, жумладан: эшитиш, тарғибот, маданий дипломатия, алмашув дипломатияси ва халқаро эшиттиришлардир<sup>1</sup>.

Жан Мелисенга (2005) кўра, халқ дипломатияси бу халқ ҳокимияти саналган демократиядир, халқ дипломатиясининг самараси демократик муҳитда янада ортади. ОАВ телевидение ва радио, бу халқ ва маданий дипломатияни тарғиб қилишда энг самарали тузилмалардан саналади. Халқ дипломатияси бу юмшоқ кучнинг бир муҳим воситаси бўлиб, у замонавий музокаралардан анча олдин дипломатик амалиётда қўлланилган<sup>2</sup>.

Ричард Стенгелга (2014) кўра, халқ дипломатияси юмшоқ куч билан бир хил бўлиб, у икки атамада ўз ифодасини намоён этади. Халқ дипломатияси юмшоқ кучдир. Халқ дипломатияси бу мулоқотдир. Унда ҳукуматнинг халқ билан эмас, халқнинг халқ билан мулоқоти, баъзан халқнинг ҳукумат билан мулоқотидир. Таълим бу халққа халқ дипломатиясида энг аҳамиятли олтин стандарт саналади<sup>3</sup>.

Р.Фелтхемга (1993) кўра, халқ дипломатияси асосан анъанавий дипломатияга таянади ва у халқ оммасининг фикр-мулоҳазаларини намоён этади<sup>4</sup>. Халқ дипломатияси конференция, илмий тадқиқот марказлари, илмий журналлар, университетлар ва дипломатик мактабларда ҳам муҳокама қилинмоқда. Булар орқали хориждаги диаспоралар, ватандошларни ўз тарихий ватанлари билан боғлаш, миллий тил, ва маданиятни сақлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш каби мақсадларда кўприк вазифасини ҳам бажаришга хизмат қилади.

Профессор Ненси Сновга (2009) кўра, халқ дипломатиясининг XXI аср тенденциясига тезкор глобаллашув, вақт ва масофани қисқартирадиган ахборот-коммуникация технологиялар, давлат томонидан олиб борилаётган сиёсат ва мунозараларга чақирувчи глобал нодавлат иштирокчиларнинг тобора кўпайиб бориши киради<sup>5</sup>.

Тадқиқотчи Бен Морга (2012) кўра, ҳозирда жаҳон давлатларида халқ дипломатиясининг алоқа алмашинувлар, омма билан ишлаш, жойлар бренди каби соҳаларига қизиқиш ортмоқда<sup>6</sup>.

Володимир Нестеровга (2016) кўра, халқ дипломатияси ташқи сиёсат, миллий манфаатлар нуқтаи назаридан хорижий давлатлар аҳолисининг фикри ва хулқ-атворига ахборот таъсирини кўрсатиш учун, давлат назорати остидаги жамғарма-

<sup>1</sup> Cull, Nicholas (2006). *Public Diplomacy before Gullion: The Evolution of a Phrase*. USC Public Diplomacy: University of Southern California. Instruments public diplomacy divides the practice into five elements: listening, advocacy, cultural diplomacy, exchange diplomacy and international broadcasting.

<sup>2</sup> Jan Melissen. *New Public Diplomacy Soft Power in International Relations*. 2005. 22-p.

<sup>3</sup> Richard Stengel - *Public Diplomacy is a Conversation* | ASP American Security Project <https://www.americansecurityproject.org/event-review-under-secretary-stengel-american-public-diplomacy-in-2014-and-beyond/>

<sup>4</sup> Felltham R. *Diplomatic Handbook* – London, - New York, 1993. –P.143.

<sup>5</sup> Nancy Snow, *Routledge Handbook of Public Diplomacy*. 2009

<sup>6</sup> Ben Mor. “Credibility Talk in Public Diplomacy,” *Review of International Studies* 38, no. 2 (2012): 393–422.



лар ёки у томонидан молиялаштирилган муассасалар ва ташкилотлар орқали миллий манфаатларни кучайтириш, илгари суришда муҳим рол ўйнайди<sup>1</sup>.

Профессор А.Файзуллаевга (2017) кўра, халқ дипломатияси келажак дипломатиясидир<sup>2</sup>. Халқ дипломатиясининг устувор механизми бу хорижий аудиторияга таъсир ўтказиш воситаси саналади ва у анъанавий дипломатияга таянган ҳолда қуйидаги кўринишларни ўзига қамраб олади. Жумладан, бошқа мамлакатларда омма фикрини ҳукумат томонидан ривожлантиради, такомиллаштиради, бир давлат ва бошқасида гуруҳлар манфаатларини ўзаро боғлаш, оммани ташқи сиёсатга таъсири бўйича хабардор қилади, хорижий кореспондентлар сифатида омма ўртасида коммуникация қилиш, маданиятлараро алоқаларни ўрнатиш кабиларни таъминлайди. Халқ дипломатияси давлат миллий стратегик манфаатларини ифодалаш, хабардор қилиш ва хорижий аудиторияга самарали таъсир ўтказишдир. Самарали халқ дипломатияси бу мулоқотга асосланиб, ташқи ва асосий сиёсий мақсадларга эришишдир<sup>3</sup>.

Тадқиқотчи Р.Жураевга (1998) кўра, халқ дипломатияси диққат марказида оддий халқ вакиллари туради ва улар билан мулоқот қилиш, уларнинг фикрлари ва манфаатларини халқаро эътироф этиш, ОАВ орқали уни кенг ёритиш, алоқаларни кучайтиришда иштирок этиш ҳам шулар жумласидандир. Халқ дипломатияси соҳасидаги бундай хизматларга ахборот дастурлари, маданий, таълим, алмашув дастурлари, халқаро эшиттиришлар, бошқарув ва халқаро алоқаларни санаш мумкин<sup>4</sup>.

Б.Талаповга (2018) кўра, халқ дипломатияси халқ вакилларининг халқаро алоқаларда фаол иштирок этиши ва давлат дипломатик фаолияти билан ўзаро уйғунлашувида намоён бўлади<sup>5</sup>.

Халқ дипломатиясига жуда яқин яна бир синоним бу 1981 йилда Девид Хофман томонидан фанга киритган “Фуқаро дипломатия”сидир. У илмий, маданий алмашиш, санъат, спорт кабилар кўринишида амалга оширилади. Фуқаро дипломатияси асосан бир давлатни турли мамлакатлардаги фуқароларини қамраб олади, тинчлик ва истиқболли шиорларга таяниши билан аҳамиятлидир. Фуқаро дипломатларига олимлар, ўқитувчилар, талабалар, спортчилар, тадбиркорлар, туристлар киради. Уларни норасмий элчилар ҳам дейиш мумкин, уларнинг халқаро дастурларда қатнашишлари, уйларида халқаро меҳмонларга мезбонлик қилишлари орқали ҳам мамлакат имиджини юксалтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, халқ дипломатияси халқлар ва миллатлараро дўстона алоқаларни ривожлантирувчи, таҳдидларни олдини олувчи, давлатлар халқлари

<sup>1</sup> Nesterov Volodymyr (2016). American Public Diplomacy. Viche. 7–8: 32–36.

<sup>2</sup> Жамият ижтимоий- сиёсий газета. O'zbekiston tashqi siyosati: Ochiqlik, tinchliksevarlik va o'zaro hamkorlik <http://jamiyatgtz.uz/2017/06/27/ochiqlik-tinchliksevarlik-va-ozaro-hamkorlik/>

<sup>3</sup> Файзуллаев А. Публичная дипломатия на службе национальных интересов. Развитие дипломатии «мягкой силы» будет способствовать укреплению имиджа Узбекистана. 5 августа 2017, <https://www.gazeta.uz/ru/2017/08/05/public-diplomacy/>

<sup>4</sup> Жураев Р. Роль народной дипломатии Узбекистана в международных отношениях. 1998. -С.10.

<sup>5</sup> Талапов Б. Халқ дипломатияси янги босқичда. НамДУ. 2018. [http://fikr.uz/blog/poems/khal-diplomatiyasi-yangi-bos\\_ichida.html](http://fikr.uz/blog/poems/khal-diplomatiyasi-yangi-bos_ichida.html)



ўртасида самимий мулоқотлар ва дўстона муносабатларни шакллантирувчи механизм ҳисобланади. Халқ дипломатияси анъанавий дипломатиядан фарқли равишда бошқа халқлар маданияти ва тарихига ҳурмат билан муносабат билдириб, ўсиб келаётган ёш авлодларни бағрикенгликка, ўзаро дўстона маданий ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади. Халқ дипломатиясини халқлар ва миллатлар ўртасидаги тинчлик ва дўстлик элчиси дейиш мумкин<sup>1</sup>.

Юқоридаги таърифлардан келиб чиққанда, халқ дипломатияси тушунчасига ўзбек тилида ягона бир нуқтаи назар ишлаб чиқилмаганлигини кўриш мумкин. Аммо назарийётчиларнинг барчаси халқ дипломатиясининг ижобий ҳодиса эканлигини, унда амалга оширувчилар учун бир қатор устунликларга эгаллигини эътироф этишмоқда.

Муаллиф фикрича, халқ дипломатияси халқлар ва давлатлар ўртасида дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга ва ривожлантиришга хизмат қилувчи ҳар қандай алоқалар ва тинчлик воситасидир. Шунингдек, қуйидаги нуқтаи назарлар ҳам унинг моҳиятини очишда муҳим рол ўйнайди. Жумладан:

халқ дипломатияси ташқи аудитория билан алоқаларни ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи бўлиб, у давлатнинг халқаро жамоатчилик билан алоқаларини кенгайтиришга йўналтирилган давлат ва нодавлат ташкилотларнинг биргаликдаги фаолиятidir.

халқ дипломатияси бир мамлакат ҳукумати томонидан бошқа мамлакат фуқароларига қаратилган дипломатиядир.

халқ дипломатияси хорижда ўз давлати фуқаролари ва ҳамкор ташкилотлар билан узоқ муддатли муносабатларни таъминлаш, миллий кадриятларни ҳимоя қилиш, ташқи сиёсатнинг мақсадларини яхшироқ амалга оширишга хизмат қилиш вазифаларини бажаради.

халқ дипломатияси миллий манфаатларни илгари суриш ва ташқи жамоатчилик онги ва фикрига ўз таъсирини ўрнатишга эришиш, миллий хавфсизликни таъминлашга эришишдир.

халқ дипломатияси ўз мамлакатлари ва хорижий ҳамкорлар ўртасида мулоқотларни кенгайтиришга қаратилган. Бунга фаол халқаро алмашинув, ахборот дастурларни яратиш, маданиятни тарғиб қилиш кабилар киради.

халқ дипломатияси ҳукумат ва халқнинг манфаатларини ифода этиб, ҳукумат ва халқнинг жамоавий сиёсий мақсадларини амалга оширишдир.

оммавий дипломатия эса муайян мамлакат ҳукуматининг бошқа давлат аҳолисига нисбатан муносабатини амалга оширишдир.

Профессор А.Файзуллаевга (2017) кўра, халқ дипломатиясини икки йўлли кўчага ўхшатиш мумкин. Бири хусусий, индивидуал ташкилотлар кўринишида иккинчиси эса расмий ҳукумат кўринишида. Фильмлар намоиши, телевидение, мусиқа, спорт, видео ўйинлари ва бошқа ижтимоий маданий фаолиятлар фуқароларнинг бир-бирларини тушунишга ва ўзаро халқаро маданий алоқаларни ўрна-

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини мустаҳкамлашда халқ дипломатиясининг тутган ўрни мавзусида анжуман материали 26.05.2017. <http://www.presscenter.uz/news/info/news/1514/>



тиш халқ дипломатиясининг жуда муҳим жиҳатлари саналади. Бу замонавий халқ дипломатияси стратегияси ҳам саналади.

Халқ дипломатиясини кучайтириш билан фан, таълим, туризм, маданий тадбирларни кенгайтириш орқали мамлакат имиджини ошириш зарур. Уни амалга ошириш механизмлари эса пропаганда, маданият, таълим грант дастурлари, халқаро маданий ҳафталиклар, илмий оммавий тадбирлар, халқаро дўстлик кунлари, учрашувлар, туризм, миллий брендлар, халқаро лойиҳалар, конференция, халқаро теле ва радио эшиттиришлар, маданий дипломатия, мамлакат орзуси, сиёсий маданий иқтисодий интеграцион бирлашмалар ва ҳоказолар шулар жумласидандир<sup>1</sup>.

Халқ дипломатиясининг яна бир асосий воситаси бу мақсадли аудитория билан мулоқот қилишдир. Халқ дипломатиясининг характери анъанавий тарғиботлардан сезиларли даражада фарқ қилади.

Профессор А.Файзуллаев таърифича, халқ дипломатияси чет эл аудиторияси билан мулоқот қилиш учун халқ жамоат дипломатиясини таниқли жамоат ва маданият арбобларидан, таниқли ташкилотлар ва турли соҳалардаги одамлардан фойдаланиш самаралидир. Бу кўпинча расмий делегацияларнинг ташрифлари ва учрашувларидан кўра кўпроқ ижобий самара беради. Халқ дипломатияси мамлакатнинг халқаро миқёсдаги таъсирини кенгайтиради. Аммо бундай дипломатиянинг самарали бўлиши учун ходимларни ва янги турдаги мутахассисларни тайёрлаш зарурдир.

Ҳозирги кунда халқ дипломатияси билан шуғулланадиган дипломатлардан замонавий, кўпинча ноанъанавий билим ва кўникмалар талаб қилинади. Улар етакчилик фазилатларини намоёни қилишлари, жамоатчилик билан эркин мулоқотлари, мунозараларда иштирок этишлари, хорижий аудитория билан алоқалар ўрнатишлари, оммавий ахборот воситалари ва журналистлар билан маҳорат билан ишлаши ва ижтимоий тармоқларда ишлаш кўникмасига эга бўлиш талаб этилади. Бир сўз билан айтганда, улар жамоат билан ишлашда самарали бўлишлари талаб этилмоқда. Анъанавий дипломатия учун бу бутунлай характерли эмас эди, унда дипломатлар камроқ жамоатчилик билан алоқада бўлишар, бу ишларда алоҳида вакилларига эга эди.

Ҳозирда, бутун дунёдаги оддий одамлар оммавий ахборот воситалари, интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали энг муҳим жаҳон воқеаларини, халқаро дипломатик ҳаётни бевосита кузатиб бориб, сиёсий қарорларни қабул қилиш жараёнларига таъсир кўрсатмоқда. Мамлакатнинг кенг кўламли ахборот маконларга чиқиши ва хорижий жамоатчиликни мамлакат тарихи ва маданияти билан таништиришда, дипломатия устувор рол ўйнайди ва у давлатнинг стратегик вазифаларини бажаради. Ҳозирги тезкор ўзгаришлар, дипломатлардан нафақат

---

<sup>1</sup> Файзуллаев А. Публичная дипломатия на службе национальных интересов. Развитие дипломатии «мягкой силы» будет способствовать укреплению имиджа Узбекистана. 5 августа 2017, <https://www.gazeta.uz/ru/2017/08/05/public-diplomacy/>



анъанавий вазифаларни бажариш, балки кенг халқаро жамоатчиликнинг онги ва қалбига таъсир қилишни ҳам талаб қилади<sup>1</sup>.

Халқ дипломатияси қуйидаги муҳим тушунчаларни ҳам ўз ичига қамраб олади. Уларга юртдошлар (бир юртда, заминда яшовчи турли миллатга мансуб халқлар, ижтимоий ҳолатидан қатъий назар муайян бир давлатнинг фуқароларига айтилади), ватандошлар (турли юртлар давлатларида доимий ва вақтинчалик яшовчи бир миллат ёки давлатга мансуб халқлар, ижтимоий ҳолатидан қатъий назар ўз давлати ва хорижий давлатлар фуқаролари), миллатдошлар (мамлакатда ва хорижда доимий ёки вақтинчалик яшовчи бир миллат вакиллари, фуқароларига айтилади) шуларни ҳам келтириш жоиз. Шунингдек, диаспора – бу битта этник жамоа бўлиб, асосан тили, маданияти, ўзига хослиги билан ўз миллатини намоён этувчилардир бироқ бошқа давлатда яшовчи қатламдир<sup>2</sup>.

**Хулоса**, юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, халқаро муносабатлар тарихида халқ дипломатияси ташқи сиёсатнинг муҳим қисми ўлароқ, халқлар ўртасидаги муносабатларни яхшилаш воситаси сифатида кириб келган. Шунинг учун ҳозирда у халқаро майдонда мамлакат ва унинг манфаатларини тарғиб қилиш, ижобий имиджини яратиш, кенг омма учун унинг мақсад ва қадриятларни тушунтиришга қаратилган сиёсат, иқтисодиёт, таълим, илм-фан, технология, савдо, сармоя ва сайёҳларни, мамлакатга жалб қилиш, халқаро майдонда унинг обрўси, манфаатларини таъминлаш учун муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Иккинчидан, халқ дипломатияси XX аср дипломатияси сифатида ҳамон долзарблиги юқори бўлса, XXI аср дипломатиясида эса асосан рақамли технология билан боғланади. Бу ўз навбатида икки йўналишда муҳим устувор аҳамият касб этади:

Биринчидан, коммуникация маҳорати ОАВ билан интервью, одамлар билан ишлаш лаёқати;

Иккинчидан, бошқарув (менежмент) маҳорати яъни эргашувчилар, ходимларни ва лойиҳаларни бошқариш кабиларнинг аҳамияти кун сайин ортиб бормоқда.

Шу билан бирга, илмий таклиф сифатида халқ дипломатияси атамасини бугунги замонавий халқаро муносабатларга такомиллаштириш мақсадида уни “Ақлли халқ дипломатияси” атамаси сифатида кенгайтирган ҳолда талқин қилиш айни муддао саналади. Чунки давр ўзгармоқда, дунёқарашлар ўзгармоқда, рақамли дипломатия кўринишида янги механизмлар кириб келаётганлигини инобатга олиб, унинг қамров микёси ҳам кенгайиб бормоқда.

<sup>1</sup> Файзуллаев А. Публичная дипломатия на службе национальных интересов. Развитие дипломатии «мягкой силы» будет способствовать укреплению имиджа Узбекистана. 5 августа 2017, <https://www.gazeta.uz/ru/2017/08/05/public-diplomacy/>

<sup>2</sup> [www.dictionary.cambridge.org/diaspora](http://www.dictionary.cambridge.org/diaspora)

**ПАРАМОНОВ ВЛАДИМИР**

Кандидат политических наук, Координационно-методический  
Центр по вопросам новейшей истории Узбекистана при  
АН Республики Узбекистан

**Экономические аспекты взаимодействия  
России и стран Центральной Азии**

**Аннотация.** В статье междисциплинарно рассматриваются российско-центральноазиатские отношения с фокусом на их экономической составляющей. Специфика продолжающегося (с 2003 года) исследования, являющегося основой для статьи, заключается в попытке системно оценить ключевые элементы взаимодействия России и стран Центральной Азии в сферах политики, безопасности, экономики (в том числе в сегменте энергетики), а также в социальной сфере. Через призму этого также обозначаются наиболее важные факторы и этапы отношений в период 1991–2018 годов, приводятся ранее не объединенные в одном материале статистические данные. За прошедшие годы с момента провозглашения независимости стран ЦА экономические отношения между РФ и странами региона характеризуются чередой "взлетов" и "падений". Заметная активизация российского бизнеса и в целом экономической политики РФ в ЦА стала наблюдаться с началом 2000-х годов. В первую очередь стратегические интересы России коснулись нефтегазового сектора, где оказалась представлена подавляющая часть российских инвестиций. В последние годы, в условиях сохраняющихся санкций Запада, центральноазиатский регион становится для России одним из наиболее важных, причем безальтернативных, экономических регионов. В настоящее время начинают проявляться новые тенденции по интенсификации и углублению экономического взаимодействия, в том числе диверсификации связей по отраслям экономики, расширению географии и улучшению качества сотрудничества. Важную роль в развитии экономических отношений играли и продолжают играть инвестиции из самих стран ЦА в РФ. Более того, уже многие годы динамично и масштабно развиваются отношения между Россией и странами Центральной Азии в сегменте трудовой миграции. В целом же, значение трудовой миграции высоко не только для РФ, но и для самих стран ЦА. Делается вывод, что в последние годы российско-центральноазиатские отношения характеризуются достаточно высокой динамикой. Несомненно, что развитию взаимодействия во многом благоприятствуют традиционно тесные двусторонние и многосторонние связи: в силу исторической общности, географического соседства, социокультурной и иной близости, наличия институциональных форматов, взаимного стремления к сотрудничеству.

**Опорные слова и выражения:** Россия, Центральная Азия, Казахстан, Кыргызстан, Таджикистан, Туркменистан, Узбекистан, политика, экономика, торговля, инвестиции, трудовая миграция.

**Аннотация.** Мақолада Россия-Ўрта Осиё муносабатлари уларнинг иқтисодий таркибий қисмларига эътибор қаратилган ҳолда фанлароро нуқтайи назардан кўрилади. Мақоланинг асосини ташкил этувчи давом этаётган тадқиқотнинг ўзига хос хусусияти Россия ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги муносабатларнинг сийёсат, хавфсизлик, иқтисодийёт (шу жумладан энергетика соҳасидаги) соҳаларидаги ўзаро таъсирининг муҳим элементларини тизимли равишда баҳолашга уринишидир. Шу



нуқтаи назардан, 1991–2018 йиллардаги муносабатларнинг энг муҳим омиллари ва босқичлари кўрсатилган ва илгари битта материалда бирлаштирилмаган статистик маълумотлар келтирилган. Марказий Осиё мамлакатлари мустақилликка эришгандан кейинги йиллар давомида Россия Федерацияси ва минтақа мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий муносабатлар бир қатор "кўтарилишлар" ва "пасайиш" билан ажралиб турди. Россия бизнесининг сезиларли даражада фаоллашуви ва Россия Федерациясининг Ўрта Осиёда умумий иқтисодий сиёсати 2000 йилларнинг бошидан бошлаб кузатила бошланди. Биринчидан, Россиянинг стратегик манфаатлари нефт ва газ соҳасига қаратилган эди. Россия сармояларининг аксарияти ушбу секторга инвестиция қилинган. Сўнгги йилларда Ғарбнинг доимий санкцияларига қарамай, Марказий Осиё минтақаси Россия учун энг муҳим ва муқобил бўлмаган иқтисодий минтақалардан бирига айланди. Ҳозирги вақтда иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштириши ва чуқурлаштиришининг янги тенденциялари пайдо бўлмоқда, жумладан иқтисодиёт тармоқлари бўйича алоқаларни диверсификация қилиши, географияни кенгайтириши ва ҳамкорлик сифатини яхшилаши. Иқтисодий алоқаларни ривожлантиришида Марказий Осиё мамлакатларининг Россия Федерациясига киритган сармоялари муҳим рол ўйнаган ва ҳозиргача шундай бўлиб келмоқда. Бундан ташқари, кўп йиллар давомида Россия ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги муносабатлар меҳнат миграцияси сегментида жадал ривожланмоқда. Умуман олганда, меҳнат миграциясининг аҳамияти нафақат Россия Федерацияси, балки Марказий Осиё мамлакатларининг ўзлари учун ҳам муҳимдир. Сўнгги йиллардаги Россия-Марказий Осиё муносабатлари анча юқори динамика билан ажралиб туради. Шубҳасиз, ҳамкорликни ривожлантиришга анъанавий равишда яқин икки томонлама ва кўп томонлама алоқалар ёрдам беради: тарихий ҳамжамият, жугрофий яқинлик, ижтимоий-маданий ва бошқа яқинлик, институционал шаклларнинг мавжудлиги ва ўзаро ҳамкорлик истаги.

**Таянч сўз ва иборалар:** Россия, Марказий Осиё, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон, сиёсат, иқтисодиёт, савдо, инвестиция, меҳнат миграцияси.

**Abstract.** The article discusses interdisciplinary Russian-Central Asian relations with a focus on its economic component. The specifics of the ongoing research, which is the basis for the article, is an attempt to systematically evaluate the key elements of interaction between Russia and Central Asian countries in the areas of politics, security, the economy (including in the energy sector), as well as in the social sphere. Through this lens, the most important factors and stages of relations in the period of 1991-2018 are also identified, and statistics not previously combined in one material are provided. Over the past years, since the declaration of independence of the Central Asian countries, economic relations between the Russian Federation and the regional countries have been characterized by a series of "ups" and "downs". A noticeable activation of Russian business and the overall economic policy of the Russian Federation in Central Asia began to be observed from the beginning of the 2000s. Russia's strategic interests have touched the oil and gas sector, where the vast majority of Russian investments have been represented. In recent years, in the face of continuing Western sanctions, the Central Asian region has become one of the most important, and non-alternative, economic regions for Russia. At present, new trends are beginning to intensify and deepen economic cooperation, including diversification of ties across sectors of the economy, expanding geography and improving the quality of cooperation. Investments from the Central Asian





*countries themselves in the Russian Federation have played and continue to play an important role in the development of economic relations. Moreover, relations between Russia and Central Asian countries in the labor migration segment have been developing dynamically and on a large scale for many years. In general, the importance of labor migration is high not only for the Russian Federation, but also for the Central Asian countries themselves. It is concluded that in recent years, Russian-Central Asian relations have been characterized by rather high dynamics. There is no doubt that the development of interaction is largely favored by traditionally close bilateral and multilateral ties: due to historical commonality, geographical proximity, socio-cultural and other proximity, the presence of institutional formats, and mutual desire for cooperation.*

*Keywords and expressions: Russia, Central Asia, Kazakhstan, Kyrgyzstan, Tajikistan, Turkmenistan, Uzbekistan, politics, economy, trade, investment, labor migration.*

**Введение.** После распада Советского Союза пришедшая к власти в Российской Федерации (РФ) во главе с Борисом Ельциным новая элита стала решительно избавляться от наследия СССР, разрушая тем самым фундаментальные основы бывшей советской государственной системы. Поэтому в начале 90-х годов Центральная Азия (ЦА) рассматривалась как некий ненужный и неприоритетный регион. По отношению к нему проводилась политика по избавлению от "груза национальных республик". Соответственно, и в самих странах ЦА возник некий "барьер отчуждения", а действия ельцинской администрации подталкивали их ко все более решительным шагам по диверсификации своих внешних связей.

Однако, начиная с середины 90-х годов, стали появляться первые признаки того, что Россия пытается выработать принципиально новые внешнеполитические подходы вообще и в отношении постсоветского пространства (включая Центральную Азию) в частности. Значение региона в системе национальных приоритетов РФ существенно выросло, когда концептуальной основой российской внешней политики стал курс "на многополярность", озвученный в 1996 году новым главой российского МИД Евгением Примаковым.

При этом очевидно, что именно деятельность Е.Примакова на посту министра иностранных дел (период 1996–1998 годов), а затем – в должности премьер-министра (период 1998–1999 годов) во многом задавала тон и направленность процессу концептуального поиска Россией своего нового места и своей новой роли в формирующейся системе международных отношений, а в этой связи – переосмыслению значения ЦА и всего постсоветского пространства. До своего прихода в большую политику Е.Примаков получил уникальный опыт государственной работы, возглавлял Службу внешней разведки (период 1991–1996 годы) и весьма скептически оценивал перспективы "интеграции" РФ в западном направлении. Более того, по мнению Е.Примакова, некоторые западные государства стремились использовать в своих интересах факт ослабления влияния РФ в мире в целом и на постсоветском пространстве в частности. Так в одной из работ Е.Примаков отметил: "Руководители ряда стран Запада действуют



с целью не допустить особой роли России в стабилизации обстановки в бывших республиках СССР, сорвать развитие тенденций на их сближение с Россией<sup>1</sup>.

Приход же к власти в 2000 году Владимира Путина и его команды стал во многом поворотным событием в развитии отношений между РФ и ЦА. Российская внешнеполитическая стратегия стала приобретать все более отчетливо выраженную направленность на становление страны в качестве одного из центров современных международных отношений. По сути, в основе этого продолжала лежать концепция "многополярного мира", выдвинутая еще академиком Е.Примаковым.

